

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚарДУ ХАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

**Журнал 2009 йилда
ташкил этилган**

**Йилига 4 марта
чоп этилади**

4(34). 2017

Қарши – 2017

ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:

Бош муҳаррир проф. ШОИМКҶУЛОВ Б.А.
Бош муҳаррир ўринбосари проф. ЁЗИЕВ Л.Ҳ.
Масъул котиб доц. ЖУМАЕВ Т.Ж.

Таҳририят Ҳайъати аъзолари:

проф. ЖАББОРОВ А.М.	фалс.ф.д. ЧОРИЕВ С.А.
проф. ЖАББОРОВ Н.А.	пед.ф.д. ШОДИЕВ Р.Д.
б.ф.д. КУЧБОЕВ А.Э.	ф.ф.д. ШОДМОҶОВ Н.Н.
проф. МЕНГЛИЕВ Б.Р.	ф.-м.ф.д. ШУКУРОВ А.М.
проф.МУРТОЗАЕВА Р.Х.	проф. ЭШОВ Б.Ж.
проф. РАҲМОҶОВ Н.Р.	проф. ЭШҚОБИЛОВ Ю.Х.
проф. РОЗИҚОВ Ў.А.	проф. ҚУРБОҶОВ Ш.Қ.
проф.СУЛАЙМОҶОВ Р.Х.	доц. АБДУЛЛАЕВ С.И.
ф.-м.ф.д. ТАШАТОВ А.К.	доц. БЎРИЕВ О.Б.
проф.ТОЖИБОЕВ К.Ш.	доц. КАМОЛОВ Л.С.
проф. ТЎЙЧИЕВ Б.Т.	доц. ЭРКАЕВ А.П.
проф. ТЎРАЕВ Б.О.	доц. ГАФҶОРОВА Т.Ғ.
проф. ТЎРАЕВ Д.Т.	доц. ҲАЛИМОВ Ғ.Ғ.

Манзилимиз:

180003, Қарши, Кўчабоғ, 17. Қарши давлат университети, Бош бино.
Тел.: (90) 441-33-73, факс: 221-00-56; web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz
E-mail: qarduxj@qarshidu.uz ёки qarduxj@umail.uz

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Главный редактор	проф. ШАИМКҶУЛОВ Б.А.
Заместитель главного редактора	проф. ЁЗИЕВ Л.Х.
Ответственный секретарь	доц. ДЖУМАЕВ Т.Ж.

Члены редколлегии:

проф. ДЖАББАРОВ А.М.	проф. ТУРАЕВ Д.Т.
проф. ДЖАББАРОВ Н.А.	д.филос.н. ЧАРИЕВ С.А.
проф. КУРБАҶОВ Ш.К.	д.пед.н. ШАДИЕВ Р.Д.
д.б.н. КУЧБАЕВ А.Э.	д.ф.н. ШАДМАҶОВ Н.Н.
проф. МЕНГЛИЕВ Б.Р.	д.ф.-м.н. ШУКУРОВ А.М.
проф. МУРТАЗАЕВА Р.Х.	проф. ЭШКАБИЛОВ Ю.Х.
проф. РАЗИКОВ У.А.	проф. ЭШОВ Б.Ж.
проф. РАХМАҶОВ Н.Р.	доц. АБДУЛЛАЕВ С.А.
проф. СУЛАЙМАҶОВ Р.Х.	доц. БУРИЕВ О.Б.
д.ф.-м.н. ТАШАТОВ А.К.	доц. ГАФҶАРОВА Т.Ғ.
проф. ТАДЖИБАЕВ К.Ш.	доц. КАМАЛОВ Л.С.
проф. ТУЙЧИЕВ Б.Т.	доц. ХАЛИМОВ Ғ.Ғ.
проф. ТУРАЕВ Б.О.	доц. ЭРКАЕВ А.П.

Адрес редакции:

180003, Қарши, Кучабег, 17. Қаршинский госуниверситет, Главный корпус.
Тел.: (90) 441-33-73, факс: 221-00-56; web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz
E-mail: qarduxj@qarshidu.uz или qarduxj@umail.uz

**IKKINCHI TARTIBLI TENGLAMALAR UCHUN
CHEGARAVIY MASALANING UMUMLASHGAN VA KUCHSIZ YECHIMLARI**

Muqumov A.H. (QarDU)

Tayanch soʻz va iboralar: *differensial operator, umumlashgan yechim, kuchsiz yechim, pozitiv operator, yarim grupp.*

Ushbu ishda quyidagi

$$\frac{d^2 u}{dt^2} = Hu(t), \quad 0 \leq t \leq T \leq \infty \quad (1)$$

differensial tenglama uchun chegaraviy masala oʻrganiladi. Bunda $H(x, D)$ – ikkinchi tartibli elliptik differensial operator boʻlib, bu operator

$$H(x, D) = -\Delta + q(x) \quad (2)$$

koʻrinishda. (2) operatoridagi $\Delta = \sum_{i=1}^n \frac{d^2}{dx_i^2}$ va $q(x)$ haqiqiy oʻzgaruvchili va haqiqiy qiymatli funksiya boʻlib, quyidagi munosabatni qanoatlantiradi:

$$|D^\alpha q(x)| \leq \frac{C}{|x|^{1+|\alpha|+\tau}}, \quad 0 \leq |\alpha| = \alpha_1 + \alpha_2 + \dots + \alpha_n \leq n, \quad 0 < \tau < 1. \quad (3)$$

1-taʼrif. $u(t)$ funksiya (1) tenglamaning kuchsiz yechimi deyiladi, agarda:

1) $u(t)$ funksiyaning birinchi tartibli xususiy hosilasi $[0, T]$ da uzluksiz boʻlib, ikkinchi tartibli hosilasi $(0, T)$ da uzluksiz boʻlsa; 2) $0 < t < T$ boʻlganda $u(t)$ funksiyaning qiymati $D(H)$ ga tegishli boʻlib, $H^{1/2}u(t)$ funksiya $0 \leq t \leq T$ da uzluksiz boʻlsa; 3) $u(t)$ funksiya $(0, T)$ da (1) tenglamaning shartini qanoatlantirsa.

2-taʼrif. $u(t)$ funksiya (1) tenglamaning umumlashgan yechimi deyiladi, agarda: 1) $u(t)$ funksiya $[0, T]$ da uzluksiz, ikkinchi tartibli hosilasi $(0, T)$ da uzluksiz boʻlib, $H^{-1/2}u(t)$ funksiyaning birinchi tartibli hosilasi $[0, T]$ da uzluksiz boʻlsa; 2) $0 < t < T$ boʻlganda $u(t)$ funksiyaning qiymati $D(H)$ ga tegishli boʻlsa; 3) $u(t)$ funksiya $(0, T)$ da (1) tenglamaning shartini qanoatlantirsa.

Agar qaralayotgan operator pozitiv operator boʻlsa, unda operatorning kasr tartibli darajasi quyidagi formula orqali aniqlanadi:

$$H^\alpha u = \frac{\sin \pi \alpha}{\pi} \int_0^\infty t^{\alpha-1} H(H+tI)^{-1} u dt, \quad u \in D(H), \quad 0 < \operatorname{Re} \alpha < 1 \quad (4)$$

4-taʼrif. Chiziqli chegaralangan operatorlar oilasi $V(t)$ t parametrga $(0 < t < +\infty)$ nisbatan yarim grupp tashkil qiladi deyiladi, agarda quyidagi munosabat oʻrinli boʻlsa:

$$V(t_1 + t_2) = V(t_1)V(t_2) \quad (0 < t_1, t_2 < \infty)$$

5-ta'rif. Agar $V(t)$ yarim gruppaga $t > 0$ bo'lganda tekis uzluksiz bo'lib, ixtiyoriy $x \in E$ element uchun $\lim_{t \rightarrow +0} V(t)x = x$ bo'lsa, unda $V(t)$ yarim gruppaga C_0 sinfga tegishli deyiladi.

Teorema. (1) tenglamaning barcha umumlashgan yechimi

$$u(t) = V(t)z_0 + V(T-t)W_T, \quad z_0, W_T \in D(H^{\frac{1}{2}})$$

ko'rinishda bo'ladi va aksincha. (1) tenglamaning (4) ko'rinishidagi umumlashgan yechimi kuchsiz yechim bo'lishi uchun $z_0, W_T \in D(H^{\frac{1}{2}})$ bo'lishi zarur va yetarli. $0 < t < T$ bo'lganda (1) tenglamaning umumlashgan yechimi t o'zgaruvchiga nisbatan analitik funksiya bo'ladi.

Endi esa keltirilgan ta'riflardan foydalangan holda teoremani isbotlaymiz.

Teoremaning isboti. Teoremani birinchi tasdig'ini isbotlash uchun quyidagi yordamchi funksiyani kiritamiz:

$$v(t) = H^{-1/2} \frac{du}{dt} \quad (5)$$

(5) tenglikning har ikkala tomonini t o'zgaruvchi bo'yicha differensiallab,

$$\frac{dv}{dt} = H^{-\frac{1}{2}} \frac{d^2u}{dt^2} = H^{-\frac{1}{2}} H u = H^{\frac{1}{2}} u \quad (6)$$

bo'lishini topamiz. (5) va (6) tengliklardan foydalanib,

$$\begin{cases} \frac{du}{dt} = H^{1/2} v \\ \frac{dv}{dt} = H^{1/2} u \end{cases}$$

tenglamalar sistemasini hosil qilamiz. $z = \frac{1}{2}(u - v)$, $w = \frac{1}{2}(u + v)$ deb o'zgaruvchilarni almash-tiramiz. Natijada

$$\frac{dz}{dt} = \frac{1}{2} \left(\frac{du}{dt} - \frac{dv}{dt} \right) = \frac{1}{2} \left(H^{\frac{1}{2}} v - H^{\frac{1}{2}} u \right) = -\frac{1}{2} H^{\frac{1}{2}} (u - v) = -H^{\frac{1}{2}} z$$

$$\frac{dw}{dt} = \frac{1}{2} \frac{d}{dt} (u + v) = \frac{1}{2} \left(\frac{du}{dt} + \frac{dv}{dt} \right) = \frac{1}{2} \left(H^{\frac{1}{2}} v + H^{\frac{1}{2}} u \right) = H^{\frac{1}{2}} w$$

bo'lishini topamiz. Shunday qilib

$$\frac{dz}{dt} = -H^{\frac{1}{2}} z; \quad \frac{dw}{dt} = H^{\frac{1}{2}} w \quad (7)$$

Isbotlangan 2,1-teoremaga ko'ra, $H^{\frac{1}{2}}$ - operator kuchli uzluksiz chegaralangan $V(t)$ yarim gruppani tashkil qiladi. Shuningdek, bu $V(t)$ kuchli uzluksiz yarim gruppaga C_0 - shartni qanoatlantiruvchi analitik yarim gruppaga ham bo'ladi. Shuning uchun (7) tenglamalar uchun qo'yilgan Koshi masalasi korrektdir.

Shunga ko`ra,

$$z(t) = V(t)z_0 \text{ va } w(t) = V(T-t)w_T \quad (8)$$

bo`lishini topamiz. $z(t)$ va $w(t)$ funksiyalar (1) tenglamaning yechimi bo`lishi uchun bu funksiyalar ikkinchi tartibli differensial uzluksiz hamda $z_0, w_T \in D(H^{\frac{1}{2}})$ bo`lishi kerak. Shuning bilan birgalikda (8) tenglamaning $0 < t < T$ shartni qanoatlantiruvchi yechimi ixtiyoriy z_0 va w_T da cheksiz differensiallanuvchi funksiya bo`ladi.

Agarda $z_0, w_T \in D(H^{\frac{1}{2}})$ bo`lsa, unda (2.4) ko`rinishda aniqlangan funksiya (1) tenglamaning kuchsiz yechimi bo`ladi.

Haqiqatan ham

$$H^{1/2}u(t) = V(t)H^{1/2}z_0 + V(T-t)H^{1/2}w_T,$$

$$\frac{du}{dt} = -V(t)H^{1/2}z_0 + V(T-t)H^{1/2}w_T \quad (0 \leq t \leq T)$$

$$\frac{d^2u}{dt^2} = HV(t)z_0 + HV(T-t)w_T = Hu \quad (0 < t < T).$$

$H^{1/2}u(t)$ va $\frac{du}{dt}$ funksiyalarning $[0, T]$ segmentda uzluksizligidan hamda $0 < t < T$ bo`lganda $\frac{d^2u}{dt^2}$ funksiyaning uzluksizligidan $V(t)$ – ning yarim grupp bo`lishi kelib chiqadi. Xuddi shuningdek, ixtiyoriy $z_0, w_T \in W_p^2(R^n)$ elementlar uchun (7) formula bilan aniqlangan funksiyaning ham (1) tenglamaning umumlashgan yechim bo`lishi tekshiriladi.

Faraz qilaylik, $u(t)$ – funksiya (1) tenglamaning umumlashgan yechimi bo`lsin. U holda

$$v(t) = \frac{d}{dt}(H^{-1/2}u)$$

funksiya $[0, T]$ segmentda uzluksiz hamda $0 < t < T$ bo`lganda (5) va (6) tenglamalarning shartini qanoatlantiradi. Bu esa $z(t)$ hamda $w(t)$ funksiyalarning (7) tenglamalar uchun qo`yilgan to`g`ri va teskari Koshi masalalarining yechimlari bo`lishini anglatadi. Shunga ko`ra, (7) tenglamalar uchun to`g`ri va teskari qo`yilgan Koshi masalalarining yechimini (8) formula orqali aniqlanadi, bunda

$$z_0 = z(0) = \frac{1}{2} \left(u(0) - (H^{-1/2}u)'(0) \right),$$

$$w_T = z(0) = \frac{1}{2} \left(u(T) + (H^{-1/2}u)'(T) \right).$$

Bordi-yu $u(t)$ funksiya (1) tenglamaning kuchsiz yechimi bo`lsa, unda

$$z_0 = \frac{1}{2} \left(u(0) - H^{-1/2} u'(0) \right) \in D(H^{1/2}),$$

$$w_T = \frac{1}{2} \left(u(T) + H^{-1/2} u'(T) \right) \in D(H^{1/2}).$$

Teorema isbotlandi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ильин В. А. Ядра дробного порядка // Мат. сб. 1957. – Т.41. – № 4. – С. 459–480.
2. Алимов Ш. А. Дробные степени эллиптических операторов и изоморфизм классов дифференцируемых функций // Дифференциальные уравнения. 1972. – Т. 8, – № 9. – С. 1609–1626.
3. Красносельский М. А., Пустыльник Е. И. Использование дробных степеней операторов при изучении рядов Фурье по собственным функциям дифференциальных операторов // ДАН. 1958. – Т. 122. – № 6. – С. 459–480.
4. Халмухамедов А.Р. Об отрицательных степенях сингулярного оператора Шредингера и сходимость спектральных разложений // Мат. заметки. 1996. – № 59(3). – С. 428–436 .
5. Костин В.А., Небольсина М.Н. О корректной разрешимости краевых задач для уравнения второго порядка // ДАН. 2009. – Т. 428. – № 1. – С. 20–22.

REZYUME

Ushbu maqolada differensial operatorlarning kasr tartibli darajalarining xossalariidan foydalangan holda giperbolik tenglamalar uchun chegaraviy masalaning umumlashgan va kuchsiz yechimlari o'rganilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье изучаются обобщенные и слабые решения краевой задачи для уравнений гиперболического типа с применением свойств дробных степеней дифференциального оператора

SUMMARY

In this paper we investigate the generalized and weak solutions of the boundary value problem for equations of hyperbolic type by using of properties of fractional powers of the differential operator.

Nashrga dots. E. Aliqulov tavsiya etgan

О ДЕФЕКТАХ СТРУКТУРЫ И ПРОЦЕССАХ СЛИЦИДООБРАЗОВАНИЯ В ТОНКОПЛЕНОЧНЫХ МНОГОКОМПОНЕНТНЫХ СИСТЕМАХ ИМПЛАНТИРОВАННЫХ СЛОЕВ

Маллаев А.С. (КарГУ)

Ключевые слова: кремний, ионное легирование, марганец, железо, кобальт, никель, технология, электронно-спектроскопические методы.

Дефекты, образовавшиеся в кремниевых подложках в процессе имплантации, при последующем отжиге превращаются во вторичные дефекты, такие как полные и частичные дислокационные петли, стержневидные дефекты и т.д. [1-3].

Характер линейных и плоских дефектов зависит от типа ионов, поверхностной плотности заряда D , и температуры отжига. Так, при D , меньших 160 мкКл/см^2 , для ионов бора при отжиге при температуре $973\text{--}1073\text{К}$ наблюдали большое число дефектов типа стержней, параллельных кристаллографическим направлениям (110) [4]. Эти стержни представляют собой цилиндрические включения межузельных атомов, вакансий или примесей. Длина их зависит от энергии ионов E и при $E=100 \text{ кэВ}$ достигает 3 мкм , то есть

она простирается за пределы облученного слоя. Интересно, что если имплантацию проводили при температуре жидкого азота, то стержни не образовывались.

Траковку природы стержневидных дефектов в Si ориентации (111), облученной ионами бора энергией 40 кэВ при $D=140$ мкКл/см², дают авторы [2]. Все наблюдаемые ими стержневидные дефекты были расположены в одном из возможных направлений (111); из них три – в плоскости (111), параллельной поверхности образца, и три – в плоскости (111), наклонной к поверхности образца. Средняя длина дефектов равна ~ 800 нм для первого случая и ~ 400 нм – для второго.

Стержневидные дефекты нестабильны. При отжиге они исчезают или преобразуются в другие виды дефектов [4]. Так, в работе [3] установлено, что отжиг кремния при $T=1173$ К приводит к резкому уменьшению количества стержневидных дефектов и к появлению большого числа дислокационных петель. Дислокационные петли являлись, главным образом, петлями внедрения и были образованы, по-видимому, атомами кремния. Авторы [1] наблюдали линейные дефекты, параллельные направлениям (112). Часть линейных дефектов являлась протяженными дислокационными диполями, которые при повышении температуры отжига превращались в дислокационные петли, а часть – это ряды атомов бора, занявших положение вдоль {110} – исчезала при дальнейшем отжиге. Наряду с этим, при отжиге в области до температур 1273-1473 К образуются новые петли нескольких типов [1,5]:

- 1) лежащие в плоскости (111), параллельной поверхности, с векторами Бюргера типа $a/2$ (111);
- 2) лежащие в наклонных плоскостях (111) гексагональные петли Франка: ~ 30 % их – внедренного типа, остальные – вакансионного, вектор Бюргера типа $a/3$ (111);
- 3) лежащие в плоскости (110) полные призматические дислокационные петли с векторами Бюргера типа $a/2$ (110).

Петли двух последних типов имели одинаковые размеры – примерно 100 нм.

Образование дислокаций авторы наблюдали после бомбардировки монокристаллов кремния ионами бора и последующего отжига [1]. Было установлено, что при $D \sim 5 \cdot 10^3$ мкКл/см² их плотность, подсчитанная по фигурам травления, возрастала с $5 \cdot 10^3$ до $3 \cdot 10^5$ см⁻².

Сопоставление результатов, относящихся к различным дозам имплантации, свидетельствует о том, что формирование дефектов во время отжига в зависимости от дозы имплантации может быть различным. Например, в [5] отмечено, что для ионов фосфора при малых D (2,9 – 10) мкКл/см² после отжига не наблюдается высокой плотности дефектов; при более высоких плотностях заряда (от 50 до 100 мкКл/см²) во время отжига образуются дислокационные петли общей плотностью до 10^9 см⁻². В случае высоких $D=2900$ мкКл/см² при высокотемпературном отжиге образуются дислокационные сетки несоответствия [5].

Аналогично выглядит сопоставление данных для образцов, имплантированных ионами бора, только в соответствии с массой иона изменяется величина “критической” дозы [6].


С увеличением энергии ионов уменьшается величина “критической” дозы. Энергия ионов оказывает влияние на глубину залегания дефектов, хотя эта зависимость неоднозначна, так как режимы и атмосфера отжига очень сильно могут изменить этот параметр [6].

Для образцов, имплантированных ионами бора, в интервале температур 293 – 873К происходит быстрый отжиг радиационных повреждений, как показано на рис. 1.

Но в этом интервале температур еще не происходит рекристаллизации нарушенного слоя. При повышении температуры от 873 до 1073К в [7,8] отмечен так называемый обратный отжиг, проявляющийся в повышении поверхностного сопротивления. Согласно [9], причина этого явления имеет двойную природу: распад твердого раствора бора в кремнии, сопровождающийся осаждением атомов бора на дислокациях, и вытеснение бора из

узлов атомами кремния, появляющимися в междоузлиях в результате распада сложных дефектов. Когда подобные образцы отжигали при температуре 1200–1300К, дефекты структуры представляли собой дислокационные петли.

Рис.1.



Отжиг разупорядочения решетки кремния в области температур от $T=293\text{ К}$ до $T=873\text{ К}$; $E=100\text{ кэВ}$.

1 - $D=1,6 \cdot 10^3\text{ мкКл/см}^2$

2 - $D=5 \cdot 10^2\text{ мкКл/см}^2$

3 - $D=1,6 \cdot 10^2\text{ мкКл/см}^2$

Дальнейшее повышение температуры отжига до 1473К сопровождалось уменьшением плотности дефектов [4].

Авторы [10] наблюдали влияние атмосферы отжига на распределение дефектов (температура отжига – 1373 К). При отжиге в атмосфере влажного кислорода краевые

дислокации, лежащие в плоскости (111) параллельно поверхности, перемещались в глубь образца, тогда как в сухом азоте оставались на одной и той же глубине от поверхности.

Так как дислокации залегают в параллельной поверхности плоскости (111), то они могут двигаться в образце по механизму переползания или поглощая вакансии. Известно, что процесс окисления вызывает истощения вакансиями поверхностного слоя, значит, дислокации испускают вакансии к поверхности и благодаря этому перемещаются в глубь образца. Влияние атмосферы отжига на процесс формирования дислокационных сеток в ионно-легированных слоях установлено в работе [10]. Показано, что при отжиге в сухом азоте “критическая” доза облучения, необходимая для создания дислокационной сетки, в три раза выше значения критической дозы при отжиге во влажном кислороде.

Одним из наиболее перспективных направлений создания контактов к мелкозалегающим р-п переходам в кремневых ИС является, как было отмечено выше, использование многокомпонентных систем. Процессы формирования силицидных фаз в многокомпонентных тонкопленочных системах могут протекать либо в многослойных сэндвич-структурах, где каждый слой получен нанесением отдельного компонента, либо в системах, где на поверхность кремния нанесена пленка многокомпонентного сплава. Особыми случаями процессов формирования силицидных фаз оказываются процессы силицидообразования, протекающие в системах, где одним из компонентов, входящих в состав наносимой пленки, является кремний. К настоящему времени уже накоплен достаточный для систематизации и обобщения экспериментальный материал, касающийся силицидообразования в системах, где в процессах взаимодействия с монокристаллической кремневой подложкой участвуют два разных металла или их сплав (более точно – смесь металлов, полученная либо совместным вакуум-термическим испарением компонентов, либо их совместным распылением в методе ионно-плазменного нанесения пленок, или сплавов одного из металлов с кремнием). В числе металлов-компонентов на сегодняшний день изучены тугоплавкие и редкоземельные металлы, а также металлы платиновой группы (рис. 2).

Согласно анализу, проведенному выше, существуют следующие пути для снижения глубины взаимопроникновения атомов металла и кремния во время процесса формирования переходного слоя силицида на поверхности полупроводниковой подложки:

1. Можно обеспечить реакционную диффузию атомов кремния извне, и тем самым снизить расход кремния из подложки. Пути реализации такого рода процесса показаны на рис. 3: использование сэндвич-структур (а), многослойной структуры (б) и, наконец, использование для формирования контакта к мелкозалегающему р-п переходу пленки сплава, полученного распылением металла и кремния в одном технологическом цикле (в).

2. Можно использовать в качестве исходного материала при формировании контакта к мелкозалегающему р-п переходу пленки сплава АВ, в котором компонент А, взаимодействуя с кремнием, образует барьер Шоттки необходимой высоты или хороший невыпрямляющий контакт, а компонент В при этом не вступает в реакцию силицидообразования с полупроводниковой подложкой из кремния рис. 4. При выборе компонента В должны выполняться следующие основные требования: во-первых, указанный компонент должен образовывать твердый раствор с компонентом А и, во-вторых, не образовывать силицида (по крайней мере в том диапазоне температур, где имеет место взаимодействие компонент А с кремнием с образованием переходного контактного слоя).


К настоящему времени изучены тонкопленочные системы (Pd-W)/Si Pd-V / Si, (Ir-V) / Si, (Pt-Cr) / Si, (Pd-Cr) / Si и (Ni-Cr) / Si.

Систематические исследования процессов ФР начались в 1979 году, когда в впервые были изучены процессы силицидообразования в системе Pt-W/Si. Объясняя выбор указанной системы в качестве объекта исследования, авторы отмечали, что Pd и W явля-

ются переходными металлами, для которых наиболее ярко выражены различия в «поведении» при образовании силицидов.

Рис.2.

Классификация процессов силицидообразования многокомпонентных системах (тугоплавкий металл, металл платиновой группы или РЗМ).




Авторами рассмотренных выше работ было обращено внимание на тот неправильный факт, что образование силицидов металлов платиновой группы происходило при сравнительно низких температурах, когда трудно предположить, что обеднение верхних

слоев сплава и сегрегации Pd на межфазной границе пленки сплава с подложкой может происходить в результате объемной решеточной диффузии атомов Pd.

Приближенный расчет коэффициента диффузии атомов Pd в сплаве Pd₈₀W₂₀ указывает на то, что величина его при температуре T=400°C мала, чтобы вызвать наблюдаемое в эксперименте “фазовое расслоение”, т.е. обеднение верхнего слоя сплава палладием и его сегрегацию в составе силицидного переходного слоя на нижней границе пленки.

Рис.3.


Использование сэндвич-структуры Me – Si (а), многослойной структуры Me – Si (б), сплава, полученного распылением Me и Si (в) для форматирования “мелкого” контакта



В тонкопленочных системах (Pd-W)/Si были кратко рассмотрены вопросы термодинамики процесса “фазового расслоения” и связанная с этим проблема стабильности структуры W(Pd)/Pd₂ Si/Si, взятой в качестве примера для иллюстрации эффекта ФР.

С использованием тонкопленочных систем (Pd-W)/Si было изучено влияние температуры подложки на реакцию силицидообразования в сплавах Pt-W и Pd-W. Проведенные эксперименты показали, что в случае нанесения сплава Pd₂₀W₂₀ на кремневые подложки, нагретые до 100°С, процессы “фазового разделения” и формирования стабильного барьера Шоттки протекают уже в процессе конденсации пленки сплава.

Рис.4.



Схема, иллюстрирующая возможность получения переходного слоя контролируемой толщины при использовании сплавов переходных металлов: а – исходное состояние; б – после отжига и образования переходного слоя из СНМ

При этом, по существу, отпадает необходимость последующего отжига тонкопленочной структуры, а электрофизические свойства контакта (высота барьера Шоттки, коэффициент идеальности) оказываются вполне стабильными в широком диапазоне температур (вплоть до 600°С). Кроме этого, создается возможность использования эффекта “фазового расслоения” (ФР) для решения проблемы одновременного создания и термостабильных “мелких” контактов, и эффективных барьерных слоев.

Литература

1. Chadderton L., Eieon F. On the Annealing of Damage Produced by Boron ion implantation of Silicon Single Crystal – Radiations Effected, 1971, v. 7. –P. 129–138.

2. Madden P.K., Davidson S.M. The Nature of rod-like Defects Conserved in boron Irradiation Silicon. – Radiation Effects, 1977, v.14. – P. 271–273.
3. Masao Tasura. Dislocation networks in phosphorus-implanted Silicon. Pnl.Mag., 1977, v .95, – №3, – P. 633–691.
4. Davidson S.M., Booker G.R. Damage Produced by ion implantation in Silicon. – Radiation Effects, 1970, v.6. –P. 33–9.
5. Максимов С.К., Лукьянчик Т.И. Особенности формирования дислокационных петель в Si при ионном внедрении бора и фосфора и последующем отжиге. – ФХОМ, 1975. 6. –P. 105–109.
6. Dynrechenaky A.V. High Dose Effect in ion implantation. – Radiation Effects, 1976, v.30. –P. 69–71.
7. Biknell R.W., Allen R.M. Correlation of Electron Microscope Studies with the Electrical Properties of Boron implanted Silicon. – Radiation Effects, 1970, v. 6. –P. 45–49.
8. Ashhin P., Bull C., Nicolas K.N. Effect of dislocations in Si transistor with Implanted Bases. – Sol. State Electron, 1977, v. 20. – P. 731–740.
9. Панетелеев В.А. Механизм диффузии фосфора в кремнии. – ФТТ, 1979, –Т. 21, – С. 3388–3392.
10. Bicknell R.W. Weak – beam Observation of dislocation Loops in Si. – I/Microscopy, 1973, v. 98, – P. 165–169.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена исследованию основных закономерностей формирования силицидов металлов, особенностей кристаллической и электронной структуры, а также электрофизических свойств силицидов

РЕЗЮМЕ

Мақолада юпка металллар силициди ҳосил бўлишининг асосий қонуниятлари, электрон ва кристалл таркиб хусусиятларига доир, шунингдек, силицидларнинг электрофизик хусусиятларига доир илмий тавсифлар келтирилган.

SUMMARY

Devoted to the study of the main regularities of the formation of metal silicides, the features of the crystalline and electronic structure, as well as the electro physical properties of silicides.

Рекомендовано к печати доц. Г.Халимовым

МАССООТДАЧА В ПАРАБОЛОЦИЛИНДРИЧЕСКОМ ГЕЛИООПРЕСНИТЕЛЕ С ИСПАРИТЕЛЬНО – КОНДЕНСАЦИОННЫМ КОНТУРОМ

Вардияшвили А.А. (КарГУ), Абдурахмонов А. (ФТИ АН РУз)

Ключевые слова: *опреснение, конденсация, парообразование, абсолютная влажность, влагосодержание, теплоемкость, массоотдача.*

Потребность в воде в настоящее время достигла такого уровня, что не только страны, лежащие в аридной зоне земного шара и плохо обеспеченные водными ресурсами, но и индустриально развитые страны гумидного пояса стали испытывать возрастающую нехватку пресной воды. Поэтому проблема обеспечения человечества пресной водой приобретает сейчас всеобщее международное значение. Стремление увеличить производительность опреснителей привело к созданию многоступенчатых систем. В них теплота конденсаций пара многократно используется для выпаривания рассолов с отдельных цистерн и резервуаров. У нас и за рубежом ведутся исследования по выявлению конструкционных материалов, снижающих стоимость опреснения, и способов, повышающих эффективность процесса гелиоопреснения [1].

Целью данной работы является расчет массоотдачи в параболоцилиндрическом гелиоопреснителе с испарительно-конденсационным контуром.

Обширные исследования солнечных опреснителей ведутся во многих странах. Некоторое улучшение конструкции дистилляторов дало незначительный прирост КПД. В среднем, их производительность составляет 3,5–4,5 максимальная 5,2 л/м² день. У регенеративных солнечных опреснителей КПД колеблется в пределах 5–12 л/м² день [1, 2]. Солнечные опреснители парникового типа разделяются на малоинерционные, с малым и большим объемами испаряемой воды. Рассмотрение и анализ результатов работ некоторых исследователей по использованию солнечной энергии для опреснения соленых вод показывают, что многими исследователями рассмотрены особенности применения солнечных опреснителей и указаны основные факторы, оставляющие энергетические потери последнего [2].

Проблема теплоотдачи при пленочной конденсации насыщенного пара была теоретически решена Нуссельтом, и было отмечено, что все величины ρ , λ и μ (или ν), характеризующие теплофизические свойства конденсата, надо находить по средней температуре пленки $t_{cp} = 0,5(t_n + t_c)$, а теплоту парообразования r - по температуре t_n . В нашем случае испарительно-конденсационная часть параболоцилиндрического опреснителя представляет собой камеру, которая заполнена насадками, т. е. развитой поверхностью губчатого материала, смачивающегося соленой водой поступающей из коллектора – теплоприемника с температурой 65–70 °С [3]. Известно, что давление влажного воздуха p есть сумма парциальных давлений сухого воздуха p_v и паров воды p_n . Парциальное давление паров воды является важной характеристикой влажного воздуха, так как состояние влажного воздуха определяется соотношением парциального давления паров воды p_n и давлением насыщенных паров воды p_s при температуре влажного воздуха.

Давление насыщенных паров воды в интервале 20⁰...100⁰С определили по эмпирической зависимости [1].

$$\lg p_s = 5,9778 - \frac{2224,4}{T} \text{ бар}. \quad (1)$$

Все расчеты влажного воздуха вели на 1 кг сухого воздуха; абсолютная влажность ρ_n - количество паров воды в 1м³ влажности воздуха и относительная влажность φ - отношение парциального давления паров воды p_n к давлению насыщенных паров воды p_s при температуре воздуха t_v : $\varphi = p_n / p_s$ - меняется от 0 ($p_n=0$, сухой воздух) до 1 ($p_n=p_s$, насыщенный влажный воздух). Известно, что удельное влагосодержание d есть количество паров воды на 1 кг сухого воздуха

$$d = \frac{M_n}{M_g} = \frac{\rho_n}{\rho_g} = \frac{p_n \mu_n}{p_g \mu_g} = 0,622 \frac{p_n}{p - p_n} = 0,622 \frac{\varphi p_s}{p - \varphi p_s}, \quad (2)$$

где $\mu_n = 18 \text{ кг} / \text{ моль}$, $\mu_g = 28,95 \text{ кг} / \text{ моль}$, $\rho_n = \varphi \cdot \rho_s$.

Удельное влагосодержание насыщенного воздуха при $\varphi = 1$;

$$d_s = 0,622 \frac{p_s}{p - p_s}. \quad (3)$$

Выражая плотность влажного воздуха $\rho_{en} = \rho_n + \rho_g$ через их парциальные давления p_n и p_v и подставляя $p_g = p - p_n$ и $p_n = \varphi p_s$, получим

$$\rho_{вп} = \frac{3,48 \cdot 10^{-3}}{T} [p - 0,378 p_s \phi]. \quad (4)$$

Нами рассчитаны термодинамические свойства влажного воздуха в условиях г. Карши, при барометрическом давлении $B = 750 \text{ мм.рт.ст.}$, в интервале температуры $t_1 = 20^\circ \text{C} \div t_2 = 60^\circ \text{C}$, в испарительно – конденсационной камере.

Результаты вычисления сведены в таблицу:

Температура, $^\circ\text{C}$	Плотность воздуха, $\text{кг}/\text{м}^3$	Упругость насыщенных водяных паров,		Содержание водяного пара при полном насыщении		Влагосодержание воздуха d , $\text{г}/\text{кг}$
		P_n , Па	P_n , мм.рт.ст.	в 1 м^3 воздуха, г	в 1 кг влажного воздуха, г	
20	1,205	2336,8	17,53	17,2	14,4	14,883
25	1,185	3166,3	23,76	22,9	19,5	20,338
30	1,165	4241,7	31,82	30,1	26,3	27,552
35	1,146	5621,7	42,18	39,3	35,0	37,050
40	1,128	7375,8	55,32	50,8	46,3	50,75
45	1,110	9583,7	71,88	65,0	60,7	69,52
50	1,093	12334,3	92,51	83,3	79,0	95,23
55	1,076	15732,9	118,00	103,6	102,3	130,45
60	1,060	19919,5	149,40	129,3	131,7	178,69

Энтальпия сухого воздуха h_e , $\text{кДж}/\text{кг}$, при невысоких температурах и теплоемкости воздуха $c_{pe} = 1 \text{ кДж}/(\text{кг} \cdot \text{K})$ равна $h_e = c_{pe} t_e \approx t_e$.

Удельная энтальпия водяного пара h_n , $\text{кДж}/\text{кг}$ при температуре влажного воздуха t_e , $h_n = r_0 + c_{pn} t_e$, где r_0 – скрытая теплота парообразования воды при $t=0^\circ\text{C}$; c_{pn} – теплоемкость пара воды. В нашем случае принимаем в дальнейшем $r_0 = 2501 \text{ кДж}/\text{кг}$, $c_{pn} = 1,97 \text{ кДж}/(\text{кг} \cdot \text{K})$

Для зависимости скрытой теплоты парообразования воды r , $\text{кДж}/\text{кг}$ от температуры t использовали эмпирическое соотношение $r = 2501 - 2,43t$.

При температуре $t=40^\circ\text{C}$ коэффициент диффузии вычисляли по формуле [2] $D = D_0 \left(\frac{T}{T_0} \right)^{1,8} \frac{p_0}{p}$, и составил $D = 0,276 \cdot 10^{-4} \text{ м}^2/\text{с}$.

Известно, что при $t = 20^\circ\text{C}$ давление насыщенного пара $p_s = 2336,8 \text{ Па}$, а парциальное давление водяного пара составил $p_1 = \phi p_s = 0,7 \cdot 2336,8 = 1635,8 \text{ Па}$.

При $t = 20^\circ\text{C}$ и $p_1 = 1635,8 \text{ Па}$ плотность водяного пара $\rho_1 = 0,0121 \text{ кг}/\text{м}^3$, а парциальное давление воздуха $p_2 = p - p_1 = 101000 - 1635,8 = 98364 \text{ Па}$.

При $t = 20^\circ\text{C}$ и $p_2 = 98364 \text{ Па}$ плотность воздуха $\rho_2 = 1,185 \text{ кг}/\text{м}^3$, а плотность влажного воздуха $\rho = \rho_1 + \rho_2 = 0,0121 + 1,185 = 1,197 \text{ кг}/\text{м}^3$.

Массовые концентрации водяного пара $c_1 = \frac{\rho_1}{\rho} = 0,0101$, и воздуха $c_2 = \frac{\rho_2}{\rho} = 0,9899$.

Теплоемкость водяного пара $c_{p1} = 1,877 \text{ кДж}/(\text{кг} \cdot \text{К})$, а теплоемкость воздуха $c_{p2} = 1,005 \text{ кДж}/(\text{кг} \cdot \text{К})$. Теплоемкость влажного воздуха находим по формуле $c_p = c_{p1}c_1 + c_{p2}c_2 = 11,018 \text{ кДж}/(\text{кг} \cdot \text{К})$.

Коэффициент массоотдачи определяли с помощью соотношения [1] $\beta = \frac{j_{1c}}{c_{1c} - c_{1\infty}}$,

где j_{1c} – плотность диффузионного потока массы водяного пара; c_{1c} и $c_{1\infty}$ – массовые концентрации водяного пара на поверхности испарения и вдали от влажного материала в испарителе. Для массообмена вводили диффузионное число Нуссельта $Nu_D = \frac{\beta l_0}{\rho D}$ и

диффузионное число Прандтля $Pr_D = \frac{\nu}{D}$. Так как течение в пограничном слое ламинарное, для процесса массообмена использовали формулу [1]

$$Nu_{Dx} = 0,332 Re_x^{1/2} Pr_D^{1/3}. \quad (5)$$

где $Re = \frac{\mathcal{G} \cdot \sqrt{F}}{\nu}$ – число Рейнольдса, F – площадь развитой поверхности губчатого влажного материала, $\mathcal{G} = 0,1 \text{ м}/\text{с}$ – скорость влажного воздуха на поверхности, $\nu = 16,96 \cdot 10^{-6} \text{ м}^2/\text{с}$ – кинематическая вязкость влажного воздуха. Диффузионное число Прандтля $Pr_D = \frac{\nu}{D}$, при интервале температур $t = 30 \div 60^\circ \text{C}$ составляет 0,61–0,65, а число Рейнольдса составило $Re = 2297$.

По уравнению (5) определили $Nu_D = 41,67 \div 46,86$, следовательно, коэффициент массоотдачи составил $\beta = Nu_D \frac{\rho D}{\sqrt{F}}$, $(1,26 \div 1,55) \cdot 10^{-3} \text{ кг}/\text{м}^2 \cdot \text{с}$ в заданном интервале температур. При движении жидкости в изогнутых трубах, например в коленах и змеевиках, за счет центробежного эффекта поток жидкости отжимается к внешней стенке, следствием чего является так называемая вторичная циркуляция в поперечном сечении трубы. Эффект вторичной циркуляции и возрастания скорости приводит к усилению турбулентности и к увеличению коэффициента теплоотдачи.

Расчет теплоотдачи в изогнутых трубах может производиться по формуле для прямой трубы с введением поправочного коэффициента [2]

$$\varepsilon = 1 + 1,77 d/R, \quad (6)$$

где R – средний радиус змеевика; d – внутренний диаметр трубы.

Действие центробежного эффекта не ограничивается только криволинейным участком, а распространяется и на некоторую длину последующего прямого участка трубы, на котором теплоотдача всегда выше, чем на прямом участке до поворота. В частности, в

змеевике с длиной прямого участка $l_{пр} < 5R$ можно считать, что действие центробежного эффекта распространяется на всю длину змеевика.

В изогнутых трубах (змеевиках) наблюдаются более высокие, чем в прямых трубах, коэффициенты теплоотдачи. Это объясняется дополнительным перемешиванием жидкости вследствие закрутки потока и вторичных течений. Для приближенного расчета числа Nu в изогнутой трубе используют формулу [2]

$$\frac{Nu}{Nu_0} = 1 + 3,5 \frac{r_0}{R} \quad (7)$$

где Nu_0 – число Nu для прямой трубы; r_0 – радиус трубы; R – радиус изгиба (для круглого змеевика R – радиус змеевика).

Переход ламинарного режима в турбулентный происходит при [1]
 $Re = Re_{кр} = 2 \cdot 10^4 (r_0 / R)^{0,32}$.

На теплоотдачу при турбулентном течении оказывает влияние шероховатость стенки трубы. Для шероховатой трубы α больше, чем для гладкой. Однако это имеет место только тогда, когда выступы шероховатости выходят за пределы вязкого подслоя. Теплоотдача в технических трубах, как правило, подчиняется закономерностям, справедливым для гладких труб. Создание искусственной шероховатости стенки трубы является одним из методов интенсификации теплообмена. Основная идея этого метода – разрушение вязкого подслоя, который представляет собой основное термическое сопротивление переносу теплоты при $Pr > 0,5$. На теплоотдачу в шероховатой трубе влияют высота и форма выступов элементов шероховатости, а также расстояние между ними. Поскольку коэффициент трения ξ для шероховатой трубы больше, чем для гладкой, при использовании шероховатости как метода интенсификации теплообмена необходимо учитывать дополнительные затраты мощности на прокачку теплоносителя.

Литература

1. Горшенев В. Г. и др. Гелиоопреснительная установка индивидуального пользования // Теплоэнергетика. – М., 2001, 2. – С. 14–16.
2. Ахатов Ж. С. Разработка и исследование солнечных парниковых водоопреснителей с многоступенчатыми рекуперативными испарительно-конденсационными камерами. Автореф. к.т.н. ФТИ АН РУз. –Ташкент, 2007. – С. 22.
3. Вардияшвили Асф. А., Абдурахманов А. А. К вопросу интенсификации тепломассообменного процесса в вертикальной трубе конденсационного контура солнечного опреснителя // Труды матер. респуб. науч-прак. конференции. НамГУ. 25–26 сентября, 2007. – С. 129–132.

РЕЗЮМЕ

Мазкур ишда ҳисоблашлар 1 кг нам ҳавога нисбатан бажарилган. Чучиткич буглатиш-конденсациялаш қисмининг термодинамик ва иссиқлик физикавий параметрлари, бугланиш сирти ҳамда буглаткичдаги нам материал четидаги сув бугининг массавий концентрациялари аниқланган.

РЕЗЮМЕ

В работе все расчеты велись на 1 кг влажного воздуха. Определены термодинамические и теплофизические параметры испарительно-конденсационной части опреснителя, массовые концентрации водяного пара на поверхности испарения и вдали от влажного материала в испарителе.

SUMMARY

All calculations going on 1 kg s of humid air of the evaporator – obtained part of freshen in work, fixed the thermodynamics and heat physical parameters; mass concentration of water steam on the surfaces of evaporator and far from humid material in the vaporizer.

Рекомендовано к печати доц. Г.Халимовым

ЎЗБЕК ТИЛИ ТРАНСКРИПЦИЯ БЕЛГИЛАРИНИ КОМПЬЮТЕРЛИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

Норов А. М., Каримов Қ. М., Муродов Ш. А. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *компьютерли моделлаштириш, транскрипция, IPA – International Phonetic Alphabet, алифбони виртуал кенгайтириш.*

Кейинги йилларда “математик моделлаштириш” атамасига параллел равишда “компьютерли моделлаштириш” атамаси ҳам бир хил даражада қўлланиб келинмоқда. Бунга сабаб, “Алгоритмлаш назарияси” фани ўзининг фундаментал қонуниятлари билан фанлар оламига кириб келганлигидир.

Лингвистик ҳодисаларни компьютерли моделлаштиришда математика ва алгоритмлаш назариясининг худди шу махсус қонун-қоидаларидан бир хил даражада фойдаланилади.

Бугунги кунда ўзбек тилининг фонологик тизими ва унинг турли элементларини, хусусан, тилнинг транскрипция белгиларини компьютерли моделлаштириш масаласи ўзбек компьютер лингвистикасининг илмий тадқиқот доирасидаги энг марказий ўринлардан бирини эгаллайди.

Маълумки, ўзбек тилшунослиги ва ўзбек диалектологиясида одатда рус графикаси асосида тузилган транскрипция қўлланади, лекин баъзан лотин графикаси асосидаги транскрипция ҳам учраб туради.

Лотин алифбоси асосида тузилиб тилшуносликда кенг қўлланадиган транскрипция **халқаро фонетик алифбо** (*International Phonetic Alphabet – IPA*) номи билан юритилади.

Масалан, қуйидаги 1-расмда халқаро фонетик алифбодан олинган транскрипцион белгилар асосида <http://www.ipachart.com> саҳифасида товуш эффеки асосида онлайн ре-жимда ишловчи унлилар таснифига оид дастурий таъминотдан бир фрагмент келтирилган:

“Транскрипция” атамаси лотинча “transcriptio” сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “қайта ёзиш” деган маънони англатади. Транскрипция сўзи фанда икки хил маънода ишлатилади:


1) транскрипция, кенг маънода атоқли, географик, тарихий ва бошқа номларнинг маълум бир қоида асосида берилишини англатади;

2) транскрипция, тор маънода эса маълум тил ва унинг шеваларига оид сўзларни ёки чет тилга оид сўзларни талаффузига кўра айнан ёзиб олишни англатади.

Шундай қилиб, транскрипция сўзи кўпинча кейинги маънода ишлатилади. Демак, нутқ товушларини аниқ ифодалаш учун ишлатиладиган ёзув **транскрипция** дейилади.

Тилшуносликда транскрипция ўзига хос тамойилларга эга ва айнан шу тамойиллари билан у орфография ва унинг тамойилларидан (фонетик, морфологик, тарихий-анъанавий) сезиларли даражада фарқ қилади.

<http://www.ipachart.com> саҳифасида товуш эффе́кти асосида онлайн режимда ишловчи унлилар таснифи́га оид дастурий таъминот



Транскрипциянинг асосий тамойилларига кўра қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, транскрипция қоидасига асосан сўзлар қандай эшитилса, шундайлиги-ча ёзиб олинади.

Иккинчидан, транскрипцияда ҳамма вақт бир товуш бир ҳарф (белги) билан берилди (*орфографияда одатда бир товуш бир ҳарф билан ифодаланса ҳам, лекин баъзан бир товуш икки ҳарф (белги) билан ёки аксинча, икки товуш битта ҳарф билан берилиши мумкин*).

Учинчидан, транскрипцияда асосий белгилар билан бир қаторда диакритик белгилар ҳам ишлатилади (*асосий белгига қўшилган қўшимча белги диакритик белги дейилади. Масалан, тил олди ў (ö) ни тил орқа ў (o) дан фарқлаш учун асосий белгининг устига икки нуқта қўйилади. Ана шу қўйилган икки нуқта диакритик белги саналади*).

Тўртинчидан, транскрипцияда орфографияда қабул қилинган баён аломатлари, нуқталар кўпинча бошқа маъноларда қўлланади. (*Масалан, баҳор сўзи транскрипцияда ба:ҳор деб ёзилади. Бу сўздаги а дан кейинги икки нуқта а нинг чўзиқ талаффуз қилинишини билдиради*).

Таъкидлаш жоизки, техник тараққиёт шиддат билан тармоқ отиб бораётган бир даврда миллий алифбога хос фонограммалар негизида илмий мулоҳаза юритиш, халқаро илмий доирага кириш, ахборот жамиятига хос интеллектуал фаолият юритиш мушкул масала. Ўзбек тилини бугунги замонавий тараққиётнинг марказий бўғини ҳисобланмиш автоматлаштирилган ахборот тизимига олиб кириш учун унинг тадқиқот кўламини янада кенгайтириш талаб этилади. Бундай муаммони ҳал этишга қаратилган усуллар турли-туман бўлиб, улардан бири **алифбони виртуал кенгайтириш** усулидир.

Алифбони виртуал кенгайтириш деганда нима тушунилади?

Замонавий қурилмаларга хос лингвистик дастурий таъминотларни яратишда ёрдамчи вазифасини ўтайдиган қўшимча алифбонинг керак бўлиши дастурчиларга яхши маълум. Бунда замонавий қурилмалар деб мобил телефонлари, маиший техникалар, чўнтак компьютерларидан тортиб интеллектуал системаларгача – барча электрон воситалар тушунилади. Қўшимча алифбо эса бошқа тилда мавжуд бўлган ҳарфлар, символлар ва турли фонетик белгилар тўпламидан ташкил топган бўлиши мумкин.

Демак, тадқиқ этилаётган тилнинг, масалан, мавжуд орфографик имкониятлари янги тадқиқот ишлари учун етарли бўлмай қолганда, асосий алифбо қўшимча алифбо элементлари ҳисобига тўлдирилади. Бу алифбо фақат илмий доирадаги алифбо бўлиб, у тилнинг лексикология, фонетика, морфология ва синтаксис каби соҳаларига оид баъзи етишмовчиликларни бартараф этиш ва илмий жиҳатдан янги моделларни ишлаб чиқишга бир замин бўлиб хизмат қилади.

Энди алифбони виртуал кенгайтиришнинг зарурий жиҳатлари ва амалий аҳамияти ҳақида батафсилроқ тўхталамиз.

Кейинги йилларда техник тараққиёт туфайли ўзбек тили лексикаси ҳажм жиҳатдан тобора кенгайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Масалан, лексикамизга яқин йиллар ичида атоқли от сифатида айнан ўзлаштирилган (уларни калькалаб бўлмайди) “Daewo”, “Windows”, “Word” ва “PowerPoint” каби сўзлар аллақачон халқона терминларга айланиб улгурди. Бу ўз навбатида “W” ва “w” ҳарфларни ҳамда зарур бўлса, шунга ўхшаш бошқа сўзларда иштирок этадиган “ёт” ҳарфларни ҳам алифбомизга киритишни тақозо этади. **Бу ўзбек тили виртуал алифбосининг лексикологиядаги амалий аҳамиятини белгилаб беради.**

Маълумки, компьютер учун *ҳарф, рақам, тиниш белгилари* каби тушунчалар бегона, буларнинг барчаси бир сўз билан *символ* деб тан олинади. Бу символларнинг ҳар бири учун биттадан махсус код ажратилган, бу кодлар ўнлик ёки ўн олтилик сонлар ёрдамида ифодаланади. Масалан, 3 сонини ёзиш учун ўнлик санок системасидаги 51 сони, лотинча катта “А” ҳарфини ёзиш учун 65 сони, лотинча кичик “а” ҳарфини ёзиш учун 97 сони, пробел ташлаш учун эса 32 сони махсус код сифатида ажратилган ва ҳоказо.

Шунга кўра, барча фонемалар компьютерга “тушунарли” тарзда аниқ талаффуз қилиниши учун уларнинг ҳар бири транскрипцион принциплар асосида такрорланмас символлар билан ифодаланиши лозим. **Бу ўзбек тили виртуал алифбосининг фонетикадаги амалий аҳамиятини белгилаб беради. Чунки алифбони виртуал кенгайтиришга бўлган эҳтиёжнинг энг катта улуши ўзбек тилининг айнан шу фонетикасига тўғри келади.**

Фикримиз тушунарли бўлиши учун бу борадаги 3-4 та муаммони аниқ мисолларда келтирамиз:

1. “Журнал” ва “жўжа” сўзлари учун алифбомиздаги битта “ж” ҳарфини ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас, балки мос равишда “ж” ва “ж” (агар лотинча бўлса, “j” ва “j”) каби компьютерда мавжуд бўлган символларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Бўғин ажратиш ёки матнни тўғри талаффуз билан ўқиб берадиган дастурий таъминот яратмоқчи бўлсак, битта товушни англатувчи иккита ҳарф бирикмасидан (графемадан) фойдаланиш анча қийинчиликни вужудга келтиради.

3. Сўзларнинг маъно ва шакл муносабатларини (хусусан, омограф ёки омофон кәбиларни) компьютерли моделлаштиришда ортиқча муаммо юзага келмаслиги учун иккита код билан ифодаланадиган “sh” фонемасининг ўрнига, бир кодли, масалан, “s” символи қўлланилса, ёки “ch” фонемасининг ўрнига “с”, “g” фонемасининг ўрнига эса “g” каби символлар қўлланилса, дастурлаш жараёни бирмунча осонлашади (*айнан шу символлар бўлиши шарт эмас, бу ўзаро келишув асосида ҳал қилинадиган масала, уларнинг*

ўрнига битта код билан ифодаланадиган исталган бошиқа символларни қабул қилиш ҳам мумкин).

4. Рус тилидан ўзлашган сўзларда “о” унлиси сўз таркибида тутган ўрнига қараб, баъзан “и” (*директор – директор*), баъзан “а” (*океан – океан*), баъзан эса “ў” (*электр токи – электр тўки*) товушларига яқин талаффуз қилинади. Демак, битта ҳарфнинг турли талаффузлари учун уларга мос шрифтлар модификациясини яратиш (ёки мавжуд транскрипцион белгиларни қабул қилиш) нутқий кўполликнинг олдини олишда фойдадан холи бўлмайди, албатта.

Шу ўринда тилшунос олимлар орасида ҳануз мунозараларга сабаб бўлиб келаётган унли ва ундош товушлар таснифига оид айрим мулоҳазаларни келтириб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, М.Миртожиев ўзбек тилидаги нутқ товушлари сонини 48 та (лабланмаган унли – 10 та, лабланган унли – 6 та, сонантлар – 6 та ва консонантлар – 26 та) деб таъкидлайди ва уларнинг ҳар бирини транскрипцион белгиларда қайд этиб, тавсифларини келтиради [5, 128–129-бетлар].

Тилшунос олим Ҳ.Жамолхоновнинг “Ўзбек тилининг назарий фонетикаси” номли китобида қуйидаги фикрлар келтирилган: “Ўзбек тилшунослигида ҳозирги ўзбек адабий тили унлилари миқдори масаласида икки хил фикр мавжуд. Биринчи фикрга кўра адабий тил унлилари олти: **и, э, а, у, ў, о**. (Бу фикр тарафдорлари қаторида Е.Д.Поливанов, А.К.Боровков, В.В.Решетов, А.Ф.Фулотов, Ш.Шоабдурахмонов, Ф.Камолов, А.Маҳмудов, С.Отамирзаева, А.Абдуазизов, А.Нурмонов, Ш.Раҳматуллаев ва бошқалар бор). Иккинчи фикр тарафдорларининг (Х.Дониёров, Б.Тўйчибоев, М.Валиевларнинг) таъкидлашича, ҳозирги ўзбек адабий тили вокализмида эски ўзбек адабий тилига ва ҳозирги қипчоқ лаҳжаларига хос бўлган контраст жуфтликлар (**и-ы, э-а, у-у, в-о**) мавжуд, шундан келиб чиқиб, адабий тил вокализми ва алифбо масалалари қайта кўриб чиқилиши – алифбога кўшимча ҳарфлар киритилиши керак” [4, 106-бет].

Тилшунос олимларнинг бу борада аниқ бир тўхтамга келиши юқорида қайд этилган муаммоларнинг ечими учун бир асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Энди бирор бир ҳарфнинг транскрипцияси учун компьютерли моделни қуришга оид бир амалий мисол келтирамиз. Масалан, лотинча “с” ҳарфи бизнинг алифбода алоҳида ҳарф сифатида мавжуд бўлмагани учун уни русча ва инглизча талаффуз этишда кўпинча хатога йўл қўйилади. Бундай хатоликлар аббревиатура ёки акронимларни ўқишда ёки бўлмаса, чет тилидан ўзлашган сўзларни талаффуз этишда яққол сезилади. Шу боис, айтайлик, инглизча “с” ҳарфининг талаффузини компьютер орқали эшитиш керак бўлса, бунинг учун аввал бу ҳарфнинг ўқишиш қоидасини аниқ формаллаштириб олиш лозим бўлади ва ундан кейин дастур учун керакли алгоритмни ёзиш мумкин бўлади.

Биламизки, инглизча “с” ҳарфи муайян сўз таркибида “e”, “i” ва “y” ҳарфларидан олдин келса, [s] деб ўқилади, қолган барча ҳолларда [k] деб ўқилади. Истисно ҳолатлар учун эса алоҳида база ташкил қилинади.

Демак, “с” ҳарфининг ўзидан кейин келадиган ҳарфлар билан конкатенациясини

$$f(x) = "c" \& ChrW(n)$$

функция кўринишида ифодалаймиз, бу ерда $ChrW(n)$ – коди n мусбат бутун сонга тенг бўлган ҳарф.

Агар “e”, “i” ва “y” ҳарфларининг компьютердаги кодини мос равишда ўнли санок системасидаги 101, 105 ва 121 га тенглигини эътиборга олсак, у ҳолда $f(x)$ функция учун қуйидаги математик ифодани ёзиш мумкин:

$$f(x) = \begin{cases} s, & \text{агар } n = 101; 105; 121. \\ k, & \text{агар } n \neq 101; 105; 121. \end{cases}$$

Шундай қилиб, математик модел тайёр, энди дастур ёки алгоритмик моделни ёзишга ўтиш мумкин. Албатта, бунда асосий дастур танаси жуда катта ҳажмда бўлади, аммо биз бу ерда айнан керакли бўлган дастур фрагментини (Visual Basic дастурлаш тилида) келтирамиз:

```
For n = 97 To 122
If n = 101 Or n = 105 Or n = 121 then
Procedure_tovush(s)
Else
Procedure_tovush(k)
End If
Next n
```

Бу ерда *Procedure_tovush(s)* ва *Procedure_tovush(k)* ларнинг ўзи ҳам алоҳида қисм дастур кўринишида бўлиб, у мазмунан “s” ва “k” ни талаффуз қилиб берувчи товуш модулига уланган дастурий код матнидан иборат бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тилидаги бир ҳарф билан ифодаланувчи турли фонемалар учун транскрипцион белгиларни ишлаб чиқиш, уларни компьютерли моделлаштириш ва шу асосда ўзбек тилига хос овозли дастурий таъминотларни яратиш ўзбек тилини компьютерли ўқитиш, ўзбек тилида электрон ўқув қўлланмалар яратиш ва бошқаларда кенг имкониятлар яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Климов А. Занимательное программирование на Visual Basic .Net. – СПб.: БХВ-Петербург, 2005. – 528 с.
2. Шоабдурахмонов Ш. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 448 б.
3. Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. – Т.: Фан, 2009. – 224 б.
4. Миртожиев М.М. Ўзбек тили фонетикаси. – Т.: Фан, 2013. – 424 б.
5. <https://easypronunciation.com/ru> – Учим произношение слов онлайн.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбек тилининг транскрипция белгиларига хос компьютерли моделлаштиришда юзага келадиган муаммолар ва баъзи ечимлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье излагаются проблемы, возникающие в процессе компьютерного моделирования транскрипционных знаков узбекского языка, и некоторые пути их решения.

SUMMARY

The article outlines the problems that arise in the field of computer modeling of transcription characteristics of the Uzbek language and some measures to address them.

Нашрга проф. Б.Менглиев тавсия этган.

**α -АМИНОНИТРИЛЛАР ТУЗИЛИШИНИ РЕНТГЕН АНАЛИЗ
УСУЛИДА ЎРГАНИШ**

**Кодиров А.А., Элмуродов А.А. (ҚарДУ), Абдуғаффоров А. (ҚарМИИ),
Муродов М. (ТИЭС)**

Таянч сўз ва иборалар: *α -аминонитриллар, кимёвий тузилиш, рентген анализ, реакция қобилият, координацион бог, димер ҳосил қилиш.*


Кимёвий ҳимоя қилиш воситаларининг қишлоқ хўжалигида ишлатилиши қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишнинг энг асосий йўлларида бири ҳисобланади. Уларнинг ҳамда ўсимликларни ўстирувчи моддаларнинг қўлланилиши ўсимликларни ҳар хил касалликларга ҳамда уларнинг ноқулай об-ҳаво шароитларига чидамлилигини, ҳосилнинг эрта етилишига, ҳосилдорликни оширишга ва юқори навли маҳсулот олишга замин яратади. Худди шундай синф моддалари, яъни ўсимликларни ўстирувчи моддалар қаторига α -аминонитрилларни, тирик организмларнинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган α -аминокислоталарнинг нитрилли ҳосилаларини киритиш мумкин. α -Аминокислоталарнинг ҳосилалари ҳозирги вақтда турли хил биологик фаолликни намоён қилиши аниқланган [1–3].

α -Аминонитриллар молекуласида кўпгина реакция марказларнинг (нитрил гуруҳи, амина- ва активланган метилен гуруҳи ҳамда β -углерод атомлари) мавжудлиги, уларнинг ҳар хил кимёвий ўзгаришларга учраши ушбу моддаларни органик синтез жиҳатдан қизиқарли кўрсатади [4].

Адабиётларда ушбу α -аминонитрилларнинг ацилмаҳсулотлари олиниши бўйича маълумотлар келтирилмаган.

Биз олинган α -аминонитриллар ҳосилаларидан баъзи бирларининг тузилиши ва кимёвий хоссалари ўртасидаги боғланишни таҳлил қилиш мақсадида уларнинг структурасини рентген тузилиш анализи орқали ўргандик.

Ушбу моддалардан бири бўлган N,N-бис- α -(цианизопропил)этилендиамин симметрия марказига эга бўлган триклин фазовий гуруҳда кристалланган.



1-расм. N,N-бис- α -(цианизопропил) этилендиамин молекуласининг фазовий тузилиши. Кристалл ячейка асимметрик қисми битта молекуладан иборат. Молекула схематик кўринишдан симметрик бўлса ҳам, унинг кристалл ҳолатидаги фазовий тузилишида симметрия кузатилмайди.

1-жадв.


Боғ узунликлари (Å)			
N1--C3	1.456 (3)	C3--C5	1.488 (4)
N1--C1	1.469 (4)	C3--C7	1.526 (4)
N2--C4	1.455 (4)	C3--C9	1.536 (4)
N2--C2	1.457 (4)	C4--C6	1.499 (4)
N3--C5	1.141 (4)	C4--C10	1.516 (4)
N4--C6	1.135 (4)	C4--C8	1.524 (4)
C1--C2	1.515 (4)		

Молекулада амино-гурӯҳ азот атомлари sp^3 гибрид ҳолатида бўлиб, конфигурациялари ўзаро текисликка нисбатан аксланган. Молекулада боғлар узунликлари ўртача статистик қийматларга мос келади. Боғ узунликлари 1-жадвалда келтирилган. Молекуланинг фазовий тузилиши 1-расмда кўрсатилган.

Молекулаларо таъсирлашишлар таҳлили шуни кўрсатадики, кристаллда NH...NC туридаги симметрик водород боғлар жуфти воситасида молекулалар димерлари ҳосил бўлган (2-расм). Водород боғланиш геометрияси қуйидагича: N1--H1 0.85(3) Å N1--H1...N4 2.46(3) Å N1...N4 3.290(4) Å N1 H1 N4 бурчак 169(3)°.

2-расм.

Кристаллда молекулаларо водород боғланиш



Рентгенструктуравий эксперимент. Рентгенструктуравий таҳлил модда кристаллари N,N-бис- α -(цианизопропил)-этилендиамин эритмасидан хона температурасида ўстирилди.

Элементар ячейка параметрлари ва дифракцияланган рентген нурлар интенсивликлари CCD Xcalibur Ruby (Oxford diffraction) дифрактометрда аниқланди. Бирикма тузилишини топишда SHELXTL кристаллографик компьютер программасидан фойдаланилди. Олинган натижалар шуни кўрсатмоқдаки, α -аминонитриллар турли биометаллар билан комплекс бирикмалар ҳосил қилиш имкониятлари мавжуд. Шунингдек, улар ҳам ички молекуляр ҳамда молекулалараро комплекслар ҳосил қила олади.

Синтез қилинган модданинг ИҚ-спектрлари Фурье-спектрометрининг 2000 лик моделида (Perkin Elmer) КВг таблеткаларида, масс-спектрлари эса МХ-1303 ускунасида, ПМР-спектрлари эса JNM-4H-100 Varian Unity 400(+) ускунасида ички стандартлар CD₃OD ва ГМДС кимёвий бирикмалари иштирокида олиб борилди.

Реакциянинг боришини ва реакция маҳсулотининг тозалигини юпқа қатламли хроматография орқали Silufol UV-254 махсус қоғозларида турли хил эритувчи системаларида текшириб борилди.

Кўрсатувчи кимёвий бирикмалар ва жиҳозлар: йод парлари, УФ-нурлари. Олинган моддаларнинг сувоқланиш ҳарорати Боуэрс микроскопида аниқланди.

Тегишли аминонитрил синтези учун ишлатилган этилендиаминни 50 фоиз ва 70 фоиз сувли эритмалари ишлатилди. Баъзи ҳолларда этилендиаминни вакуумда ҳайдаб натрий сульфат ва калций хлорид устида қуриштириш орқали ҳам тозалаб олиниб реакция учун ишлатилди.

Эритувчиларни абсолютлаштириш ва тозалаш тегишли услубларга асосан амалга оширилди [5].

Реакция учун ишлатилган циангидринлар адабиётларда келтирилган услублар бўйича синтез қилиб олинган [6].

Олинган натижалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, турли α -аминонитрилларни кислота ангидридлари билан реакцияларини ўтказишда реакцияни олиб бориш шароитига қараб моно- ёки бис-ацил (бензоил) ҳосилаларини олиш мумкин экан.

Тажриба қисми.

Реакция қуйидаги усул бўйича олиб борилган. Механик аралаштиргичга уч оғизлик 250 мл сиғимлик колба ўрнатилиб, унинг бир оғзига тескари совуткич ўрнатилиб унга 30 мл бензол ва 5.0 г (0.058 мол, 5.5 мл) ацетонциангидрин солинди. Реакцион аралашмани аралаштириб турган 3.48 г (0.05 ммол) этилендиамин кўшилди. Реакцион аралашмани сув ҳаммомида совитиш орқали, шунингдек, унинг боришини ЮҚХ орқали кузатиб бордик. Реакция тугагандан сўнг эритувчи ҳайдаб олинди. Реакцион аралашмани совитдик, тушган чўкма (кристаллар)ни филтраб тозаланди. Гександа қайта кристаллаб тозаландик. Натижада 20.5 г (90 фоиз) реакция маҳсулоти олинди. $T_{\text{суюқ.}} = 48\text{ }^\circ\text{C}$, $R_f = 0.41$ (система бензол: ацетон 4:2). ИҚ-спектр $\nu_{\text{CN}} 2221\text{ см}^{-1}$, $\nu_{\text{NH}} 3351\text{ см}^{-1}$. Масс-спектр m/z , (фоиз) $M^+ = 194$ (8), 153 (64), 71 (100), 98 (52), 85(55), ПМР-спектр (8, м. д.) 1.41 (с 12H, 4(-CH₃)), 2.78 (с 4H, -N-CH₂-CH₂-N).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Freeman H.C., Snov M.R., Nitta I. and Tomita K., A refinement of the structure of bisglycinocopper (II) monohydrate. Acta Crystallografica. 1994. T. 17. – № 11. – С. 1463–1470.
2. Ratner S., Clarke H.T. The Action of formaldehyde upon Cysteine // J. Am. Chemical Society, 2014. – Vol. 59. Iss. 1. – P. 200–206.
3. Ratner S., Clarke H.T. Production of Cystiene: Approaches, Challenges and Potential. J. of Biotechnology for Wellness Industries. 2015. 3(3) 95–101.
4. Кодиров А.А., Абдуллаев Н.Д., Шахидоятов Х.М. Синтез α -аминонитрилов // Химия природ. соедин. 1997. Спецвып. – С. 54–56.

5. Беккер Г., Бергер В., Домшке Г. Органикум // Практикум по органической химии. Пер с нем. Под. ред. Попова В.М., Пономарева С.В. – М.: Мир., 1979. Т. 2. – С. 353–380.
6. Назаров И.Н., Архем А.А. Синтез циангидринов // ЖОХ. 1955. Т. 25. – С. 1345–1347.

РЕЗЮМЕ

Мақолада баъзи бир аминонитрилларнинг рентген тузилиши ўрганилганлиги ва олинган маълумотлар таҳлили келтирилган. Бирикманинг икки молекуласи ўртасида координацион бог ҳосил бўлиши аниқланган. Олинган бирикманинг тузилишлари ИҚ- ва Масс-спектрлари ёрдамида анализи тасдиқланган.

РЕЗЮМЕ

В статье изучено рентгеноструктурное строение некоторых аминонитрилов и приведены аналитические данные полученных соединений. Структура синтезированного соединения проанализирована и подтверждена при помощи ИК- и Масс-спектроскопии.

SUMMARY

In this article it was reported that the X-ray analysis of aminonitril and the view of received dates. It was determined that the coordination chemical bond was being into two chemical compounds. This chemical compounds' structure was proven by using Mass and IR spectroscopic methods.

Нашрга доц. Л.Камолов тавсия этган

ИЗУЧЕНИЕ ПРОЦЕССОВ ПРИМЕНЕНИЯ И РЕГЕНЕРАЦИИ АБСОРБЕНТА МЕТИЛДИЭТАНОЛАМИНА ПРИ ОЧИСТКЕ ПРИРОДНОГО ГАЗА

Жавлиев Ф.Б., Камолов Л.С. (КарГУ)

До настоящего времени в промышленности на установках по очистке кислых газов в качестве абсорбента, в основном, применяется моноэтанолламин (МЭА), а также диэтанолламин (ДЭА). Анализ мировой практики показывает, что наблюдается тенденция по замене ДЭА на более эффективный абсорбент - метилдиэтанолламин (МДЭА).

МДЭА имеет меньшую удельную теплоемкость и теплоту реакции с H_2S и CO_2 , чем ДЭА. Поэтому абсорбент ДЭА/МДЭА требует меньших затрат энергии на регенерацию насыщенного абсорбента. Кроме того, МДЭА производится на АОЗТ "Химсорбент", в то время как ДЭА приобретался, в основном, за рубежом.

Прогресс в области производства новых физических и химических абсорбентов создал условия для совершенствования процесса сероочистки.

На смену прежним энергоемким и капиталоемким технологиям очистки газа от сероводорода приходят новые, более эффективные процессы. Так, в последнее десятилетие абсорбционные процессы на основе первичных и вторичных аминов (МЭА, ДЭА) вытеснил более экономичный процесс на основе третичного амино-метилдиэтанолламина (МДЭА). Селективность данной технологии основана на кинетических различиях в абсорбции CO_2 и H_2S . Согласно, при практически мгновенной реакции между H_2S и амином, скорость реакции МДЭА с углекислым газом в 2,5 раза меньше, чем скорость реакции CO_2 с ДЭА и в 15 раз меньше, чем у МЭА [1].

В результате технико-экономические показатели технологии с применением МДЭА гораздо выше, чем для МЭА или ДЭА. По данным, только пара экономится 35-40 %.

МДЭА (третичный амин) по сравнению с МЭА (первичный амин) имеет меньшую коррозионную активность, что позволяет применять более концентрированные растворы МДЭА (30-50% масс.) по сравнению с МЭА (12-18%). Коррозионные исследования, проведенные в условиях, близких к промышленным, подтвердили низкую коррозионную активность растворов МДЭА.

Табл. 1.

Физико-химические свойства МЭА и МДЭА
(содержание основного вещества – 99 % масс.)

Показатели	МЭА	МДЭА
Формула	$\text{HOC}_2\text{H}_4\text{NH}_2$	$(\text{HOC}_2\text{H}_4)_2\text{CH}_3\text{M}$
Молекулярный вес	61,1	119,2
Плотность при температуре $T=20^\circ\text{C}$, г/см ³	1,015	1,018
Температура кипения при давлении 101,333 кПа, °C	170	247
Температура замерзания, °C	10,5	-21
Давление паров при температуре $T=60^\circ\text{C}$, Па	660	24
Динамическая вязкость при температуре $T=25^\circ\text{C}$, 10 ³ Пас	19	80
Удельная теплоемкость при температуре $T=30^\circ\text{C}$, кДж/(кг °C)	2,72	2,32
Массовая доля амина в рабочем растворе, %	10-20	30-50
Теплота реакции, кДж/кг		
CH ₂ S	1511	1047
CO ₂	1919	1340

Степень насыщения МЭА ограничена величиной 0,30–0,35 моль/моль, в то время как для МДЭА она составляет до 0,8 моль/моль. Это означает, что количество циркулирующего раствора абсорбента, а, следовательно, расход энергии на его циркуляцию и регенерацию в 1,5 раза меньше при использовании МДЭА [2].

Использование МДЭА обеспечивает экономию энергозатрат (греющий пар) также за счет меньшей теплоты десорбции МДЭА, по сравнению с МЭА, при регенерации абсорбента. Сравнительные расчеты показывают, что количество тепла, требующегося на регенерацию растворов МДЭА, на 30–40% меньше, по сравнению с МЭА.

При применении МДЭА наблюдается значительное снижение деструкции абсорбента по сравнению с растворами МЭА.

Происходит снижение ценообразования.

Отмечено, что на внутренних поверхностях оборудования отсутствуют отложения, возникавшие ранее за счет деструкции применявшихся абсорбентов на основе МЭА.

Эти положительные моменты, наряду с отмеченной ранее низкой коррозионной активностью растворов МДЭА, приводят к тому, что упрощается плановый ремонт оборудования, сокращается время его проведения. Отсутствие отложений на внутренней поверхности оборудования повышает эффективность теплообмена, что также снижает энергозатраты.

При применении растворов абсорбентов на основе МЭА наблюдаются потери МЭА за счет уноса паров на стадии десорбции, где температура потоков достигает 115°C – 130°C . При применении МДЭА, температура кипения которого (247°C) значительно выше чем у МЭА (170°C), унос амина при регенерации раствора, при рабочих температурах абсорберов, значительно снижается до величины, близкой к нулю.

В соответствии с поставленной задачей, в качестве абсорбентов использовались растворы 10–15 % масса МЭА и 30–40 % масса МДЭА. Были проведены расчетные исследования процессов абсорбции сероводорода и регенерации насыщенного амина в широком интервале изменения технологических параметров.

Исходные данные для расчета десорбции определялись при достижении в процессе абсорбции заданных значений по содержанию H_2S в очищенном газе и растворе.

Результаты расчета показали, что при переходе на МДЭА может быть достигнута экономия тепла до 35–40 %.

Результаты эксплуатации установки Л-24/6 положительные. Остаточное содержание сульфидов в колонне регенерации – 0,8-2,0 г/л. Степень очистки газа – 99%.

Табл. 2.

Сравнительные характеристики процесса очистки серосодержащих газов растворами МЭА и МДЭА сведены в таблицу:

Наименование	МЭА	МДЭА
Степень очистки газов	98 %	99 %
Остаточное содержание H_2S в очищенных газах	5-30 ppm.	3-5 ppm.
Остаточное содержание сульфидов в регенерированном растворе МДЭА	2-4 г/л	0,8-2,0 г/л

По результатам исследования, концентрация МДЭА в среднем составила 24,5% масса. В настоящее время запланировано повысить концентрацию МДЭА до 35% масс и проверить эффективность работы регенерата. На МДЭА переведена вторая подобная установка и планируется дальнейший перевод других установок [3].

Применение активированного метилдиэтанолamina взамен моноэтаноламина на предприятиях азотной промышленности. Анализ имеющегося опыта и перспективы внедрения отечественного продукта.

Отечественный и зарубежный опыт последних десятилетий показывает, что в процессе производства аммиака вместо моноэтаноламина эффективно используется метилдиэтанолamin (МДЭА), активированный модифицирующими добавками. При этом снижаются коррозионные процессы, используются более концентрированные растворы абсорбента, абсорбент не подвержен деградации, происходит экономия энергоресурсов.

Ряд зарубежных фирм производят и широко рекламируют сорбенты на основе МДЭА, содержащие добавки пиперазина, этилендиамина, метилмоноэтаноламина. Однако все эти добавки являются летучими компонентами и не обеспечивают стабильности состава сорбента. Кроме этого, эти добавки имеют низкую температуру вспышки, что приводит, при достаточно большом процентном содержании активатора в растворе абсорбента, к повышенной пожароопасности растворов.

Необходимо особо отметить, что без соблюдения вышеперечисленных условий, замена МЭА на МДЭА не даст видимых результатов. Нормальные потери моноэтаноламина должны составлять не более 0,5–1,0 кг МЭА на 1 тонну аммиака. В случае больших потерь необходимо сначала привести в надлежащий порядок установку.

Все это позволяет выпускать продукцию, по качеству не уступающую уровню ведущих мировых производителей [1]. Сравнение качества продукции, получаемой на ЗАО «Химсорбент», с показателями ведущих мировых производителей, приведено в таблице 3

За счет более длительного срока работы абсорбента без снижения его характеристик и без добавления свежего в процессе эксплуатации, достигается значительная экономия средств на закупку абсорбента.

За последние годы разработан ряд абсорбентов, позволяющих решить задачу очистки природных и технологических газов от кислых примесей, в частности, сероводорода, в различных отраслях промышленности.

**Сравнение качества продукции, получаемой на ЗАО «Химсорбент»,
с показателями ведущих мировых производителей**

		ЗАО «Хим-сорбент»	«HUNTS-MAN»	«ATO-FIN A»	«BASF»	«NF» Китай	«OXI-TENO»
МЭА	Содержание основного вещества, % масс	99,3	99,5		99,5		99,2
	Цветность по Pt-Co шкале, макс.	10	15		10		15
ДЭА	Содержание основного вещества, % масс	99,3	99,0		99,3		98,5
	Цветность по Pt-Co шкале, макс.	20	15		20		15
ТЭА	Содержание основного вещества, % масс	85,0	85,0		85,0		85,0
	Цветность по Pt-Co шкале, макс.	150	40		50		50
МДЭА	Содержание основного вещества, % масс	99,3	99,0	99,0	99,0	95,0-98,0	
	Цветность по Pt-Co шкале, макс.	50	150	150	50	150	

Выпускаемые на ЗАО «Химсорбент» абсорбенты, как показывает опыт, не уступают по качеству импортным аналогам, а по цене значительно ниже.

Нашими предприятиями накоплен опыт по внедрению в промышленность нового поколения абсорбентов на основе метилдиэтанолamina. Результаты этой работы показывают, что к переходу на метилдиэтанолamin надо подходить взвешенно. Обязательно проведение предварительных технологических расчетов и анализ имеющегося оборудования.

Степень поглощения H_2S составила более 90 %, степень очистки жирного газа -99,5 %, содержание сульфидов в регенерированном растворе – 1,2 г/л. МДЭА без замены работает на Л-24/6 более 5 лет. Осмоление раствора за это время незначительное.

С переходом на МДЭА, расход на подпитку свежим реагентом уменьшился, т.к. МДЭА менее подвержен уносу по сравнению с МЭА. Практически нет проблем вспенивания раствора, ингибитор не применяется. Однозначен моющий эффект МДЭА.

Выводы АО «Кинеш» по результатам применения метилдиэтанолamina:

- сократилось потребление пара на 25 %;
- уменьшился расход амина, подаваемого в абсорбер (экономия электроэнергии составила 3–5 %);
- уменьшилась коррозия оборудования;
- улучшилась очистка жирного газа от H_2S ;
- улучшился процесс регенерации раствора МДЭА.

Как показывает сравнительный анализ выполненных расчетов, перевод блока аминной очистки установки Л-24/7 Омского НПЗ с моноэтанолamina на метилдиэтанолamin характеризуется следующими показателями:

- в 2,24 раза (с 44,8 до 20,0 м³/час) снижается расход циркулирующего абсорбента;
- за счет меньшей упругости паров метилдиэтанолamina по сравнению с моноэтанолaminом, существенно снижается потери абсорбента за счет уноса и, как следствие,

уменьшается величина необходимой подпитки в 4,5 раза;

- на 2,266 т/ч (41,8 %) снижается расход водяного пара, подаваемого в рибойлер;
- на 118,6 м³/час (46 %) снижается расход оборотной воды. При этом:
- остаточное содержание сероводорода в очищаемом газе отвечает необходимым требованиям (< 0,005 %);
- концентрация сероводорода в отдуваемом сероводородном газе улучшается, увеличиваясь на 1,82 % об;
- расход электроэнергии остается практически на прежнем уровне. Замена МЭА на МДЭА не требует установки нового оборудования.

Экономический эффект замены моноэтаноламина на метилдиэтанолламин, по расчетам, составит по эксплуатационным затратам около 10 млн. руб/год.

Мы предлагаем комплекс услуг по внедрению на предприятиях нефтеперерабатывающей и других отраслей новых отечественных абсорбентов, а именно:

- перевод установок с моноэтаноламина на абсорбенты на основе метилдиэтанолламина, включающий в себя расчет, выдачу исходных данных, при необходимости поставку оборудования, инженерное сопровождение;
- подбор наиболее подходящего для установки заказчика отечественного абсорбента с целью улучшения эксплуатационных показателей, повышения экономической эффективности;
- поставку современных отечественных абсорбентов на основе метилдиэтанолламина, а также традиционных моноэтаноламина, диэтанолламина для замены импорта.

ЛИТЕРАТУРА

1. Гриценко А.Н., Галанин И.А., Зиновьева Л.М., Мурин В.И. Очистка газов от сернистых соединений при эксплуатации газовых месторождений». – Москва «Недра», 1980, – С. 268.
2. Алимов А.А., Фатихова Э.В. Активированные абсорбционные растворы для очистки природного газа от кислых компонентов // Узб. хим. ж., 1994. – № 5, – С. 31–35.
3. Бердиев Г., Камолов Л.С. Очистка природного газа от агрессивных компонентов // ҚарДУ хабарлари. – № 4, –Карши, 2010.

РЕЗЮМЕ

Мақолада МДЭА нинг ишчи эритмасининг барча параметрлари ДЭА билан солиштирилган холда пилот қурилмасида таққослаб ўрганиш ўтказилганда, МДЭА эритмаси ДЭА га нисбатан водород сульфидни абсорбциялаш бўйича селективликни 1,15 мартага ўсиши, хизмат кўрсатиш муддати 1,75 марта кўплиги ва ишчи эритмани 1,5–2,0 марта йўқотиш камайганлиги аниқланганлиги ҳақида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

При проведении сравнительного изучения абсорбентов на пилотной установке по очистке газа определены их основные показатели: селективность раствора МДЭА при абсорбции сульфида водорода в 1,15 раза выше, чем ДЭА, срок службы – больше в 1,75 раза, потери рабочего раствора – ниже в 1,5–2,0 раза.

SUMMARY

Comparative studies were carried out on the pilot plant for cleaning gas with absorbents and their distinctive characteristics were established, that is, the MDEA solution is more than 1.15 times hydrogen sulfide than DEA, the service life is 1.75 times longer, low losses are 1.5–2, 0 times working solution.

Наширга доц. Л.Камолов тавсия этган

EPIXLORGIDRINI KREMNIY SAQLOVCHI MODDALAR BILAN REAKSIYASINI O`RGANISH

Qarshiyev M.T., Dilmurodova F.G., (QarDU)

Tayanch so`z va iboralar: *epixlorgidrin, natriy metasilikat, kremniy xlorid, etilspirt, natriy xlorid, suv, sulfat kislota, silikagel, termometr, aralashtirgich, qaytar muzlatkich, kolba, vakuumli quritkich.*

Hozirgi vaqtga kelib tarkibida kremniy saqlagan organik moddalar va ular asosida tayyorlangan materiallar fan va texnikada keng qo`llaniladi. Bunday organik polimerlarning yuqori temperatura va past temperaturaga chidamliligi, namlikka chidamliligi va ularni yuqori temperaturada sezilarli darajada o`zgarishiga ularga bo`lgan qiziqishni yanada oshiradi.


Kremniy saqlovchi polimer birikmalar yuqori termostabillikka ega bo`lib, past haroratga ta`sirchanligi kam. Ular asosida olingan polimerlarning yuqori fizik-mexanik xususiyatlarini o`rganish, polimerlar olishning nazariy asoslarini yaratish va ularning xususiyatlarini oldindan bashorat qilish amaliy va ilmiy nuqtai nazardan katta ahamiyatga egadir.

Bugungi kunda -Si-O-Si- bog`larni o`z ichiga olgan kremniy organik aralashmalar sanoatda hamda xalq xo`jaligining turli tarmoqlarida keng qo`llanilmoqda. Ular asosida juda ko`p mahsulotlar ishlab chiqarilmoqda: germetiklar, elastomerlar, plastmassa, kremniy-organik kauçuklar, qo`llanilish turlari keng bo`lgan yog`lar va boshqalar. Shu sababli foydali xususiyatga ega bolgan va yuqori talabga javob beradigan kremniy-organik birikmalarni aniqlash muhim vazifa hisoblanadi.

Poliorganosiloksanlarda asosiy zanjir kremniy va kislorod atomlaridan tarkib topgan, qolgan kremniy radikallari yoki ularning guruhlar bilan almashtirilgan. Shu sababdan poliorganosiloksanlarning zanjiri qurilishi qolgan polimerlardan keskin farq qiladi va ular kvarts bilan organik polimerlarni o`rtasida turadi. Poliorganosiloksanlar kimyoviy tarkibi va tuzilishi bo`yicha yuqori texnik qiymatga ega. Barcha poliorganosiloksanlar yuqori namlikka, issiq va sovuq haroratga chidamli, ular inert moddalar hisoblanib oksidlanishga, doimiy quyosh nuriga, kislorod va ozon ta`siriga ham chidamlidir.

Silikon polimerlar yordamida suv o`tkazmaydigan kiyim-keçak, poyabzal, qurilish materiallari va namlaydigan (gidrofob) materiallar olish mumkin. Kremniy-organik moddalarni ko`pikdan xalos bo`lish yoki ko`piklanishning oldini olish xususiyatlaridan farmatsevtikada va sharob tayyorlashda qo`llaniladi. Hatto zamonaviy tibbiyotda ham ularning ahamiyati juda katta; qonni bir muncha vaqtga tanadan chiqarib turish lozim bo`lgan jarrohlik operatsiyalarida qonni chiqarish paytida uni ko`pirib ketishining oldini oladi. Bu holatda, jarrohlik instrumentlariga silikon oligomerlar bilan ishlov berilsa, instrumentda havo pufakchalari (tromblar) hosil bolishining oldi olinib, o`lim xavfi kamayadi. Shuningdek, yuqori diapazonda ishlovchi (100 dan 250°C gacha) agregatlarda ishlovchi suyuq gidravlik va moylovchi mahsulotlarni olishda keng qo`llaniladi.

Kremniy o`z ichiga olgan birinchi organik modda 1845-yili etil spirtini kremniy(IV) xlorid bilan reaksiyasidan olingan.



Lekin zamonaviy kimyo nomenklaturasi bilan olib qaralganda bu modda birinchi kremniy saqlovchi modda emas edi. Hozirgi vaqtga kelib kremniy saqlovchi modda sifatida uglerod-kremniy bog`ga ega modda hisoblanadi. Shunday qilib birinchi kremniy saqlovchi modda 1863-yilda olingan tetraetilsilitsiy hisoblanadi - $\text{Si}(\text{C}_2\text{H}_5)_4$.


O`sha paytda kremniyorganika 100 yil o`tib mustaqil va muhim yo`nalishga aylanishini, kremniyorganik moddalar, asosan polimerlar, sanoatning bir necha turi – transportda, qurilishda yetakchi o`rinlarni egallashini hech kim tasavvur qilmagan.

Kimyoning bu turi bizga eng issiq va sovuq haroratga tegishli sintetik kauchuklarni taqdim etadi. Bunday kremniy organik kauchuklarning haroratga chidamlilik intervali -80 dan +260 °C gacha, ular anchadan beri laboratoriya namunalari sifatida emas, balki sanoatda ommaviy tarzda ishlab chiqariladi.

Zamonaviy elektrotexnikaga kremniy organik birikmalarning eritmalari bo'lgan kremniy organik laklar juda muhim o'rin tutadi. Ular nurash, yuqori va past temperatura, quyosh radiatsiyasiga juda chidamli va elektroizolyatsion xususiyatga ega. Kremniy organik laklardan foydalanganuncha konlardagi kesish va teshish mashinalarining dvigatellarining izolyatsiyasi besh oygacha yetgan. Izolyatsiya uchun kremniy organik laklardan foydalana boshlangach, bu ko'rsatkich uch yilga yetgan.

Aralashtirgich, termometr va qaytar muzlatkich bor bo'lgan kolbaga 1 mol natriy silikat eritmasidan solib 30–50 °C haroratda ushlab turiladi, 5–6 soat davomida 2 mol EXGni tomchilab qo'shamiz va bir holatda aralashiramiz. EXG to'liq aralashgandan keyin reaksiyani yana 30 daqiqada davom ettiramiz. Undan keyin hosil bo'lgan cho'kma filtrlanib, suvda yuviladi va xona haroratida vakuumda quritiladi. Metasilikat natriy asosida sintezlangan kremniyorganik moddalarning tuzilmasini o'rganish. Biroq boshlang'ich komponentlarni va jarayon sharoitini to'g'ri taqsimlab, reaksiyani kerakli monomer hosil bo'ladigan tomonga o'zgartirish mumkin [1].

Reaksiyaning borishi:



Epixlorgidrinni turli kremniy saqlovchi birikmalar bilan reaksiyasidan olingan suvda eruvchi va suvda erimas kremniy organik polimerlarning reaksiyalari o'rganilgan. Xususan, natriy metasilikat, silikagel va suyuq shisha bilan.

Aralashtiruvchi, termometr va qaytar muzlatkich bilan jihozlangan kolbaga 30 ml natriy metasilikatning suvdagi eitmasini solib 45–50 °C darajada ushlab turamiz. 6 soat davomida 4ml EXGni qo'shib bir maromda va sekin aralashiriladi. EXG to'liq aralashgandan so'ng reaksiya yana 30 daqiqada davom ettiriladi. Hosil bo'lgan cho'kmani filtrlab, suv bilan neytral muhitgacha yuvilib vakuumda quritiladi.

Xuddi shu jarayonni uchta har xil muhitda (pH>7, pH=7, pH<7) o'tkazilgan. Erituvchi ham almashtirilgan(suv, spirt). Muhitni o'zgartirish uchun 10 ml gacha H₂SO₄ suvli eitmasi qo'shilgan [2].


Muhitning reaksiya hosil bo'lishiga ta'sirini o'rganish natijalari 1 jadvalda keltirilgan.

Natriyga, metasilikatga asoslangan reaksiyaning muhitga bog'liqligi

№	Natriy metasilikat (gr)	EXG (ml)	Temperatura °C	pH	Samaradorlik foiz
1	2	4	60-70	2	15
2	2	4	60-70	7	45
3	2	4	60-70	12	85

Olingan ma'lumotlarga tayanib kremniy saqlovchi birikmalarning oqishi va o'rtacha yopishqoqligining grafigi tuzildi.

1-rasm. Eritmaning yopishqoqligi kremniy saqlovchi birikmalarning konsentratsiyasiga bog'liqligi;



Har qanday holda tarkibida 1 foiz modifikator bo'lganligi bilan mos keladi. Natriyli suyuq shishani epixlorgidrin bilan reaksiyasi tizimli o'rganildi. Oligomerlarni yaratish usullari optimal sharoitlari aniqlanib va o'tkazilayotgan reaksiyalarni kinetik xususiyatlari o'rganildi hamda kremniy saqlovchi xomashyo asosida gidrofobizatorlar va antiko'piklantiruvchilar olindi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Silicon-containing polymers. Ed. R.G.Jones. London: Roy.Soc.Chem. 2008.
2. Gauthier S., Worsfold D.J. Mechanistic studies of polysilane polymerization. – Ibid. 2003. – P. 299–308.

РЕЗЮМЕ

Maqolada epixlorgidrinning kremniy saqlovchi moddalar bilan kimyoviy reaksiyasining muqobil sharoitlari o'rganildi. Reaksiya natijasida 85 foiz unum bilan kremniy saqlovchi moddalar asosida gidrofobizatorlar va antiko'piklantiruvchilar olindi.

РЕЗЮМЕ

В статье изучены оптимальные условия реакции эпихлоргидрина с веществами, содержащими кремний. В результате реакции на основе кремниесодержащих веществ получены гидрофобизаторы и антивспениватели с 85 % выходом.

SUMMARY

In this article, it was studied that the optimal mediums of reaction of epichlorhydrin with silicon based compounds. On 85 % of productivity degree it was obtained silicon stare compounds based on hydrophysizer and antiwaxing agent.

Наишга доц. Л.Камолов тавсия этган

**ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ШАРОИТИДА ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН
МАНЗАРАЛИ ДАРАХТ ВА БУТАЛАРДА УЧРАЙДИГАН ASCOMYCOTA
БЎЛИМИ DOTHIDEOMYCETES СИНФИ МИКРОМИЦЕТЛАРИ**

Шеркулова Ж.П., Бойсунов Б.Х., Полвонов Ф.И. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *Микромицет, Dothideomycetes, Capnodiales, Pleosporales, Botryosphaeriales, патоген.*

Замбуруғлар оламининг Ascomycota бўлимига кирувчи Dothideomycetes синфи энг катта синф бўлиб, ҳозирги вақтда 11 та тартиб, 90 та оилага мансуб, 19000 та турни ўз ичига олади (Kirk ва бошқ., 2008 Hyde ва бошқ. 2013) [1],[2]. Бу синф турларининг деярли кўпчилиги патоген замбуруғлар бўлиб, улар ўсимликларда турли хил доғланиш касалликларини кўзгатади.

Dothideomycetes синфи вакиллари патогенлар, эндофитлар ёки эпифитлари ва сапротроф, яшайдиган турлари учраши келтирилган (Schoch ва бошқ., 2006, Hyde ва бошқ. 2013) [2], [3]. Сўнгги йилларда, Dothideomycetes синфни классификация қилишда филогенетик таҳлил ёрдамида бир неча тадқиқотлар олиб борилган (Liew ва бошқ. 2000, 2002, Lumbsch & Lindemuth 2001, Nelsen ва бошқ., 2009, 2011, Schoch ва бошқ. 2009a, Zhjan boshq. 2012) [3], [5], [6], [7], [8], [9], [10].

Ўзбекистон ҳудудида юксак ўсимликлар микобиотасига бағишланган бир қанча илмий ишлар амалга оширилган. Миколог олимлардан Н.Г. Запрометов [11], Н.И.Гапоненко [12], Т.С. Панфилова ва Н.И.Гапоненко [13], Ё.С. Солиева (1989, 2002) [14] [15], Х.Х.Нуралиев (1989, 2004) [16], [17], Ш.Г.Камилов [18], Ю.Ш.Ғаффоров (2004, 2016, 2017) [19], [20], [21], И.М.Мустафаев (2014) [22] ва бошқалар томонидан ўт ўсимликлар, бута ва дарахтлар микобиотасини ўрганиш борасида илмий изланишлар олиб борилган.

Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари ҳудудида режали равишда микологик ва фитопатологик илмий тадқиқотлар олиб борилмаган бўлиб, дендролог олимлар томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида Қарши шаҳрининг ўзида ҳозирги кунда 80 турдан ортиқ манзарали дарахт ва буталар, Шаҳрисабзга 2015 йилгача 40 тур ва 2015 йилнинг бошларига келиб, 25 тур ва 56 шакл навларга мансуб ноёб ва манзарали дарахт ва буталар келтирилганлиги [24], [25] ва бу ўз навбатида микромицетларнинг янги турларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Шу боис манзарали дарахтлар микобиотасини ўрганиш аҳоли яшаш жойларида ва шаҳарларда фитосанитар ҳолатнинг яхшиланиши ҳамда мавжуд патоген микромицетларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқишда назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

2014–2017 йиллар давомида Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларига илмий сафарлар ташкил этилиб, замбуруғлар билан касалланган ўсимликларнинг намуналари йиғилди ва қабул қилинган усулларда гербарий материаллари тайёрланди. Касалланган ўсимликлардан микромицетларни ажратиш олишда, уларни систематик ўрнини аниқлашда ва тузилишини ўрганишда МБС-9 бинокулярлари ҳамда МБИ-3, Motic B1, NU2E универсал микроскопларидан фойдаланилди [26].

Микромицетларнинг тур таркибини аниқлашда қуйидаги аниқлагичлар ва илмий адабиётлардан фойдаланилди [27], [28], [29], [30], [31]. Микромицетларнинг замонавий номенклатураси mycobank (<http://www.mycobank.org>) [32] ва хўжайин ўсимликларнинг номлари эса «The plant list» (<http://www.theplantlist.org>) [33] асосида берилди.

Ўсимликларнинг касалланган аъзоларидан замбуруғларни ажратиб олишда “нам камера” (Наумов, 1932) [34] усулидан фойдаланилди. Касалланган ўсимлик қисмларидан препаратлар тайёрлаш қўшимча ишловларсиз тўғридан – тўғри амалга оширилди. Бунинг учун яхшилаб ювиб, қуритилган буюм ойнасига бир томчи стерилланган сув томизилиб, ўсимликнинг касалланган қисмидан кичик бўлакчаси қўйилиб ва қоплагич ойна билан ёпилади. Препарат микроскопнинг дастлаб кичик, кейин катта объективларида кузатилади.

Тадқиқот натижалари. Гербарий намуналарни таксономик таҳлил қилиш натижасида манзарали дарахт ва буталарда *Dothideomycetes* синфидан, 3та тартиб, 8 та оила, 14 туркумга мансуб 36 замбуруғ тури учраши аниқланди (1-жадвал).

1-жадв.

Манзарали дарахт ва буталарда тарқалган микромицетларнинг таксономик таҳлили

Синф	Тартиб	Оила	Туркум	Тур Сони	Фоиз хисобида
Dothideomycetes	Botryosphaeriales	Botryosphaeriaceae	<i>Diplodia</i>	7	19
			<i>Hendersona</i>	1	3
			<i>Phyllosticta</i>	3	8,3
	Capnodiales	Capnodiaceae	<i>Capnodium</i>	3	8,3
			<i>Septoria</i>	2	5,5
		Mycosphaerellaceae	<i>Cercospora</i>	1	3
			Cladosporiaceae	<i>Cladosporium</i>	4
	Pleosporales	Pleosporaceae	<i>Alternaria</i>	4	11,1
			<i>Pleospora</i>	2	5,5
			<i>Phoma</i>	1	3
			<i>Stemphylium</i>	1	3
		Camarosporiaceae	<i>Camarosporium</i>	2	5,5
		Venturiaceae	<i>Fusicladium</i>	2	5,5
		Leptosphaeriaceae	<i>Coniothyrium</i>	3	8,3
1	3	8	14	36	100 фоиз

Жадвалдаги маълумотларга асосан умумий аниқланган замбуруғларнинг кўпчилиги Pleosporales тартибидан 4 та оила, 7 та туркум ва 15 та турни ёки 41,6 фоизни, Botryosphaeriales тартибидан 1 та оила, 3 та туркум ва 11 та тур ёки 30,5 фоиз, Capnodiales тартиби вакиллари бўлиб, 3 та оила, 4 та туркум ва 10 та турни ёки жами аниқланган замбуруғларнинг 28,0 фоизни ташкил қилиши қайд этилди.

Тадқиқ этилаётган ҳудудда, айниқса, аниқланган турларнинг кўпчилиги *Diplodia* (7), *Cladosporium* (4), *Alternaria* (4) туркумларига мансуб микромицетлар кўп учраши қайд қилинди.

Қуйида Dothideomycetes синфига мансуб микромицетларнинг рўйхати келтирилган.

Diplodia amorphae (Wallr.) Sacc., Sylloge Fungorum 2: 311 (1883) [МВ#166569]. Хўжайин ўсимлик *Amorpha fruticosa* L. Қарши шаҳри, 14.10.2014, JP-Q054, 21.05.2017, JP-Q055.

D. koelreuteriae Sacc., Michelia 2 (6): 60 (1880) [МВ#204913]. Хўжайин ўсимлик *Koelreuteria paniculata* Laxm. Қарши шаҳри, 21.05.2017, JP-Q057.

D. mahoniae Sacc., *Michelia* 2 (7): 268 (1881) [MB#245921]. Хўжайин ўсимлик *Mahonia aquifolium* Nutt. Қарши шаҳри, 14.10.2014, JP-Q10(TASM), 7.08.2016, JP-Q58.

D. juniperi Westend., *Bulletin de l'Academie Royale des Sciences, des Lettres et des Beaux Arts de Belgique Ser. 2*, 2 (7): 560 (1857) [MB#214690]. *Juniperus virginiana* L. Қарши шаҳри, 28.03.2017, JP-Q083.

D. populina Fuckel, *Jahrbücher des Nassauischen Vereins für Naturkunde* 23-24: 170 (1870) [MB#247753]. Хўжайин ўсимлик *Populus pruinosa* Schrenk., (Нуралиев, 10.07.1995). *Populus nigra* L. Шаҳрисабз шаҳри, 10.09.2016, JP-Sh026.

Sphaeropsis sapinea (Fr.) Dyko & B. Sutton, *The Coelomycetes. Fungi imperfecti with perithecia, acervuli and stromata*: 120 (1980) [MB#116379]. Хўжайин ўсимлик *Pinus eldarica* Medw. Қарши шаҳри, 10.09.2016, JP-Q059, *Pinus nigra* J.F. Arnold. ва Шаҳрисабз шаҳри, 10.09.2016, JP-Sh060.

D. rosarum Fr., *Summa vegetabilium Scandinaviae* 1: 417 (1849) [MB#188723]. Хўжайин ўсимлик *Rosa* sp. Қарши шаҳри, 20.05.2015, JP-Q061, 7.08.2016, JP-Q062.

Hendersonia ulmea P. Karst., *Symb. mycol. fenn.*: 158 (1879) [MB#177609]. Хўжайин ўсимлик *Ulmus pumila* L. Қарши шаҳри, 28.03.2017, JP-Q085.

Phyllosticta ulmi Westend., *Bulletin de l'Academie Royale des Sciences, des Lettres et des Beaux Arts de Belgique Ser. 2*, 2(7): 570 (1857) [MB#239790]. Хўжайин ўсимлик *Ulmus densa* Litv. Қарши шаҳри, 11.06.2016, JP-Q80.

Ph. acerina Allesch., *Rabenhorst's Kryptogamen-Flora, Pilze - Fungi Imperfecti* 1(7): 751 (1903) [MB#187469]. Хўжайин ўсимлик *Acer negundo* L. Қарши шаҳри, 26.08.2016, JP-Q042.

Seimatosporium lichenicola (Corda) Shoemaker & E. Müll., *Canadian Journal of Botany* 42(4): 403 (1964) [MB#339053] (*Phyllosticta aesculicola* дастлабки номи). Хўжайин ўсимлик *Aesculus hippocastanum* L. Шаҳрисабз шаҳри, 7.08.2016, JP-Sh09.

Capnodium pini Berk. & M.A. Curtis, *Grevillea* 4(32):157(1876). Хўжайин ўсимлик *Pinus eldarica* Medw. Қарши шаҳри, 04.05.2016, JP-Q41. *P. pallasiana* D. Don. 5.11.2016, JP-Q107. Шаҳрисабз шаҳри, 8.07.2017, JP-Sh112.

C. salicinum Mont., *Annales des Sciences Naturelles Botanique* 11: 234 (1849) [MB#168391]. Хўжайин ўсимлик *Ulmus pumila* L. Қарши шаҳри, 04.05.2016, JP-Q012.

Metacapnodium juniperi (W. Phillips & Plowr.) Speg., *Physis Revista de la Sociedad Argentina de Ciencias Naturales* 4(17):288(1918) [MB#212907]. Хўжайин ўсимлик *Juniperus virginiana* L. Қарши шаҳри, 23.03.2016, JP-Q015.

Septoria fraxini Desm., *Plantes Crypt. de France*: no. 1086 (1840) [MB#157544]. Хўжайин ўсимлик *Fraxinus sogdiana* Bunge. Қарши шаҳри, 11.06.2016, JP-Q043.

S. populi Desm., *Annales des Sciences Naturelles Botanique* 19: 345 (1843) [MB#185912]. Хўжайин ўсимлик *Populus nigra* L. Қарши шаҳри, 27.06.2016, JP-Q044.

Cercospora sp. Хўжайин ўсимлик *Robinia pseudoacacia* L. Қарши шаҳри, 27.06.2016, JP-Q037.

Cladosporium herbarum (Pers.) Link, *Magazin der Gesellschaft Naturforschenden Freunde Berlin* 8: 37 (1816) [MB#231458]. Хўжайин ўсимлик *Haplophyllum acutifolium* (DC.) G. Donfil. (Нуралиев, 1996, 1997) *Tilia cordata* Mill. Шаҳрисабз шаҳри, 18.05.2016, JP-Sh032, Хўжайин ўсимлик *Hibiscus syriacus* L. Қарши шаҳри, 16.07.2014, JP-Q020, 18.05.2017, JP-Q014.

C. fumago Mont., *Historia Física y Política de Chile. Botánica. Flora Chilena* 8: 32(1852) [MB#158541]. Хўжайин ўсимлик *Populus alba* L. Қарши шаҳри, 8.08.2016, JP-Q031.

Stenella deightoniana U. Braun, *Mycotaxon* 92: 404 (2005) [MB#500178] (*Cladosporium cercestidis* дастлабки номи). Хўжайин ўсимлик *Cercis canadensis* L. Қарши шаҳри, 08.07.2014, JP-Q029.

Fusicladium martianoffianum (Thüm.) K. Schub. & U. Braun, IMI Descriptions of Fungi and Bacteria 1515 (2002) [MB#384597] (*Cladosporium martianoffianum* Thüm., дастлабки номи). Хўжайин ўсимлик *Populus nigra* L. Қарши шаҳри, 20.04.2014, JP-Q022, 28.03.2017, JP-Q088.

Alternaria alternata (Fr.) Keissl. Хўжайин ўсимлик *Rosa multiflora* Thunb. Қарши шаҳри, 3.08.2014, JP-Q018, 7.08.2016, JP-Q052. *Sequoiadendron giganteum* Lindl. Шаҳрисабз шаҳри, 7.05.2016, JP-Sh016, 7.08.2016, JP-Sh017.

A. solani Sorauer, Z. Pfl Krankh. PflPath. PflSchutz: 6, t. 1:2 (1896) [MB#444460]. Хўжайин ўсимлик *Juniperus virginiana* L. Қарши шаҳри, 14.10.2014, JP-Q 011.

A. tenuissima (Nees) Wiltshire, Transactions of the British Mycological Society 18 (2): 157 (1933) [MB#280005]. Хўжайин ўсимлик *Malus sieversii* (Ledeb.) M. Roem. (Нуралиев, 1995). *Populus alba* L. Шаҳрисабз шаҳри, 6.08.2016, JP-Sh 013.


A. tenuis Link, Caroli a Linné Species Plantarum exhibentes Plantas Rite Cognitas ad Genera Relatas 6(1): 127 (1824) [MB#497136] – Link. Хўжайин ўсимлик *Bromopsis inermis* (Leys.) Holub. (Нуралиев, 1997). *Sophora japonica* L. Қарши шаҳри, 15.08.2014, JP-Q030, 3.08.2016, JP-Q033.

Camarosporium meliae Annal., Vestn. Moskov. Univ. Ser. biol.: 58 (1960) [MB#283011]. Хўжайин ўсимлик *Melia azedarach* L. Қарши шаҳри. 15.04.2015, JP-Q025, 28.03.2017, JP-Q082.

Camarosporium hendersonioides Gonz. Frag., Revista Real Acad. Ci. Madrid: 714 (1917) [MB#173350]. Бу тур Ўзбекистон микобиотаси учун янги бўлиб, Қарши шаҳрида *Sophora japonica* L. (Япон софораси) новдаларида учраши аниқланди. Замбуруғнинг пикнидилари новда пўстлогини ёриб чиқади. Пикнидилари қора рангда, диаметри 190–200 мкм. Споралари 15–19 x 8,5–9,0 мкм, эллипссимон ёки тухумсимон шаклда, кўндалангига 1–3, бўйига 1 тўсиқли бўлиб, сарғиш-жигар ранг. 24.04.2017, JP-Q111.

Пикнидия кўнгир рангда

1-расм.



Camarosporium hendersonioides Gonz – *Sophora japonica* L.

а – субстрат, б – пикнидиоспоралар, в – споралар.

Pleospora buddlejae* Gucevic (1959) [MB#537374] *Pleospora buddlejae


Pleospora buddlejae Gucevic (1959) [MB#537374] Бу замбуруғ тури Ўзбекистон микобиотаси учун янги бўлиб, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида *Buddlejae davidii* Franch. (Будлия) новдаларида учраши аниқланди. Замбуруғнинг псевдотецийлари новданинг эпидермис остида жойлашиб аста-секин бўриб чиқади. Псевдотецийлари биттадан ёки гуруҳ бўлиб жойлашган, қора рангда, диаметри 264 мкм, Халталари 96-102,5 x 19 – 23,4 мкм цилиндрисимон, эллипссимон, 8 спорали. Спораси 24,5–26,5 x 9,5–11,5 мкм. Сарғиш

ва жигар рангда, эллипссимон, кўндалангига 3–5, бўйига 1 тўсиқли. Шахрисабз шахрида, 10.09.2016, JP-Sh113. Қарши шахри, 15.05.2017, JP- Q109.

Pleospora spgazziniana Sacc., *Michelia* 1 (3): 347 (1878) [МВ#168327]. Хўжайин ўсимлик *Catalpa bignonioides* Walter. Қарши шахри, 16.05.2017, JP- Q081.

Phoma siliquastrum Desm., *Annales des Sciences Naturelles Botanique* 11: 280 (1849) [МВ#230486]. Ушбу замбуруғ тури *Cercis siliquastrum* L. новдасида учраши кузатилди. Ўсимлик новдасида майда кўнғир пикнидилар бўртган ҳолда кўринади. Пикнидилари яссиллашган шарсимон диаметри 236 мкм, гуруҳ бўлиб жойлашган. Споралари 6,5-7,5 x 2–2,5 мкм рангсиз, тўсиқсиз, цилиндрсимон. Қарши шахри, 21.05.2017, JP- Q110.

2-расм.



Pleospora buddlejae Gucevic – *Buddlejae davidii* Franch.: а – субстрат; б – псевдотецийдан спораларнинг чиқиши; в – халтаспоралари; г – споралар.

Stemphylium sp. *Albizzia julibrissin* Durazz.* Қарши шахри. Шеркулова Ж.П., 4.05.2017, JP- Q103.

Fusicladium radiosum (Lib.) Lind, *Annales Mycologici* 3 (5): 429 (1905) [МВ#179286]. Хўжайин ўсимлик *Populus tadshikistanica* Kom. (Нуралиев, 1997). *Populus nigra* L. Шахрисабз шахри, 7.08.2016, JP- Sh039.


F. salicis (Moesz & Smarods) U. Braun & K. Schub., *Schlechtendalia* 16:73(2007) [МВ#510455]. Хўжайин ўсимлик *Salix alba* L. Қарши шахри, 10.05.2015, JP-Q034, 22.05.2016, JP-Q038.

Microsphaeropsis olivacea (Bonord.) Höhn., *Hedwigia* 59: 267 (1917) [МВ#438686]. Хўжайин ўсимлик *Cercis canadensis* L. Қарши шахри, 4.05.2016, JP- Sh086.

Coniothyrium negundinis Tehon & E.Y. Daniels, *Mycologia* 17 (6): 243 (1925) [МВ#173919]. Хўжайин ўсимлик *Acer negundo* L. Қарши шахри, 4.05.2016, JP-Sh087.

Coniothyrium olivaceum Bonord., Jahrbücher des Nassauischen Vereins für Naturkunde 23-24: 377 (1869) [MB#152451] *Buxus sempervirens* L. Қарши шахри, 21.05.2017, JP-Q110.

3-расм.



***Phoma siliquastrum* Desm. *Cercis siliquastrum* L.:**
а – субстрат; б – пикнидиоспораларнинг чикиши; в – споралар.

Олиб борилган илмий изланишлар давомида Dothideomycetes синфи вакиллари манзарали дарахт ва буталарнинг 27 та турида тарқалганлиги аниқланди. Жумладан, *Populus nigra* L. – 4, *Juniperus virginiana* L.– 3, *Cercis canadensis* L. –2, *Pinus eldarica* Medw.– 2, *Populus alba* L. –2, *Sophora japonica* L.–2, *Ulmus pumila* L.– 2, *Acer negundo* L. – 2, *Amorpha fruticosa* L., *Koelreuteria paniculata* Laxm., *Mahonia aquifolium* Nutt., *Rosa* sp., *Ulmus densa* Litv., *Pinus pallasiana* D.Don., *Aesculus hippocastanum* L., *Fraxinus sogdiana* Bunge., *Robinia pseudoacacia* L., *Tilia cordata* Mill. *Hibiscus syriacus* L. *Rosa multiflora* Thunb. *Sequoiadendron giganteum* Lindl., *Melia azedarach* L., *Buddlejae davidii* Franch., *Cercis siliquastrum* L., *Albizia julibrissin* Durazz., *Salix alba* L., *Buxus sempervirens* L. турларида биттадан учраши қайд қилинди.

Шундай қилиб, Қашқадарё воҳаси шароитида интродукция қилинган манзарали дарахт ва буталарда 36 тур микромицетлар аниқланиб, *Camarosporium sophorae* Hollós., *Pleospora buddlejae* Gucevic., *Phoma siliquastrum* Desm. турлари Ўзбекистон микобиотаси учун илк бор келтирилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Kirk PM, Cannon PF, Minter DW, Stalpers J.A. Dictionary of the Fungi. (10th ed.) –Wallingford: CABI., 2008. – pp. –221.
2. Hydy KD, Jones EBG, Lui JK, Ariyawansa H et al. 2013 – Families of Dothideomycetes. *Fundamental Diversity*, 63, 1–313.
3. Schoch, C.L., Shoemaker, R.A., Seifert, K.A., Hambleton, S., J.W.& Crous, P.W.(2006). Amltogene phylogeny of the Dothideomycetes using four nuclear loci. *Mycologia* 98: 1041–1052.
4. Liew E. C. Y., Aptroot, A. & Hyde, K.D. (2000) Phylogenetic significance of the pseudoparaphyses in Loculoascomycete taxonomy. *Molecular Phylogenetics and Evolution* 16: 392–402.
5. Liew E.C.Y., Aptroot, A. & Hyde, K.D. (2002) An evaluation of the monophyly of Massarina based on ribosomal DNA sequences. *Mycologia* 94: 803–813.
6. Lumbsch, H.T. & Lindemuth, R. (2001) Major lineages of Dothideomycetes (Ascomycota) inferred from SSU and LSU rDNA sequences. *Mycological Research* 105: 901–908.
7. Nelsen M.P., Lücking, R., Grube, M., Mbatchou, J.S., Muggia, L., Rivas-Plata, E. & Lumbsch, H.T. (2009) Unravelling the phylogenetic relationships of lichenised fungi in Dothideomyceta. *Studies in Mycology* 64: 135–144.

8. Nelsen, M.P., Lücking, R., Mbatchou, J.S., Andrew, C.J., Spielmann, A.A. & Lumbsch, H.T. (2011) New insights into relationships of lichen-forming Dothideomycetes. *Fungal Diversity* 51: 155–162.
9. Schoch, C.L., et al. A class – wide phylogenetic assessment of Dothideomycetes. *Studies in Mycology* 64: 2009. 1–15.
10. Zhang, Y., Crous, P.W., Schoch, C.L., & Hyde, K.D. (2012) Pleosporales. *Fungal Diversity* 52 :1–25.
11. Запрометов Н. Г. Материалы по микофлоре Средней Азии. Вып.2. – Ташкент, 1926. –196 с.
12. Гапоненко. Н.И., Ахмедова Ф.Г., Рамазанова С.С., Сагдуллаева М.Ш., Киргизбаева Х.М. Флора грибов Узбекистана Т. III. Мучнисторосяные грибы. – Ташкент: Фан, 1983. – 364 с.
13. Панфилова Т.С., Гапоненко Н.И. Микофлора бассейна р. Ангрэн. – Ташкент, 1963.–74 с.
14. Солиева Я.С. Микромицеты сосудистых растений Сурхандарьинской области. Автореф. дис. канд. биол. наук. – Ташкент, 1989. – 21 с.
15. Солиева Я.С., Гафуров Ю.Ш. Ўзбекистон флораси учун микромицетларнинг янги туркум ва турлари. О‘zbekiston Respublikasi fanlar akademiyasining ma’ruzalari. – № 4, 2002. – С. 42–45.
16. Нуралиев Х. Х. Микромицеты сосудистых растений Кашкадарьинской области. Автореф. дис. ... канд. биол. наук. – Ташкент, 1998. –18 с.
17. Нуралиев Х.Х. Ботаника боғи ўсимликлари микромицетлари тўғрисида айрим маълумотлар // Материалы международной научной конференции. 16–17 сентября, 2004. – Б. 289–290.
18. Камиллов Ш.Г. Микромицеты сосудистых растений Ботанического сада АН Узбекистана им. Ф.Н.Русанова: Автореф. дис. ... канд. биол. наук. –Ташкент, 1991. –22 с.
19. Гафуров Ю. Ш. Микромицеты сосудистых растений Наманганской области.: Автореф. дис. ...канд. биол. наук. – Ташкент, 2004. – 21 с
20. Гафуров Ю. Ш. Бойсун ботаник-географик райони дендрофлорасининг аскомицет-микромицетлари // Экология хабарномаси. – № 12/2016. – Б. 36–36.
21. Gafforov Yu. Sh. Coniothyrium-like fungi(Ackomycota)from western then shan and south-western hissar mountain of Uzbekistan. О‘zbekiston biologiya jurnali. 2016. – Б. 32–35.
22. Gafforov YSh. A preliminary checklist of Ascomycetous microfungi from Southern Uzbekistan. – *Mycosphere* 8(4), 2017. – P. 660–696.
23. Мустафаев И.М. Некоторые данные о пикнидиальных грибах Нуратинского заповедника. Илмий анжуман материаллари. 9–10 сентября 2014 г., – Б. 42–46.
24. Ёзиев Л.Х. Опыт интродукции древесных растений в Южный Узбекистан. – Ташкент: Фан, 2001. – 209 с.
25. Ёзиев Л.Х. Шахрисабзда чиройли-манзарали экзотик дарахт ва буталарнинг дастлабки интродукциясига доир // Республика илмий семинари материаллари. – Гулистон, 2016. – Б. 18–22.
26. Роскин Г.И. Микроскопическая техника. – М.: Сов. Наука, 1967. – 447 с.
27. Флора грибов Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1990 – 1997. Т. VI–VIII.
28. Журавлёв И.И., Селиванова Т.Н., Черемисинов Н.А. Определитель грибных болезней деревьев и кустарников. – М.: Лесная промышленность, 1979. – 246 с.
29. Визначник грибов Украины. Т. II., Аскомицети. – Киев, 1969. – 248 с.
30. Визначник грибов Украины. Т. III., Незавершени гриби “Наука Думка”. – Киев, 1971. – С. 298, 539, 585.
31. Пидопличко Н.П. Грибы-паразиты культурных растений. Определитель Т. I. Грибы совершенные. – Киев: Наукова Думка, 1977. – 96 с.
32. Наумов Н.А. Методы микологических и фитопатологических исследований. – Л.: Сельхозгиз, 1937. – 272 с.
33. <http://www.mycobank.org>, 2016.
33. <http://www.theplantlist.org>, 2017.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Қарши ва Шахрисабз шахарларининг манзарали дарахт ва буталарида Ascomycota бўлими, Dothideomycetes синфига мансуб 3 тартиб, 8 оила, 14 туркумига мансуб 36 тур микромицетлар аниқланганлиги келтирилган. Улардан *Camarosporium sophorae* Hollós., *Pleospora buddlejae* Gusevic., *Phoma siliquastrum* Desm. турлари Ўзбекистон микобиотаси учун янгилиги қайд қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье приведены данные о сумчатых микромицетах декоративных деревьев и кустарников города Карши и Шахрисабза, относящихся 1 классу, 3 порядкам, 8 семействам, 14 родам и 36 видам. Из них 3 вида: *PCamarosporium sophorae* Hollós., *Pleospora buddlejae* Gucevic., *Phoma siliquastrum* Desm. - считаются новыми для микобиоты Узбекистана.

REZYUME

The article presents data about ascomycetes on ornamental trees and shrubs of Karshi and Shakhrisabz belonging to 1 class, 3 orders, 8 families, 14 genera and 36 species. From them, 3 species *Camarosporium sophorae* Hollós., *Pleospora buddlejae* Gucevic., *Phoma siliquastrum* Desm. are recorded as new species for mycobiota of Uzbekistan.

Наширға проф. Л.Ёзиев тавсия этган

CHLORELLA, CHLOROCOCCUM VA SCENEDESMUS АВЛОДИ МИКРОСУВЎТЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК-ФИЗИОЛОГИК ТУЗИЛИШИ ҲАМДА АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Шакиров З.С., Сафаров И.В. (ЎзР ФА МБИ)

Таянч сўз ва иборалар: *микросувўтлари, биомасса, липид, авлод, штамм.*

Микроскопик сувўтлар ўсимликлар дунёсига хос хусусиятга эга бўлиб, турли йўналишдаги биологик илмий тадқиқотлар олиб боришда қулай объект ҳисобланади [1]. Уларнинг хужайра ўлчови кичиклиги, ўсиш ва кўпайиш муддатларининг жуда қисқалиги ҳамда ҳар хил ўстириш шароитларига мослаштириш мумкинлиги билан кўпчилик олимларни ўзига жалб этиб келмоқда.

Микросувўтлари фотосинтез жараёни орқали ўзини зарур бўлган озуқа моддалари билан таъминлайди, яъни қуёш энергияси ва ҳаводаги корбонат ангидрид газини иштирокида озуқа муҳитидаги ноорганик моддаларни органик бирикмаларга айлантиради ва улар ер шарида ҳаёт давомийлигини таъминловчи биосферанинг муҳим углерод резервуари ҳисобланади [2,3]. Микросувўтлари жуда кенг тарқалган организмлар бўлиб, ер шарида барча сув ҳавзаларида учрайди [4]. Илмий адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра микросувўтларининг айрим турлари тўғрисида озик-овқат маҳсулоти ҳисобланади [5]. Уларнинг биомассалари қишлоқ хўжалигида – чорвачилик ва деҳқончиликда қўшимча оқсил, углевод, микроэлементлар сифатида ва муқобил энергия (биодизел) манбаи сифатида фойдаланилади [6]. Микросувўтлар махсус ўстиригичларда ўстирилганда бир гектар майдондан йилига 70 тонна биомассаси олиш мумкин [7].

Тадқиқотнинг асосий мақсади Ўзбекистон ҳудудида жойлашган дарёлар, қўллар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан олинган микросувўтларининг маҳсулдорлигини, таркибидаги липидлар миқдорини ва бошқа айрим хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Шу боисдан Ўзбекистон Республикасининг турли ҳудудларидан олинган микросувўтларини алгалагич ва бактериологик тозалаш ва уларнинг таркибидаги ёғ миқдорини аниқлаш учун «Чу – 13» минерал озуқа муҳитида [8] стерил шароитда 14 кун давомида 28°C температурада, 2 фоиз CO₂ ва ҳаво аралашмасида, ёруғлик интенсивлиги 4500 Лк бўлган шароитда ўстирилди. Микросувўтлари микроскопик тадқиқотлар асосида морфологик хусусиятларига кўра *Chlorella Chlorococcum* ва *Scenedesmus* авлодларига мансуб эканлиги қайд этилди. Уларнинг микроскопияси 1-расмда акс эттирилган.

Chlorella авлодига мансуб штаммларнинг хужайралар шарсимон, юмалок, овалсимон, эллипссимон, қисқа цилиндрсимон, автоспоралар ёрдамида кўпаяди. Уларнинг ўртача ўлчамлари 1,5– 13 мкм бўлиши қайд этилди (1-а, б расмлар).

Chlorococcum авлодлари микросувўтлари хужайралари шарсимон, овалсимон, япаски доирасимон. Улар зооспоралар ёрдамида кўпаяди, ўртача ўлчамлари 4–25 мкм, ранги яшил, зангори ва қўнғир кўринишда бўлиши кузатилди (1-с, д расмлар).


Scenedesmus авлодига мансуб бир хужайрали яшил сув ўтларининг хужайралар 2, 4, 8, 16, 32 шаклда кетма-кет жойлашганлиги, хужайралари чўзилган, цилиндрсимон, овалсимон, тухумсимон, эллипссимон кўринишда бўлиши аниқланди (1-е, ё расм).

1-жадв.

14 кун “Чу-13” озуқа муҳитида давомида ўстирилган микросувўтларининг биомасса ва ёғ ҳосил қилиши

№	Микросувўтлар	Қуруқ биомасса мг/100мл.	Ёғлар (фоиз ҳисобида)
1	<i>Chlorella sp. 2</i>	170,4	35,3
2	<i>Chlorella sp. 4</i>	183,6	45,7
3	<i>Chlorococcum sp.4</i>	212,7	46,5
4	<i>Chlorococcum sp. 8</i>	237,5	48,6
5	<i>Scenedesmus acutus. UT1.</i>	178,5	33,2
6	<i>Scenedesmus sp.42.</i>	180,6	32,7

1- расм.



Изоҳ: Микросувўтларининг ёруғлик микроскопияси: а – *Chlorella sp. 2*, б – *Chlorella sp. 4*, с – *Chlorococcum sp. 4*, д – *Chlorococcum sp. 8*, е – *Scenedesmus acutus UT1*, ё – *Scenedesmus sp. 42*.

Тадқиқотлар давомида микросувўтлари 14 кун ўстирилганда озуқа таркибидаги минерал моддалар миқдорининг ўзгариши, (рН муҳити рақамли рН метрда текширилганда 7,2 дан 9,6 га ортиши) натижасида микросувўтлари штамларида хлорофил пигментининг камайиши, яъни яшил рангли хужайраларнинг сариқ рангга ўзгариши кузатилади. Илмий адабиётларда келтирилишича муҳит рН нинг экстремал кўрсаткичлари микросувўтларнинг липидлар метаболизмига жуда катта таъсир кўрсатади. Ишқорий стресс шароитларида микросувўтлари фотосинтетик аппаратининг редукцияланиши ҳисобига мембрана липидлари миқдорининг камайиши ва пропорционал равишда триацилглицеринларнинг кўп миқдорда тўпланиши кўрсатилган [9]. Ушбу жараёнда микросувўтларининг кўпайиши турғун ҳолатга ўтганлиги аниқланди, биомасса чўктирилганда чўкманнинг устки юзасида оқ қатлам (нобуд бўлган хужайралар) тўплами мавжудлиги кузатилади. Бу ҳолат микросувўтларининг кўпайиш жараёни тугалланганидан далолат беради. Олинган натижалар микросувўтларининг 14 кун давомида курук биомасса ҳамда липид ҳосил қилиш имкониятлари 1-жадвалда акс этирилган. *Chlorella* sp 2 авлодига мансуб микросувўтлари 35–45 фоизгача липид ҳосил қилган бўлса, *Chlorococcum* sp. 4; 48 фоиз, *Chlorococcum* sp.8; штамлари 48,6 фоизгача липид ҳосил қилиши аниқланди. *Scenedesmus acutus* UT1 штамми 33,2 фоиз, *Scenedesmus acutus* UT4 штамми; 32,7 фоизгача липид ҳосил қилганлиги аниқланди, Микросувўтларининг биомасса ҳосил қилиш имкониятлари тадқиқ этилганда *Chlorococcum* авлодига мансуб микросувўтлари тадқиқ этилган бошқа штаммларга нисбатан сермахсул эканлиги, яъни 14 кун давомида ўстирилганда 237,5мг/100мл биомасса тўплаши аниқланди.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, олинган натижалар таҳлил қилинганда микросувўтларининг битта авлодга мансуб турли штамларида ҳар хил миқдорда липидлар ҳосил бўлиши аниқланди. Ушбу тадқиқ этилган авлодларга мансуб штаммлар орасида, *Chlorella* sp 4; 45 фоиз, *Scenedesmus acutus*.UT1 ; 43,2 фоиз, *Chlorococcum* sp.4 46,5 фоиз, *Chlorococcum* sp.8 микросувўти штамми 48,6 фоиз, яъни тадқиқотимиз давомида ўрганилган бошқа микросувўтлари штамларига нисбатан кўп миқдорда липид синтез қилиш хусусияти аниқланди.

Олинган натижаларга асосланиб хулоса қилишимиз мумкинки, Ўзбекистон шароитида ажратилган *Chlorococcum* ва *Scenedesmus* авлодига мансуб штаммларнинг нисбатан юқори даражада липид синтез қилиши, ўсиш муддатининг қисқа вақт олиши уларнинг таркибидаги ёғлардан юқори миқдорда биодизел олиш мумкинлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Голлербах М.М., Коссинская Е.К., Полянский В.И. Определитель пресноводных водорослей СССР // Вып. 2. Синезеленые водоросли. – М.: Советская наука, 1953. – 326 с.
2. Ben-Amotz A., Tornabene T.G., Thomas W.H. Chemical profiles of selected species of microalgae with emphasis on lipids // *J. Phycol.*, 1985. –V. 521. – P. 72–81.
3. Brennan L., Owende P. Biofuels from microalgae-A review of technologies for production, processing, and extractions of biofuels and co-products//*Renewable and Sustainable Energy Reviews*, 2009. – P. 20–36.
4. Bryant D. A., Cohen-Bazire I. Effect of chromatic illumination on cyanobacterial phycobilisomes. Evidence for the specific induction of a second pair of hycocyanin subunits in *Pseudomonas* 7409 grown in red light//*Eur. J. Biochem.*, 1981. –V. 119. – P. 415–424.
5. Швец, В. И. Фосфолипиды в биотехнологиях /В. И. Швец // Вестник ИТХТ.– 2009. – С. 4–25.
6. Extraction of oil from microalgae for biodiesel production:a review/ Halim Ronald [et al.] // *Biotechnology Advances*. – 2012. –Vol. 30. – P. 710–731.
7. Вассер С.П., Кондратьева Н.В., Масюк Н.П. Водоросли/Наукова Думка, 1989. – 608 с.
8. Banerjee A., Sharma R., Chisti Y., Banerjee U.C. *Botryococcus braunii*: A Renewable Source of Hydrocarbons and Other Chemicals//*Critical Reviews in Biotechnology*, 2002. –V.22. – № 3. –P. 245–279.

9. Guckert J.B., Cooksey K.E. Triglyceride accumulation and fatty acid profile changes in *Chlorella* (Chlorophyta) during high pH induced cell cycle inhibition // J. Phycol., 1990. –V. 26. –P. 72–79.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг турли сув намуналари ва иқлим шароитларидан ажратилган *Chlorella*, *Chlorococcum* ва *Scenedesmus* авлодига мансуб микросувўтларининг морфологик-физиологик хусусиятлари ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье изучены некоторые морфологические и физиологические свойства микроводорослей рода *Chlorella*, *Chlorococcum* и *Scenedesmus*, выделенные из водных образцов в разных регионах Узбекистана.

SUMMARY

In this article we study some morphological-fiziological properties of microalgae genus *Chlorella*, *Chlorococcum* and *Scenedesmus* isolated from water samples in different regions of Uzbekistan.

Наширға проф. Л.Ёзиев тавсия этган

ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ЗАРАФШОН ТИЗМАСИ ҚАШҚАДАРЁ ХАВЗАСИДАГИ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ТАРКИБИДАГИ ФЛАВОНОИДЛАРНИ АНИҚЛАШ

Хўжаназаров Ў.Э., Мирҳамидова П., Валиханова А.К. (ТДПУ)

Таянч сўз ва иборалар: флавоноидлар, антиоксидант, эркин радикаллар, янтоқ, ялтиз, тоғ райҳони, сириқ, равоч, кийик ўти, кампирчопон, экстракт, тритон X-100, 96 фоиз спирт, лимон кислота.

Флавоноидлар табиатда кенг тарқалган бўлиб, юқори ўсимликларнинг қарийб ҳаммасида учрайди. Айниқса, дуккакдошлар (Fabaceae), астрадошлар (Asteraceae), мураккабгулдошлар (Compositae), селдердошлар (Ariaceae), соябонгулдошлар (Umbelliferae), айиқтовондошлар (Ranunculaceae), раъногулдошлар (Rosaceae) ва бошқа оилаларнинг вакиллари флаваноидларга бой бўлади. Бу гуруҳ бирикмалар ўсимликларнинг ҳамма органларининг хужайра ширасида эриган ҳолда бўлади. Флавоноидлар асосан ўсимликлар гуллаган даврда кўп миқдорда тўпланади, кейинчалик миқдори камайиб боради – (6:452)¹.

Бир қатор доривор ўсимликларда: кўк бўтакўз гули – *Centaurea cyanus* (Л); дўлана гули ва меваси – *Flores et Frustus Crataegi*; япон сафораси гунчаси (гули) ва меваси – *Alabastra (Flores) et Fructus sophorae japonicae*; қора мевали арония (қора мевали рябина) – *Aronia melanocarpa Elliot*, қумлоқ бўзночи - *Helichrysum arenarium D.C*; оддий дастарбош – *Tanacetum vulgare Z(Л)*, далачой ўсимлигининг ер устки қисми – *Herba Hyperici* ларда бир қатор биологик актив моддалар аниқланиб, жумладан флавоноидлар ҳам ўрганилган. Шунингдек, ўлмас ўтнинг гулларида (*Helichrysum arenarium*), пижманинг гулларида (*Tanacetum vulgare*), қизил дўлананинг гулларида (*Crataegus sanguinea Pall*) аниқланган. Уларнинг қатор касалликларни даволашда дамлама, суюқ экстракт, найстойка сифатида ишлатилади – (2: 8–16)²

Флавоноидлар ҳайвонлар организмда синтезланмайди, улар организмга озиқ моддалар билан қабул қилинади. Флавоноидлар биологик актив бирикмалар бўлиб, улар антиоксидант таъсир этиш хусусиятига эга – эркин радикаллардан организмни химоя қи-

¹ Холматов Х.Х., Ахмедов Ў.А. Фармокогнозия. – Т.: Ибн Сино. 1995, – 452 б.

² Куркин В.А. Современные аспекты химической классификации биологически активных соединений // Фармация, 2002. Том. 50, но. 2, – С. 8–16.

либ, ташқи факторлар таъсирига қарши чидамлилигини оширади. Флавоноидлар табиий антиоксидантлар қаторига кириб, кўпгина касалликларни коррекциялашда қўллаш мумкин. Флавоноидлар организмда етишмаганда, қатор касалликларни келтириб чиқаради. Баъзи ўсимликлар флавоноидлари асосан витамин Р таъсирига эга бўлиб, қон томирларининг ўтказувчанлиги ва мўртлигини камайтиради, ўт ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади - (2,3,6: 8–16 б, 290 р., 452-б)¹

Маълумки, қишлоқ хўжалигида пестицидларнинг қўлланиши атроф–муҳитнинг ифлосланишига олиб келмоқда, натижада бу химиявий факторлар ҳайвон ва инсон организмларига таъсир кўрсатмоқда. Пестицидлар билан захарланганда, каламуш жигари митохондрия ва микросомаларида липидларнинг пероксидли оксидланиши бир неча мартага ошганлиги ва бир қатор ферментларнинг АЛаТ, АСТ ва ЛДГ фаоллигининг ўзгарганлиги аниқланган. Бундай захарланишнинг олдини олишда ва коррекциялашда ўсимлик антиоксидант факторларидан фойдаланиш мумкин – (1,5: 34-37с. 241с.)²

Доривор ўсимликларда флавоноидлар миқдорини аниқлаш энг муҳим биологик аҳамиятга эга бўлган кўрсаткичдир. Шунинг учун ишимизнинг асосий мақсади, антиоксидант таъсирига эга бўлган умумий флавоноидлар миқдорини жанубий–ғарбий Зарафшон тизмаси Қашқадарё ҳавзасидаги: янтоқ, ялпиз, тоғ райҳони, исириқ, равоч, кийик ўти, кампирчопон доривор ўсимликларда аниқлашдан иборат. Тадқиқотлар доривор ўсимликларнинг барглари ва пояларида баҳор, ёз, куз ойларида олиб борилди.

Ўсимлик материалларида флавоноидларни аниқлашда 1 фоизли тритонХ–100ни 96 фоизли спиртдаги эритмасидан фойдаланилди. Реакция ўсимликлар тўқимасидан ажратиб олинган флавоноидларнинг лимон кислотасининг борли эритмаси таъсирида турғун рангли комплекс ҳосил бўлишига асосланган. Ҳосил бўлган рангли комплексниспектрофотометр – 46 да 420 нм да ўлчаниб, доривор ўсимликларда умумий флавоноидлар миқдори аниқланди – (4: 255 с.)³

Флавоноидлар асосан ўсимликлар гуллаган даврда максимал миқдорда тўпланади, кейинчалик эса миқдори камайиб боради. Жанубий туманларда ҳамда очиқ, қуёш нури кўп тушадиган ерда ўсадиган ўсимликлар одатда бошқа ерда ўсадиган турига нисбатан флавоноидларни кўпроқ синтез қилади – (6: 452-б.)⁴

Шунинг учун биз тадқиқотларни жанубий – ғарбий Зарафшон тизмасида ўсувчи: янтоқ, ялпиз, тоғ райҳони, исириқ, равоч, кийик ўти, кампирчопон каби доривор ўсимликларда турли фасларида олиб бордик.

Натижаларимиз шуни кўрсатдики, флавоноидлар миқдори баҳор, ёз, куз фасларида турлича эканлиги аниқланди (жадвал 1). Флавоноидларнинг энг юқори миқдори ёз фаслида равоч (3600 мкг/г) ва исириқда (3525 мкг/г) аниқланди, баҳор фаслида эса унинг миқдори равоч 2625 мкг/г, исириқда 1800 мкг/г ни ташкил этди. Тиббиётда кенг қўлланиладиган доривор ўсимлик ялпиз экстрактида флавоноидларнинг энг юқори миқдори ёз фаслида кузатилди.

¹ Куркин В.А. Современные аспекты химической классификации биологически активных соединений // Фармация, 2002. Том. 50, но. 2, – С. 8–16.

Куркина А.В. Флавоноиды фармакопейных растений: Монография. Самара: ООО «Офорт», ГБОУ ВПО СамГМУ Минздрав соц.развития России, 2012. 290 с. Холматов Ҳ.Х., Ахмедов Ў.А. Фармокогнозия. – Т.: Ибн Сино. 1995, – 452-б.

² Алимбабаева Н.Т. , Халитова Р.А. , Мирхамидова П. и др. Действие каратэ на перекисное окисление липидов в митохондриях и микросомах печени крыс. Узбекский биологический журнал. 2005.6. 34-37с.

Сейдалиева Л.Т. , Мирхамидова П. , Ишмуминов Б.Б. , Худайбергана Г.К. Влияние пестицидов на активность некоторых ферментов печени крыс и пути их коррекции. Научный альманах. 2015. N11-4(13). – С. 238-241.


³ Рогожин В.В. Практикум по биологической химии. – Санкт–Петербург. – Москва – Краснодар, 2006. – С. 255.

⁴ Холматов Ҳ.Х., Ахмедов Ў.А. Фармокогнозия. – Т.: Ибн Сино. 1995, – 452 б.

**Баъзи бир доривор ўсимликларда умумий флавоноидлар
миқдори(мкг/г)**

№	Ўсимликларнинг номи	Баҳор фасли	Ёз фасли	Куз фасли
1	Янтоқ	487.5 ±0.480	637.5 ±0.638	1950.2 ±1.99
2	Кийик ўти	900 ±0.428	675 ±0.675	
3	Ялпиз	2250 ±2.25	3000 ±3	2550 ±2.55
4	Лимон ўти	1838.5 ±1.838	1987.5 ±1.987	1275 ±0.758
5	Тоғ райҳони	2925 ±2.93	1400 ±1.4	1950 ±1.95
6	Кампирчопон	2100 ±2.1	1150 ±1.150	
7	Отқулоқ	1875 ±1.875	2026 ±2.025	1764 ±1.763
8	Исирик	1800 ±1.8	3525 ±3.53	1875 ±1.875
9	Равоч	262.5 ±0.263	3600 ±3.6	

1-расм.



Баҳор фаслида 2250 мкг/г, ёзда 3000 мкг/г, кузда 2550 мкг/г ни ташкил этди. Тоғ райҳонида флавоноидларнинг энг юқори концентрацияси баҳор фаслида бўлиб, 2925 мкг/г ни ташкил этиб, ёзда 1400 мкг/г, кузда 1950 мкг/г аниқланди (расм 1), янтоқда эса унинг юқори миқдори куз фаслида 1975,2 мкг/г ни ташкил этди.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, антиоксидант таъсир этиш хусусиятига эга бўлган умумий флавоноидлар янтоқ, кийик ўти, ялпиз, лимон ўти, тоғ райҳони, исирик, равоч, отқулоқ, кампирчопон каби доривор ўсимликлар таркибида мавжуд бўлиб, унинг энг юқори миқдори исирик ва равоч ўсимликларининг таркибида эканлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алимбабаева Н.Т., Халитова Р.А., Мирхамидова П. и др. Действие каратэ на перекисное окисление липидов в митохондриях и микросомах печени крыс. *Узбекский биологический журнал*. 2005. 6-сон. – С. 34–37.
2. Куркин В.А. Современные аспекты химической классификации биологически активных соединений // *Фармация*, 2002. Том. 50, но. 2, – С. 8–16.
3. Куркина А.В. Флавоноиды фармакопейных растений: Монография. Самара: ООО «Офорт», ГБОУ ВПО СамГМУ Минздрав соц. развития России, 2012. – 290 с.
4. Рогожин В.В. Практикум по биологической химии. Санкт – Петербург. – Москва – Краснодар 2006. – С. 255.
5. Сейдалиева Л.Т., Мирхамидова П., Ишмунинов Б.Б., Худайберганаева Г.К. Влияние пестицидов на активность некоторых ферментов печени крыс и пути их коррекции. *Научный альманах*. 2015. N11-4 (13). – С. 238–241.
6. Холматов Ҳ.Х., Ахмедов Ў.А. Фармокогнозия. – Т.: Ибн Сино. 1995, – 452 б.

РЕЗЮМЕ

Флавоноидлар ҳайвонлар организмида синтезланмайди, улар организмга озиқ моддалар билан бирга қабул қилинади. Флавоноидлар биологик актив бирикмалар бўлиб, улар антиоксидант таъсир этиш хусусиятига эга, эркин радикаллардан организмни ҳимоя қилиб, ташқи факторлар таъсирига қарши чидамлилигини оширади. Флавоноидлар – кўпгина касалликларни коррекциялашда қўллаш мумкин. Антиоксидант таъсирига эга бўлган умумий флавоноидлар миқдорини Жанубий – ғарбий Зарафшон тизмаси Қашқадарё хавзасидаги янтоқ, кийик ўти, ялпиз, лимон ўти, тоғ райҳони, исирик, равоч, отқулоқ, кампирчопон каби доривор ўсимликларда аниқланди.

Олинган натижаларимиз шуни кўрсатдики, антиоксидант таъсир этиш хусусиятига эга бўлган умумий флавоноидлар янтоқ, кийик ўти, ялпиз, лимон ўти, тоғ райҳони, исирик, равоч, отқулоқ, кампирчопон каби доривор ўсимликлар таркибида мавжуд бўлиб, унинг энг юқори миқдори исирик ва равоч ўсимликларнинг таркибида эканлиги аниқланди.

РЕЗЮМЕ

Флавоноиды не синтезируются в организме животных, они попадают туда вместе с пищей. Флавоноиды являются биологически активными соединениями, они действуют как антиоксиданты, защищая организм от свободных радикалов, усиливают выносливость к воздействию внешних факторов. Флавоноиды можно использовать для коррекции многих заболеваний. Мы определили количество общих флавоноидов в следующих растениях юго-восточных хребтов Зарафшана и бассейна Кашкадарьи: *Alhagi pdeudalhagi* (Bieb) Desv, *Origanum tythantum* Gontsch, *Peganum harmala*, *Trichodesma incanum*, *Mentha asiatica* Boiss, *Melissa officinalis*, *Ziziphora clinopodioides*, *Rheum maximoviczii* Losinsk and *Rumex dictyocarpus* Boiss. et Buhse.

Полученные результаты показали, что общие флавоноиды, обладающие антиоксидантным действием, имеются у таких растений, как *Alhagi pdeudalhagi* (Bieb) Desv, *Origanum tythantum* Gontsch, *Trichodesma incanum*, *Mentha asiatica* Boiss, *Melissa officinalis*, *Ziziphora clinopodioides*. Однако больше всего их содержится в *Rumex dictyocarpus* Boiss. et Buhse *Peganum harmala* и *Rheum maximoviczii* Losinsk.

RESUME

Flavonoids aren't synthesized in organism of animals; they are taken in organism together with food. Flavonoids are biologically active combinations, they influence as antioxidants, protecting organism from free radicals, intensify endurance on influence against external factors. Flavonoids can be used for correcting many diseases. The amount of general flavonoids, which have antioxidant actions in plants, we defined the following plants as *Alhagi pdeudalhagi* (Bieb) Desv, *Origanum tythantum* Gontsch, *Peganum harmala*, *Trichodesma incanum*, *Mentha asiatica* Boiss, *Melissa officinalis*, *Ziziphora clinopodioides*, *Rheum maximoviczii* Losinsk and *Rumex dictyocarpus* Boiss. et Buhse in south - east mountain ranges of Zarafshan in the basin of Kashkadarya.

The received results shows, that the amount of general flavonoids are higher in plants of *Peganum harmala* and *Rheum maximoviczii* Losinsk than *Alhagi pdeudalhagi* (Bieb) Desv, *Origanum tythantum* Gontsch, *Trichodesma incanum*, *Mentha asiatica* Boiss, *Melissa officinalis*, *Ziziphora clinopodioides* and *Rumex dictyocarpus* Boiss. et Buhse.

Наишга проф. Ш.Курбонов тавсия этган

ГИДРОЛИЗ БИОМАССЫ ГАЛОФИТНЫХ РАСТЕНИЙ ЦЕНТРАЛЬНЫХ КЫЗЫЛКУМОВ РАЗБАВЛЕННОЙ СЕРНОЙ КИСЛОТОЙ

Аликулов Б.С., Исмаилов З.Ф. (СамДУ)

Ключевые слова: энергетика, альтернативные источники энергии, возобновляемые источники энергии, биоэтанол, галофит, гидролиз.

В настоящее время производство биоэтанола является наиболее динамично развивающимся сектором биотопливной отрасли. На его долю приходится 85 % от общего объема мирового производства биотоплива [1].

Увеличение объемов производства и потребления биоэтанола является следствием решения задач мировой стратегии защиты окружающей среды и борьбы с глобальным потеплением планеты, направленных на постепенный отказ от нефти и газа и переход на новые возобновляемые виды топлива. Основное направление использования биоэтанола - получение смесевых топлив (этанол+бензин) с достаточно высоким энергосодержанием. В зависимости от вида используемого сырья процессы производства биоэтанола могут значительно отличаться. Но некоторые из основных этапов в процессе остаются теми же, несмотря на то, что они могут протекать в различных условиях температуры и давления, могут использоваться различные микроорганизмы [2].

Гидролиз целлюлозы наиболее перспективный метод химической переработки растительного сырья, так как вместе с биотехнологическими процессами позволяет получать кормовые и пищевые продукты, биологические активные и лекарственные препараты, мономеры и синтетические смолы, топливо для внутреннего сгорания и разнообразные продукты для технических целей. В качестве исходного сырья для получения этих веществ и продуктов используются углеводы, накапливающиеся в растениях. Перед гидролизом необходима предварительная обработка сырья, при которой происходит изменение ее макроскопической и микроскопической структуры, изменение его химического состава. Предварительная обработка приводит к разрушению кристаллической структуры целлюлозы и разрушению гемицеллюлозы. На этом этапе происходит растворение гемицеллюлозы и уменьшается степень ее кристаллизации. Одновременно при этом происходит увеличение ее поверхности, т.е доступной площади, необходимой для различных реакций и увеличение пористости субстрата [3].

Эффективная предварительная обработка должна отвечать следующим требованиям:

1. При обработке необходимо увеличение образования сахара.
2. Облегчить последующее образование сахаров во время гидролиза.
3. Предотвратить ухудшение качества или потери углеводов.
4. Избегать образования побочных продуктов, способных ингибировать последующие процессы гидролиза и брожения [4].

Предварительная обработка сырья перед ферментативным гидролизом имеет особенно важное значение и может быть различного вида: физическая, химическая, биологическая, а также обработка под высоким давлением. Физическая предварительная обработка сырья представляет собой механическое измельчение материала, которая включает в себя дробление, измельчение и помол сырья. В результате измельчения лигноцеллюлозных материалов происходит увеличение удельной поверхности субстрата. Другим видом предварительной обработки сырья является химическая обработка, используемая для уменьшения содержания кристаллической целлюлозы. При химической обработке чаще всего используется различные щелочи и кислоты (серная кислота, соляная кислота), которые способствуют растворению лигноцеллюлозной биомассы, разрушая структуру

лигнина. Важное значение имеет правильно подобранные концентрации кислот, так как конечные продукты гидролиза должны сохранять способность к брожению [5].

Табл. 1.

Массовая доля РВ (%) галофитных растений под воздействием разбавленной H₂SO₄


Концентрация H ₂ SO ₄ , %	Название растений			
	Гребенщик опушенный (<i>Tamarix hispida</i>)	Солянокососник (<i>Halostachys belangeriana</i>)	Сарсазан (<i>Halochnium strobilaceum</i>)	Саксаул чёрный (<i>Haloxylon aphyllum</i>)
продолжительность гидролиза 1 ч				
0,1	0,29±0,15	0,27±0,16	0,35±0,17	0,31±0,16
0,3	0,75±0,16	0,77±0,17	0,81±0,18	0,85±0,20
0,5	1,10±0,17	1,12±0,20	1,20±0,21	1,10±0,20
1	0,83±0,13	0,71±0,16	0,75±0,17	0,83±0,18
продолжительность гидролиза 2 ч				
0,1	0,48±0,17	0,49±0,16	0,51±0,17	0,47±0,17
0,3	0,91±0,18	0,95±0,20	1,00±0,20	1,02±0,18
0,5	1,20±0,20	1,83±0,22	1,95±0,17	1,26±0,15
1	0,95±0,18	1,45±0,20	1,38±0,17	1,02±0,15
продолжительность гидролиза 3 ч				
0,1	0,67±0,13	0,65±0,12	0,66±0,13	0,61±0,15
0,3	1,10±0,14	1,02±0,15	1,26±0,16	1,28±0,20
0,5	1,61±0,15	1,49±0,20	1,61±0,22	1,47±0,21
1	1,12±0,13	1,00±0,21	1,22±0,20	1,06±0,17
продолжительность гидролиза 4 ч				
0,1	0,99±0,12	1,01±0,13	1,02±0,13	0,97±0,12
0,3	1,53±0,22	1,47±0,14	1,53±0,21	1,53±0,20
0,5	1,92±0,21	2,27±0,20	2,43±0,21	1,78±0,20
1	1,26±0,13	1,30±0,14	1,61±0,15	1,61±0,21
продолжительность гидролиза 5 ч				
0,1	0,75±0,22	0,87±0,21	0,93±0,16	0,76±0,21
0,3	1,20±0,21	1,14±0,22	1,02±0,17	0,45±0,22
0,5	1,43±0,20	1,61±0,21	1,88±0,21	1,61±0,12
1	1,20±0,21	0,95±0,15	1,20±0,21	1,04±0,22

В своих исследованиях мы проводили двухступенчатый гидролиз с использованием разбавленной и концентрированной серной кислоты. Выбор серной кислоты для гидролиза полисахаридов растительной ткани обусловлен следующими ее преимуществами: хорошая растворяющая способность целлюлозы и сильная каталитическая активность уже при низких концентрациях; она не приводит к коррозии железа и не обладает летучестью. Для удаления легкогидролизуемых полисахаридов был проведен гидролиз биомассы некоторых пустынных трав, для чего исходное измельченное сырье обрабатывалось 0,1 %, 0,3 %, 0,5 % и 1 % H₂SO₄ с гидромодулем 1:5 и выдерживалось при температуре кипения (100⁰С) в течение 1,2,3,4,5 часов. По истечении времени сырье отфильтровывалось от предгидролизата и использовалось для основной стадии кислотного гидролиза. Результа-

ты сравнительного изучения выхода редуцирующих веществ из биомассы пустынных трав, в зависимости от концентрации H_2SO_4 и продолжительности гидролиза, в течение 1, 2, 3, 4 и 5 часов представлены в нижеследующих таблицах. Результаты исследований массовых долей редуцирующих веществ у галофитных растений при воздействии разбавленной H_2SO_4 представлены в табл. 1. Исследования показали, что при проведении гидролиза в течение первого часа наблюдается небольшой выход редуцирующих веществ. Для травы гребенщик опушенный выход сахаров в течение первого часа составил от 0,29–1,10 %, для соляноколосника – от 0,27–1,12 %; для сарсазана – 0,35–1,20 %; для саксаула чёрного – 0,3–1,10 %. Увеличение концентрации H_2SO_4 до 1 % приводило к уменьшению образования редуцирующих веществ.

При проведении гидролиза в течение 2 часов наблюдается также небольшой прирост РВ. Для травы гребенщик опушенный выход РВ в течение второго часа составил от 0,48 до 1,20 %; для соляноколосника – от 0,49 до 1,83 %; для сарсазана – от 0,51 до 1,95 %; для саксаула чёрного – от 0,47 до 1,26 %. При этом максимальный выход сахаров наблюдается при концентрации H_2SO_4 – 0,5 %. При увеличении концентрации H_2SO_4 до 1 % происходит снижение массовых долей сахаров для всех четырех видов трав.

Рис. 1.



Примечание: Зависимость выхода РВ (%) галофитных растений от продолжительности времени гидролиза (А – Гребенщик опушенный; Б – Соляноколосник; В – Сарсазан; Г – Саксаул чёрный).

При продолжительности гидролиза в течение 3 часов наблюдалось увеличение массовых долей редуцирующих веществ. Исследования показали, что при продолжительности гидролиза в течение 3 часов происходит увеличение выхода редуцирующих веществ. Для гребенщика опушенного выход сахаров составил от 0,67 до 1,61 %, для соляноколос-

ника – от 0,65 до 1,49 %; для сарсазана – от 0,66 до 1,61 %; для саксаула чёрного – 0,6-1,47 % . При концентрации H_2SO_4 1 % наблюдался небольшой выход редуцирующих веществ.

Наибольший выход редуцирующих веществ при гидролизе пустынных трав разбавленной H_2SO_4 наблюдается при продолжительности гидролиза 4 часа. Изучение продолжительности гидролиза в течение 4 часов показало, что максимальный выход редуцирующих веществ наблюдается при концентрации 0,5 % и составляет для гребенщика опушенного 1,92 %; для соляноколосника – 2,27 %; для сарсазана – 2,43 %; для саксаула чёрного – 1,78 %. При увеличении концентрации H_2SO_4 до 1 % и продолжительности гидролиза 4 часа наблюдается небольшой выход сахаров.

При продолжительности гидролиза в течение 5 часов наблюдается снижение выхода ПВ по сравнению с продолжительностью гидролиза в 4 часа. В зависимости от концентрации H_2SO_4 , выход редуцирующих веществ для гребенщика опушенного составил от 0,75 до 1,43 %; для соляноколосника – от 0,87 до 1,61 %; для сарсазана – от 0,93 до 1,88 %; для саксаула чёрного – от 0,76 до 1,61 %.

Максимальный выход сахаров наблюдается при концентрации H_2SO_4 - 0,5 %. При увеличении концентрации H_2SO_4 до 1 % у всех четырех трав происходит снижение выхода редуцирующих веществ.

Исследования показали, что наибольший выход редуцирующих веществ из биомассы галофитных растений наблюдается при продолжительности гидролиза в течение 4 часов и концентрации кислоты 0,5 % и составляет для гребенщика опушенного 1,92 %; для соляноколосника – 2,27 %; сарсазана – 2,43 %; саксаула чёрного – 1,78 % .

Таким образом, изучение выхода редуцирующих веществ показало, что, в зависимости от концентрации H_2SO_4 и продолжительности гидролиза, происходит увеличение выхода редуцирующих веществ. Максимальный выход редуцирующих веществ происходит при концентрации H_2SO_4 0,5 % и продолжительности гидролиза 4 часа. При дальнейшем увеличении концентрации H_2SO_4 происходит уменьшение выхода сахаров. Наибольший выход редуцирующих веществ наблюдается у сарсазана – 2,43 % и соляноколосника – 2,27 %. Наименьший выход редуцирующих веществ наблюдается у гребенщика опушенного – 1,92 % и саксаула чёрного – 1,78 % (рис 1).

Вывод

Максимальный выход редуцирующих веществ из биомассы галофитных растений наблюдается при продолжительности гидролиза в течение 4 часов и концентрации кислоты 0,5 % и составляет для гребенщика опушенного 1,92 %; для соляноколосника – от 2,27 %; для сарсазана – 2,43 %; для саксаула чёрного – 1,78 %.

Литература

1. Абрамов Ш.А. Активность ферментов углеводного обмена штамма *Saccharomyces cerevisiae* в анаэробных условиях культивирования // Хранение и переработка сельхозсырья. 2007. – № 10. – С. 49–51.
2. Вавилин О.А. Защита атмосферы от промышленных выбросов отходов гидролизных предприятий. – М.: Лесная промышленность. 2006. – С. 45–46.
3. Гордиенко И.И., Бабкин В.А. Изучение зависимости выхода редуцирующих веществ от параметров кислотного гидролиза целлюлололигнина лиственницы // Химия растительного сырья. 2005. – №4. – С. 25–26.
4. Воробьева Л.И. Техническая микробиология. – М.: Изд-во МГУ. 1987. – С. 85–86.
5. Jovani Di Nicola, Eleonora Santecchina. Advances in the Development of bioethanol: A Review Biofuel's Engineering Process Technology/INTEC. 2011. – P. 611–638.

РЕЗЮМЕ

В статье приведены сведения, о том, что в условиях снижения ресурсов углеводородного сырья в Узбекистане, одним из главных направлений альтернативных источников энергии может быть использование биомассы некоторых галофитных растений.

Полученные результаты имеют важное научно-практическое значение, использование которых служит для развития новых альтернативных источников энергии.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистон Республикасида углеводород хомашёси камайиб бораётган шароитда муқобил энергетик манбалар яратишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида галофит ўсимликлар биомассаларидан фойдаланиш имкониятлари кўрсатилган. Мақолада таҳлил қилинган маълумотлар илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, улардан фойдаланиш янги муқобил энергетик манбаларнинг ривожлантирилишига хизмат қилади.

SUMMARY

The article provides information, that in response to reduced hydrocarbon resources in Uzbekistan, one of the main directions of alternative sources of energy can be use of biomass of some halophyte plants.

The results have high scientific and practical importance, which serve for the development of new alternative energy sources.

Наширға проф. Ш.Қурбонов тавсия этган

ТЕРМИЗ ШАҲРИ ВА ВИЛОЯТИНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИК ШАРҲИ

Бўриев О.Б., Нарзуллаев Ў.М. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *Бақтрия, Сугд, Наутака, Тахтақорача, Келиф, Керкича, Фароб, Шўроб, Мароқанд, Накишпа, Ксениппа, Балх, Оссурия, Бобил ва тарихий география.*

Термиз шаҳри Жанубий Ўзбекистоннинг йирик ва қадим тарихига эга шаҳарларидан биридир. Амударёнинг ўнг қирғоғида, муҳим кечув бўйида жойлашган (эҳтимол, дастлабки даврларда кечувни назорат қилиб туриш мақсадида барпо этилган) Термиз мил. авв. I минг йиллик ўрталаридан бошлаб Шимолий Бақтриядаги энг йирик шаҳар сифатида кўзга ташланади. Бу шаҳар Ўрта Осиё жанубий ҳудудларининг ички ва ташқи алоқаларида, хусусан, Бақтрия пойтахтини Шимолий Бақтриядаги маконлар ва Сугд билан билан боғловчи йўллар тизимида асосий ўрин тута бошлайди [1].

Ҳофиз Абрунинг “География” асарида Термизга Александр Македонский асос солганлиги ҳақида маълумот берилади. Термиз шаҳрининг барпо этилиши ҳақида манбаларда турлича маълумотлар сақланиб қолган. Тарихчи Ат-Табарий Термизнинг барпо этилиши масаласига тўхталиб, ўз асарининг бир жойида Термизни Александр Македонский барпо этган 12 та шаҳарларнинг бири сифатида қайд қилса, бошқа жойда бу шаҳар сосоний ҳукмдор Кубод (489–581) томонидан барпо этилганлиги ҳақидаги маълумотларни келтириб ўтади. Маҳаллий манбаларда эса Александр истилоси давригача бу ерда шаҳар мавжуд бўлганлиги қайд этилади [2].

Термиз атамаси бўйича ҳам ягона ва умум қабул қилинган илмий асосли фикрлар ишлаб чиқилмаган. Айрим маълумотларга кўра Термиз шаҳри номи Юнон Бақтрия подшоҳи Деметрий номидан келиб чиққан. Хитой манбаларида бу шаҳар “Та ми” шаклида келтирилади.

Илк ўрта асрларда Термиз вилояти Термиз шаҳрини ва унга тегишли бўлган ҳудудларни ўз ичига олган йирик мулк ҳисобланган. Берунийнинг маълумотида кўра, исломгача бўлган даврда Термиз ҳукмдорлари “Термизшоҳ” унвонига эга бўлганлар [3].

Термиз шаҳрида 630 йилда бўлган Хитой сайёҳи, будда монахи Сюань Цзань Термизни туркларга тегишли шаҳар эканлигини, бу ерда 10 та будда ибодатхонаси борлигини, шаҳар 20 ли (10 км) майдонни эгаллаганлигини маълумот сифатида қайд этади [4].

Термиз вилоятининг сиёсий чегаралари сиёсий вазиятга боғлиқ равишда ўзгариб турганлиги боис унинг аниқ географик чегаралари хусусида фикр билдириш қийин. Термизга Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган бир қанча қишлоқлар қараган. Улар ичида Самон қишлоғи анча машҳур ҳисобланади. Бу қишлоқ Самонхудодларнинг мулки бўлиб, шу ердан Самонийлар сулоласининг асосчилари чиққан деган фикр ҳам бор [5].

Шимолий Тохаристоннинг илк ўрта асрлар даври тарихий географиясини аниқлаштиришда воҳанинг ички йўллари тизимида, Амударёнинг ўнг ирмоқлари бўлган Шеробод, Сурхондарё, Вахш, Кофирнихон, Қизилсув каби дарёлар ва уларнинг ирмоқлари бўйлаб жойлашган шаҳарлар, қўرғонлар ва қишлоқларнинг географик ўрнини аниқлаштириш катта аҳамиятга эга. Бу даврдаги алоқа йўллари Помир тоғ тизмасининг таркибий қисмлари бўлган тоғлардан бошланиб, жануби-ғарбий йўналишда, Амударёга қараб оқувчи сув йўлларига параллел равишда фаолият кўрсатган. Бу йўллар ичида Термиздан Шерободдарёнинг чап қирғоғи бўйлаб Зартепа ва Жондавлат тепа ёдгорликлари орқали Нондахона дарасига, бу ердан Шўробсой водийси ва Темир Дарвоза орқали Сугдиёна шаҳарларига кетувчи йўналиш минтақадаги транзит йўллар тизимида катта аҳамиятга эга

эди. Бу йўналиш Суғдни ва минтақанининг марказий ҳудудларини Бактрия пойтахти ва Ҳиндистон шаҳарлари билан боғлашда асосий ўрин тутган.

Бактрия пойтахтини Суғдиёна билан боғловчи йўл Шимолий Бактриянинг тоғолди ва тоғли ҳудудлари орқали ўтиб, асосан икки йўналишда бўлган. Биринчиси Термиз, Темир Дарвоза ва Оқрабат довони орқали жанубий Суғдга олиб чиққан. Бу йўналиш Нау-така¹, Тахтақорача довони орқали Мароқандага ёки Кичик Ўрадарё ва Ғузордарё бўйлаб Қашқадарёнинг қуйи оқимига олиб чиққан. Иккинчи йўналиш Бактра шаҳридан Амударёнинг ўрта оқимидаги кечувлар – Келиф ва Керкича орқали ўтган. Келиф кечувидан Накшипа шаҳрига (Ерқўрғон ёдгорлиги), бу ердан Кўкдала ва Жом даштлари орқали Мароқандага кетувчи йўл бўлган².

Шимолий Тоҳаристондаги илк ўрта асрлар даврига мансуб маконлар воҳанинг ички алоқа йўллари бўйида, Сурхондарё (Далварзинтепа, Холчаён, Термиз ва бошқалар), Ко-фирнихон ва Вахш дарёлари бўйлаб жойлашган. Улар ичида минтақавий аҳамиятга эга йўллар билан боғланган Термиз шаҳри катта ўрин тутди. Амударёдаги кечув бўйида жойлашган бу шаҳар минтақанинг марказий ҳудудларини Шимолий Афғонистон ва Ҳиндистон шаҳарлари билан боғловчи муҳим транзит йўл бўйида жойлашганлиги ҳамда Амударё сув йўлидаги муҳим бандаргоҳларга эгаллиги билан ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларидан ажралиб туради.

Бу ёдгорликлар ичида Амударёдаги муҳим кечувлар яқинида жойлашган кичик қалъалар (Келиф, Курегин қалъа, Керкича, Усти ва бошқалар) муҳим ўрин тутган. Бу кичик қалъалар Амударёдаги муҳим кечувлар яқинида жойлашиб, Амударё сув йўлини ва кечувларни назорат қилиб туриш мақсадида барпо этилган. Улар ичида Амударёнинг Термиздаги кечувдан кейинги муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Шўроб кечувини назорат қилиб турган Кампиртепа (ўнг қирғоқ), ундан қуйироқда жойлашган Келиф (чап қирғоқ), Керки кечуви бўйидаги Керки (чап қирғоқ) ва Керкича (ўнг қирғоқ), Фароб кечуви яқинидаги Эски Чоржўй (чап қирғоқ) ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин. Хусусан, Керкидаги қалъада қушон-сосонийлар даврига оид маданий қатламлар топилиши³, бу қалъа милодий эра бошларидан бошлаб Амударёнинг ўрта оқимидаги муҳим кечувни, Мароқанда ва Бухородан Ксениппа (Ерқўрғон) орқали Бактрияга ўтувчи йўлни ҳамда Амударё сув йўлини назорат қилиб турганидан далолат беради.

Термиз яқинидаги Шўроб кечувининг аҳамияти бу даврларда анча юқори эди. Сўнгги йиллардаги археологик тадқиқотлар туфайли Амударёнинг ўнг қирғоғидаги қадим-

¹ Узунқир ёдгорлиги ўрнидаги бу қадимги шаҳар мил. авв. VII-IV асрларда Суғдиёнанинг ички ва ташқи алоқаларида катта ўрин тутган. Узунқир ёдгорлиги ҳақида қаранг: Лушпенко О.Н. Крепость Узункыр – на трассе торговых путей // Формирование и развитие трасс Великого Шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье: Тезисы докладов международного семинара ЮНЕСКО. Самарканд, 1-6 октябрь. 1990 г. – Ташкент: Фан, 1990. – С.105-106. Шаҳар Александр Македонский истилоси туфайли вайрон этилган, шаҳарсозлик маданияти ҳозирги Китоб шаҳри ўрнидаги янги шаҳарга кучган. Шу сабабли ҳам мил. авв. IV асрдан бошлаб бу йўналишдаги алоқа йўли бирмунча жанубга силжиб, ҳозирги йўналишга анча яқин бўлиб қолади. Узунқир ёдгорлиги ҳақида қаранг: Шаҳрисабз. Минг йилликлар мероси. – Тошкент: Шарқ, 2002; Крашенинникова Н.И. Прошлое Китаба // Вехи времен. – Ташкент, 1989. – С. 27-33

² Накшипа ва Самарқанд оралиғидаги дашт ҳудудининг кўчманчи чорвадорлар томонидан ўзлаштирилиши мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида бошланган. Суғдиёнанинг бу икки йирик шаҳрини боғловчи йўл улар назоратида бўлган қудуқлар орқали ўтган. Кейинчалик бу муҳим савдо йўлини назорат қилувчи истехкомлар ҳам барпо қилина бошлайди. Улар ичида Самарқанд – Қарши темир йўли яқинида, Олатун станциясидан 3 км. ча шимолий-шарқда жойлашган Ҳазорбуқа ёдгорлигини айтиб ўтиш мумкин.

³ Бу шаҳарларнинг минтақадаги иқтисодий-маданий алоқаларда тутган ўрни ҳақида қаранг: Пидеев Ш.Р. Кўҳна Термиз ва “Буюк ипак йўли” // Буюк ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари. – Самарқанд, 1994. – Б. 52-53; Buryakov Y.F., Baipakov K.M., Tashbaeva Kh., Yakubov Y. The citils and routes of The Great silk road (On Central Asia documents). – Tashkent: Sharq, 1999. – P. 57-59.

мий Шўроб кечуви бўйида жойлашган Кампиртепа ёдгорлиги – антик даврда кечувни назорат этиб туриш учун хизмат қилган йирик қалъанинг харобалари ўрганиб чиқилди¹ [6]. Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, Кампиртепа харобалари ўрнидаги қалъадан мил авв. I – мил. II асрларда фаол фойдаланилган. Бу қалъа нафақат кечувни, шу билан бирга Термиз – Урганч сув йўлини ҳам назорат қилиб турганлиги, бу ерда божхонадан ташқари кемалар тўхташига мўлжалланган бухта ҳам бўлганлиги аниқланган [7]. Бу маълумотлар антик даврдан бошлаб Шўроб кечуви орқали ўтувчи алоқа йўллари Бақтрияни Суғдиёна ва минтақамизнинг шимолий ҳудудлари билан боғлашда асосий ўрин тутганлигини кўрсатади.

Амударёнинг чап қирғоғида жойлашган Термиз ривожланган ўрта асрларда Амударё сув йўлидаги йирик бандаргоҳга эга бўлиб [8], Мовароуннаҳрнинг жанубидаги муҳим стратегик аҳамиятга эга шаҳарлардан ҳисобланарди. Термиздан Шарқий Хуросоннинг энг йирик шаҳри, араб манбаларида “Умм ул-Билод” (“шаҳарлар онаси”) деб номланган Балх шаҳрига ўтувчи қарвон йўли бошланиб, манбаларда улар оралиғида Сияхгирд номли йирик қишлоқ бўлгани қайд этилади [9].

Термиз шаҳрининг тарихимизда тутган яна бир муҳим ўрни унинг Амударё сув йўлида, муҳим кечув бўйида жойлашганлигида эди. Маълумки, илк ўрта асрларда минтақамизда кемачилик янада ривожланди. Хусусан, Амударё, Сирдарё ва бошқа йирик дарёларда кемачилик йўлга қўйилди. Манбаларда халифаликдаги 12 та дарёда кемачилик йўлга қўйилгани, улар ичида Амударё ва Сирдарё ҳам борлиги қайд этилади [10].

Эски Термиздаги Қоратепа ёдгорлигидан топилган булладаги² кема тасвири қадимги даврда Амударёда фойдаланилган кемалар шакли ва тузилиши ҳақида муҳим маълумот беради. Мутахассислар фикрича, ясси тагли, бортига тери қопланган, юқори кўтарилган олд қисмида аждаҳосимон махлук, куйруқ қисмида от ёлига ўхшаш шакл туширилган доирасимон кўринишдаги бу кема Оссурия думалоқ шаклли кемаларига ва Бобил юк кемаларига ўхшаб кетади. Кеманинг куйруқ қисмида руль, бортининг пастки қисмида 18 та эшкакчи (демак экипаж таркибида 36 та эшкакчи ва битта бошқарувчи бўлган) тасвирланган. Кемада 5 та найзали жангчи тасвирлангани ундан ҳарбий мақсадларда ҳам фойдаланилганини кўрсатади.

Термиз шаҳрининг қадимги давр ва ўрта асрларда Амударё сув йўлидаги муҳим порт шаҳарларидан бўлгани кўплаб ёзма манбалар маълумотларидан маълум. Машҳур испан элчиси Клавиho ҳам Термиз яқинидаги кечувда махсус ёрликка эга бўлган кемачилар кишиларни бир қирғоқдан иккинчисига ўтишини таъминлаб туришини қайд этади [11].

Термиз яқинида илк ўрта асрларда йиғма кўприклар ҳам қурилгани маълум. Ўрта асрларда ҳам бундай йиғма кўприклардан кенг фойдаланилган. Хусусан, муҳим стратегик аҳамиятга эга йўллар кесишадиган Амударё кечуви бўйида жойлашган Термиз шаҳри яқинида кемалардан кўприклар қурилиб, маълум вақт давомида фойдаланиб турилган. Манбаларнинг далолат беришича, бундай йиғма кўприклар асосан ҳарбий мақсадларда барпо этилган.

Хуллас, илк ўрта асрлар даврида Ўрта Осиёнинг турклар таъсирида бўлган ҳудудларида кўплаб истехкомлар, шаҳарлар барпо этилгани маълум. Минтақадаги муҳим стратегик йўллар бўйида барпо этилган бу шаҳарлар (жумладан Термиз ҳам) ўлкалар устидан ҳарбий-сиёсий назоратни амалга оширишдан ташқари минтақадаги иқтисодий-савдо ало-

¹ Кампиртепа ёдгорлиги Амударёнинг ўнг қирғоғида, Термиздан 30 км. ва Шўроб қишлоғидан 1,5 км. ғарбда, Сурхондарё вилояти Музработ тумани ҳудудида жойлашган. 1972 йилдан археологик тадқиқотлар олиб борила бошланган. Бу ёдгорлик ҳақида батафсил қаранг: Материалы Тохаристанской экспедиции // Археологические исследования Кампиртепа. Вып. 1-3. – Ташкент, 2000-2002.

² Булла - бир томонида (уч қисмида) муҳр ёки тамға босилган, ёғоч ёки сополдан ясалган буюм.

каларини амалга оширишда (бож тўловларини ундириш, солиқлар йиғиш ва бошқалар) ҳам катта ўрин тутган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Пиддаев Ш.Р. Кўҳна Термиз ва Буюк ипак йўли // Буюк ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари. – Самарқанд, 1994. – Б. 52–53; Leriche P., Sh. R.Pidaev. Termez // LA BACTRIANE. Les fabuleux tresors de L'Oxus // Dossiers d'Archeologie. – Paris, 1999. – № 247. – P. 43–49.
2. Ат-Табари. Тарихи Табари (“История” ат-Табари). Избранные отрывки / Перевод с арабского В.И. Беляева. Дополнения к переводу О.Г. Бальшакова и А.Б. Халидова. – Ташкент: Фан, 1987. – С. 210.
3. Беруний, Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Таржимон А. Расулов. Изоҳларни И.Абдуллаев ва А.Расулов тузган.– Тошкент: Фан, 1968. Т. I. – Б. 112.
4. Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тахаристана.– Ташкент: Фан, 1996. – С. 111.
5. Ўша асар. – С. 114.
6. Пилипко В.Н. Побережье Средней Амударьи // Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии, – М., 1985. – С. 244-245. Массон М.Е. Прошлое города Керки // Памятники Туркменистана.– Ашхабад, 1973. – №2. – С. 7.
7. Дудаков С. Раскопки пристани Кампыртепа // Археология, история и культура Средней Азии: Тезисы докладов международной конференции. – Ташкент, 2002. –С. 51–52.
8. Бу шаҳар ҳақида янги илмий маълумотлар ҳақида қаранг: Жалолиддин Мирзо. Термиз тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001.
9. Балх шаҳри харобаси Афғонистоннинг шимолида, ҳозирги Мозори-Шариф шаҳридан 22 верст узоқликда жойлашган. Бу ҳақида қаранг: Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия ... – С. 126–128.
10. Мец А. Мусульманский Ренессанс ... – 479 с.
11. Руи Гонсалес Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403–1406) гг. Пер со стар.испанского, предисловия и комментарий И.С.Мироковой. – М., 1990. – С.100–101.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Термиз шаҳрининг шаклланиши, ижтимоий, иқтисодий, маданий алоқалари, тарихий географияси ҳақида мулоҳазалар юритилган. Шундан келиб чиққан ҳолда янги мулоҳазалар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается становление города Термеза, его социальные, экономические и культурные связи, а также историческая география. Даны новые выводы по этой актуальной проблеме.

SUMMARY

The article deals with the formation of the city of Termiz, the social, economic and cultural ties of the city as well as historical geography. New conclusions are given on this topical problem.

КАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА ЖАМОАЛАШТИРИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Акмаматов О. (ҚарМШИ)

Таянч сўз ва иборалар: Ўзбекистон, Қашқадарё, округ, жамоалаштириш, сиёсат, ўрта ҳол деҳқон, ҳаракат, совет, давлат, туман, қишлоқ хўжалиги.

Ўзбекистон тарихининг энг фожиали саҳифаларидан бири жамоалаштириш сиёсати билан боғлиқ. Жамоалаштиришни сунъий тезлаштириш ва бу борада “мусобақа”ни авж олдиришда ВКП(б) МҚсининг 1930 йил 5 январдаги «Жамоалаштириш суръати ва жамоа

қурилишига давлат ёрдами бериш тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим роль ўйнади. Мазкур қарорда совет давлати ҳудуди уч гуруҳ туманларга бўлинди ва Ўзбекистон учинчи гуруҳга киритилди ҳамда жамоалаштириш 1933 йил баҳорида тугалланиши керак эди. Ўзбекистонда ялпи жамоалаштириладиган 17 ҳудуд белгилаб чиқилди. Агар 1930 йил 1 январигача деҳқон хўжалиқларининг 10 фоизи жамоалаштирилган бўлса, шу йилнинг 1 мартига келиб бу кўрсаткич 44.8 фоизга етди. Хусусан, Қашқадарё округида ҳам бу тадбирлар изчиллик билан олиб борилди. Жамоалаштириш сиёсати зўравонлик билан, ҳеч бир қонун-қоидаларга амал қилинмай авж олдирилди. Округда 1927 йилнинг 1 октябригача 11 та колхоз тузилган бўлиб, 1928 йили улар сони 38 тага етди.¹ Ер-сув ислохотига қадар 55 та жамоа хўжалиги ташкил этилди. Ер-сув ислохоти даврида ҳосилдор ерлардан 30 минг десятинаси мусодара қилиниб, камбағал деҳқонларга бўлиб берилди. Кўриқ, бўз ерлардаги районларда ғаллакор совхозлар тузилди. Янги совхозлар бўш ётган давлат ерларидан фойдаланиш ва товар, ғалла маҳсулотини кўпайтириш мақсадида тузилди.²

Қашқадарё округидаги дастлабки колхозлардан бири Шаҳрисабз тумани Гепар қишлоғида 1928 йилда тузилган бўлиб, унинг ўн бешга яқин хўжалиги, ўттиз гектардан камроқ ери мавжуд эди. Андай қишлоғида тузилган колхоз ҳам илк жамоа хўжалиқлардан бири бўлди.³ Кейинги йилларда мазкур туманда ҳам колхоз ҳаракати анча жонланди. Туманнинг Тўдамайдон қишлоғида 1930 йилнинг январиде колхоз тузилиб, унга «Батрак» деб ном берилди. Колхозга Камол Турдиев раис, Холмат Нуримов муовин қилиб сайланди⁴. Қарши туман Манғит қишлоғида ҳам дастлабки жамоа хўжалиги ташкил этилиб, унга «Янги куч» номи берилди. Унинг биринчи раиси қилиб Хўжамурод Нафасов сайланди.

Жамоа хўжалигига йирик ер эгалари, ўрта ҳол ва камбағал деҳқонлар ҳам бирдай қамраб олинди. Ўзига тўқ хўжалиқлар содир бўлаётган жараёнларга норозилик билан жавоб берди. Қашқадарё округи Бешкент тумани бошлиқлари, ревком раислари Жейнов қишлоғида Сафарбой кўсанинг мусодара қилинган уйида, гоҳ Муҳаммад Набибойнинг тортиб олинган ҳовлисида жамоа хўжалиги тузиш хусусида мажлислар ўтказди. «Ана шундай мажлисларнинг бирида Мулла Чўли қизишиб кетиб, қишлоқда ғирт камбағал, бунинг устига хаёли ҳам ўзига яраша кирди-чиқди бўлган Жумабой девонани ўрнидан турғизиб мажлисда тўпланган халойиққа қараб бундай деган: «–Халойиқ, жамоа хўжалигида ҳамма тенг бўлади, мол ўртада, фойда барабар деяпсизлар, қани менга айтинглари, мен 50 та қўй, 2 та хўкиз, 2 та омов, 3 та сигир қўшсам-да, манави Жумабой девона ҳеч вақо қўшмасая, эртага фойдани тенг кўрса, менинг молимни ўзиники деса, буёғи қандай бўлади? Ахир Жумабой жамоа хўжалигига кирса, у нима қўшади? Унинг ҳалолдан товуғи, ҳаромдан итиям йўқ-ку? Мен бу билан шерик бўлиб, қандай жамоа хўжалигига қираман? Ўйинда ҳарифлар тенг бўлиши керак-да, шундай эмасми?»

Мулла Чўли этагини қоқди-да, ўрнидан туриб чиқиб кетади. Мажлисга келган ўн ўн беш чоғли одам унинг изидан гурра туриб эргашади. Шу куни мажлисда аллақердан келтирилган стол билан стуллар, тумандан қадам ранжида қилган раҳбарларнинг ўзи қолади»⁵.

¹ Қашқадарё вилояти Ҳокимлиги архиви, 34-фонд, 1-рўйхат, 419-иш, 29-варақ.

² Решения партии и правительства по хозяйственным вопросам (1917–1967). – М., Политиздат. 1967. – Б. 773–774.

³ Ўзбекистон колхоз ва совхозлар тарихи. I китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1969. – Б. 310.

⁴ Ўзбекистон колхоз ва совхозлар тарихи. I китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1969. – Б. 312.

⁵ Саидов М., Равшанов П.. Жейнов тарихи. – Т., 1997. – 87-бет.

1927–1929 йиллар давомида мажбуран тузилган колхозлардан 13 таси тарқалиб кетди.¹ Шундан сўнг округда 93 та жамоа хўжалиги қолиб, уларга аъзолар сони 1706 нафар бўлди. Колхозларнинг 18 таси Китоб туманида, Яккабоғ ва Шахрисабзда 16 тадан, Бешкентда 15 та, Ғузорда 13 та, Косонда 11 та, Чироқчида 4 таси жойлашган эди. Колхозларнинг умумий фойдаланиладиган ерлари жуда кам бўлиб, 1928 йил колхозларнинг экин майдони 1279 танобни ташкил қилди.²

Ертепадаги биринчи ширкатга дастлаб Аҳмад Ҳожи, кейинчалик Бодомой Йўлдошева раҳбарлик қилди. Нукрабод кишлоғида эса биринчи раис Дониёр бобо бўлиб, у нотинч йилларда Афғонистонга ўтиб кетди. Ундан сўнг жамоа хўжалигига Равшан бобо, Шомурод боболар раис бўлиб ишлади. 1929 йили Сахтапиёз кишлоғида ташкил топган биринчи колхозга Энгельс номи берилиб, Курбон Қодиров раис этиб тайинланди. Шунингдек, Қипчоқ кишлоғида «Коммунизм» колхози, Тол кишлоғида «Қизил Юлдуз», Хўжа Хуросон кишлоғида «Қизил Ўзбекистон», Қум кишлоғида «Камбағаллар уюшмаси», Шаматон кишлоғида «Умид» жамоа хўжаликлари ташкил этилди.³

Жамоалаштириш жараёнининг хатоликларидан яна биттаси шунда эдики, кишлок кооперацияси артель шаклида амалга оширилади, деб ёзиб қўйилган 1930 йил 6 февралда қабул қилинган биринчи Намунали Низомнинг ўзида бир қатор нуқсон ва қусурлар бор эди. Хужжатда мулкни умумлаштириш табиати, жамоа хўжалиklarининг бўлинмас фондлари каби масалаларга аниқ жавоблар берилмаган эди. Натижада уй-жой бинолари, йирик шохли моллар, қўй-эчкилар у ёқда турсин, ҳатто паррандалар ҳам жамоалар мулкига айлантирилди.

Жамоалаштириш сиёсати баҳонасида амалга оширилган адолатсизлик, зўравонлик ва одамларнинг кадр-қимматини оёқ ости қилиш сиёсати халқ оммасининг Совет ҳукуматидан норозилигининг мислсиз даражада кучайишига сабаб бўлди. Шахрисабз туманидаги «Камбағаллар уюшмаси» ва «Ленин йўли» колхозларида, Яккабоғ тумани Чиброн кишлоғида, Чироқчи туманидаги Ворошилов жамоа хўжалигида, Косоннинг Пўлати кишлоғида кучли чиқишлар содир бўлганлиги манбаларда қайд этилади. Қашқадарёда 1928 йилда 4 та, 1929 йилда 42 та, 1930 йилнинг январь апрелида – 2та қаршилиқ ҳаракатлари бўлиб ўтди.⁴

Хуррам Сафаров 8 кишидан иборат гуруҳи билан Тожик, Шерали, Янгикент, Манғит, Янгимозор, Чуғдума кишлокларида юзага келган ҳаракатга бошчилик қилди. Чироқчи районидаги Торжилға, Кўктош кишлокларида ҳам норозиликлар авж олди. Кишлоқ аҳолиси ўз ерларига яқка тарзда ишлов бериш истаги ҳақида баёнот бериб колхозга киришдан бош тортди. Умумий мажлисларда шу кишлок советларнинг аҳолиси колхозга кирмасликларини кескин баён этган ва районга махсус делегация юбориб колхозга киришидан бош тортганликларини маълум қилди. Шундан сўнг колхозга киришдан бош тортган раҳбарлардан 21 киши қамокқа олинади, улардан 16 таси йирик мулкдорлар эди.⁵

1930 йил 11 февралда Ғузор районида 30 кишидан иборат кетмон ва белкураклар билан куролланган гуруҳ мажлисида дўқ-пўписа қилиб ҳақ-ҳуқуқларини тиклашни талаб қилиб чиқади.⁶

¹ Қашқадарё вилояти Ҳокимлиги архиви, 34-фонд, 1-рўйхат, 836-иш, 2-варақ.

² ҚВХА, 34-фонд, 1-рўйхат, 815-иш, 160–170 варақлар; 733 иш 17-варақ.

³ Раҳматуллаев Т. Қўрғон садоси. – Қарши: Насаф, 1999. – Б. 68–69.

⁴ Шамсутдинов Р. Кишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. – Т.: Шарқ. 2003. – Б. 51–53.

⁵ Шамсутдинов Р. Кишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. – Т.: Шарқ. 2003. – Б. 62–63.

⁶ Ўша асар, – Б. 148–154.

1930 йилнинг 25 февралига қадар Қашқадарёда 4 та халқ оммасининг чиқишлари бўлиб 439 киши қатнашган. 1930 йилнинг 17 мартига қадар битта чиқиш бўлиб, 100 киши қатнашган. Ушбу ҳолат жамоалаштириш сиёсатига қарши чиққанларнинг куч билан бос-тирилганлигига ёрқин мисол бўлади.

1930 йилда Қашқадарё вилоятида ҳаммаси бўлиб 123 киши қамоққа олинган, шундан бойлар 50 киши, муллалар 8 киши, савдогарлар 16 киши, ўрта ҳоллар 18 киши, камбағаллар 7 киши, бузилишларига йўл қўйилган совет ходимларидан 7 кишини ташкил этди.

Советларнинг жамоалаштириш сиёсати оммани кўрқув ва ваҳимага солди. Улар ўз хўжаликларини қаровсиз ташлаб қочдилар, чорва молларини сўйдилар ёки бозорга олиб бориб арзон-гаровга сотдилар. Натижада Ўзбекистонда фақат қорамоллар 1930 йилнинг ўзида 60 минг бошга камайиб кетди.

Хуллас, бутун мамлакатда амалга оширилган жамоалаштириш сиёсати ўз ўрнида Қашқадарё округида ҳам ўтказилиб, бу жараён ўта қарама-қаршилиқлар авж олиши, ҳукумат томонидан кучли талон-тарожликларни амалга ошириш, деҳқонларни асоссиз “қулоқ” қилиш билан кечди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Қашқадарё вилояти Ҳокимлиги архиви. 34-фонд, 1-рўйхат, 419-иш, 29 varaқ.
2. Қашқадарё вилояти Ҳокимлиги архиви. 34-фонд, 1-рўйхат, 836-иш, 2 varaқ.
3. Қашқадарё вилояти Ҳокимлиги архиви. 34-фонд, 1-рўйхат, 815-иш, 160-170 varaқлар.
4. Решения партии и правительства по хозяйственным вопросам (1917-1967). – М.: Политиздат. 1967. – С. 798.
5. Ўзбекистон колхоз ва совхозлар тарихи. Биринчи китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1969. – Б. 310.
6. Саидов М., Равшанов П. – Жейнов тарихи. – Тошкент.
7. Раҳматуллаев Т. Қўрғон садоси. – Қарши: – Насаф, 1999. – Б. 130.
8. Шамсутдинов Р. Қишлоқ ғожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. – Т.: Шарқ, 2003. – Б. 134.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда жамоалаштириш сиёсати Қашқадарё воҳаси мисолида очиб берилди. Шунингдек, жамоа хўжаликларини ташкил этиш жараёнида юз берган қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати, деҳқонларни қулоқ қилиш каби воқеа-ҳодисалар таҳлил этилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается процесс коллективизации в Узбекистане на примере долины Кашкадарьи. В том числе, возникавшие во время организации коллективных хозяйств протесты, раскулачивание крестьян и т.п..

SUMMARY

The questions of the policy of collectivization of Uzbekistan on the Kashkadarya District Prize will be discussed. Including, they analyze about the counteraction, dekulakization of the peasant during the process of organizing collective farms.

Наширға проф. Б.Эшов тавсия этган

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОРАҚЎЛЧИЛИК СОҲАСИ ТАРИХИ

Аҳмедов Б. (ҚарМИИ)

Таянч сўз ва иборалар: *Ўзбекистон, чорвачилик, қоракўл, тери, Муборақ, совхоз, колхоз, мўйна, мустақиллик, давр, фермер, иқтисод, ислоҳот, хўжалик.*

Ўзбекистон чорвачилигининг асосий йўналишларидан бири бу қоракўлчилик соҳасидир. Ўзбекистон жаҳон бозорида юқори баҳоланган қоракўл терилар етиштириш бўйи-

ча дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келган. Ўзбекистонда илк қорақўлчиликка ихтисослашган “Муборак” совхози 1928 йилнинг 26 ноябрида Косон тумани худудида ташкил қилинди.¹ «Муборак» совхози Қорақум ҳамда Қизилқум чўлларининг жанубий чегарасида қарийб 200 минг квадрат километр худудни эгаллаган бепоён Ўртақўл яйловида жойлашган эди. Бу ерда яшаган Сардор Жаби, Ҳайит Навбатов, Ниёзхон Будиев каби бойларнинг қўй подалари янги совхозга олинди. Жумладан, хўжалиги тугатилган Чорикул бойдан 1200 қўй тортиб олинди, «Муборак» темир йўл станцияси яқинига тўпланди. Ўша вақтда бу ерга биттагина ертўла ва бир омбор қурилган эди. Қўйлар қабул қилинган вақтдан бошлаб хўжаликка Петров бошлиқ қилиб тайинланиб, Б.А.Ветерок эса катта зоотехник вазифасига қўйилди.²

1931-1933 йиллар мобайнида «Муборак» совхозидан «Нишон», «Қоровулбозор», «Қорақум», «Таллимаржон», «Кўкдала» қорақўлчилик совхозлари ажралиб чиқди.

Ўзбекистонда қорақўлчиликни янада ривожлантиришни ҳисобга олиб 1930-1934 йилларда яна 14 та ихтисослашган қорақўлчилик совхози барпо этилди. “Қорақум”, “Қизил чорвадор”, Киров номли, “Оқ қапчиғай”, “Нишон”, “Қарноб”, “Улус”, “Қизилча”, “Конимех”, “Томди”, “Жонгелди”, “Қоровулбозор”, “Қорақўл” ва “Ғузор” совхозлари шулар жумласидандир.

Ихтисослашган совхозлар қурилиши билан айна бир вақтда колхоз қорақўлчилиги ҳам ривожлана бошлади. Самарқанд вилоятида “Ленинчи чорвадор”, “Қизил чорвадор”, Охунбобоев, Фрунзе, Тельман номли, “Янги турмуш”, “Комсамол”, Бухоро вилоятида Свердлов, Навоий, Киров номли, Қашқадарё вилоятида “III интерноционал”, “Женов” номли колхозлар тузилди.

Қорқўлчиликни ривожлантириш мақсадида 1930 йили “Қорақўл” жамияти ташкил этилиб, жамият 1943 йилда Иттифоқ миқёсидаги “Ўзбеккаракуль” трестига айлантирилди. Трест ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида амалга ошириб, ташкилотлар ҳамда корхоналар билан шартномалар асосида фаолият юритди. Трест яйловларга сув чиқариш ва уларни ўзлаштириш, подани урчиштириш, кўпайтириш, қўйларни тўғри боқиш ва озиклантириш, наслчилик ишини йўлга қўйиш, моддий-техника ва ем-хашак базасини вужудга келтириш, қорақўлчилик соҳасидаги ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ва кадрлар билан таъминлаш каби масалалар билан шуғулланди.

Амалга оширилган ишлар республиканинг ихтисослаштирилган қорақўлчилик совхозларида қорақўл қўйлар туёғи ва маҳсулдорлигининг тез ва тўхтовсиз ўсишини таъминлади. 1931 йилда совхозларда 159 минг бош қорақўл қўй бўлиб, 1935 йил 1 январда уларнинг сони 443 минг бошга етди, яъни 2,3 баравар кўпайди.

Бухоро ва Каттақўрғонда қорақўл қўйлар боқиладиган дастлабки давлат қўйхоналарининг қурилиши қорақўлчилик соҳасида илмий тадқиқотларни бошлаш учун асос бўлди. Кейинчалик бу борадаги тадқиқотлар тажриба станциясида, сўнгра қорақўлчилик илмий тадқиқот институтида давом эттирилди.

Уруш йилларида соҳа ривожига жиддий эътибор қаратилди. 1943 йилда учта янги ихтисослаштирилган қорақўлчилик совхози: “Оёқ қудук”, “Нурота” ва Темирязов номли совхозлар ташкил этилди. 1946 йилнинг бошларида республика совхоз ва колхозларида қорақўл қўйлари 1940 йилдаги 1 миллион 918 минг бошдан 2 миллион 946 минг бошга етди, яъни 1,5 баравардан зиёд ортди.

¹ 50 лет Всесоюзному научно-исследовательскому институту каракулеводства. (Исторический очерк). – Ташкент: Фан. 1980. – С. 4.

² Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. III китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1972. – Б. 536–538.

Бу соҳа ҚҚАССР, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида ривожланди. Ўзбекистонда 1940 йили қорақўл қўйлар сони 1 млн.918 минг бўлган бўлса, 1961 йили бу 5,9 млн бошга етди.

Қорақўл қўйлар сони, тери етиштириш ҳажми жиҳатидан Ўзбекистон иттифоқдош республикалар орасида етакчи ўринни эгаллаб турди. Масалан, 1982 йилда Ўзбекистон ССРнинг барча категориядаги хўжаликлари ва қорақўл қўйлар сони мамлакатдаги жами қўйлар сонига нисбатан деярли 4 фоизни, қорақўл қўйлар бўйича эса 35,7, қорақўл тери тайёрлаш бўйича 33,9, жун етиштириш бўйича 3 фоизни ва қўй гўшти тайёрлаш бўйича 10 фоизни ташкил қилди.¹

Ўзбекистонда совет даври қорақўлчилигининг ривожланишида икки даврни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчи давр 1930–1957 йилларни қамраб олиб, бу даврда қорақўл терилар асосан колхозларда тайёрланган. Қўйларнинг 84 фоизини, қорақўл терининг 80 фоизини шу хўжалиklar етиштирди.

1957 йилдан сўнг янги ихтисослашган қорақўлчилик совхозлари, яъни “Фориш”, “1-Қўшробод”, “2-Қўшробод”, Ленин номи, “Каттақўрғон”, “2-Ғаллаорол”, “Коммунизм”, “Октябрь 40 йиллиги”, “Большевик”, “Ўзбекистон”, “Дехқонобод”, “Сайроб” совхозлари тузилиб, республикада қорақўлчилик совхозларининг умумий сони 31 тага етди.²

Иккинчи давр – 1965–1980 йилларгача давом эттирилиб, қорақўл қўйларни ихтисослаштирилган йирик совхозларда тўплаш ишига кучли эътибор қаратилди. Бу даврда пахтакор колхозларнинг катта-катта қорақўлчилик фермалари негизида яна 20 та йирик совхоз барпо этилди. Қорақўл териларнинг ассортиментлари кўпайтирилиб, кўк қорақўл тери салмоғи Сурхондарё вилоятида 2,7 барабар, Бухоро вилоятида 1,6 ва Қорақолпоғистон АССРда 2,4 барабар ошди.

Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларидаги совхозлар қорақўл териларнинг сифатини ошириш соҳасида энг яхши натижаларга эришди. Соф зотли қорақўл тери етиштириш бўйича “Муборак”, “Нишон”, “Қарноб”, “Қорақум”, “Томди”, “Ўзбекистон” ва “Конимех” давлат наслчилик заводлари етакчилик қилди.

Қорақўлчилик учун қулай келган 1987 йилда республиканинг ихтисослаштирилган қорақўлчилик совхозларида 134,2 минг дона кичик қора қорақўл тери ва 23,1 минг дона кичик кўк қорақўл тери етиштирилди.³

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ҳам ушбу соҳани йўлга қўйиш ва ривожлантириш бўйича изчиллик билан тадбирлар олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 мартда “Республика чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ барча жамоа хўжаликларида қўйчилик фермалари хусусийлаштирилди ва фермер хўжалиklar барпо этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 июнда “Қорақўлчиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 250-сонли қарори қабул қилинди.⁴ Шу йили Республика қорақўл ишлаб чиқариш ва савдо масалалари билан шуғулланадиган “Ўзбек қорақўли” компанияси ташкил этилди. 1999 йил 1 январь ҳолатига кўра республикада 20096,1 минг бош қорақўл қўйлари мавжуд эди.⁵

Қорақўл терилар, асосан мўйна бозорларида, жумладан, Санкт-Петербург, Копенгаген (Дания) ва Финландия мўйна кимошди савдоларида, халқаро ярмаркаларда, шунинг-

¹ Жўраев Ф., Ўзбекистонда қорақўлчиликнинг ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон. 1983. – Б. 3–11.

² Кўрсатилган асар.

³ Жўраев Ф., Ўзбекистонда қорақўлчиликнинг ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон. 1983. – Б. 3–11.

⁴ Халқ сўзи, 1998 йил 14 июнь.

⁵ Нарзиев М. Ўзбекистон Республикаси қорақўлчилигининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари // Қорақўлчилик махсулотларини ишлаб чиқаришнинг илмий асослари. – Самарқанд, 1999. – Б. 20–22.

дек, Европа ва Америка бозорларида сотилади. Ўзбекистонда етиштирилган қорақўл терилари Германия, Италия, Исроил, Туркия, Монголия, Хитой, Россия, Озарбайжон каби давлатларга экспорт қилинмоқда.¹

Кўп йиллар давомида олимлар ва амалиётчилар ҳамкорлигида олиб борилган селекция-наслчилик ишлари натижасида Ўзбекистонда қорақўл қўйларининг юқори ирсий ва маҳсулдорлик хусусиятларига эга бўлган “Қорақум”, “Муборак”, “Нишон”, “Помук”, “Конимех”, “Томди”, “Ўзор”, “Нурота”, “Сарибек”, “Абай”, “Қизилқум” ва бошқа қўп-лаб завод типлари яратилган. Улар қорақўл қўй зотининг қимматли турлари ҳисобланади. 2005 йили Ўзбекистонда 109 та қорқўлчиликка ихтисослашган хўжаликлар фаолият кўрсатди.²

Хуллас, Ўзбекистонда қорақўлчиликнинг йўлга қўйилиши ва ривожланишининг ўз тарихи мавжуд. Қорақўл тери етиштириш бўйича Республикада ўзига хос тажриба шаклланиб, бугунги кунда соҳани янада тараққий эттириш учун янги усул ва воситалар қўлланилмоқда. Қорақўл тери Ўзбекистон экспортида ҳам муҳим роль ўйнаб келди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. 50 лет Всесоюзному научно-исследовательскому институту каракулеводства. (Исторический очерк). – Ташкент.: Фан. 1980. – С. 96.
2. Жўраев Ф., Ўзбекистонда қорақўлчиликнинг ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон. 1983.– Б. 3–11.
3. Нарзиев М. Ўзбекистон Республикаси қорақўлчилигининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари.//Қорақўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг илмий асослари. – Самарқанд, 1999. – Б. 20–22.
4. Чўл-ййлов чорвачилиги ва озуқа етиштириш муаммолари // Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг 85 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд, 2015. – Б. 3.
5. “Халқ сўзи” газетаси, 1998 йил 14 июнь сони.
6. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. III китоб. – Т.: Ўзбекистон.1972, – Б. 536–538.
7. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12- жилд. – Тошкент., 2006. – Б. 296–297.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда қорақўлчилик иши тарихи хусусида фикр юритилади. Шунингдек, мақолада қорақўлчилик хўжаликларининг ташкил этилиши, қорақўл етиштиришга ихтисослашган совхозлар, мустақиллик шароитида соҳани ривожлантиришга эътибор каби масалалар таҳлил этилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается история каракулеводства в Узбекистане. В том числе, анализируются проблемы создания каракулеводческих хозяйств, специализированных совхозов, внимание к развитию каракулеводства в годы независимости.

SUMMARY

The story of Karakul breeding in Uzbekistan will be told. In particular, the creation of a karakul farm, a specialized sovkhov for the production of karakul, the development of karakul breeding during the years of independence are analyzed.

Наишга проф. Б.Эшов тавсия этган

¹ Чўл-ййлов чорвачилиги ва озуқа етиштириш муаммолари. Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг 85 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд, 2015. – Б. 3.

² Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12 жилд. – Тошкент, 2006. – Б. 296–297.

XX АСРНИНГ 70-80-ЙИЛЛАРИДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Полвонов К. Н. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *Қашқадарё, шаҳар, шаҳарлар, аҳоли, уй-жой, бино, ер, маблағ, қурилиш, қурилиш материали, ижобий ва салбий ҳолатлар.*

Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ижтимоий соҳага қаратилган. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар, хусусан, ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар аввало халқимиз турмуш тарзини янада яхшилашга, фаровонлигини тобора оширишга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ва бу ҳақдаги 2017 йил 7 февралда қабул қилинган 4947-сонли Фармонида ижтимоий соҳанинг устувор йўналишлари кўрсатилиб, бу йўналишни юқори поғонада кўтариб, ривожлантириш назарда тутилди [1].

Республикамиз, унинг ҳудудлари ҳаётининг ўзига хос тарихи мавжуд. Тарихни ўрганиш, ундан тегишли хулосалар чиқариш ҳамда ёш авлод дунёқарашини кенгайтириб, маънавиятини янада бойитиш истиқлол даврининг талабларидан биридир.

Маълумки, XX асрнинг 60–70-йилларида Қашқадарё вилоятида Қарши чўлининг ўзлаштирилиши натижасида пахтачилик майдонлари кенгайиб, завод ва фабрикаларнинг қурилиши жадаллашган ҳамда янги иш ўринлари пайдо бўлган. Янги қурилган ва қурилаётган завод ва фабрикаларда малакали маҳаллий ишчи-кадрларга бўлган эҳтиёж мавжуд эди. Ана шу эҳтиёжни таъминлаш мақсадида республикамизга Совет Иттифоқининг марказий ҳудудларидан “мутахассислар”нинг кўплаб кўчирилиб келтирилиши [2] аҳоли сонининг, айниқса, шаҳар аҳолисининг кескин кўпайишига олиб келган.

Ўзбекистон шаҳарлари аҳолиси 1959 йилда 2 млн 729 минг кишини ташкил этган. 1970 йилда 4 млн 322 минг кишига етди, 1.58 га кўпайган. Қашқадарё вилояти шаҳарларида эса 67 мингдан 132 мингга етиб, 1.97 га кўпайган [3].

Юқорида таъкидланганидек, кўплаб янги корхоналарнинг ишга туширилиши ҳамда уй-жойларнинг қурилиши аҳоли масканлари қиёфасининг ўзгаришига олиб келган. Шу сабабли 1972–1978 йилларда Қашқадарё вилоятининг қатор (Муборак, Косон, Бешкент, Таллимаржон, Ғузур, Яккабоғ, Қамаш, Китоб) аҳоли пунктлари шаҳар мақомини олган ҳамда мазкур шаҳарлар аҳолиси ўсган.

1979 йилги аҳоли рўйхатида кўра Қашқадарё вилояти шаҳарларида 283 минг киши истиқомат қилган. Янги ташкил этилган шаҳарларда эса 109 минг 174 нафар [4] (Косон-28313 – нафар, Муборак – 9231 нафар, Таллимаржон – 6687 нафар, Китоб – 18491 нафар, Бешкент – 6006 нафар, Ғузур – 12670 нафар, Яккабоғ – 12098 нафар, Қамаш – 15678 нафар) аҳоли истиқомат қилиб, Қашқадарё вилояти шаҳарлари аҳолисининг 39 фоизини ташкил этган.

1980 йилда вилоятнинг Чироччи, 1982 йилда Янги Нишон аҳоли пунктларига шаҳар мақоми берилиб, улар Ўзбекистон шаҳарлари қаторидан жой олган ҳамда шаҳар аҳолиси янада кўпайган.

Вилоят шаҳарларида 1989 йилги аҳоли рўйхати бўйича 413.4 минг нафар киши истиқомат қилган. Янги шаҳарларда 184 минг 743 нафар [5] (Косон – 40680 нафар, Муборак – 19947 нафар, Таллимаржон – 6712 нафар, Китоб – 28566 нафар, Бешкент – 11562 нафар, Ғузур – 17032 нафар, Яккабоғ – 17191 нафар, Қамаш – 22307 нафар,

Чироқчи – 13275 нафар, Янги Нишон – 7471 нафар) киши, яъни вилоят шаҳар халқи аҳолисининг 44.6 фоизи истиқомат қилган.

Ўзбекистонда шаҳарлар ва уларнинг аҳолиси кўпайган. 1970 йилдан 1985 йилгача бўлган жуда қисқа вақт ичида республика харитасида 81 та [6] янги шаҳар вужудга келган. Ўзбекистон шаҳарларида 1979 йил 6 281 636 нафар, 1989 йилда эса 8 040 963 нафар аҳоли истиқомат қилган [7].

Ўзбекистон шаҳарлари аҳолиси, хусусан, Қашқадарё вилояти шаҳарлари аҳолиси ўтган XX асрнинг 70–80-йилларида сезиларли даражада кўпайган. Шундай бўлса-да, республикадаги мавжуд вилоятлар орасида Қашқадарё вилояти шаҳар аҳолисининг нуфузи жиҳатидан еттинчи ўринни эгалларди.

Вилоятда аҳолининг сезиларли даражада кўпайиши янги турар-жой биноларининг қурилишига олиб келган. Косон шаҳрида 1970-71 йилларда 150 кв. метр уй-жой бинолари қурилган бўлса, 1972-73 йилларда 2108 кв. метр турар жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилган. 1985–87 йилларда эса 14 309.9 кв. метр уй-жойлар қурилган. Бешкент шаҳрида ҳам уйлар қурилиши жадаллашган. Шаҳарда 1976–1978 йилларда жами 60 квартирали, 3493 квадрат метрга эга бўлган уйлар қурилган.

Қарши чўлининг ўзлаштирилиши, Қарши Бош каналининг ва Таллимаржон сув омборининг қурилиши, чўл ҳудудида давлат хўжаликларининг ишга туширилиши билан ишчи-хизматчилар, мутахассисларга бўлган талаб ниҳоятда ортиб борган. Шу мақсадда вилоятнинг тоғли ҳудудларидан – Қамаш, Дехқонобод, Чироқчи, Яккабоғ, Китоб туманларидан 1970–1977 йилларда Қарши чўлига 5,5 мингдан кўпроқ оилалар Таллимаржон ва Янги Нишонга, унинг янги хўжаликларига кўчиб келган ва уй-жой билан таъминланган. Таллимаржон ва Янги Нишон шаҳарларидаги уйлар, асосан икки қаватли қилиб қурилган [8].

Вилоятнинг бошқа шаҳарларида ҳам уй-жойлар қурилиши уюшқоқлик билан олиб борилган. Уй-жойлар қуриш ишларини республикадаги турли қурилиш ташкилотлари олиб боришган. Бу ишда турли миллат қурувчилари ҳам фаол иштирок этишган. Жумладан, 1971–1980 йилларда болгариялик қурувчилар Ўзбекистонда 67 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариб, 105 минг квадрат метр уй-жой биноларини қурган [9]. Бу уйларнинг кўпчилиги, асосан, Муборак шаҳрида бунёд этилган. Мазкур шаҳардаги кўплаб кўркам уйлар болгариялик қурувчилар томонидан барпо қилинган. Бу шаҳарда, асосан, 4 қаватли, 40 квартирали уйлар қурилган [10].

Чироқчи шаҳри ва туманида IX беш йилликда 15 млн 887 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилган, 6 млн 500 минг сўмлик маданий-маиший бинолар қурилган. Шу даврда 124 минг кв. метр уй-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилган. 1979-1980 йилларда эса Чироқчи шаҳри аҳолиси 9395 кв. метр турар-жой олишган, 600 нафардан кўпроқ кишининг уй-жой шароити яхшиланган [11]. Аммо, вилоят шаҳарларида турар-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилса-да, бу шаҳар аҳолиси талабига тўла жавоб бермас эди.

Вилоят шаҳарларида бир кишининг ўртача уй-жой билан таъминланиш даражаси республика кўрсаткичидан паст эди. Масалан, 1987 йил Косон шаҳрида ҳар бир кишининг уй-жой билан таъминланиши 9.0 кв. метр [12] дан тўғри келган бўлса, 1989 йилда Қамаш шаҳрида ҳар бир кишига ўртача 7.1 кв. метрдан тўғри келган [13]. Ваҳоланки, республика шаҳарлари миқёсида эса 1980 йилда 9.8, 1985 йилда 11.5, 1990 йилда 12.7 кв. метрни ташкил этган эди [14].

80-йилларнинг ўрталаридан Ўзбекистонда юз берган иқтисодий таназзуллар Қашқадарё вилояти шаҳарларини ҳам четлаб ўтмаган. Давлат бюджети ҳисобидан бунёд этиладиган уй-жойлар қурилиши кейинги йилларда умуман тўхтаб қолган. Шаҳар фуқароларидан эса уй, ер-участка сўралиб тинимсиз кўплаб аризалар туша бошлаган.

Шаҳар аҳолиси ўз маблағи ва ўз кучи билан уй қуришга ҳаракат қила бошлашган. Қамаша шаҳар раҳбарияти томонидан шаҳар аҳолисига 1988 йилда 266 нафар кишига, 1989 йилда 180 нафар кишига уй-жой қуриб олиш учун қарор чиқарилган. Аммо уйларни ёпиш учун зарур бўлган қурилиш материаллари аҳолига етарлича етказиб берилмаган. 1988 йилда 736 нафар кишидан 589 нафар киши, 1989 йилда 419 нафар кишидан 221 нафар киши шифер олган, холос. Шундай бўлса-да, Қамаша шаҳри аҳолиси ўз маблағи ва ўз кучи билан 1988 йилда 8200 кв. метр, 1989 йилда 11 430 кв. метр уй-жойлар қуришган [15].

Муборак шаҳри аҳолиси томонидан 1987 йили 129 нафар киши уй-жой сўраб ариза берган, 27 нафар киши ўзларининг турар жойларини кенгайтиришни, 15 нафар киши эса якка тартибда турар-жой қуриш учун ер ажратиб беришни сўрашган. Ваҳоланки, ўша пайтда 86 нафар киши уй-жой учун икки йилдан зиёд навбат кутиб туришган [16].

Бешкент шаҳрида ҳам аҳвол қониқарли бўлмай, 1987 йил шаҳарда бирорта ҳам уйлар қурилиб фойдаланишга топширилмаганлиги туфайли уй-жойга бўлган эҳтиёж ниҳоятда кескинлашиб кетган. Шу сабабли, 1988–1990 йилларда мазкур шаҳар аҳолиси учун кўшни туташ ҳудудлардан 35.0 га суғориладиган ер ажратиб берилган ва бунинг натижасида 1984–1990 йилларда навбатда турган 330 нафар кишига [17] якка тартибда уй-жой қуриш учун ер берилган.

1989 йилда Китоб шаҳри бўйича 14 минг 555 метр кв. уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилган, шундан 10 минг 416 метр кв. якка тартибда бунёд этилган уй-жойлар эди [18].

1990 йилда Ғузор шаҳрига чекка ҳудудлардан келиб ишловчилар ва шаҳар аҳолисида жами уй-жой қуриш учун сўраб, 570 нафар дан ортиқ киши ариза берган. Шундан 137 нафар кишига ер-участка берилган, холос. Аҳоли талабини қондириш мақсадида Ғузор шаҳрига туташ бўлган К. Маркс номидаги жамоа хўжалиги ҳудудидан 19,8 га, “Партия XXII съезди” жамоа хўжалигидан 5,1 га ер майдони ажратиш [19] ҳақида Ғузор туман ижроия кўмитаси қарори чиқса-да, амалда қарор ижроси натижасиз қолган.

1990 йилда Косон шаҳар ижроия кўмитаси томонидан “Ленинград” ва “Косон” давлат хўжаликлари ҳудудларидан 1400 хонадонга, фуқароларнинг ўзлари яшаётган участкаларидан 102 хонадонга, жами 1502 хонадонга уй-жой учун ер ажратиб берилган. Ана шу фуқароларнинг талабини қондириш учун 1990 йилда 61 минг дона шифер, 1996 м³ тахта, 816 м³ ёғоч, 186 тонна цемент, 400 дона фанер тарқатилган. 1990 йилда Косон уй-жой қуриш кооперативи режа бўйича 3142 кв. метр уй қуриш керак бўлса, амалда эса 204 кв. метр уй қурилган ёки режа 6 фоизга бажарилган, холос. Умуман шаҳарда якка тартибда турар-жой қуришлар билан ҳисоблаганда жами 13867 кв. метр уй-жой қуриб битказилган [20].

Мироблар шаҳри бўлган Таллимаржонда аҳвол бироз бошқача эди. Шаҳарда катта маблағ ҳисобига ишчилар учун кўпгина уй-жойлар қурилган. 1980 йилларнинг охирида 49 та уйлар бўш турган, ётоқхоналар бўшаб қолганди [21]. Бунинг асосий сабаби иш ўрни мавжуд бўлмасдан, одамларнинг иш қидириб бошқа жойларга кетиб қолиши эди.

Вилоят шаҳарларида 1990 йилда уй-жой қуриш ҳажми камайган. Бу соҳадаги режа Муборак шаҳрида 35,7 фоиз, Косонда 73,2 фоиз, Ғузорда эса 83,1 фоизга уддаланган эди [22].

Хуллас, XX асрнинг 70–80-йилларида Қашқадарё вилоятида кўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши, янги конларнинг очилиши натижасида кўплаб корхоналар қурилиб, ўз фаолиятини бошлаган. Уларни ишчи-кадрлар билан таъминлаш мақсадида Совет Иттифоқининг бошқа ўлкаларидан “мутахассислар” ва ишчи-ходимларнинг келтирилиши ва қатор аҳоли пунктларига шаҳар мақомининг берилиши, бу – мазкур шаҳарлар аҳолисининг сезиларли даражада кўпайишига олиб келган. Бунинг натижасида вилоят шаҳарларида уй-жойлар кўплаб қурилган, бу соҳада муайян ютуқларга ҳам эришилган, бироқ бу ҳолатлар шаҳар аҳолисининг уй-жойга бўлган эҳтиёжига тўла жавоб бермас эди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Т.: Адолат, 2017. – Б. 21–26.
2. Бобождонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70–80 йиллар мисолида). Т.: Шарк, 1999. –Б. 123.
3. Перепись населения. Т., 1980. – С 1.
4. Перепись населения. Т., 1980. – С 13–15.
5. Перепись населения. Т., 1991. – С 33–35.
6. Аҳмедов Э.А. Ўзбекистон шаҳарлари. Т.: Ўзбекистон, 1991. – Б. 10.
7. Перепись населения. Т., 1991. – С. 23.
8. Дала ёзувлари. 2016 йил, январь. Ахборотчи Муракаев Рубик. 1944 йилда туғилган. Таллимаржон шаҳри.
9. Жўрақулов О. Қудратли энергия манбаи. Т.: Ўқитувчи, 1982. – Б. 188.
10. Дўстлик байроғи // 1988 йил 5 апрель, 1988 йил, 19 январь.
11. Ўз РПДА ҚВФ 5-жамғарма, 1-рўйхат, 10-иш, 9-варақ.
12. ҚВДА Косон филиали 5- жамғарма, 1-рўйхат, 237-йиғма жилд, 32-варақ.
13. ҚВДА Ғузур филиали 133- жамғарма, 1-рўйхат, 123-йиғма жилд, 4-варақ.
14. Аҳмедов Э. Ўзбекистон Республикаси. Қисқача маълумотнома. (Ўзбек, инглиз ва рус тилларида). – Т.: Ўзбекистон, 1993. –Б. 40.
15. ҚВДА Ғузур филиали 133- жамғарма, 1-рўйхат, 123-йиғма жилд, 12-варақ.
16. “Дўстлик байроғи” // 1988 йил, 19 январь.
17. ҚВДА Қарши филиали 320- жамғарма, 1-рўйхат, 135-йиғма жилд, 33-варақ.
18. Ўз РПДА ҚВФ 17- жамғарма, 38-рўйхат, 65-иш, 53-варақ.
19. ҚВДА Ғузур филиали 8- жамғарма, 1-рўйхат, 168-йиғма жилд, 18-варақ.
20. ҚВДА Косон филиали 5- жамғарма, 1-рўйхат, 318-йиғма жилд, 31-варақ.
21. Ўз ПДА ҚВФ 604- жамғарма, 39-рўйхат, 1-иш, 81-варақ.
22. “Қашқадарё ҳақиқати” // 1991 йил 15 февраль.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ХХ асрнинг 70-80 йилларида Қашқадарё вилояти шаҳарлари аҳолисининг ижтимоий ҳаётига оид масалалар хусусида сўз юритилади. Жумладан, вилоятда янги саноат корхоналари ташкил этилиб, уларни малакали ишчи кадрлар билан таъминлаш мақсадида “мутахассислар”нинг кўчирилиб келтирилиши ва қатор аҳоли пунктларига шаҳар мақомининг берилиши шаҳарлар аҳолисининг сезиларли даражада кўпайишига олиб келганлиги ҳамда шаҳарларда уй-жойларнинг қурилиши, уй-жой билан боғлиқ ютуқлар, муаммо ва камчиликлар ҳақида ҳам маълумотлар берилиб, таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье речь идёт о вопросах, касающихся общественной жизни населения городов Кашкадарьинской области в 70–80-х годах ХХ века. В частности, идет речь о переселении специалистов с целью обеспечения новых промышленных предприятий области профессиональными кадрами, а также о существенном увеличении численности городского населения области в связи с присуждением статуса города нескольким населённым пунктам, строительстве новых домов в городах, а также даются и анализируются сведения, связанные с достижениями, проблемами и недостатками строительства жилья.

SUMMARY

In this article we are talking about issues relating to the social life of the population of the cities of Kashkadarya region in the 70–80 s of the XX the century. In particular, the intersection of specialists with the purpose of providing new industrial enterprises of the region with professional personnel, as well as a significant increase in the population of the cities in connection with the attribution of the status of the city to several settlements, the construction of the new houses in the cities, and also provides and analyses information, about achievements, and also problems and shortages of construction of buildings.

Наширға проф. О.Бўриев тавсия этган

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (КАШТАЧИЛИК МИСОЛИДА)

Тўхтамишева Ф. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *анъаналар, мустақиллик, халқ, хунармандчилик, каштачилик, амалий санъат, тиқиш, усул, ранг, табиат, анжуман, марказ.*

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллий хунармандчилик анъаналари қайта тикланиб, янги услублар билан бойитиб борилди. Ушбу соҳани ривожлантиришга оид кўплаб ҳужжатлар эълон қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 1997 йил 31 мартдаги “Халқ бадиий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги 1741-сонли Фармонининг эълон қилиниши соҳа фаолиятини янги поғонага кўтаришга асос бўлди. 1997 йил 4 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хунарманд” халқ хунармандлари уюшмасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари” ҳақидаги қарори эълон қилинди.¹

Айниқса, 2010 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонининг эълон қилиниши соҳа тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон “Хунарманд” уюшмаси 2009 йилда Жаҳон хунармандлар уюшмасига аъзо бўлди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида уюшманинг бўлимлари ташкил этилди. Бу уюшма Республикада хунармандчиликнинг турли йўналишларини ривожлантириш борасида кўплаб тадбирлар ўтказди. Ушбу тадбирлар доирасида хунарманд усталар фаолиятини тарғиб этиш учун турли кўргазмалар, танловлар ўтказилди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда хунармандчиликни ривожлантиришда “Ёш ижодкорлар”, “Уста-шогирд” кўргазмалари, “Кўли гулдир ўзбек аёлини”, “Базар-Арт”, “Асрлар садоси” каби анжуманлар муҳим роль ўйнади.

Республиканинг қатор шаҳарларида “Хунармандлар марказлари” ташкил этилди. Мисол учун, Тошкент вилоятининг Чиноз туманида “Хунармандлар маркази” қурилди. Марғилон шаҳрида “Саид Аҳмад Эшон” мажмуасида, Самарқандда ҳамда Андижон вилоят “Хунарманд” бошқармаси ва Андижон шаҳар бўлими учун “Жомий” масжиди мажмуасида ҳам бундай марказлар ташкил этилди. Қарши шаҳридаги “Бекмир” мадрасаси ва Шаҳрисабздаги “Коба” қарвонсаройида хунармандлар маркази ҳамда “Оқсарой”, “Дорут-Тиловат”, ва “Дорус-Саодат” мажмуаларини боғлаб турувчи аллеяда қўл иши Миллий маркази ташкил этилди.² Маданий ёдгорликлар ҳудудларида туристларни “ироқи” каштачилиги билан яқиндан таништириш мақсадида бу хунармандчилик йўналишида касаначилик ривожлантирилди.

Ўзбек хунармандчилигида каштачилик йўналиши ўзига хос ўрин эгаллайди. Бу хунар турининг пайдо бўлиши қадимги даврларга бориб тақалади. Каштачилик, яъни «кашта» сўзи форсчадан олинган бўлиб, экилган, уруғ қадалган, ишлов берилган, игна билан тикиб туширилган гул, расм, чизиқ¹ деган маъноларни англатади.

¹ Lex.uz. 540056.

² Темиров Т., Миллий сувенир маҳсулотлари // Қашқадарё. 2015 йил 29-январдаги 013 (14926)- сони.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: II жилд. 2006. – Б. 338.

Мавзу тарихшунослиги ниҳоятда бой бўлиб, каштачилик санъати кўплаб муаллифларнинг ишларида ўз аксини топган.¹ Муаллифлар ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, хунармандчилик буюмлари ишлаб чиқариш жараёни тарихи, жумладан, хунармандчилик марказлари, ўзбекларнинг анъанавий хунармандчилиги турлари, хунармандларнинг уюшмалари, хусусан, каштачилик буюмларини тайёрлаш жараёни, иш қуроллари, шакллари, безаклари тўғрисида қимматли маълумотларни келтириб ўтадилар. Мавзу тарихшунослигида айниқса Г.Л.Чепелевецкаянинг «Ўзбекистон сўзанаси» китоби² муҳим аҳамиятга эгадир. Муаллиф бу асарида XIX аср охири ва XX аср бошларидаги йирик каштачилик марказлари, каштачиликнинг халқ турмушидаги аҳамияти, каштачилик санъати турлари, матолар ва тикиш технологияси хусусида фикр юритади. Шунингдек, Нурота, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент ва Фарғона каштачилик мактабларининг маҳаллий ва умумий хусусиятларига доир қимматли маълумотлар умумлаштирилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши, Денон, Бойсун каштачилик намуналари нисбатан юқори сифатлилиги билан ажралиб турди. Маълумки, ҳар бир ҳудудда кашта турининг яратилиши ўша ернинг табиий шароити, анъаналари, аҳолисининг турмуш тарзи ҳамда маданиятига боғлиқ бўлади. Шунингдек, ҳар бир хунармандчилик марказида у ёки бу тикиш усули ўзига хос аҳамият касб этади. Масалан, Самарқанд ва Тошкентда кўпроқ босма, Бухорода йўрма чокдан кўпроқ фойдаланилса, Шаҳрисабз ва Китобда кандахаёл ироқи чокидан фойдаланилади. Шаҳрисабз каштачилик мактаби безакларнинг яхлитлиги, рангларнинг тиниқ ва ёрқинлиги билан ажралиб туради.³

Шаҳрисабз дўппилари ва нимчалари, асосан, ироқи чокда, санама ҳамда чизма услубда тикилишига аҳамият бериб келинган. Тажрибали тикувчилар безак нақшни ёддан билса, кўпчилик каштачилар олдида эса маълум бир намуна туради. Кашта тикишда ранг танлаш асосан тикувчининг хоҳишига боғлиқ бўлган. Шаҳрисабз анъанасига кўра, кўпроқ яшил ранг дўппининг қури учун ишлатилган бўлса, кўк ва оқ рангли ипак иплар, асосан, дўппи ҳамда нимчаларнинг асосини тикишда ишлатилади. Дўппи гуллар кўпроқ оч ҳамда тўқ пушти, жигарранг, сарик ҳамда сиёхранг ипларда тикилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон каштачилик санъатини ривожлантиришда Қодирова Камола, Турсунова Махпарат, Ниязова Ҳанифа, Пўлатова Барно, Жўраева Назира, Набиева Инобат, Йулдошева Матлуба, Саттарова Ойжамол, Чироева Гулнора, Васиева Мавжуда, Раҳматова Дилором, Низомова Саодат, Расулова Дилдора, Ҳасанова Гулсара, Жабборова Дилобар, Баҳромовна Майрам, Расулова Ойсара каби хунармандлар ўз ҳиссасаларини қўшиб келди.⁴ Каштачилик соҳасида хунармандчиликни янада ривожлан-

¹ Балков В. Кустарно-ремесленная промышленность Средней Азии. – Ташкент 1927; Семенов А.А. Исторический очерк художественных ремесел Узбекистана // Литература и искусство Узбекистана. – Ташкент, 1937. – № 4–5; Сухарева О.А. К истории развития самаркандской декоративной вышивки // Литература и искусство Узбекистана. – Ташкент, 1937. – № 6; Пещерова Е.М. Прикладное искусство Узбекистана. – Ташкент, 1945; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. – М., 1965; Марозова А.С., Аведова Н.А. Ўзбекистон халқ санъати. – Тошкент, 1979. Фахретдинова Д.А. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. – Ташкент, 1972; Абдуллаев Т.А. Ремесло Узбекистана XIX–XX вв. – Ташкент: Фан, 1976; Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Т.: Мехнат, 1991; Шоёқбов Ш. Хунармандчилик қанот ёймоқда // Гулистон. – Тошкент, 1995. – 3. – Б. 24; Богословская И., Летаева Л. Нақшли дўппилар сири // Санъат. – Тошкент, 1999. – № 1. – Б. 34–37. Йўлдашева Р. Касаначилик – давр талаби // Ҳуқуқ сабоқлари. 2007, 18 январь.

² Чепелевецкая Г.Л. Ўзбекистон сўзанаси. Каштачилик. – Тошкент. 1961. – Б. 154.

³ Миллий меросимиз намоиши // “Қашқадарё” газетаси, 2013 йил 12 февраль сони.

⁴ Қурбонов М.Р. Мирзаева Л.Х. Мустақил юрт хунармандлари. – Тошкент, 2013. – Б. 46–110.

тириш, ёшларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, уларга касб-хунар ўргатиш анъаналарини давом эттириш мақсадида “Уста-шогирд” мактаблари ташкил этилди.¹

Каштачилик санъати усталари “Мустақил юрт хунармандлари”, “Ўзбекистон халқ амалий санъати – дунё нигоҳида”, “Мустақиллик нафасида камол топган хунармандлар”, “Навқирон Ўзбекистон”, “Қайта тикланган хунар”, “Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам”, “Ташаббус”, “Хунарим – гавҳарим” каби танловлар, “Қўғирчоғим – овунчоғим” анъанавий қўғирчоқбозлик санъат байрами, “Наврўз”, “Мустақиллик” каби миллий байрамларда фаол иштирок этдилар.

Ўзбекистон каштачилиги алоҳида маҳаллий хусусиятларга эга бўлишига қарамай, унда бошқа ҳудудлардаги каштачилик мактабларининг таъсирини ҳам учратиш мумкин. Масалан, босма ва қандаҳаёл чокида тикилган Шаҳрисабз сўзанасининг бир нусхасида кўшни марказларга тегишли маҳаллий хусусиятларни ҳам учратиш мумкин.

Шаҳрисабз каштачилиги мактаби ривожига Юлдуз Мамадиёрова катта роль ўйнади. Унинг ташаббуси билан “Ироқи каштачилик фабрикаси” ташкил этилди.² Китоблик Мафтуна Солиева ҳам бу санъат турини йўлга қўйишга ва янги анъаналар билан бойитишга ўз ҳиссасини қўшди. У ушбу хунар анъаналарини давом эттириб, попурчилик ва тикувчиликни ҳам ўзлаштириш ҳисобига ўз имкониятларини анча кенгайтди.³ Ўз ўрнида М.Солиева шогирдлар тайёрлаб, халқ амалий санъатини ривожлантириш ва ёш авлод қалбига сингдириш ишига ҳиссасини қўшди. Тайёрлаган маҳсулотларининг ҳар бирида амалий безак санъатининг усулларини қўллашга ҳаракат қилди.

Китоб тумани каштачилиги бошқа ҳудудлардаги шу хунар туридан бир қатор жиҳатлари билан ажралиб туради. Хусусан, кашталарда кўпроқ тўқ ранглар ишлатилади. Китоблик хунармандлар ижодида замонавийлик ва миллийлик уйғунлашган ҳолда берилиб, уларда анор ва қалампир нусха нақшлар тез-тез кўзга ташланади.

Хунармандларнинг миллийлик билан уйғунлашган замонавий либослари, ироқи усулда каштадан безак солинган дўппилари, ҳамёнчалари учун сайёҳлик марказлари орқали АҚШ, Франция, Буюк Британия, Россия каби мамлакатлардан буюртмалар келиб турди⁴.

Каштачилик санъатини ривожлантиришда халқ амалий санъатига бағишланган турли анжуманларнинг ҳам ўзига хос ўрни бўлди. 2003 йил Бухоро шаҳрида ўтказилган “Silk and spice” 4-туристик фестивали, 2004 йил Шаҳрисабз туманда ўтказилган “Нозик дил соҳибаси” кўрик-танлови, 2006 йил 19–23 октябрда Қирғизистон Республикасининг Ўш шаҳрида АҚШнинг “Aid to artsans” нодавлат ташкилоти ҳомийлигида ўтказилган “Бўяшда табиий ресурслардан фойдаланиш” ўқув-семинари, 2007 йили эса “АҚШ технологияси асосида табиий жундан бир дона игна ёрдамида ҳар хил сувенир маҳсулотлари ва кийимлар яшаш технологияси” бўйича амалий семинарлар шулар жумласидандир.⁵

Хуллас, каштачилик қадимдан ривожланган соҳалардан бири бўлиб, мустақиллик йилларида ўзбек халқ маданий меросининг ёрқин намуналаридан бири сифатида янги анъаналар билан бойитилди. Хунармандчиликнинг бошқа соҳалари қатори каштачилик санъати усталари учун кенг имкониятлар яратилди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Абдуллаев Т.А. Ремесло Узбекистана XIX–XX вв. – Ташкент: Фан, 1976. – 289 с.
2. Балков В. Кустарно-ремесленная промышленность Средней Азии. – Ташкент, 1927. – С. 49.

¹ Қашқадарё вилояти “Хунарманд” уюшмаси жорий архиви.

² Хунардан ризқ унар // “Қадрият” газетаси, 2015 йил 30 апрель сони.

³ Жўраев М. Заргару ўймакор, каштачиси бор // “Қашқадарё” газетаси, 2015 йил 9 июнь сони.

⁴ Ўн тўққиз ёшли чевар // “Қашқадарё” газетаси, 2015 йил, 3 февраль сони.

⁵ Kamola.Kadirova@indox.ru

3. Богословская И., Летаева Л. Нақшли дўпилаар сири // Санъат. – Тошкент, 1999. – №1. – Б. 34-37.
4. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Тошкент: Мехнат, 1991. – 384 с.
5. Морозова А.С., Аведова Н.А. Ўзбекистон халқ санъати. – Тошкент, 1979. – 215 с.
6. Йўлдашева Р. Касаначилик – давр талаби // Ҳуқуқ сабоқлари, 2007 йил 18 январь сони.
7. Жўраев М. Заргару ўймакор, каштачиси бор // Қашқадарё, 2015 йил 9 июнь сони.
8. Миллий меросимиз намойиши // Қашқадарё, 2013 йил 12 февраль сони.
9. Темиров Т. Миллий сувенир маҳсулотлари // Қашқадарё, 2015 йил 29 январ, 013 (14926)- сони.
10. Семенов А.А. Исторический очерк художественных ремесел Узбекистана // Литература и искусство Узбекистана. – Ташкент, 1937. 4-5-сонлари.
11. Сухарева О.А. К истории развития самаркандской декоративной вышивки // Литература и искусство Узбекистана. – Ташкент, 1937. – № 6.
12. Пещерова Е.М. Прикладное искусство Узбекистана. Ташкент, 1945. – 396 с.
13. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. – М., 1965. – 344 с.
14. Фахретдинова Д.А. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. – Ташкент, 1972.– 162 с.
15. Чепелевская Г.Л. Ўзбекистон сўзанаси. Каштачилик. Тошкент, 1961. – 156 б.
16. Шоёкубов Ш. Хунармандчилик қанот ёймоқда // Гулистон. – Тошкент, 1995. 3-сон. – Б. 24;
17. Ўзбек тилининг изохли луғати. Тошкент: II жилд. 2006. – Б. 338.
18. Ўн тўққиз ёшли чевар// Қашқадарё, 2015 йил, 3 февраль сони.
19. Курбонов М.Р. Мирзаева Л.Х. Мустақил юрт хунармандлари. Тошкент, 2013. Б. 189.
20. Қашқадарё вилояти “Хунарманд” уюшмаси жорий архиви.
21. Хунардан ризк унар // “Қадрият” газетаси, 2015 йил 30 апрель сони.
22. Kamol.Kadirova@indox.ru
23. Lex.uz. 540056.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда мустақиллик даврида каштачилик санъатини ривожлантириш тадбирлари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, мақолада мавзу тарихшунослиги, хунармандчилик марказлари, каштачилик санъати усталари, соҳа фаолиятига бағишланган анжуманлар, кашта тикиш усуллари каби масалалар таҳлил этилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы, связанные с развитием искусства вышивки в Узбекистане в годы независимости. В том числе, анализируется история данного вопроса, описываются центры данного ремесла, его мастера, конференции, посвященные этой сфере, способы вышивания и т.д.

SUMMARY

In article the questions connected with development of art of an embroidery in Uzbekistan in days of independence are considered. In that matter the history is analyzed, the centers of this craft, his master, the conferences devoted to this sphere, ways of embroidery, etc. are described.

Наширға проф. Б.Эшов тавсия этган

ОТНОШЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА С ИТАЛИЕЙ В СФЕРЕ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА.

Рашидова Ф.Ш. (СамГУ)

Ключевые слова и понятия: *малый бизнес, частное предпринимательство, торговая палата Узбекистан-Италия, инвестиционная политика, совместные предприятия.*

Развитие малого бизнеса является одним из приоритетных направлений структурных преобразований в экономике независимого Узбекистана. Также продолжает оставаться актуальным вопрос о принятии законов, которые обеспечили бы дальнейшее рас-

ширение роли малого бизнеса и частного предпринимательства в экономике страны¹. Следует особо подчеркнуть, что данный сектор создает необходимую атмосферу здоровой конкуренции, способствует созданию дополнительных рабочих мест и росту доходов населения. Развитие этой сферы экономики отвечает общемировым тенденциям, она благополучно влияет на формирование гибкой смешанной экономики. Надо отметить, что в последние десятилетия малый бизнес стал активно внедряться в инновационный процесс. На сегодняшний день эта сфера экономики способствует формированию среднего класса, составляющего значительный, экономически активный слой населения в мировой хозяйственной системе. Именно с развитием функций малого бизнеса и частного предпринимательства связано возрастание его роли в экономике ведущих стран мира.

За годы независимости Узбекистан зарекомендовал себя в качестве полноправного участника международного экономического сообщества. Благоприятные обстоятельства, связанные с богатством природных ресурсов, развитостью ряда отраслей хозяйства, инфраструктурой, социально-политической стабильности в стране, продуманными этапами последовательно проводимых рыночных реформ, привлекли к активному сотрудничеству с Узбекистаном многих стран мира, ведущих международных экономических, финансовых организаций и транснациональных компаний.

Среди стран, с которыми Узбекистан активно развивает взаимовыгодное внешнеэкономическое сотрудничество, особое место занимают страны Европейского союза, в их числе Республика Италия.

Как же сложилась судьба малого и среднего бизнеса в Италии?

Как известно, после Второй мировой войны экономика страны была в катастрофическом положении. В этот период правительство во главе с Альчиде де Гаспери обращается к США за помощью в предоставлении нужных средств для восстановления хозяйства. Несмотря на помощь со стороны США («План Маршалла»), промышленность Италии достигла довоенного уровня производства лишь в начале 50-х годов прошлого столетия. В этот же период прослеживается активное вмешательство государства в экономику. Это объясняется тем, что частный капитал не смог осуществить индустриализацию страны. Развитие государственно-монополистического капитализма в Италии выразилось также в реализации программ развития металлургической, нефтехимической и других отраслей промышленности. Были созданы специальные кредитные институты, государственное объединение ЭНИ (Национальное нефтегазовое объединение), Касса Юга (для финансирования экономического развития южных районов)². Для Италии того периода характерно регулярно повторяющиеся спад и бум, в ходе которых итальянские предприниматели всегда находили пути для решения создавшихся проблем. Итак, на сегодняшний день итальянская экономика представляет совокупность различных направлений экономики, в которой есть доля малого и среднего бизнеса.

Итальянцы – народ креативный, предприимчивый, не боящийся риска и соперничества. Именно эти качества являются основным стимулом жителей этой страны к предпринимательской деятельности. Собственный бизнес для итальянца – в какой бы сфере он ни работал – это, прежде всего, инструмент для реализации своих идей. В обществе владельцы малых предприятий пользуются традиционным уважением. Многие итальян-

¹Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране. Доклад Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан. Электронный ресурс. Материал взят с сайта www.UzReport.uz. Дата обращения: 12.01.2013.

² Об этом см.: Жамин В.А., Полянский Ф.Я. Экономическая история капиталистических стран. М., 1986, Глава 41.

цы с молодости стремятся не в офисы государственных учреждений или цеха крупных предприятий, а к открытию собственного дела.

В стране существует понятие микрофирм с числом занятых до 20 человек, и малых предприятий с числом занятых от 20 до 100 человек. Предприятия, на которых трудится от 100 до 500 работников, относятся к категории средних, а более 500 – к крупным.

Малые предприятия специализируются, в основном, в сфере производства обуви и кожаных изделий, одежды, фурнитуры, ювелирных украшений, текстиля, оптики, строительных и отделочных материалов, санитарно-технического оборудования, бытовой и офисной техники, в смежных отраслях машиностроения и металлообработки, дизайна, а также в производстве пищевой продукции. Участвует малый бизнес и в инновационной сфере. Ежегодно предприятия малого и среднего бизнеса приносят в итальянскую казну 70 млрд. евро¹.

Укрепление экономического потенциала Италии неразрывно связано с углублением ее участия в международном разделении труда, с растущей специализацией отдельных отраслей промышленности, позволяющей повысить эффективность производства и создать более благоприятные условия для накопления капитала. Это ставит ее перед необходимостью все более ориентировать свою экономику на зарубежные источники покрытия потребностей и на внешние рынки сбыта. По этой причине итальянские предприниматели активно сотрудничают с зарубежными инвесторами по всему миру. Среди стран, активно сотрудничающий с Италией можно назвать и Узбекистан.

Итальянская Республика признала независимость Республики Узбекистан 10 января 1992 года. Дипломатические отношения были установлены 24 марта 1992 года. С сентября 1992 года в Ташкенте функционирует Посольство Италии, с января 1998 года в Риме начало свою работу Посольство Узбекистана. Узбекско-итальянские отношения были закреплены в ходе официальных визитов Первого Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова в Италию в июне 1996 г. и ноябре 2000 г. В мае 1997 г. Узбекистан с ответным визитом посетил Президент Италии О. Скальфаро. В соответствии со вступившим в силу 1 июля 1999 года "Соглашением о партнерстве и сотрудничестве между Республикой Узбекистан и Европейскими сообществами и их государствами-членами", в торгово-экономических отношениях между Узбекистаном и Италией установлен режим наибольшего благоприятствования².

В течение 25 лет активного сотрудничества и дружеских отношений были подписаны ряд документов, содержащие и по привлечению итальянской инвестиции в нашу страну. Торгово-экономические отношения между двумя странами регулируются рядом межправительственных соглашений и договоров, в том числе соглашениями «Об избежании двойного налогообложения в области налога на прибыль и на имущество и предотвращении уклонения от уплаты налогов» с дополнительным протоколом³, соглашением о международных перевозках и взаимном таможенном содействии, договорами «О дружественных отношениях и сотрудничестве»⁴, «Об обоюдной таможенной поддержке»⁵, «О

¹ Данный показатель характерен для начала 2000-х гг. Об этом см.: Масляева М. Малый бизнес по-итальянски. Беседа с научным сотрудником Института мировой экономики и международных отношений РАН, кандидата экономических наук Агнесой Авиловой. По материалам <https://ru.exrus.eu/Maly-biznes-po-italyanski-id4dc30cfb6ccc19171d0000ff/Zusatzinfos1>. Дата обращения: 12.03.2016.

² По материалам ИА REGNUM. <http://regnum.ru/news/polit/1145507.html>. Дата обращения: 03.03.2016.

³ Дата подписания соглашения: 21.11.2000 г.

⁴ Дата подписания соглашения: 17.09.1997; ратифицирован 21.11.2000 г.

⁵ Дата подписания соглашения: 21.11.2000 г.

поощрении и взаимной защите инвестиций», «О продвижении и защите инвестиций», конвенцией «Об избежании двойного налогообложения и предотвращении уклонения от уплаты налогов на доход и на капитал», договорами, а также совместным заявлением об экономическом сотрудничестве и другими документами¹.

Надо отметить, у экономических моделей Узбекистана и Италии есть одно важное сходство – их основу составляют малый бизнес и частное предпринимательство. Так, например, итальянские малые и средние предприятия обеспечивают свыше 80 % занятости населения. В Узбекистане представители «малой экономики» производят больше 50 % ВВП и обеспечивают работой более 70 % населения, занятого в экономике. Оба государства входят в состав так называемых «стран малых компаний», в которых национальная культура и экономическая философия поощряют и стимулируют создание субъектов малого бизнеса².

Огромную роль для осуществления взаимовыгодного сотрудничества между нашими странами вместе с юридическими документами играют негосударственные некоммерческие организации, которые оказывают консультативную, юридическую и другие виды помощи предпринимателям. В связи с этим, в Милане в 2002 году по инициативе крупных итальянских компаний «Текинт», «Аления Маркони Системс» и «Фата Групп» была основана Торговая палата «Италия–Узбекистан». На сегодняшний день в ее составе около 40 итальянских организаций готовы к активному и взаимовыгодному сотрудничеству с узбекскими предприятиями в различных отраслях экономики³. За прошедшие годы организацией проделана обширная работа в целях развития торгово-экономических отношений между государствами. Палата фактически стала играть роль ориентира для представителей деловых кругов обеих стран, решать различные вопросы по организации узбекско-итальянских проектов.

По данным узбекской статистики, взаимный товарооборот между Узбекистаном и Италией с каждым годом динамично развивается и поднимается на новые уровни⁴. Основную долю итальянского экспорта составляет продукция машиностроения, кроме того, Италия экспортирует одежду и обувь, электронику и электротехнику, текстильные оборудования. В Узбекистане осуществляют свою деятельность 40 предприятий с участием итальянского капитала, в их числе 33 СП и семь предприятий со стопроцентным итальянским капиталом⁵.

Узбекистан, активно развивающий сферу переработки хлопка и производство готовой текстильной продукции, плодотворно сотрудничает с итальянской стороной в этом направлении. Итальянские инвесторы вкладывают средства в создание современных производств полного цикла от переработки хлопка до выпуска готовой одежды. Представители нашей страны посещают ведущие текстильные предприятия Италии для ознакомле-

¹ Дата подписания договора: 03.05.1997. Подробнее об этом см:

<http://www.ciuz.info/ru/informazioni-general/principali-trattati-tra-litalia-e-uzbekistan/>

² По материалам ИА REGNUM. <http://regnum.ru/news/polit/1145507.html>. Дата обращения: 03.03.2016.

³ Ахмедов Д. Продвигаем экспорт. Материал взят с сайта <http://iqtisod.zn.uz/>. Дата обращения: 13.01.2016.

⁴ Если в 2010 году товарооборот между Италией и Узбекистаном составил 151,9 млн. долларов, в 2011 года эта цифра достигла 183,11 миллионов евро, в 2013 году он составил 109,2 миллионов евро, то есть снизился по сравнению с объемом в 2011 году. в конце 2014 года объем итальянского экспорта достиг приблизительно 125,0 миллионов евро, а импорта – 35,0 миллионов евро. Таким образом, общий товарооборот составил 160,0 миллионов евро. Подробнее см.: <http://www.ciuz.info/ru>.

⁵ Материал взят с сайта agency@trend.az. Дата обращения: 03.03.2016.

ния с новейшими технологиями и разработками итальянских коллег с тем, чтобы изучить возможности их применения в Узбекистане¹.

Говоря о перспективах развития узбекско-итальянских отношений, необходимо отметить, что сотрудничество между нашими странами, имеющее огромный потенциал, будет и в дальнейшем углубляться, охватывать все новые сферы плодотворного взаимодействия. В этом заинтересованы народы Узбекистана и Италии. И в этом нам видится важный залог и гарантия роста экономического потенциала и процветания наших республик.

Использованная литература

1. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране. Доклад Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан. Электронный ресурс.
2. Ахмедов Д. Продвигаем экспорт. Материал взят с сайта <http://iqtisod.zn.uz//>.
3. Жамин В.А., Полянский Ф.Я. Экономическая история капиталистических стран. М.,1986.
4. Материал взят с сайта <http://www.uzbekistan.de>.

РЕЗЮМЕ

Мазкур тадқиқот ишининг мақсади мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳолатини ўрганишдир. Шу билан бирга, иқтисодийнинг мазкур секторида фаол иштирок этаётган Италия Республикасида кичик бизнеснинг ривожланиши асосий тенденцияларини аниқлаш ҳамда икки томонлама ҳамкорлик алоқалари истиқболини ёритишдан иборат.

РЕЗЮМЕ

Целью данной работы является изучение состояния малого бизнеса и частного предпринимательства в нашей стране. Также следует выявить основные тенденции развития данного сектора экономики в Республике Италия, его роли в экономическом потенциале страны и определить насколько плодотворно расширяются узбекско-итальянские отношения.

РЕЗЮМЕ

The article studies the state of small business and private entrepreneurship in our country, in which Italy actively participates. It is also necessary to identify the main trends in development of this sector of the economy in the Republic of Italy, its role in the economic potential of the country and determine how fruitfully the Uzbek-Italian relations are expanding.

Рекомендовано к печати проф. Б.Эшовым

МУҲАММАДҲАКИМХОННИНГ «МУНТАХАБ УТ-ТАВОРИХ» АСАРИ ЎРТА АСРЛАР ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА МУҲИМ МАНБА

Худойқулов Т.Д. (Шахрисабз академик лицейи)

Таянч сўз ва иборалар: *манбашунослик, ўзбек давлатчилиги, Ҳақимхон, Қўқон хонлиги, минглар сулоласи, Маъсумхон, Кошгар, Хива хони, Бухоро амири, саёҳат, мерос, Дониёл оталиқ, губерня, Шамай шаҳри.*

Ўзбек давлатчилиги тарихини илмий тадқиқ этиш, унга ҳаққоний баҳо бериш ва тўпланган тажрибадан ижодий фойдаланиш мустақил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ХХ

¹ Материал взят с сайта <http://www.uzbekistan.de> Дата обращения:04.03.2016.

асрнинг охирига келиб жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистон тарихини, хусусан ўзбек давлатчилиги тарихини ҳар томонлама ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Бинобарин, сўнгги йилларда Ўзбекистон тарихининг қатор долзарб масалаларини ўрганишда аниқ ва ҳаққоний тарихий ёндашув масаласи муҳим бўлиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, ўзбек хонликларидан бири бўлган Қўқон хонлиги – Ўрта Осиё тарихи, унинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаёти ва халқаро муносабатларида сезиларли из қолдирган давлат бўлиб, унинг ҳар бир ҳукмдори юритган ички ва ташқи сиёсат ҳамда унинг оқибатларини ўрганиш алоҳида илмий изланишлар олиб боришни тақозо қилади. Қўқон хонлиги тарихнавислик мактабига мансуб бўлган муаллифларнинг турли йўналиш ва турли тилларда ёзилган бир қатор асарлари мавжуд бўлиб, улардан Муҳаммад Ҳақимхоннинг «Мунтахаб ут-таворих» («Сайланган тарихлар») асари ҳам муҳим манба бўла олади. Муҳаммад Ҳақимхон ҳақидаги маълумотлар, асосан, А.А.Семёнов, А.Қаюмов, А.Мухторов, Б.Аҳмедов, Ю.Хуршит каби олимлар тарафидан умумлашган ҳолда ўрганилган.

«Мунтахаб ут-таворих» асари Ўзбекистонда манбашунос олим Энвер Хуршут томонидан махсус ўрганилиб, олим ўз тадқиқотларида асарнинг нусхалари, унинг манбалари, тарихий ва адабий манба сифатидаги аҳамияти, мемуар жанридаги нодир асар экани ва Ҳақимхоннинг саёҳатларини кенг таҳлил қилган [1].

«Мунтахаб ут-таворих» асарини Муҳаммад Ҳақимхон форс-тожик тилида Китоб шаҳрида 1259/1843 йилининг ёз ойларида ёзиб тугатган. Иловаси 1844 йилнинг охири, 1845 йилда ёзилганини айтиш мумкин. Муаллиф нусхасидан шу 1843 йили яна ўнта нусха кўчирилгани маълум. Муҳаммад Ҳақимхон асарининг Қўқон хонлиги ҳудудларида кенг тарқалишига ўзи ҳам манфаатдор бўлгани учун ундан нусхалар кўчиришга анча саъй-ҳаракат қилган [2]. «Мунтахаб ут-таворих»нинг ўзбек тилидаги қисқартирилган таржимаси ҳам мавжуд.¹ Бугунги кунда «Мунтахаб ут-таворих»нинг Ўзбекистон, Тожикистон ва Россия китоб ҳазиналарида 11 та нусхаси сақланади. Улардан №С 470 (Россия), №63 (Тожикистон) ва №592 (Ўзбекистон)даги нусхалари энг тўла ва яхши кўлёмалар саналади.

Асарнинг Шаҳрисабзда Муҳаммадамин котиб томонидан кўчирилган бир нусхасининг факсимилеси икки жилдда 1985 йили Душанбеда чоп этилди [3]. 2006 йили Муҳаммад Ҳақимхон асарининг иккинчи жилди араб-форс ёзувида Токиода ҳам босилиб чиқди [4].

«Мунтахаб ут-таворих»нинг манбалари жуда ҳам кўпдир. Асар умумжаҳон тарихига бағишланган бўлиб, муаллиф тарихни олам ва одам яратилишидан бошлаб, XIX асрнинг ўрталаригача бўлган воқеаларни баён қилган. Асар манбаларининг бошланғич қисми кўп тарихий ва адабий асарлар асосида ёзилган. Бу ерда Муҳаммад Ҳақимхон жаҳон тарихига оид ва олимларга маълум асарлардан фойдаланиши мумкин эди. Асарнинг қолган қисми учта мавзуга, яъни Бухоро манғитлари тарихи, Қўқонда ҳукм сурган минглар сулоласи ҳамда муаллифнинг саёҳатлари баёнидан иборат.

Асарнинг мана шу охириги уч мавзуга бағишланган бўлимлари жуда оригинал ва катта аҳамиятга эга қисмидир. Муҳаммад Ҳақимхон ўз асарининг манғитлар қисмини ёзишда Муҳаммадвафо Карминагий ва Олимбек ибн Ниёзкулибек қаламларига мансуб «Тухфат ал-хоний», Муҳаммадшариф ибн Муҳаммаднақийнинг «Тож ут-таворих» ва бошқа муаллифларнинг асарларидан фойдаланган. Бундан ташқари муаллиф ўша давр во-

¹ Унинг нусхаси Ўз ФА ШИ да сақланади № 594. СВР (История). – С. 197-198. Қисқартирилган нашри: Ҳақимхон. Хотиралар. – Тошкент: Фан, 1964; Муҳаммад Ҳақим хон. Мунтахаб ут-таворих (пер. с персидского Э.Хуршута) // Материалы по истории Средней и Центральной Азии X-XIX вв. – Ташкент: Фан, 1988. – С. 276–295; Извлечения из «Мунтахаб ут-таворих» (узбекская редакция М. Кутлугова) // Там же. – С. 295–310.

кеаларининг иштирокчиларидан кўпгина маълумотларни қўлга киритиб, улардан унумли фойдаланган.

Минглар ҳукмронлиги, яъни Қўқон хонлиги тарихига оид маълумотлар ўта муҳим ва бирламчи манба сифатида биз учун қимматлидир. Шунинг учун ҳам мазкур манба Қўқон тарихнавислик мактабида ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Асар муаллифининг саёҳатлари тафсилоти ва эсдаликлари, шубҳасиз, жуда ҳам қимматли. Асарнинг бу қисмлари бадиий бир асар, саргузаштларга бой бир роман сифатида ҳам китобхонни қизиқтириб қўяди. Манбанинг бу қисмида ўша даврдаги кўпгина тарихий шахслар, волий ва ҳукмдорлар муаллифга маълумот берган ёки ўзлари воқеаларнинг иштирокчиси сифатида қатнашадилар. Улар орасида афғонистонлик Дўст Муҳаммадхон ва унинг ўғиллари Акбархон, Султонхон каби кишилар ҳамда Султон Маҳмудхон ва турли амалдор, мансабдор шахслар тилга олинади. «Мунтахаб ут-таворих»да муаллиф ўзи ва бошқа тарихий шахсларнинг ёзишма-мактублари мазмунини (Дўстмуҳаммадхоннинг Ҳиндистон генерал-губернатори В. Макнотеннинг котиби Лотга мактуби; Султон Маҳмудхоннинг амир Насруллоҳга хати; амир Насруллоҳнинг Қўқон хони Муҳаммадалихонга хати ва б.) келтирган.

Бундан ташқари муаллиф Шарқ шоири ва адибларидан Ибн Сино, Фирдавсий, Умар Хайём, Саъдий, Низомий, Алишер Навоий, Бедил, Хусрав Деҳлавий, Иноятуллоҳ Канбу, Аҳмад ибн Юсуф, қўқонлик шоирлар Фазлий, Акмал Шер Хўқандий, Нусрат, Бехжат, Амирий (амир Умархон) шеърятларидан намуналар келтиради. Асарда баъзи воқеалар иштирокчилари ва гувоҳларининг шеърлари берилган. Асарнинг бадиий безаклари сифатида форс-тожик, ўзбек, араб халқларининг мақол ва масалларидан кенг фойдаланилган.

Ҳақимхон таниқли саййидлар ва хонлар авлодига мансуб оилада 1217/1802-03 таваллуд топган. У она томонидан Қўқон хони Норбўтабийга (1770–1798) неvara ва унинг вориси Олимхонга (1798–1810) эса жиян эди. У ёшлигида Қўқоннинг бўлғуси хони Муҳаммадалихон (1822–1842) билан бирга тарбияланади. Ҳақимхоннинг бобоси Ҳақимтўра ўша даврнинг таниқли шахсларидан ҳисобланар эди. Унга энг обрўли одамлар, ҳатто давлат бошлиқлари ҳам маслаҳат ва ёрдам сўраб мурожаат этишарди. Ҳақимтўранинг аралашуви билан бир неча жанжаллар, айниқса Ўратепа билан Бухоро амирилиги ўртасидаги қонли низоларнинг олди олинган эди.

Ҳақимхоннинг отаси Маъсумхон тўра Олимхоннинг синглиси Офтоб ойимга уйланган. Олимхон уни Исфарага ҳоким этиб тайинлаганда, бу лавозимдан ўз ихтиёри билан воз кечган эди. Маъсумхон ўта юмшоқ кўнгилли бўлиб, унинг илтимоси билан бир неча минг кишилар ўлим жазосидан қутулиб қолган эдилар. Ҳақимхон яшаётган оила Қўқон хонлигида алоҳида мавқега эга бўлиб, ўз замонасига нисбатан прогрессив роль ўйнаган.

Лекин бу оиланинг тинчлиги, орттирган мавқеи узоққа бормади. 1822 йилда Муҳаммадалихоннинг ҳокимият тепасига келиши билан ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди. Ҳақимхонлар оиласи ҳам бошқа кўплаб кишилар каби янги ҳокимнинг ғзабига учради. Бу даврларда Қўқон хонлиги энг кучли давлатлардан бирига айланган эди. Муҳаммадалихонгача Фарғона водийси ва Хўжанд (ҳозир Тожикистондаги Суғд вилояти) ҳудудлари, Тошкент ва Чимкент шаҳарлари эса Туркистон шаҳри, Еттисувдан то Или водийсигача Қўқон хонлиги ихтиёрида бўлиб, Муҳаммадалихон ҳукмронлиги даврида Қўқон хонлигига қозоқ ва қирғизлар яшайдиган катта ҳудудлар ҳам хонликка бўйсундирилган эди. Унинг давлат чегаралари жанубдан Жиззахгача, ғарбдан Туркистон шаҳри атрофларигача, шимолдан қирғиз ерлари бўйлаб, Балхаш кўли ва Или дарёсидан то Шарқдаги Қошғаргача чўзилган эди.

Муҳаммадалининг давлат тепасига келиши кучли тазйиқ ва қувғинлар билан ажралиб турарди. У кўпгина кишилар, биринчи навбатда Маъсумхон ва Ҳақимхоннинг ҳам ўз юртидан чиқиб кетишига сабаб бўлган эди. У ҳокимиятни эгаллаган дастлабки кунданок турли ичи қора шахслар Маъсумхон ва унинг ўғли Ҳақимхонни ёмонлаб, туҳмат тошларини ёғдирдилар. Бу зиёли кишиларни хонга қарши қўйиб, уларни бадарға этилишига эришдилар. Муҳаммад Ҳақимхон бундай иғволарга учган Муҳаммадалихоннинг қарори ҳақида шундай ёзади: «Саййид додхоҳ ва Самандарбийни жаноб қиблагоҳ отам ҳузурига юбориб, уларга «Амир Олимхон ва амир Умархон замонида эшон ҳазратлари бир неча бор байтуллоҳ томон отланмоқчи бўлгандилар, алар эса ҳажга кетиш учун рухсат бермагандилар. Ҳозирги айёмда, жаноб саййидлик паноҳи ҳақида дўсту душман бизга ҳар хил гапларни айтмоқда, биз эсак улар сўзини бир пулга олмай, ҳурматимиз исботи сифатида шуни муносиб кўрдикки, лутф айлаб Маккайи муаззама сари ташриф буюрсалар» деган сўзларини етказишни буюрибди». Маълумки, бу оддий тузоқ бўлиб, ўзига ёкмаган кишилардан қутулишнинг осон йўли эди, чунки бундай узоқ ва машаққатли сафардан кўпчилик тирик қайтмас эди. Лекин тирик қолганлар ҳам ўз юртига қайтишга ботина олмай, бирон қулай шароит туғилганда қайтиш умидида бошқа юртларда сарсон-саргардон кезишга мажбур бўлардилар.

Буни яхши тушунган Маъсумхон хон билан суҳбатлашиш учун унинг саройига келади. Лекин уни хоннинг олдига киритмайдилар. Хоннинг яқинлари тезроқ йўлга тушишини айтиб, шошилтирадилар. Уни шундай тезлик билан Қўқондан чиқариб юборадиларки, натижада у на ўғли, на яқин қариндошлари билан хайрлаша олади.

Қувғин қилинган Маъсумхон Тошкентга етиб келиб, шу ерда ўз ҳамроҳлари билан учрашади ва узоқ йўлга тайёргарлик кўра бошлайди. У Тошкентдан Ясси шаҳрига, яъни ҳозирги Туркистонга етиб келади. Бу ерда у Хивага кетаётган карвонга қўшилиб олади. Хоразм хони Муҳаммадраҳимхон (1806–1825) уни кутиб олиш учун ўғли ва яқин кишиларини хўжанинг истиқболига жўнатади. Улар Маъсумхонни зўр ҳурмат билан кутиб оладилар.

Орадан уч йилга яқин вақт ўтгач, Муҳаммадраҳимхон вафот этади. Маъсумхон унинг ўғли Оллоҳқулихон (1825–1842)дан рухсат олиб, Эроннинг шарқий-шимолидаги Машҳад шаҳри томон йўл олади. Ҳақимхон ўз асарида отасининг бошпана излаб ўн йилдан кўпроқ кезиб юрган юртларининг қисқача таърифини келтириб ўтади.

Аникланишича, Машҳадда қисқа вақт бўлган Маъсумхон, ҳеч қандай сабаб бўлмаган ҳолда Бухоро амири Ҳайдар (1800–1826) ҳузурига келиб қолади. Амир Ҳайдар вафот этгач, Маъсумхон Бухоро амирлигининг марказида жойлашган, ўзига мустақил Шаҳрисабз томон йўл олади. Чунки Шаҳрисабзда унинг қонуний мероси ҳисобланган жой бўлиб, бу ерда Дониёл оталиқ ҳукмрон эди. Дониёл оталиқ уни зўр ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олади. У Шаҳрисабздан ўша пайтда мустақил ҳисобланган Ўратепага унинг ҳокими Муҳаммадраҳим девонбегининг илтимоси билан келади. Амир Насруллоҳ (1826–1860) даврида яна Бухорога қайтади.

Маъсумхон 1833 йилда Амир Насруллоҳ рухсати билан яна саёҳатга отланади. Бухорони тарк этган Маъсумхон Шаҳрисабздаги ўз мероси ҳисобланмиш жойларга умид билан кириб боради. Бироқ бу сафар Дониёл оталиқ унга унчалик илтифот кўрсатмайди ва жуда оз улуш ажратади. Шаҳрисабздан Макка томон отланган Маъсумхон йўлда Ҳисорга кириб, у ерда моддий ёрдам олади. У Афғонистоннинг Ҳазрати имом деган жойига етиб келгандан сўнг шу ерда оғир касалликка чалиниб ётиб қолади ва бир ҳафтадан сўнг тахминан 1844–45 йилда вафот этади.

Шундай қилиб, рус тарихчиси В. Наливкиннинг таърифлашича: «... ўз даврининг ёрқин фикр эгаси бўлган, ўша машъум тузумда гуманистлиги билан ажралиб турувчи»,

юксак билим эгаси, юқори табақага мансуб бўлишидан қатъи назар, ўз умрини қувғинлик ва дарбадарликда ўтказган Маъсумхон ҳаёти ана шундай фожиали яқунланди.¹

Ҳақимхоннинг Россия тасарруфидаги ўлкаларга саёҳати ҳақида гап борганда, у илк бор саёҳатини Шамай шаҳридан бошлаган. Ҳақимхоннинг ёзишича, Шамайдан Омсккача тўрт кунлик йўл эди. Бу ерда гап Семипалатинск ҳақида бормоқда. Семипалатинск қалъаси 1718 йилда полковник Ступин томонидан қурилган эди. Бироқ бу қалъа дарё қирғоғида жойлашганидан тез-тез сув тошқинига дучор бўлар, шунинг учун борган сари Иртиш бўйидан нарироққа кўчирилиб турар эди. 1745 йилдан бошлаб Семипалатинск қалъаси Сибирь губерниясига қарашли бўлади. 1782 йилдан бошлаб эса қалъа уезд шаҳарчаси даражасига кўтарилди. 1797 йилдан Тобольск губернияси, кейинроқ, 1804 йилдан бошлаб эса қалъа Томск губернияси ихтиёрига берилди. Қалъада божхона ва айирбошлаш билан боғлиқ саройлар Иртиш дарёсининг икки томонида жойлашган эди. Бу ерда Ўрта Осиёлик савдогарлар ва қирғизлар билан савдо-сотик олиб борилар эди. 1822 йилда Семипалатинск шаҳар даражасида янги ташкил этилган Омск губерниясига киритилди.

Ўрта Осиёликларни бу шаҳарнинг ажойиб тузилиши, кенг йўллари, унда ўрнатилган тартиб ҳайратга соларди. «Шамай шаҳри жуда гўзал ва латиф бир жой бўлиб, бу ерга Чин томондан азим бир дарё оқиб келиб, шу шаҳар олдидан оқиб ўтади. Халқ ундан кемаларда кечиб ўтишади. Бу дарёнинг охири Хазар денгизига бориб қуйилади. Шаҳардаги уйларнинг бариси ёғочдан қурилган. Уйлар сафоли ва эшикларга катта-катта ойна-шишалар ўрнатилиб, умумий кўча томонга қаратиб деразалар очишган. Шаҳар тарҳи саккизгасаккиз шаклида бино қилинган. Катта кўча йўлининг ҳеч ерида эгри-бугри жой йўқ. Агар кимдир шу қондани бузиб уй курса, подшоҳ томондан одам келади-да, у ерни буздириб, уй эгасини жазолайди. Бинобарин, бирон киши Ўрусия мамлакатидagi юзта шаҳарни кезиб чиқса ҳам бирон ерда бузилган уй, эгри кўчани кўриши амри маҳол. Шамай турли ўлкалардан кўплаб савдогарлар келиб йиғиладиган тижорат шаҳри бўлиб, савдо расталарига бой ва арзончилик туфайли фаровон ер», – деб ёзади Ҳақимхон.

Ўз юртидан қувилган Ҳақимхон чет ўлканинг турмуш ва урф-одатига жуда қизиқиб қарайди. Ҳамма нарсани кўриш ва билишга бўлган қизиқиш уни ҳатто черковга ҳам етаклайди.

«Алқисса, савмаа эшигига етишдим ва катта дайр ичига кириб, жуда кенг ва баланд ҳамда ўта дид билан безатилган салобатли саройни кўрдим. Унинг деворларида ҳаддан зиёд кўп сонли тилло гардишли расмлар осилиб турарди. Айниқса, ҳазрати Исо алайҳиссалом ва ҳазрати Марям ва тўртта муқарриб фаришталарнинг суратини чунонам олтин ва жавоҳир билан худди ўзларига ўхшатиб чизган эдиларки, гўё бу тасвирлар одам назарида тилга кириб, гапириб тургандай тасаввур ҳосил қиларди. Талайгина роҳиблар эгнига ҳар хил қимматбаҳо либослар кийиб, овоз чиқарганча бир нималарни ўқишмоқда эди. Вилоят амирларининг хотин ва қизлари бир томонда саф тортишганди. Амирлар ва саркардаларнинг ўзлари эса яна бир томонда саф чекиб туришарди. Юзга яқин ўн икки яшарлик болақайлар ўз тилида баланд ва ёқимли товуш билан бир хил мақомда худди тошлар сувдек эриб кетадиган даражада Инжил ўқишарди. Гоҳ-гоҳ улар бошини саждага қўяр, қўллари билан аллақандай ишоралар ҳам қилишарди».

Муаллиф черков тузилиши ва турли миллатларнинг худога сиғинишининг турлича йўллари кўрсатар экан, асло бирор мамлакатнинг динини мақтаб, иккинчисини камситмоқчи эмас, аксинча, ўша пайтларда ҳукм сурган хилма-хил диний урф-одатларни санаб ўтмоқчи, холос.

¹ Хуршут Э. Ҳақимхоннинг ҳаёти ва саёҳатлари. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 8.

Муаллифнинг кейинги сафари йўлидаги навбатдаги шаҳар – Омск эди. Ҳақимхон таърифича, бу вилоят жуда бепоён ва қулай шароитга эга экан. Бу ерда ўртача эллик мингдан ортиқ уй-хонадонлар бўлиб, уларда асосан руслар яшарди. Бир-иккита Ўрта Осиёликлар савдо ишлари бўйича бу ерга келиб қолган.

Ҳақимхоннинг Россия тасарруфидаги ерларга келганлиги ҳақидаги хабар рус подшосига Фарбий Сибирь губернатори орқали ҳам етган эди. Буни эшитган Александр I Ҳақимхонни Петербургга олиб келишни буюрган ва бу ҳақда губернатор Ҳақимхонга: – Подшоҳимиздан бизга хат келди. Унда, агар Ҳақимхон бизни ва бу томон вилоятларини кўришни истаса, жуда иззат-икром билан бу тарафга юбор, деб ёзилган. Агар маъқул кўрсангиз, подшоҳ Сиз ҳаққингизда кўп меҳрибонликлар адо этиш учун тайёрдирлар, – дейди. Аммо сайёҳнинг режасида бундай учрашув кўзда тутилмагани, аниқроғи, бундай учрашувнинг нима мақсадда амалга ошириши режаланаётгани масаласини яхши англаган Ҳақимхон ўзини билмаганга солиб, рад жавобини беради.

Шундан сўнг губернатор бошқача қатъийроқ йўл тутди. У Ҳақимхонга паспортини беришдан воз кечиб, уни Омскка жўнатибди. Ҳақимхон паспортини олиш учун кўп овоз бўлади. У генерал-губернаторнинг Александр I га Сибирь бўйлаб сафарида ҳамроҳлик қилиб юрганидан фойдаланиб, унинг хотини ҳузурда бўлиб, ўзининг етук ақли ва муомала маҳоратини ишга солиб, паспортини олишга ҳаракат қилади.

Паспортини олган Ҳақимхон Омскни тезроқ тарк этишга ҳаракат қилиб, Ирбит томон йўл олади. Бу пайтга келиб у иқтисодий томондан анча қийналиб қолган эди, шунинг учун у савдо-сотик билан шуғулланишга мажбур бўлади, бундан ташқари унга бир савдогар Ирбит бозорида беш юз тилла қарз бермоқчи эди ва «шунинг учун мен хоҳласам-хоҳламасам ҳам Ирбит томон саёҳат қилишга мажбур эдим», – деб ёзади Ҳақимхон бу ҳақда.

Ҳақимхоннинг вафот қилган йили ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Ўзбекистон ва Тожикистонда Муҳаммад Ҳақимхоннинг уруғ-қариндошларидан кўпчилиги бугунги кунда ҳам яшаб турибдилар [5].

Шундай қилиб, ўзбек давлатчилигининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини ёритиш нафақат илмий, балки амалий аҳамият ҳам касб этиб, яқин ўтмишда кечган тарихий воқеаларнинг ҳаққоний талқини бугунги куннинг жуда кўп муаммоларига жавоб бериши ва тегишли хулосалар чиқаришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хуршут Э. «Мунтахаб ут-таворих» – важный источник по истории Средней Азии и сопредельных стран // *Общественные науки в Узбекистане*. 1984. – № 7; Шу муаллиф. «Мунтахаб ут-таварих» как источник по истории Средней Азии и сопредельных стран XVIII–XIX вв. 1984. – № 7. – С. 36–42; Шу муаллиф. Ҳақимхоннинг ҳаёти ва саёҳатлари. – Тошкент: Фан, 1987. – 48 б; Шу муаллиф. «Мунтахаб ут-таворих» и его списки // ОНУ, 1987. – №5. – С. 41–47; Шу муаллиф. «Мунтахаб ут-таворих» и его источники // ОНУ, 1987. № 11. – С. 39–44; Шу муаллиф. Изучение среднеазиатских источников XVI–XIX веков: значение, состояние, проблемы // ОНХ. 1989. – № 2. – С. 49–53. ва б.
2. Ўз ФА ШИ даги нусхалар тавсифи: СВР (История). – С. 195–198. Қолган нусхалари тавсифи: Хуршут Э. «Мунтахаб ут-таворих» и его списки // ОНУ, 1987. №5. – С. 41–47.
3. Муҳаммад Ҳақимхон. Мунтахаб ут-таворих (Ба чоп хозиркунанда, муаллифи муқаддима ва таълиқот А. Мухторов). Жилдҳои 1 ва 2. – Душанбе, 1983, – С. 346; 1985. – С. 295–310.
4. Muhammad Khakim – khan. Muntakhab al-tawarikh. Selected history. Vol.II. Y. Kawahara, K. Haneda (tls). – Tokio, 2006. – 506 p.
5. Муҳаммад Ҳақимхон. Мунтахаб ут-таворих. / Форс-тожик тилидан таржима, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш.Воҳидов. Кўрсаткичлар тузувчилари Д. Сангилова, Ш. Юнусов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 720 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Қўқон хонлиги тарихнавислик мактабига мансуб бўлган муаллифларнинг турли йўналиш ва турли тилларда ёзилган бир қатор асарлари мавжуд бўлиб, улардан Мухаммад Ҳакимхоннинг «Мунтахаб ут-таворих» асари ҳам муҳим манбалардан биридир. Унда Қўқон хонлиги – хусусан, Ўрта Осиё тарихи, унинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаёти ва халқаро муносабатлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

Существует несколько произведений разных авторов на разных языках, относящихся к школе историографии Кокандского ханства. Среди них произведение Мухаммадхаким-хана «Мунтакаб ут-таворих» считается одним из важных источников. В этом произведении даётся информация о Кокандском ханстве, в частности, об истории Средней Азии, её социальной, экономической и культурной жизни и международных отношениях.

RESUME

There are several works of different writers in different languages, which are concerned with Kokand khanate. The work of Mukhammadhakimhan «Muntakab ut-tavorix» takes an important place among them. In this work one can find information about Kokand khanate, particularly about the history of Central Asia, its social, economic and cultural life and about foreign affairs.

Нашрга проф. Б.Эшов тавсия этган

ТЕХНОГЕН ЦИВИЛИЗАЦИЯ ЖАМИЯТДАГИ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ
ЎЗГАРИШЛАРГА ТАЪСИРИ

Очиллов Ж.А. (СамДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *техноген цивилизация, табиат, жамият ва инсон функционаллашуви, интеллектуал салоҳият, ижтимоий интенсификация, меҳнат унумдорлиги, жамоавий характер, индивидуаллашуви, корпоротивлашуви, механизация.*

Ҳозирги даврда, бир томондан, ҳар қандай цивилизацияларнинг атрибути бўлган: фан-техника, технология, интеллектуал салоҳият тараққиёти, иккинчи томондан, шахс маънавиятига “ахборот босими”, “оммавий маданият” эскалацияси таҳдиди кучайиши жамият ижтимоий-сиёсий зиддиятларини, этикологик инқирозларни кескинлаштирмоқда. Шунинг учун уни барқарорлаштириш ҳозирги давр глобал муаммоларидан бирига айланди. Бу эса, ўз навбатида, умуман цивилизациялар, хусусан техноген цивилизация тарихида йўл қўйилган хатоларни атрофилича таҳлил қилиб, унинг таъсир йўналишларини ва оқибатларини объектив баҳолаш учун ижтимоий-сиёсий ва ғоявий-назарий асосларини аниқлашни тақозо қилмоқда. Айниқса, инсоният тарихий тараққиётининг ҳар қандай босқичида техноген цивилизациянинг асосий субъекти бўлган шахсга таъсири натижасида, унинг маргиналлашуви ва бегоналашуви жамият маънавий қиёфасини белгилаб берган. Кишилиқ жамияти тараққий этган сари унинг таъсир доираси кенгайиб, янги сифат даражаларига кўтарилган.

Инсоният тарихининг XVIII асридаги илмий-техника тараққиёти “цивилизация” тушунчаси мазмунида ҳам, парадигмасида ҳам, туб сифат ўзгаришларини вужудга келтирди. Хусусан, табиатшунослик, техника ва технология [1] фанлардаги буюк ихтиролар, кашфиётлар моддий дунёнинг янги илмий манзараси, инсоннинг моҳияти ҳақидаги фалсафий тасаввурлар ўзгаришига олиб келди. Инсониятнинг минг йиллик орзулари амалга ошириб, унинг табиат устидан “ҳукмронлиги” бошланди ва бу ҳозиргача, тизимли равишда, амалга оширилиб келинмоқда.

Техник-технологик прогресс – инсоннинг табиатга, жамиятга ва ўзига муносабати характерини белгиловчи омилга айланди. Яъни фаннинг бевосита ишлаб чиқариш кучи таркибий элементида айланиш тенденцияси кучайиши натижасида: меҳнат предмети, воситалари харажатларининг мутлоқ ва нисбий қисқаришига; инсон интеллектуал ижтимоий фаолияти интенсификацияси; меҳнатнинг жамоавий-ижтимоий характери индивидуаллашуви ва корпоротивлашуви; ишлаб чиқариш жараёни механизациялаш ва автоматлаштиришига; инсоннинг табиатдан, жамиятдан ва ўзидан бегоналашуви; яратилган сунъий муҳитнинг табиийликдан устуворлигига олиб келди.

Фан, техника, технологияга асосланган цивилизация, бир томондан, инсонга оламнинг яширин ва сирли томонларини билиш ва ундан интенсив фойдаланиш имкониятини яратди. Иккинчи томондан, жамият тараққиёти даражасини ва характерини белгиловчи мезонга, детерминлаштирувчи омилга айланди. Натижада инсон ҳаёти мазмуни, маъносини тубдан ўзгартириб юборди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ўзгаришлар, ўз навбатида, инсон маънавий ҳаётида бир-бирига қарама-қарши бўлган икки тенденцияни вужудга келтирди. Яъни биринчисида – инсон оламга яқинлашиб, у билан ягона бир бутунлигини сақлаб қолиш заруриятини англай бошлади, дунёни билиши сайёравий, қолаверса, космик даражага кўтарилди. Иккинчисида – инсон меҳнат фаолиятини ва маиший ҳаётини механизация-

лаштириш ва автоматлаштириб, табиатдан ва ўзидан “бегоналаша бошлади”. Яъни бу даврда “умумий цивилизация инқилоби” бошланди ва инсоният маънавий инқирозига тамал тоши қўйилди.

Техноген цивилизациянинг жадал ривожланиши меҳнатнинг субстанционал моҳиятини, инсон маънавий дунёсини тушунишда муқобил қарашларни шакллантирди. Инсон ижтимоий фаолияти, маънавий дунёқараши ва руҳияти индивидуаллашуви, тарихий қадриятларга нигилистик муносабатга – инсоннинг маргиналлашувига олиб келди.

Бу эса, ўз навбатида, замонавий цивилизация оқибати бўлган “оммавий маданият” шаклланининг вужудга келиши ва эскалацияси кучайиши, оила институти қадрсизланиши, ксенофобия ҳодисаси инсон маънавий дунёсини умуминсоний маънавий-ахлоқий меъёрлар, тамойиллар асосида шакллантириш усул-воситаларини, “технологиясини” цивилизациялар контекстида қайта баҳолашни ва назарий-концептуал асосларини яратишни тақозо қилмоқда.

Техноген цивилизациянинг замонавий босқичида инсон меҳнатининг интенсивлашиш, механизациялашиш, автоматлашиш даражаси, бир томондан, унинг юқори интеллектуал салоҳиятини тақозо қилган ҳолда, иккинчи томондан, индивидуаллашиш (ҳатто маргиналлашиш) жараёнини кучайтириб юборувчи “маданият”нинг ноанъанавий шакллари (инсон эркинлиги, демократия тантанаси шиорлари остида) вужудга келмоқда. Бундай шароитда, инсоният маданият тарихига ворислик асосида, уни ижодий ривожлантириш цивилизация келажагини сақлаб қолишнинг муқобили бўлмаган йўлларини англаб етмоқда.

Инсон руҳиятидаги ўзгаришлар, техноген цивилизация воқелигига адаптация потенциал “қашшоқлиги”, маданий иммунитетни шакллантириш масаласини кун тартибига қўймоқда. Яъни инсон ижтимоий борлигининг бу “сифатини” шакллантириш – маданият феномени техноген цивилизация контекстида баҳолаш, уни функционал ташкиллаштириш: биринчи, шаклланаётган янги техноген маданиятни “селекциялаштириб”, унга цивилизацияга адекват маданиятни танлаш; иккинчи, маданиятнинг эмоционал-руҳий таъсир имкониятларини реаллаштириш учун, унинг конструктив-рационал усул-воситаларини, “технологиясини” яратиш; учинчи, маданиятнинг турли шакллари техноген цивилизация умумий мақсади доирасида функционал интеграциялаштириш; тўртинчи, маданият тарихига нигилистик, конформистик муносабатни бартараф қилиш; бешинчи, миллий ва умуминсоният маънавий-маданий қадриятлари трансформацияси ва оммалаштириш билан бевосита боғлиқдир.

Инсон ҳамма вақт ички маънавий олами тасаввуридаги идеал мақсадни амалга оширишнинг усул-воситаларини такомиллаштиришга ҳаракат қилади. Бу унинг ўзини ва бутун инсоният мавжудлигини англашига, ҳаёти мазмунини бойитишга, келажак мўлжалларини белгилашига олиб келади. Маънавий фаолиятининг бундай тарзи, мураккаб диалектикаси, унинг функционал йўналишларини ҳам, тенденциясини ҳам, келажагини ҳам англаши ва ижодий меҳнати асосида амалга ошади.

Ижодий интеллектуал меҳнат – техноген цивилизация шартли сифатида, унинг ҳаракатлантирувчи механизми функциясини: маънавий-ахлоқий нормалар, умуминсоний гуманистик тамойилларга кўра ташкиллаштириш билан функционал аҳамиятини намоён қилади. Зеро, ижод билимга, фанга, эркинликка асосланган руҳий-маънавий фаолият бўлиб, унинг натижасида янги маданий бойликлар ишлаб чиқарилади ва тарихий мерос қайта ишланади. Бу эса, ўз навбатида, техноген цивилизациянинг ривожланиш даражасига ва йўналишларига мос келади ҳамда унинг кейинги ривожланишига асос бўлади.

Шу нуқтаи назардан, техноген цивилизация: бир томондан, умуминсониятнинг муайян мақсадга эришиш, идеалларни амалга ошириш учун қўлланиладиган техник-технологик асосларини яратишда интеллектуал потенциалдан фойдаланиш имкониятларини реаллаштириш шарт-шароитлари; иккинчи томондан, уларнинг натижаларини ўзлашти-

риш “технологияси” тарзида қаралиши керак. Чунки, инсон ҳаёти учун зарур моддий неъматлар ишлаб чиқаришнинг “қуроли” ёки “воситаси” самарадорлигини таъминлаш, оқилна оптимал цивилизациялашган шарт-шароит яратишни тақозо қилади.

Техника ва технологиянинг мазмунини, шаклини, ривожланиш даражасини ва функционал аҳамиятини инсон ижтимоий-маънавий моҳиятининг намоён бўлиши тарзида қараш зарур. Зеро, айнан инсоннинг онгли ижтимоий фаолияти ҳамма вақт технотрон цивилизация парадигмасини ҳам, параметрини ҳам белгилаган бўлса-да, ҳозирги даврга келиб, инсон унинг: “техник”, “ижтимоий”, “сиёсий”, “информацион” воситаси бўлиб қолмоқда. Яъни инсон моҳиятидаги ўзгаришлар техноген цивилизация характерида намоён бўлмоқда.

Моҳиятан техноген цивилизация инсон моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, мақсадларини, орзу-умидларини амалга оширишнинг шарт-шароитини яратиш учун хизмат қилишга йўналтирилган бўлса ҳам, амалда фавқулудда (пародоксал) натижаларга олиб келмоқда. Айниқса, унинг тарихий тараққиёт эволюциясидаги анъанавий узлуксизликни инқилобий узиши, инсоннинг табиий ўзгаришларга, ижтимоий жараёнларга мослашиш – адаптацион потенциални “қашшоқлаштириши”, тарихий меросга нигилистик муносабатни шакллантириши, ўзлигидан, жамиятдан, табиатдан бегоналашуви, девиант хулқ-атворга мойиллиги ошуви ва бошқа ғайри ахлоқий иллатлар вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Жаҳон ҳамжамияти, умуман цивилизация, хусусан техноген цивилизациянинг негатив оқибатлари бартараф қилиш ва эскалацияси олдини олиш учун (ҳозирча, моддий маданият ривожланишидан орқада қолаётган) маънавий маданият универсаллиги тиклашга, яъни тарихий қадриятлар: мифология, дин, фалсафа, санъат, адабиёт, ҳуқуқ, тил, фан, сиёсат, таълим-тарбия ва руҳий маданият таркибига кирувчи бошқа соҳаларни ривожлантиришга муқобил йўл йўқлигини эътироф этмоқда.

Дарҳақиқат, инсон доимо маданият субъекти ва объекти бўлиб, техноген цивилизация мақсадида айланиши керак. Зеро, техноген цивилизацияга оптимистик-футурологик қарашлар, унинг ривожланиш даражаси инсонни – том маънодаги цивилизациялашган “маданият одамини” яратишга боғлиқлигини башорат қилмоқда.

Хусусан, XX асрнинг 60–70-йилларида Ғарбда таркиб топган ва ривожланган Рим клуби “янги гуманизм” концепциясидаги инсоннинг ички, шахсий сифатларини ривожлантириш, жамият трансформацияси ва цивилизациялар кейинги тараққиётини таъминлаши ҳақидаги фикрлар “онгда инқилоб юз бериши”, инсоннинг ўз-ўзини такомиллаштириши ғоялари асосида шаклланди. Яъни “бу дунёда фақат Янги Гуманизмгина инсоннинг сифатлари ва имкониятлари трансформациясини унинг юксак масъулияти даражасига мувофиқ кўтаришга қодир” [2, с. 211].

Аммо дунё миқёсида глобал техноген цивилизация жараёнида халқаро муносабатлар: интеграцияси, интенсификашуву, универсаллашуву натижасида “оламнинг хаотик кенгайиши” билан боғлиқ “оммавий маданият” таҳдиди кучайиши, дунёда глобал маънавий-маданият инқирозини намоён қилмоқда.

Бунинг учун глобал техноген цивилизация талаблари асосида: биринчидан, дунёнинг турли мамлакатларида маънавий-маданиятни ривожлантиришга мутасадди халқаро ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятини интеграциялаштириш; иккинчидан, давлатларнинг маданият соҳасидаги миллий дастурларини, стратегик вазифаларини мувофиқлаштириш; учинчидан, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларни инсонпарварлаштириш; тўртинчидан, инсониятнинг маънавий-маданияти тарихий тажрибаларини умумлаштириш ва халқаро трансформациясини йўлга қўйиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Ижодкор зиёлилар билан учрашувдаги нутки. – Халқ сўзи, 2017 йил 4 август сони.
2. Печчеи А. Человеческие качества. – М.: Прогресс, Изд. 2-е 1985., –С. 211.

РЕЗЮМЕ

Маколада дунёда юзага келган техноген цивилизация ва унинг жамиятдаги маънавий-маданий ўзгаришларга таъсири очиб берилган. Техник-технологик жараёнларнинг табиатга, жамиятга ва шахсга йўналтирилганлиги ўзига хос услубда ижтимоий фалсафий таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещается техногенная цивилизация, возникшая в истории человечества и ее влияние на духовно-культурные изменения в обществе. А также рассматриваются интенсификация, индивидуализация, корпоратизация интеллектуально-социальной деятельности, функциональное интегрирование механизации производственного процесса.

SUMMARY

The article reveals the technogenic civilization formed in the history of the mankind and its influence on the spiritual – cultural changes in the society. As well intensification, individualization, corporatization of intellectual – social activity, functional integration of the mechanization process are observed.

Наширға фалс. ф. д. С. Чориев тавсия этган

И. КАРИМОВ АСАРЛАРИДА ҲОЗИРГИ ЗАМОНДАГИ ГЕОПОЛИТИК МАҚСАД-МУДДАОЛАР ТАЛҚИНИ

Чориев С. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *молиявий-иқтисодий инқироз, инқироз сабаблари, инқироз оқибатлари, геополитик рақобат, иқтисодий уруш, маънавий-мафкуравий кураш.*

Барча буюк давлат арбоблари каби Ислом Каримов ҳам жаҳондаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий тенденцияларни муттасил таҳлил қилиб борар, бу тенденцияларнинг мамлакатдаги ижтимоий жараёнларга таъсири хусусида атрофлича бош қотирар эди. Табиийки, янги аср бошларига келиб, жаҳондаги геополитик рақобатнинг авж олиши, глобал мамлакатлар геополитик интилишлари, мақсад-муддаоларининг ўзгариши унинг эътиборидан четда қолмади. Ислом Каримов асарлари ва маърузаларини жаҳондаги геополитик трендлар контекстида таҳлил қилсак, бунга қатъий амин бўламиз.

Жаҳондаги геополитик вазиятнинг ўзгариши ибтидоси 2008 йилда авж олиб кетган молиявий-иқтисодий инқирозга бориб тақалади. Кишилиқ жамияти тарихида турфа инқирозлар кўп бўлган. Бироқ бу инқироз характери ва кўлами жиҳатидан айрича аҳамият касб этди. Шунинг назарда тутган ҳолда: “Ҳозирги кунда, – деган эди Ислом Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” мавзудидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчилари олдида қилган маърузасида, – жаҳон иқтисодиёти сўнгги ўн йиллар давомида ривожланиш жараёнидаги энг қалтис даврни бошидан кечирмоқда. Жаҳон илк бор деярли барча мамлакатларга таъсир кўрсатган молиявий-иқтисодий инқирозга дуч келди”.

Албатта, мазкур инқироз бир эмас, бир неча ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳатто маънавий омиллар таъсирида юзага келди. Сабаб сифатида, масалан, ўн йилликлар давомида АҚШ фуқаролари орасида истемолчилик кайфиятининг авж олганини айтиш мумкин. Боз устига, Ғарбий Европа ва АҚШда кишиларнинг гедонистик интилишларини, истемолчилик кайфиятини оқловчи, улуғловчи таълимотлар ҳам ривожлана борди. Аниқ мақсадга бўйсундирилган фаолиятни ҳаётий стратегияга айлантириш, ақлни муваффа-

қиятга эришиш тактикасини рўёбга чиқарувчи қадрият сифатида баҳолаш, борлиқ асосларини аниқлашга эмас, муаммовий ҳолатни бартараф этиш ва ижтимоий шарт-шароитларга мослашиш имконини берадиган услубларни излаб топишга интилиш, ҳақиқатни маълум манфаатга бўйсунадиган нисбий тушунча деб билиш, шахс ижтимоий мақомини яхшилашга хизмат қиладиган оқилона этикадан фойдаланиш, шахс эҳтиёж ва манфаатларини бирламчи қадрият деб билиш – инструментализм, рационализм, прагматизм, позитивизм (кейинчалик неопозитивизм, постпозитивизм) каби таълимотларнинг ушбу принциплари инсоннинг оламга истеъмолчилик муносабатини асослаб берди, истеъмолчилик кайфиятининг кенг илдиз отишига пойдевор яратди.

Фуқаролар уй-жойга бўлган эҳтиёжларини ҳам истеъмолчилик психологияси нуқтаи назаридан баҳолашга ва қондиришга одатландилар. Шахс молиявий имкониятлари чекланган ҳолатларда бу эҳтиёжларни ипотека кредитлари эвазига қондириш борган сари авж олиб борди. Бунга жавобан АҚШ Федерал Захира Системаси 2000–2008 йилларда истеъмолчиларга 500 дан ортиқ янги кредит шаклларини таклиф этди, кредит олиш имконини берадиган баллар миқдорини 800 дан 500 га қадар туширди, ҳатто 14 ёшга етган йигит ва қизларга ҳам кредит олишга рухсат берди. Уй-жойга бўлган талабнинг бундай қўллаб-қувватланиши уй-жой бозоридаги нархларнинг узлуксиз ошиб боришига замин яратди. Масалан, Бостонда 2002 йилда уй-жойнинг 1 м/кв и 3 минг доллар турган бўлса, 2005 йилга бориб 10 минг долларга чиқиб кетди. Айти пайтда қурилиш компанияларни ҳам банклар томонидан кредит маблағлари билан етарли даражада таъминланиб бордилар. Охир-оқибатда 2008 йилга келиб, уй-жой бозорида таклифнинг талабдан устуворлиги юзага келди. “Домино” принцига мувофиқ, бу ҳол банклардаги маблағларнинг қайтмаслигига, ликвидлик даражасининг тушиб кетишига, банкларнинг банкрот бўлишига, умуммамлакат миқёсидаги молиявий инқирознинг бошланиб кетишига, инқирознинг молия соҳасидан иқтисодиёт соҳасига ўтиб кетишига сабаб бўлди. Ярим йил ўтмасдан, АҚШ молиявий-иқтисодий инқирози умумсайёравий тус олди. Мазкур жараёнлар, уларнинг сабаблари ва оқибатлари Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” мавзuidaги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчилари олдида қилган маърузасида, “Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)” мавзuidaги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчилари олдида қилган маърузасида, 2009-2010 йиллардаги кўплаб интервьюларида, “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли рисоласида чуқур таҳлил қилиб берилди.

Молиявий-иқтисодий инқирознинг глобал характер касб этиши янги аср арафасига келиб шундоқ ҳам мураккаблашиб кетган геополитик вазиятни янада кескинлаштирди. Жаҳондаги жараёнларга таъсир кўрсатиш, уларни ўз манфаатларига монанд равишда кечишини таъминлаш, у ёки бу минтақани ўз таъсир доирасига киритиш илинжида бўлган геополитик кучлар ўртасидаги рақобат авж нуқтасига етди. Бу рақобат, бир томондан, табиий ресурслар учун кураш, иккинчи томондан эса, маънавий-мафқуравий кураш тусини олди.

Табиий ресурслар учун кураш айниқса шиддатли тус олди. Стратегик ресурсларга эга мамлакатларга таҳдидлар кучайди, ушбу мамлакатлардаги вазиятни издан чиқариш ва охир-оқибатда ҳукуматни алмаштиришга хизмат қиладиган технологиялар кашф этилди. Бу технологиялар кейинги 25 йилда 20 дан ортиқ мамлакатларга нисбатан қўлланилди. Табиий ресурслар бозоридаги нархларга таъсир кўрсатиш, бу бозордан у ёки бу иштирокчини сиқиб чиқариш мақсадида санкциябозлик амалиёти илдиз отди. Ҳатто табиий ресурсларни арзонгаровга етказиб беришга хизмат қиладиган экстремистик гуруҳларни

кўллаб-қувватлаш ҳоллари ҳам кузатила бошланди. Бундай шароитда фақат Ислом Каримов ўз маъруза ва нутқларида жаҳондаги кескин вазиятни таҳлил қилиб берар экан, жаҳон жамоатчилигини ҳамкорлик ва мурасага чорлаб келди. Бунга унинг 2010-2012 йилларда халқаро аренада қилган маърузаларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Маънавий-мафкуравий курашнинг авж олаётгани ҳам Ислом Каримовнинг доимий диққат марказида бўлди. Сирасини айтганда, маънавий-мафкуравий кураш геополитик рақобатнинг ўзига хос йўналиши сифатида қарор топди. Глобаллашув жараёнлари эса ушбу курашнинг янада шиддатли аҳамият касб этишига сабаб бўлди. Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида маънавий-мафкуравий жараёнларнинг ўзига хос жиҳатларини, унинг жамият маънавий ҳаёти, шахс маънавий қиёфасига салбий таъсирини моҳирона таҳлил қилиб берди.

Хуллас, Ислом Каримов асарлари ва маърузаларини жаҳондаги геополитик жараёнлар нуқтаи назаридан кўриб чиқар эканмиз, унинг катта аналитик қобилиятга эга, сиёсий жараёнларнинг энг нозик аспектларини чуқур ҳис эта оладиган давлат арбоби бўлганлигига амин бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. // Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т. 17. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 29–65.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. // Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т. 17. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 147–198.
4. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
5. ШХТ давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқ // Жаҳон инкирозининг оқибатларини енгил, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққиёт топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т. 18. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 234–242.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ислом Каримовнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози сабаблари ва оқибатлари ҳақидаги фикрлари, унинг натижасида геополитик рақобатнинг авж олиши тўғрисидаги мулоҳазалари ва башоратлари таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются размышления Ислама Каримова о причинах и последствиях мирового финансово-экономического кризиса, его прогнозы о том, что мировой кризис приведет ужесточению геополитической конкуренции в мире.

SUMMARY

The article deals with the view-points of Islam Karimov about reasons and consequences of world financial-economic crisis and as a result of it the development of geopolitical contradictions are analyzed.

ТАБИАТГА МАЪНАВИЙ-ЭСТЕТИК МУНОСАБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИНГ РОЛИ

Айматов А. (СамДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *табиат, табиатга муносабат, экологик маданият, экологик маданият тамойиллари*

Инсоннинг яшаш муҳити ва табиий шарт-шароитлари турли-туман бўлиб, бу ҳолат жамиятнинг ривожланишига ўзининг таъсир кўрсатадиган объектив жараёнларни

келтириб чиқаради. Жамиятнинг табиатга таъсири, унинг экологик маданиятидаги ички тармоқланиши ва ривожланиш тарихий босқичлари ўртасидаги узвийлик тамойили асосида аниқланади. Бу таъсир ҳудудлар, минтақалар бўйича ишлаб чиқариш кучлари, иқтисодий муносабатлар даражасига боғлиқ тарзда бир-биридан фарқланади. Бошқача қилиб айтганда, турли-туман табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро таъсири натижасида «инсон-табиат», «жамият-табиат», ҳатто, «инсон-инсон», «жамият-жамият» тизими тадрижий тараққиёти босқичларини белгилаб берувчи янги экологик оқибатлар келиб чиқади. Бу эса, ўз навбатида, жамият экологик маданияти ёки маданиятсизлиги мезони бўлиб ҳисобланади.

Экологик маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиши инсон омили билан боғлиқ равишда қуйидаги тамойилларда намоён бўлади:

- ҳам миллий, ҳам минтақавий, ҳам умумпланетар миқёсда уларнинг ижодий потенциални мақсадга мувофиқ бирлаштириш;
- экологик маданиятнинг дифференциялашиш хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг турли йўналишларини ўзаро тўлдирувчанлигини эътиборга олган ҳолда интеграциялашиш имкониятларини топиш;
- экологик маданият тарихининг горизонтал ва вертикал йўналишларини мувофиқлаштириш мақсадида халқаро жамоатчилик кенгашини ташкил этиш;
- экологик маданият тарихини ўрганиш, миллий экологик меросни халқаро миқёсда тарғибот-ташвиқот қилиш учун ахборотлар ва мутахассислар алмашувини ташкиллаштириш;
- экологик маданиятнинг илғор намуналарини оммавийлаштиришнинг усул ва воситаларини, коммуникация тизимини вужудга келтириш масалаларини ҳал қилиш кун тартибига қўйилмоқда.

Бу тамойиллар ҳозирги замон илмий билишининг экологиялашуви жараёни турли фанларнинг интеграцияси ва дифференцияси, диалектикаси, фанлараро ва махсус тадқиқотлар бирлиги қуйидаги асосий тенденцияларини акс эттирувчи жараёнда амалга оширилмоқда.

Биринчидан, «жамият-табиат» муносабатлари тизимини тарихий ретроспектив таҳлил қилиш илмий дунёқарашни шакллантиришнинг зарурий шартидир. Бу тизимда содир бўлаётган экологик билимларнинг ривожланиш жараёни умумбашарий характер касб этаётганлиги ва инсоният учун тобора муҳим бўлиб бораётганлиги туфайли дунёқарашнинг экологиялашуви кучаймоқда.

Экологик маданият асосини ташкил қиладиган, тарихий анъаналарни муҳофаза қилиш, табиатдан фойдаланишни такомиллаштиришнинг ҳам умуминсоний, ҳам миллий экологик дунёқарашлар тизими шаклланмоқда. Лекин ҳозир гап экологик маданият тарихини билиш жараёни ҳақида кетаётганлиги учун, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, экологик маданият тарихи инсон билан табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганувчи фанлар тарихига у ёки бу даражада боғлиқ бўлади. Яъни, улар бир-бирини тўлдириб туради.

Иккинчидан, ҳозирги замонда фанларнинг дифференциаллашуви жараёнида турли хил табиий, техник ва ижтимоий фанлар соҳаларида экологик жиҳатлар ажралиб чиқиб, нисбатан мустақил тадқиқот мақомига эга бўлмоқда.

Турли фанларнинг экологик жиҳатлари тарихи ажралиб чиқиши ва улар асосида билимнинг янги соҳасида шаклланиши билан бир қаторда, ҳозирги замон экологик вазиятининг тадқиқ этишидан бошланадиган «қайтар» жараён ҳам кетмоқда. Бу жараён экологик муаммоларнинг турли фалсафий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ахлоқий ва бошқа жиҳатларининг таҳлилида ўз ифодасини топмоқда ва ўз навбатида, турли фанларнинг кооперациясига туртки бермоқда.

Учинчидан, ҳозирги замон илмий билиши тарихига экологик тадқиқотларнинг бир бутун комплекс соҳалари (ёки йўналишлари)нинг шаклланиши ва ривожланиши характерлидир.

Бу соҳаларга биосфера умумбашарий биотизим сифатида объекти бўлган умум-башарий экология, инсоннинг узлуксиз ўзгариб бораётган, уни ўраб олган табиий муҳит билан ўзаро муносабатлари қонуниятлари соғлиқни сақлаш, инсоннинг жисмоний ва руҳий салоҳиятларини такомиллаштириш муаммоларини тадқиқ этувчи ижтимоий экология киради. Умуман, экология тарихи, хусусан, экологик маданият тарихи бу соҳаларнинг ҳар бири тадқиқот объектига, яъни экологик маданиятга органик жиҳатдан фанлараро ёндашувни ўз ичига олади.

Тўртинчидан, илмий билиш жараёнида минтақавий соҳа характериға эға бўлган фундаментал ва амалий экологик тадқиқотлар тарихини ўрганишға эҳтиёж кучаймоқда ва самаралари ортмоқда.

Бу тадқиқотлар табиатни муҳофаза қилишда ҳудудий яхлит режалар учун асос бўлиб хизмат қилади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, экологик маданият тараққиётининг ўзаро боғлиқ бўлган тенденциялари инсон ва атроф-муҳитнинг ўзаро таъсири масалаларини ўрганиш ишиға аҳолининг тобора кенгроқ жалб қилиниши жараёнида тўлароқ ҳисобға олиниши муҳимдир. Бундай жалб қилинишнинг имкониятлари ва даражалари, унинг кўриниши ва даражалари жамият аъзоларининг маълумотлилик даражаси ва ижтимоий-касбий хусусиятлари билан белгиланади.

Экологик маданият инсоннинг табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, моддий ва маънавий ҳаёт асосларини ишлаб чиқиши жараёнида намоён бўлади. Бунда экологик маданиятнинг ҳар қандай кўриниши ва ривожланиш даражаси, бир томондан, “табиат-жамият-инсон” мажмуасидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий муносабатларда конкрет мазмун касб этиб, ўз тарихий даврининг экологик ишлаб чиқариш усулидан ажралиб қолган эмас. Иккинчи томондан, экологик маданият натижасида вужудға келган “табиат-жамият” ички мутаносиблиги, биосфера мувозанати жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ривожланиш даражасини ифодалайди. Шунинг учун, ҳатто инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб ижтимоий-экологик фаолиятларини табиий-биологик эҳтиёжларидан, яъни табиатни маданий ўзгартириши ва ўзлаштиришдан ажратган эмас.

Жамият ривожланиш даражасини белгиловчи ижтимоий муносабатларнинг экологиялашган йўналишлари ва уларнинг мажмуаси, инсоннинг табиатни муҳофаза қилишдан иборат маданиятиға асос ҳисобланади. Шу билан бирға, экологик маданиятнинг нисбатан мустақиллиги хусусий ҳодиса эмас, балки умумийликнинг намоён бўлишидир. Чунки, “табиат-жамият-инсон” мажмуасидаги ижтимоий муносабатлар мажмуаси экологик онг ва маданият ёрдамида бошқарилади. Шунға кўра, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги амалий муносабатларни, умуман, экологик борлиқ, хусусан экологик маданиятдан ажралган ҳолда олиб қараш методологик жиҳатдан хатодир. Зеро, экологик маданият жамият ижтимоий-экологик муносабатларининг асоси, ҳаракатлантирувчи механизми ҳисобланган табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжларига бориб тақалади. Аниқроқ қилиб айтганда, экологик маданият инсоннинг табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ҳаётий эҳтиёжларини қондиришнинг воситаси бўлиб ҳисобланади.

“Табиат-жамият-инсон” муносабатларининг ҳар бир тарихий даврида инсоният мавжудлигининг ривожланишиға мос экологик маданият шакли вужудға келган ва турли даражада намоён бўлган. Қадимги ёзма манбаларда, археологик, этнографик тадқиқот натижаларида кишиларнинг табиий яшаш шароити билан боғлиқ ўзига хос экологик маданияти вужудға келганлиги тарихий далиллар билан исботланмоқда. Дарҳақиқат,

инсоният тарихининг дастлабки даврларида экологик маданият табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ижтимоий амалиётнинг урф-одатлари, расм-русумлари, амалий анъаналари инсоннинг табиатга муносабатини бошқариш механизмлари сифатида намоён бўлган. Бошқача қилиб айтганда, қадимдан халқ оғзаки ижодининг афсона ва ривоятларида, фалсафий, диний дунёқарашларида ўз ифодасини топган экологик фаолиятини рағбатлантирувчи ёки ғайриэкологик хатти-ҳаракатларни таъқиқловчи умуминсоний ахлоқий, ҳуқуқий нормалари, сиёсий воситалари вужудга келган. Бу даврнинг энг асосий хусусияти – “табиат-жамият-инсон” муносабатларини бошқариш механизми сифатида экологик маданиятда диний-ахлоқий тамойилларнинг устуворлигидир. Кейинчалик, умуман ижтимоий муносабатларнинг «цивилизациялашиш», «маданийлашиш» тенденцияси кучайиши билан экологик маданиятнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий муносабатлар мазмунига мос равишда дифференциаллашиш жараёнининг жадаллашганлигини кўрамиз. Шу билан бирга инсоният тарихида “табиат-жамият-инсон” мажмуаси муносабатларида экологик маънавий маданият ролининг ошиши, уларнинг табиий яшаш шароитлари билан боғлиқ диний эътиқодларида, ахлоқий қарашларида ўз ифодасини топган.

Ҳозирги даврда экологик маданиятнинг вазифаси – жамиятнинг узлуксиз ўсиб бораётган моддий эҳтиёжлари билан табиий ресурсларнинг чегараланган имкониятлари ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиб, биосферанинг қулай экологик мувозанатини, унинг коэволюциясини вужудга келтиришдан иборат. Айнан шу вазифаларни белгилашда, яъни экологик маданиятнинг ривожланиш тенденциясида, унинг умуминсонийлик моҳияти ва истиқболи ўз ифодасини топди.

Ўзбек халқининг миллий маънавий-ахлоқий қадриятлари, урф-одатлари ва анъаналарида, ҳар хил маросимларида, деққончилик, боғдорчилик, йил фасллари – баҳор, ёз, куз ва киш ҳақидаги қўшиқ-ашулаларида энг қадимги даврлардан ҳозиргача табиат олқишланган, мадҳ этилган. Маънавий-эмоционал ҳаёти таркибий қисми бўлган халқ байрамлари мазмунига сингдирилган. Марказий Осиё халқларининг азалдан ҳар йили шод-хуррамлик билан нишонлайдиган Наврўз байрами кишиларнинг она-Ерга, табиатга меҳр-муҳаббатини мустаҳкамлашда катта ўрин тутган. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Асрлар бўйи, минг йиллар давомида Наврўзи олам халқимизда, ҳар бир оилада, ҳар бир хонадонда энг орзиқиб қутиладиган хурсандчилик, гўзаллик ва нафосат куни, баҳор фаслини намоён қиладиган байрам бўлиб келмоқда.

Наврўз табиатнинг уйғониш, яшариш фасли. Табиат уйғонар экан, инсон руҳи ҳам янгиланади. Шу билан бирга инсон билагига куч, юрагига янги интилиш, ҳаётига янги умид ва орзулар кириши табиий.

Дарҳақиқат, Наврўз табиат билан инсоннинг ўзаро чамбарчас алоқаси, уларнинг бир бутунлигини тасдиқловчи, инсоннинг эҳтиросга бўлган эҳтиёжини қондирувчи шод-хуррамлик ифодасигина эмас, балки том маънода: бир томондан, ҳаётга бўлган шукроналик ҳиссини, ўзини табиатнинг бир қисми сифатида улуғлаш, иккинчи томондан, табиатга меҳрини намоён қилиш орқали яратганга миннатдорчилик, келажакка умид туйғусини ифодаловчи маданий-маърифий ва экологик байрам ҳамдир. Одамларнинг табиатга, айниса, унинг ёрқин кўриниши – ўсимликлар оламига муносабати ва меҳр-муҳаббатини белгилашда “Меҳржон”, “Гул байрами” ва “Лола байрам”лари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Халқ оғзаки ижодида, яъни дostonлар, эртақлар, асотирлар, мақоллар ва маталларда, қўшиқ ва лирик шеърларда, ҳатто туркий қабила ва халқларнинг энг қадимий адабий ёдгорликларида ҳам табиатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тарғиб қилинган. Уларда ер, сув ва ҳаво ҳаёт манбаи экани, асоссиз табиат бойликларини исроф қилиш, ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонларни нест-нобуд қилиш миллий удумларимизга,

одоб-ахлоқ қоидаларимизга, миллий манфаатларимиз ва кадриятларимизга тамомила зид экани таъкидланган.

Аждодларимиз бўлган қадимий туркий халқларнинг қўшиқларида табиат инсон яшаши ва ривожланишининг муҳим омилларидан бири сифатида эъзозланган, ҳатто айрим ҳайвонларнинг ҳиссалари инсонлар учун намуна – эталон сифатида келтирилган. Масалан, туркий халқларда от, ит, бўри каби ҳайвонлардаги садоқат, вафодорлик, мардлик сифатлари халқ оғзаки ижодида ўз аксини топган.

Табиатдаги ҳамма нарса, ҳодиса ва жараёнлар биосфера мувозанатининг инсон учун жуда зарур ва муҳимлиги қадимий маънавиятимиз намуналарида генеал тарзда илғаб олинган ва моҳирона, санъаткорона ифодаланган.

Йилнинг ҳар бир фасли ўзига хос мадҳ этилган, хусусан, баҳор фасли ғоят юқори эҳтирос билан қуйланган. Масалан, XI аср тилшунос олими Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида қайд этилишича, йилнинг бу фаслида табиат гўё қайтадан шаклланади, қирлар гиламга ўхшаш майса-қўкатлар билан қопланади, тоғдаги қор, музлар эрийди, сувлар оқа бошлайди, турли-туман гуллар очилиб, ер юзига чирой бағишлайди, қушлар, қурт-қумурсқалар инларидан чиқиб, тўда-тўда бўлиб янги ҳаёт бошлайди. Табиатдаги бу жонланиш кишиларни ниҳоятда завқлантиради, ёзнинг ғалабаси кишиларнинг ғалабасига айланади, кишилар ёзни ўз қўшиқларида шодлик билан қуйлаб, олқишлайдилар, табиат манзараларини тасвирлаб шеърлар тўқийдилар.

Халқ оғзаки ижодиёти, ёзма ёдгорликлар, адабиёт, санъат, тарих, тиббиёт, фалсафага оид кўплаб асарларда ҳам сув, унинг фойдаси тўғрисида ажойиб фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топган. Дунё халқлари экологик маданияти тараққиётида Марказий Осиё алломаларининг «табиат-жамият-инсон» муносабатлари ҳақидаги фикрлари ҳам муҳим ўрин тутади. Хусусан, ўрта асрларда Марказий Осиёда яшаб ижод этган олимлардан Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқалар табиат фанларининг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Улар ҳали экология фани дунёга келмаган даврда табиат, ундаги мувозанат, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиатни эъзозлаш ҳақида қимматли фикрлар айтганлар.

Турли миллат ва элатлар экологик маданияти, шу жумладан, ўзбек халқининг экологик маданияти ҳам бошқа халқлар маданияти билан алоқаларда ижодий ривожланган бўлиб, унинг тажрибаларини илмий умумлаштиришни талаб қилади. Умуман, жаҳон халқлари экологик маданияти тараққиётида, хусусан, ўзбек экологик маданиятида миллийлик ва умуминсонийликнинг намоён бўлиш хусусиятларини ўрганиш маданият тарихи ва назариясида долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. – Т.:Ўзбекистон, 1998.– Б. 3.
2. Карабаев У. Этнокультура. – Т.: Шарқ, 2005. – С. 191.
3. Маллаев П. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Педагогика, 2000. – Б. 120.

РЕЗЮМЕ

Мақолада муаллиф борлиқнинг ўзига хос шакли бўлган табиатнинг асосий атрибутлари, табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг ривожини, экологик маданиятни шакллантиришнинг долзарб муаммолари хусусида фикр юритади.

РЕЗЮМЕ

В статье автор рассуждает об основных атрибутах природы как формы бытия, развитии взаимоотношений между природой и обществом, актуальных проблемах формирования экологической культуры.

RESUME

This article deals with the main features of the nature as a unique form of the universe, the connection between society and nature and the actual problems of the formation of ecological culture.

Наишга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган

ИСЛОМ КАРИМОВ – ЎЗБЕКИСТОНДА ТУБ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ НАЗАРИЯСИ АСОСЧИСИ

Эркаев А. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *ислоҳот назарияси, тараққиёт, ўзбек модели, ислоҳотлар концепцияси, ўзбек модели тамойиллари.*

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг тарихий хизматларидан бири ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш назариясини яратганидир. Бу назария давр синовидан ўтди. Унга илмий ҳолислик қаторида ижодий ривожланиш салоҳияти ҳос эканлиги маълум бўлди. Тараққиётнинг ўзбек модели тушунчаси ҳалқаро минбарларда тез-тез жарангламоқда.

Ислоҳотлар назариясини яратишда иқтисодий қаторида маънавиятга устуворлик берилди. Ислоҳотларни, ишлаб чиқилган дастурларни амалга оширишнинг муҳим шarti – уларнинг ҳалқ томонидан тўғри қабул қилиниб, қўллаб-қувватланиши, ташаббускорлик ва бунёдкорлик фаоллашиши зарурлигини Ислом Каримов эсдан чиқармади. Ҳатто назариянинг алоҳида нисбатан мустақил йўналишига айлантирди. Назарияни яратишда миллий анъаналар, қадриятлар қаторида умуминсоний меъёрлар ва ютуқларга таянилди. Ўзбекистоннинг реал иқтисодий аҳволи, ўткир муаммолари, кадрлар салоҳияти, аҳоли психологияси, миллий менталитет ҳисобга олиниб, ўзига ҳос ва мос йўл танланди. Бошқа мамлакатларда ишлаб чиқилган бирор модель кўр-кўрона асос қилиб олинмади. Айни пайтда жаҳон тажрибаси ва ютуқлари, умуминсоний қадриятлар миллий тажриба ва қадриятлар билан уйғунлаштирилди. Масалан, давлат қурилишида ҳокимиятнинг уч бўғини бир-биридан ажратилди ҳамда ҳоким, ҳокимлик институти, жамият қурилишида маҳалла институти янги асосларда тикланди. Натижада давлат ҳокимияти қуйи ва ўрта бўғинида биринчи раҳбарнинг шахсий жавобгарлиги оширилди. Маҳалла орқали фуқаролар миллий даромаднинг ижтимоий муҳофазага ажратиладиган қисмини бевосита қайта тақсимлашда иштирок этишига йўл очилди. Кейинги ҳолат жаҳон амалиётида ноёб ҳодиса бўлиб, бевосита демократиянинг, фуқаролик жамияти фаолиятининг олий кўри-нишларидан биридир. Тўғри, ҳозирча демократиялаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида қилиниши зарур ишлар кўп. Аммо назариянинг бош мақсади ва яна бир концептуал тамойили – ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун, инсон манфаатлари барча нарсадан устун – назариянинг демократия ва фуқаролик жамиятига оид қисмини давр талабларига мослаштириб, ижодий ривожлантириш имконини беради. Буни Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ва ҳалқ қабулхоналари ташкил этилиши тасдиқлаб турибди. Инсонпарварлик ғояси ва тамойили ислоҳотлар назариясининг бошқа таркибий қисмлари ижодий бойитилиб, такомиллашиб боришига ҳам баракали таъсир кўрсатади, фақат иқтисодий билан чекланиб қолмайди.

Туб ислоҳотлар назариясининг илмий-амалий механизмини ўзбек моделининг беш тамойили ташкил этади. Назариянинг ўзи қуйидаги қисмлардан, кичик назариялар ёки алоҳида концепциялардан иборат:

1. Иқтисодий ислоҳотлар концепцияси.
2. Давлат ва жамият қурилиши, демократик ислоҳотлар концепцияси.
3. Кадрлар тайёрлаш концепцияси.
4. Ижтимоий ислоҳотлар концепцияси.
5. Маънавий ислоҳотлар концепцияси.
6. Ташқи сиёсат ва алоқалар концепцияси.

Уларнинг ҳар бирини батафсил баён қилиш кўп вақт олади. Шу сабабдан иқтисодий ислохотларга оид баъзи принципиал ҳолатларни қайд этиш билан чегараланамиз. Биринчидан, Ўзбекистонда эркин бозор эмас, балки ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини жорий қилиш модели танланди. Аҳолининг ижтимоий муҳофазасига ҳамда ишлаб чиқарувчилар аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олиши зарурлигига жиддий эътибор қаратилди. Иккинчидан, иқтисодиётнинг барча соҳаларини ёппасига ислоҳ қилишдан, бозор муносабатларини бирданига жорий қилишдан, шок(фалаж) терапиясидан воз кечилди. Бу ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилашни, босқичма-босқич амалга оширишни тақозо этди. Учинчидан, давлат мулкни хусусийлаштиришда шошма-шошарликка, талон-торожга йўл қўйилмади. Мулкни ҳақиқий эгасини топиб, унга топширишга ҳаракат қилинди. Хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида корхонанинг профилини ўзгартиришга рухсат берилмади. Чунки бу бозорда маҳсулот тақчиллигига ва профилни ўзгартиришга кетган вақт мобайнида корхона жамоаси ишсиз қолишига сабаб бўлар эди. Корхоналар профилини ўзгартиришга 1996 йилдан рухсат берилди бошлади. Бу ижтимоий муҳофазанинг ҳамда истеъмол бозорини ҳимоя қилишнинг зарур шарти эди.

Тўртинчидан, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда, янги технологиялар киритишда, модернизация қилишда ва янги корхоналар қуришда, хорижий инвестициялар киритишда, кредит олишда оқилона сиёсат олиб борилди. Ўзлаштириш имкониятларимиз қатъий ҳисоб-китоб қилиниб, кредитлар олинди. Ислон Каримов ўзлаштириш имкониятларидан ортиқ олинган кредитлар турли усуллар ёрдамида талон-торож бўлади, қутилган самарани бермайди, деган фикрда қатъий турди. Мулкчиликнинг янги шакллари ҳимоя қилиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини сақлаш, мулк ва маблағларни талон-торождан асраш, мулкдорлар ва аҳоли масъулиятини ошириш, устувор йўналишларни таъминлаш зарурати ўтиш даврида давлат бош ислохотчи бўлиши, қонун устуворлиги ва барчага бирдайлиги тамойилларини тақозо этди.

Бешинчидан, популистик сиёсат юритиб, одамларга ёқиш учун ислохотларнинг бир босқичини охирига етказмасдан, янгисига ўтмаслик, дастурлар бажарилишини чала қолдирмаслик, маблағ ва ресурсларни сочиб юбормаслик ғояси олға сурилди. Бундан яна ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш ҳамда иқтисодиётни сиёсатдан устун қўйиш ва мафкурадан холи қилиш тамойиллари келиб чиқади.

Хуллас, ўзбек моделининг беш тамойили ислохотлар назарияси доирасида объектив заруратлар ҳисобга олиниб шакллантирилди. Қўшимча қилиш зарурки, мазкур тамойилларни фақат иқтисодий ислохотлар тақозо этган эмас. Улар шунингдек ислохотлар назариясининг бошқа йўналишлари ва концепциялари билан ҳам яқиндан боғланган. Давлат ва жамият қурилишини оламизми ёки кадрлар тайёрлашни ёхуд ижтимоий ва маънавий ислохотларни – қатъи назар, сиёсий мафкурага уларни бўйсундириш мумкин эмаслиги, ўтиш даврида давлат бош ислохотчи бўлиб қолиши, қонун устуворлиги, ижтимоий муҳофаза ва босқичма-босқичлик зарурлиги объектив равишда юзага чиқади.

Булар тўғрисидаги мулоҳазаларни мухтасар қилиб, Ислон Каримовнинг фалаж терапиясидан ва имкониятларимиздан ортиқча кредитлар олишдан воз кечгани, ислохотлар назариясини яратишга ўта улкан масъулият, ватанпарварлик билан ёндашгани тўғрисида айрим мулоҳазаларни билдирамыз.

Шок(фалаж) терапияси аҳоли яшаш даражасини кескин пасайтириб юборади, ижтимоий адолат бузилади. Шок терапиясини қўллаш даврида камбағаллашган, зўрға кун кўрадиган аҳоли сони шиддат билан ўсади. Айнан шу даврда кимларнингдир қўлида ўта катта бойлик ва даромадлар тўпланади. Жамиятда кескин табақалашув юз беради. Жаҳон мамлакатлари тажрибаси бунга кўп бора тасдиқлаган. Ислон Каримов жаҳон тажрибасини яхши биларди. Шу сабабдан Ўзбекистонда фалаж терапиясидан воз кечилди. XX аср 70-йилларидан неолиберализм доирасида Нобель мукофоти лауреати Мильтон Фридман-

нинг Чикаго мактаби “фалаж терапияси” атамасини қўллаш бошлади. Дастлаб у ривожланаётган ва аралаш иқтисодиётларни зудлик билан эркин бозор йўлига ўтказиш усули сифатида тушунилади. Аста-секин фалаж терапияси амалда ижтимоий муносабатларни тубдан ўзгартириш ва жамоатчилик фикрини бошқаришнинг, жумладан, тор гуруҳлар манфаати учун иқтисодиётни кескин ўзгартиришнинг универсал усулига айланди. Шу сабабдан фалаж терапияси мақсад-муддаолари ҳақида батафсилроқ тўхталиш маъқул.

Фалаж терапияси жамиятни кўрkitиб қарахт қилиб қўядиган табиий ёки ижтимоий инқирозларга таянади. Инқироз пайтида жамият андозаларини қаршиликсиз қайта бичиш мумкин – мулкни қайта тақсимлаш, арзонга, деярли бепул уни хусусийлаштириш, боз устига, инқироз оқибатларини бартараф этиш учун ажратилган давлат маблағларининг бир қисмини юлиб қолиш, баъзи қонунларни бекор қилиш ёки ўзгартириш, аксарият ижтимоий дастурларни чеклаш ёки музлатиб қўйиш ва ҳ.к. Бу ҳақда М. Фридман шундай ёзади: *“Фақат ҳақиқий ёки ҳаёлдаги инқирозгина реал ўзгаришларга олиб келади... Айнан шу асосда бош вазифамизни белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир: мавжуд стратегияларнинг муқобилини яратиш, уларнинг ҳаётийлиги ва оммага тушунарли бўлишини таъминлаш жисҳатдан мумкин бўлмаган воқелик муқаррар бўлгунча қадар қўллаб-қувватлаш”*.

Неолиберализм эркин бозорга ўтиш учун уч шартни бажаришни талаб қилади: 1) мулкни тўлиқ хусусийлаштириш; давлат мулки амалда қолмаслиги керак; 2) давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солиш ва назорат қилишни бартараф этиш; 3) ижтимоий соҳага ажратиладиган маблағларни кескин камайтириш.

Бундай иқтисодий сиёсатни фуқароларнинг аксарияти қабул қилмайди. Шу сабабдан М.Фридман жамоатчилик онгини фалаж қилиб қўядиган вазиятлардан – инқирозлар, урушлар, тўнтаришлар, терактлар ёки табиий офатлар – зилзилалар, тўфонлар, курғоқчиликлар, довуллар, тайфунлар, цунамилар ва ш.к лардан фойдаланишни тавсия қилади. Ушбу усулни тадқиқ этган канадалик мутахассис Наоми Кляйн Чили ва Аргентинада ўтган аср 70-йиллардаги ҳарбий хунталарнинг қатағонлари, 1982 йилда Фолькленд ороллари учун Буюк Британия ва Аргентина ўртасидаги уруш, 1993 йил Россияда Борис Ельцин буйруғи билан парламент биносининг танклардан ўққа тугилиши, 1999 йил НАТО кучлари томонидан Белграднинг бомбардимон қилиниши, 2001 йил 11 сентябрь куни АҚШда содир этилган террор актлари ва кейинчалик Янги Орлеандаги сув тошқини каби фавқулодда ҳолатлар аҳоли онгини қарахт қилиб қўйган ва бундан фойдаланиб, давлат мулки арзон-гаровга хусусийлаштирилган, иқтисодиёт ва йирик олди-сотти шартномалар устидан давлат назорати максимал заифлаштирилган ёки бекор қилинганини қайд этади. Масалан, Янги Орлеандаги 103та бепул давлат мактабидан тошқиндан кейин 100 таси хусусийлаштирилган.

Н. Кляйн фикрича, Фридман мактаби тавсияларини қабул қилган бирор мамлакат рўшнолик кўрган эмас. Халқи тез қашшоқлашган, ишсизлик шиддат билан ўсган, ўрта синф сони кескин, даромадлари эса сезиларли даражада камайган. Лекин алоҳида гуруҳлар, корпорациялар бойиган, жуда йирик сармоя эгалари – мультимиллионерлар, олигархлар пайдо бўлган. Бой ва камбағал аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ бир неча карра ўсган. Шу сабабдан Н.Кляйн универсал усули фалаж терапияси бўлган Чикаго мактаби назариясини ҳақиқий капитализм қадриятларига ёт корпоративизм мафқураси деб ҳисоблайди.

Энди Ўзбекистоннинг фалаж терапиясини нега инкор қилгани ва эркин бозорни эмас, балки ижтимоий йўналтирилган бозорни танлагани янада ойдинлашмоқда. Фалаж терапияси камчиликларини Ислом Каримов ички бир туйғуси ва иқтисодий тафаккури билан олдиндан кўра олган эди. У ҳар бир оилада бир ишловчига уч-тўрт ва ундан ортик боқиманда тўғри келиши, Ўзбекистондаги оилалар таркиби Болтиқбўйи, Марказий Россия ёки Украина оилаларидан фарқ қилиши, шу сабабдан фалаж терапиясини бизда қўл-

лаб бўлмаслигини, ҳеч ким билан баҳсга киришиб ўтирмасдан, оддийгина ва ишонарли исботлаган эди.

Кредитларни ўйловсиз олиш ҳам келажакка, мустақил тараққиётга жиддий хавф туғдирар эди. Ислом Каримов бу масалага жуда босиқлик билан ёндашди. Қайд этиш лозимки, кредитлар олишга Ўзбекистоннинг муносабати сиртдан унчалик самарали туюлмас, аммо ўша пайтда жуда тўғри бўлган, чунки Ўзбекистонни кредиторларнинг диктатидан ва неокOLONиализм тузоғидан ҳимоя қилган. Америкалик мутахассис Жон Перкинс ўзининг бестселлерга айланган “Иқтисодий қотил иқрорномаси” китобида ёзишича, айрим халқаро консалтинг, инвестицион, инжиниринг компаниялари, банклар, жамғармалар ва бошқа институтлар ёш ривожланаётган мамлакатларга, одатда мўъжизавий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва ўта йирик кредитлар олишда “беғараз” ёрдам таклиф этади. Асл мақсад уларни бир умр қутула олмайдиган янги қарамлик тўрига туширишдир. Зеро, *“кредит шунчалик улканки, қарздор бир неча йилдан кейин ўз тўловлари бўйича дефолт эълон қилишига”*, ўзини ҳар томонлама чеклаб, аввал олган кредитлари фоизларини тўлаш учун янги кредитлар олишга мажбур бўлади. Мисол тариқасида у Эквадорда юз берган аҳволни келтиради: *“1970 йилдан бошлаб, дабдаба билан нефть буми деб аталган давр мобайнида, аҳолининг расмий камбағаллик чегарасидан ортдаги улуши 50 фоиздан 70 гача кўпайди, давлат қарзи эса 240 млн доллардан 15 млрдга ўсди... Учинчи дунё мамлакатлари қарзлари 15 трлн долларга, улар бўйича тўлов 2004 йилда 375 млрдга етди.”* Катта миқдорда қарз олган мамлакатлар икки қарра тузоққа илинган: иқтисодий қарамликдан ташқари, улар технологик ва техник жиҳатдан ҳам қарамга айланиб қолган. Эскираётган техникани, жиҳозларни алмаштириш, эҳтиёт қисмлар етказиб бериш кредитор мамлакатлар қўлида. Аёнки, бу ишлар бепул қилинмайди.

Фақат трансмиллий компаниялар ва қарздор мамлакатларда бир сиқим корчалонлар катта фойда кўрган, аҳоли эса камбағаллашган. Айтилганларни ҳисобга олсак, Ислом Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигига нисбатан потенциал хавф-хатарни олдиндан сезгани янада аниқроқ билинади. Мамлакат ва халқ тақдири учун жавобгар бўлган юртбошининг сиёсий ва иқтисодий интуициясига, ақл-заковатининг теранлигига ҳайратланмаслик мумкин эмас. Давлат бош ислохотчи сифатида халқ манфаатлари йўлида қаттиқ турди, сиёсий ва мафкуравий конъюнктура учун миллий иқтисодиёт қурбон қилинмади.

Жон Перкинс ва Наоми Кляйн асарлари Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин анча вақт ўтиб, яъни Ислом Каримов ислохотлар назариясини яратиб бўлганидан кейин ёзилган. Бу икки асарга мурожаат қилингани сабаби – Ислом Каримов назарияси илмий жиҳатдан пухта ишланганини, эҳтимолдан холи бўлмаган хавф-хатарларни у олдиндан кўра олганини таъкидлашдир.

Бугун Ўзбекистонда Ислом Каримов назарияси асосий тамойилларини, концептуал ғояларини, ёндашувларини, методологиясини сақлаб қолган ҳолда, президент Шавкат Мирзиёев томонидан ижодий давом эттирилиб, ривожлантирилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кляйн Н. Доктрина шока. Расцвет капитализма катастроф. – [www/ lites. ru /naomi- klyayn/ doktrina -shoka-rascvet-kapitalizma-katastrof](http://www/lites.ru/naomi-klyayn/doktrina-shoka-rascvet-kapitalizma-katastrof).
2. Перкинс Дж.Исповедь экономического убийцы //www.koob.ru.
3. Ўша манба.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислохотлар назарияси ҳақида фикр юритилади. Назариянинг турли йўналишлари ва асосий концептуал тамойиллари бир-бири билан боғлиқлиги очиб берилади.

РЕЗЮМЕ

В статье речь идет о теории реформ, разработанной Исламом Каримовым. Раскрывается взаимосвязь ее различных направлений и основных концептуальных идей.

RESUME

The article clarifies about the reformation theories which were created by Islam Karimov. The relationship between different directions and the main conceptual trends are defined.

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЯТНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Жабборова А. Ғ. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *миллий ғоя, маънавият, мафкура, миллий-маънавий қадриятлар, миллий гурур.*

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин мустабид тузумнинг якка ҳукмрон бўлган коммунистик мафкурасидан безиб, зада бўлиб қолган, ўзининг маънавий қадриятлар, урф-одат ва анъаналаридан бегоналаштирилган халқ жамиятнинг барча соҳаларини давлат мафкурасидан холи қилишни кўллаб-қувватлади. Ўзбекистон Конституцияси 12 – моддасида халқнинг иродасини мустаҳкамлади. Аммо халқни бирлаштириш, мустақилликни мустаҳкамлаш ўзбек халқини уюштирувчи, янги жамият қуришга сафарбар этувчи миллий ғояга эҳтиёж туғдирди.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов 1993 йил 6 май куни Олий Кенгашнинг 12 – сессиясида сўзлаган нутқида: “Олдимизда турган энг муҳим масала бу – миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этишдир. Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз, энг улуғ шиоримиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаш – олға юриш. Мафкурамизни тутган йўлимиз, бор ғайратимизни ана шу улуғвор ниятга йўналтириш керак. Халқимизни барча сиёсий кучларни жамият ташкилотларини якдил, бир жон, бир тан қиладиган ғоя ҳам аслида шу”¹.

Ҳар қандай жамиятнинг маънавияти миллий ғоя ва мафкурасига асосланади. Ҳаёт шуни кўрсатадики, халқ маънавиятидан, миллий илдизларидан маҳрум, ташқаридан зўрлик билан сингдирилган ғоя халқнинг маънавиятига, ички ҳаракатлантирувчи кучига айлана олмайди. Оқибатда бундай ғоя ва мафкура таназзулга учрайди.

Мустақил халқимизнинг тараққиёт хусусиятларини, истиқболини, инсонларнинг яхши яшаши учун ишлаб чиқиладиган дастурларнинг самарадорлигини ошириш миллий ғоя ва маънавиятни уйғунликда ўрганишни тақозо этади. Миллий ғоянинг ўзи иқтисодий эмас, маънавий ҳодисадир. Шу сабабдан мустақил тараққиётимизда маънавиятга иқтисодиёт қаторида устуворлик берилган. Миллий ғоя – халқимизнинг олий мақсадларини мужассам ифодалайди.

Аввало, миллий ғоя ва маънавиятнинг асосий мақсади фуқароларга, кенг жамоатчиликка Ўзбекистон тараққиёт йўлининг маъно ва мазмунини, миллий – маданий негизларини ҳисобга олган ҳолда чуқур англатишга қаратилган. Миллий ғоя ҳар бир инсонда ва бутун халқларда эртанги кунга ишонч уйғотиш, одамларни адолатли, демократик фуқаролик жамияти қурилиши йўлида уюштириши, жипслаштириши лозим. Миллий ғоя бунёдкор ғоя билан бузғунчи ғоянинг, жаҳолатдан маърифатнинг фарқини англашга, маърифатга ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Миллий ғоя мамлакат олдида турган улуғ, бунёдкорлик ишлари, ундан кўзланган асосий мақсад инсонларнинг эркин ва фаровон ҳаёт, озод ва обод Ватан қуриш ҳар бир киши учун ҳаракат йўналиши бўлишига

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Ўзбекистон. 1999. – 153 б.

эришишга қаратилган. Миллий ғоя ва маънавият инсон ва жамиятнинг онги ва дунёқарашини, яна аллақандай «қолипга», «ягона андозага» солишга қаратилган эмас. У фикрлар, ғоялар хилма – хиллигига асосланади. Эркин фикрни уйғотиш ва тафаккур эркинлигини кафолатлаш, ўзгалар фикрини тинглаш, эшитиш, агар улар бузғунчи мақсадларни кўзламаса, уларга толерантли бўлиш учун имконият яратади. Ҳар қандай жамият ўзига хос бўлиб, миллий ғоясиз ўз йўлини йўқотади. “Мақсад дегани, – деб ёзган эди Биринчи Президентимиз И.А.Каримов, – халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бами-соли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг ғурури – ифтихорини, керак бўлса қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл – юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни халқ, миллатни миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин”.¹

Миллий ғоя, бир томондан, миллий маънавиятнинг бош унсури, ядроси. Маънавият тизим сифатида ундан озиқланади, унинг ички таъсирида ривожланади. Миллий ғоя маънавиятнинг ядроси сифатида маънавиятнинг бошқа таркибий қисмларини – ахлоқни, нафосатни, ҳуқуқни, илм – фанни, адабиёт ва санъатни, Ўзбекистонда яшовчи бошқа халқларнинг маънавий ҳаётини ўз атрофида бирлаштиради. Уларга ижтимоий мўлжал кўрсатади. Иккинчи томондан, миллий маънавият тизим ўлароқ, миллий ғоянинг мазмун-моҳиятини белгилайди. Миллий ғоянинг ўзи ҳам маънавиятдан, айниқса маънавий меросдан, маънавиятдаги миллийлик ва умуминсонийликдан озиқланади. Инсонпарварлик, адолат, тенгҳуқуқчилик, толерантлик, ватанпарварлик, виждон, бурч, завқ-шавқ, бахт-саодат, ўзликни англаш, кадрият каби маънавий онг тушунчаларисиз миллий ғоя шаклланмайди. Агар мазкур тушунчалар нотўғри талқин қилиниб, уларнинг муқобилларига таянилса, миллий ғоя миллатчилик ғоясига, зўравонликни, мустамлакачиликни оқловчи ғояга айланади. Шундай қилиб, миллий ғоя билан миллий маънавият бир-бири билан муштарак, бир-бирига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатувчи, баъзан бир-бирига айланувчи, баъзан бир-биридан фарқ қилувчи, баъзан бир-бирига зид бўлиб қолувчи тушунчалардир. Масалан, Буюк Британия ва Россия империялари (бошқа империялар ҳам) миллий ғояси оламга ҳукмронлик қилиш, яхши ривожланмаган, қоқоқ халқларни босиб олиб, мустамлакага айлантиришни ёқлаган. Аммо инглизлар ва русларнинг миллий маънавияти инсонпарварлик ғояларини улуғлайдиган буюк адабиёт ва санъатни, илғор ижтимоий-сиёсий қарашларни ҳам ўз ичига олган. Босқинчиликка, мустамлакачиликка йўналтирилган миллий ғоя бу икки халқнинг миллий маънавиятига моҳиятан ва мазмунан зид эди.

Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг буюк бойлиги, куч – қудрат манбаи, маънавиятсиз одамийлик фазилатлари қарор топмайди. Инсон ва маънавият бир-бирига боғлиқ ҳодисалардир. Инсон бошқа мавжудотлардан маънавияти, яъни ақл-заковати, имон-эътиқоди, тили, ахлоқи, диди, нозик ва юксак туйғулари билан фарқ қилади. Маънавиятсиз инсоннинг ўзи шаклланмайди. Шу сабабдан ҳам Ислом Каримов «Маънавиятни тушуниш, англаш учун, аввало, инсонни тушуниш, англаш керак» деган хулосага келган. Инсон камолотининг юксалиши учун унинг маънавияти юксалиши керак. Инсон комиллик чўққисига эришиши учун том маънодаги маънавий шахсга айланиши лозим. Ўз навбатида комил инсон маънавиятни янада ривожлантиради, уни юксак чўққиларга кўтаради.

Мустақиллик йиллари тараққиётнинг жадаллашуви, мамлакатимиз ва жамиятимизнинг тубдан янгиланиши юз берди. Иқтисодий ислохотлар, маънавий тикланишимиз чуқурлашиб бормоқда. Инсон эҳтиёжлари юксалмоқда. Маданий ва диний меросга муно-

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ этиқоди ва буюк келажакка ишончдир. –Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 6.

сабат тубдан ўзгарди. Кўпгина ота-боболаримизнинг номлари, қўлёзма асарлари қайтадан тикланди. Уларнинг асарлари ҳозирги ёш авлодга ўргатиб келинади. Қадимий шаҳарларимиз, қадимий обидаларимизнинг қайтадан тикланиши маънавиятга ва миллий ғояга эътибордан дарак беради. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида маънавият тушунчасига таъриф бериб, миллий ғоянинг маънавият билан узвий боғлиқлигини таъкидлайди. Шундан келиб чикиб, “Эркин фуқаро – онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши керак”, деган фикрни билдиради. Барча ислохотларнинг асосий ва пировард мақсади инсон экан, маънавият ва миллий ғоя ҳам инсонга йўналтирилгандир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, миллий ғоя, маънавият ва мафқуранинг ҳаётийлиги одамларнинг, миллатнинг, жамиятнинг миллий манфаатини, орзу-интилишларини қай даражада акс эттириши, уларнинг турмуш тарзи, дунёкарашига, табиатига қанчалик мос келиши билан белгиланади. Ҳаёт синовларига бардош берадиган, одамларнинг эзгу мақсад-муддаоларини ифодаладиган, уларга маънавий-руҳий қувват берадиган мафқурани ҳамма қабул қилади. Фақат шундай ҳолдагина у кучли руҳий қудратга эга бўлади. Миллий ғоя ва мафқура жамият ва халқни юксак мақсадлар томон бирлаштириб, жамият аҳли ўртасида соғлом муҳитни шакллантиради. Шунинг учун ҳам миллий ғоя ва маънавиятни узвий олиб бориш, биргаликда ҳаётга татбиқ этиб, уларга муҳим вазифаларни амалга оширишда ёрдам берадиган бекиёс куч сифатида қараш муҳим. Миллий мафқураимизнинг маънавий асослари сифатида умуминсоний қадриятларга содиқлик, миллий меросга тўғри муносабат, илм-фан ва тараққиёт ютуқларини, ўзлимизни чуқурроқ англаш, миллий ғоя асосий тушунча ва тамойилларини халқимизнинг онгига сингдириш, динимиз ва тарихимизни сохталаштиришга йўл қўймаслик асосий вазифаларимиздир.

Миллий ғоя – давлат мафқураси эмас, бутун жамият ғоясидир. А.Эркаев тўғри таъкидлаганидек, у этник мафқура ҳам эмас: “Миллий ғоя – этнографик тушунча эмас, яъни у Ўзбекистонда фақат ўзбекларнинг, бошқа давлатларда уларга ном берган миллатнинг манфаатларини ифодаладиган ғоя эмас. У муайян мамлакатда яшайдиган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларини ифодаладиган тушунча ва тамойиллардан таркиб топади. Хусусан, барча ўзбекистонликлар учун, миллати, тили, динидан қатъи назар, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик шундай қадриятлардир”¹

Янги жамият барпо этиш жараёнида, энг аввало, маънавий қадриятларни тўғри баҳолаш олишни, сохта қадриятлардан воз кечишни, ҳақиқий ҳаётбахш қадриятни ажрата билишни ўрганиш лозим. Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф – одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада маънавий мерос, маданий бойликлар, тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг – минглаб қўлёзмалар, босма китоблар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, меъморчилик, дехқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, миллий ғоя ва маънавиятни ўзаро алоқадорликда ўрганиш, уларнинг мазмун – моҳиятини ёш авлоднинг эътиқодига айлантириш, ёшларни мафқуравий таҳдидлардан асраш, жамиятда мафқуравий иммунитетни ҳосил қилиш Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантириш учун зарур.

¹ Эркаев А. Ўзбекистон йўли. – Т.: Маънавият. 2011. – 219 б.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент: Ўзбекистон. 1999.
2. Каримов И. А. Миллий истиклол мафкуриси – халқ этикоди ва буюк келажакка ишонч-дир. Тошкент: Ўзбекистон. 2000.
3. Эркаев А.. Ўзбекистон йўли. Тошкент: Маънавият. 2011.

РЕЗЮМЕ

Мақолада миллий ғоя ва маънавиятнинг жамият тараққиётида туган ўрни ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги ёритилган. Миллий ғоя миллий маънавиятнинг ядроси эканлиги тўғрисида хулоса қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается роль национальной идеи и духовности в развитии общества. Раскрывается взаимосвязь национальной идеи и национальной духовной жизни, показывается, что национальная идея является ее ядром.

REZUME

This article reflects the role of national idea and spirituality towards the societal progress and the interrelation between them.

Наширға доц. А.Эркаев тавсия этган

ГРАММАТИК МАЪНО ВОҚЕЛАНИШИДА
ИЖТИМОЙ-ЛИСОНИЙ ОМИЛЛАР ЯХЛИТЛИГИ

Раҳматуллаева Ш. (ҚарДУ)

Барча лисоний бирликларда бўлгани каби, грамматик шаклларнинг нутқий воқеланишида ҳам уларнинг, лисоний омиллар билан биргаликда, нолисоний омиллар билан қоришган ҳолда воқеланишини кўрамиз.

Умуман олганда, грамматик маъно ифодаловчи воситаларнинг ижтимоий хосланиши лексик бирликлардан анча мавҳумлиги ва фонетик ҳодисаларга нисбатан маълум даражада устунлиги билан характерланади. Бироқ ижтимоий хосланиш тушунчасини социал хосланишдан кенгрок идрок этиш, унинг таркибида шахс омили билан биргаликда этик, этник, ҳудудий, маданий жихатларни ҳам олиш грамматик шаклларнинг ҳам ижтимоий-лисоний хусусиятлар яхлитлигидан иборат эканлигини кўришга асос бўлади.

Грамматик шаклларнинг сўзловчи ёки тингловчи субъект хусусиятларига мувофиқ равишда қўлланилиши, сўзловчининг қайси шева ёки лаҳжага мансублиги, нутқнинг қайси тарихий даврга хослиги, нутқ маданияти меъёр ва талабларига мувофиқ равишда, шунингдек, сўзловчининг тингловчига ўз муносабатини намоён қилиш мақсади билан боғланиши ҳам ижтимоий омилларнинг грамматик маъно воқеланишидаги ўрни ва ролини кўрсатиб туради.

Ёзувчи Тоғай Муроднинг “Ойдинда юрган одамлар” қиссасида келтирилган матнда грамматик шакл қўлланишидаги устувор ҳудудий ва этник омилларнинг ўзига хосликларини кўрамиз:

Келин пояндозни бир-бир босиб келди.

Юзларида оппоқ ҳарир бўлди. Бошида ипак рўмол бўлди.

Эғнида беқасам камзул, атлас кўйлак бўлди. Оёқларида кавуш бўлди.

Келин пешонасида тиллақош бўлди.

Тиллақош жимжимадор кўзлари ёругда ялт-ялт этди.

Қулоқларида зирак бўлди. Кўкракларида саккиз кумуш нишонли зебигардон бўлди.

Зебигардон ферузалари товланди, бодомлари товланди.

Тўйхонани кийик ўт билан олқор иси олди.

Олқор билан кийик ўт қизлар қулоғида бўлди, кўкракларида бўлди.

Матнда кесимлик шакли вазифасида келган бўлмоқ феълининг ижтимоий хусусияти – ҳудудий хосланиши намоён бўлган. Агар матн ушбу ижтимоий белгидан холи қилинса, қуйидаги кўриниш вужудга келади:

Келин пояндозни бир-бир босиб келди.

Юзларида оппоқ ҳарир. Бошида ипак рўмол.

Эғнида беқасам камзул, атлас кўйлак. Оёқларида кавуш.

Келиннинг пешонасида тиллақош.

Тиллақош жимжимадор кўзлари ёругда ялт-ялт этди.

Қулоқларида зирак. Кўкракларида саккиз кумуш нишонли зебигардон.

Зебигардон ферузалари товланди, бодомлари товланди.

Тўйхонани кийик ўт билан олқор иси олди.

Қизлар қулоғида, кўкракларида олқор билан кийик ўт.

Боғлама вазифасидаги грамматик шакл матндаги гапларга сурхон воҳаси этник руҳини бериш вазифасини бажариши учун қўлланган бўлиб, унинг такрор ва такрор

ишлатилиши бошқа шундай ҳодисалар билан уйғунлаштирилган. Масалан, бошқа айрим тил бирликларининг ҳам такрорланиши (*товланади*), баъзи грамматик шаклларнинг белгисиз қўлланиши (*келин пешонасида*) ҳолатлари ҳам кесимлик шаклининг такрорий қўлланишига ҳамоҳанглигини кўриш мумкин.

Грамматик шаклларнинг қўлланишида, грамматик маъно ифодаланишида ижтимоий омилнинг яна бир кўриниши – тарихий давр, муҳит ва шароит омили иштирок этади. Бу омилдан тарихий асарлар яратишда адиблар унумли фойдаланадилар.

Этномаданий омиллар билан муштарак ҳолда амал қиладиган ҳудудий омиллар грамматик шаклларнинг социал факторни ҳам кучайтирганлигини кўришимиз мумкин.

... *Негадир қариянинг қулоғи оғир бўлса керак, деган хаёлда овозимни баландлатиб аҳвол сўрадим:*

– *Бардаммисиз, отахон!*

– *Худойга шукур, тетикман, — деди чол бамайлихотир. – Насибамизни жеб журиббиз, болам. Ленинниям кўрдиқ. Кал ленинниям кўрдиқ. ... Устихонипчи бўлдиқ.*

– *Сиз Ленинни кўрганмисиз? – деб сўради мезбонлар орасидаги ёш мухбир ҳовлиқиб.*

– *Ўзини кўрмаган чиқарман-ов, деди чол. – Аммо Ленин деган калхўзда ишладиқ. Кал ленин деган калхўзда ишладиқ. Сўгин яна бирави бор эди. Темирниёзип....*

– *Тимирязев, – деди мухбир аниқлик киритиб.*

– *Бўлса–бордир, – деди чол. Ўша Темирниёзипда ҳам ишладиқ.*

... – *Гўшдан парҳез қилганмисиз?*

– *Эттамма! – Чол астойдил ҳайрон бўлди. – Эт жемаган жигит – жигитба?*

Дўсвойи кўйди қуйруғини жеганмен.

Ёзувчи Ў.Ҳошимовнинг “Дафтар хошиясидаги битиклар”идан олинган парчада қўлланган грамматик шакллар нафақат сўзловчининг маълум бир ҳудуд ва лаҳжага мансублигини, балки шу лаҳжа ва ҳудуднинг ёши улуғ вакили эканлиги билан ҳам боғлиқ. Чунки бошқа лаҳжа вакиллари билан бевосита алоқа-аралашув ва замонавий таълим ва алоқа коммуникациялари воситаларидан фойдаланиш натижасида ёшлар нутқида грамматик шакллар қўлланишида ҳам адабий меъёрларга интилиш ҳоллари учрайди ва бу интеграцион ҳолат айрим ижтимоий омилларнинг нутқий жараёндаги роли ва мавқеининг пасайиб боришини келтириб чиқаради.

Ёзувчи П.Қодиров “Юлдузли тунлар” романида тарихий муҳитни ҳаққоний тасвирлаш, қаҳрамонлар нутқида тарихий даврни жонлантириш мақсадида, лексик бирликлар ва гаплар қурилишидаги ўзига хосликлар билан биргаликда, грамматик шаклларнинг ҳам қўлланишида ижтимоий омилнинг яна бир кўриниши – шаклларнинг тарихий вариантларини кўллайди:

Энди Тоҳир ҳам хавотирланиб, қизни қучоғидан бўшатди-да, унинг катта-катта бўлиб кетган кўзларига қаради:

– *Ёмон тушми?*

– *Айтишига ҳам тилим бормайдир.*

– *Тушга нелар кирмас!.. Айт!.. Майли...*

– *Сизни бир қора ҳўкиз ханжардай шохлари билан сузиб... Йўқ! Йўқ! Эсласам, этим жунжусикиб кетадир!*

Тоҳир ёмон бир фалокатни олдиндан сезгандай юраги увушди:

– *Шошилмай гапир! Сузган бўлса, қон оқдимми?*

– *Қон? Ҳа, ҳа.. Қон тирқираб кетди.*

– *Ундай бўлса кўрқма. Тушдаги қон – ёруғлик. Отам доим шундай дейди.*

– *Тангрим шу таъбирни рост келтирсин! Тоҳир ога, мен... Агар Андижонга сиз бормасангиз... мен ҳам кетмасмен. Неки бўлсак, шу ерда... бирга...*

Матнда тарихий шароит лисоний омилларга ҳамкорлик қилувчи шахсий омилларнинг устуворлашувини, шунга мувофиқ равишда, мазлум шахсларга амалдорларнинг беписанд муносабатда бўлишини кўрсатишда грамматик шаклларнинг ўзига хос хусусиятларидан – кўчма ва окказионал қўлланишларидан унумли фойдаланиш ҳоллари кузатилади. Хусусан, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикояси матни тасвирда лисоний ва нолисоний омилларнинг ўзига хос синтездан иборат эканлигини кўрсатади. Ёзувчи амалдорнинг чолга беписанд муносабатини феъл грамматик шакли – нисбат кўрсаткичларини кўчма маънода қўллаш асосида намоён қилади:

Яхши ҳўкизмиди ё ёмон ҳўкизмиди?

– *Кўш маҳали...*

– *Яхши ҳўкиз биров етакласа кета берадимми?*

– *Бисотимда ҳеч нарса йўқ...*

– *Ўзи қайтиб келмасмикин?.. Биров олиб кетса қайтиб кела бер, деб қўйилмаган экан-да!*

Нега йиғланади? А? Йиғланмасин!

Қобил бобо ерга қараб тек қолди.

– *Қидиртирсақмикин-а? – деди амин чинчологини этигининг остига артиб, – суюнчиси нима бўлади? Суюнчидан чашна олиб келинмадимми?*

Ёшлар нутқида лисоний бирликлар яна бир ижтимоий омил – шевавий-худудий хусусиятлар билан қоришган ҳолда воқеланади. Бу омил, албатта, сўзловчи шахснинг ментал қиёфаси, дунёқараши савияси каби шахсий омиллар билан уйғунлашган ҳолда намоён бўлади. Кинорежиссёр Зулфиқор Мусоқов ижодига мансуб “Бомба” кинофильмидаги персонажлар нутқи фикримизга далил бўла олади:

“Бомба” киносценарийсидан:

– *Қанақа одамсан ўзи, сен ҳам бирон нима десанг-чи?*

– *Мен нима дейман, ҳамма гапни ўзинг **этовоссан-ку!** – эътироз билдирди Миразим.*

“Атиргул” киносценарийсидан:

– *Юсуф! Саид! **Қочду, ман анавуни** ўлдириб қўйдим, **шакилли. Ман нима девомман санлага!** Анавуни ўлдириб қўйдим! **Қочду!***

“Атиргул” киносценарийсидан:

– *Нима **девошти?***

– *Ўзинг билан ниманг бор **девошти** ҳарип.*

“Атиргул” киносценарийсидан:

Шу пайт орқадан кимдир Зилолани енгил туртди ва елкаси устидан тўрт букланган қозғозча узатди. Зилола уни очди-ю, ҳайрон бўлиб қолди: ўша сиёҳ билан, ўшандай майдалаб:

*“Зилолахон! Мумкин бўлса бугун лекциядан кейин қолинг, инглиз тилидан бирга дарс **тайёрлайлук. Жавоҳир**”, – деб ёзилган.*

Грамматик шаклларнинг тарихий-ижтимоий омил билан уйғунлашган ҳолда қўлланган шундай ҳолатлари борки, бунда энди коммуникатор– адиб лисоний шахс сифатида намоён бўлади ва тарихий-ижтимоий омилни бевосита воқелантирувчи субъект сифатида фаолият юритади. Масалан, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида бунга доир ёрқин мисолларни кузатишимиз мумкин:

...Баъзи бир жиртаккилар “ҳар тугул” сўзини “ҳайтовур” тарзида ёзиб, ўзларини қулки ҳолга қўймоқдалар...

... Ҳолбуки, биз “ҳар тугул” сўзини таҳлил қилсоқ кўрамиз: “ҳар” деб форсичада эшакка айтадирлар. “Тугул” бўлса ўзбекчада “эмас” маъносига тўғри келади, яъни “ҳар тугул” – “эшак эмас” деган гапдир.

“Ҳайтовур” устида тўхталсак, мундаги “ҳай” сўзи ҳар бир ўзбекка маълумдир;

*“тавр” деб қозоқлар “яхши”ни айтадилар, буни қозоқ билан ҳамсуҳбат бўлгон ҳар бир гўдак билса керак... Демак: “Ҳайтовур” сўзи “ҳай, қандай яхши!” деган тузсиз маънога келади...*¹

Эътибор қилинса, матннинг тарихийлигини фақат биз томонимиздан ажратилган ва қорайтирилган грамматик шакллар таъминламоқда. Матн ушбу грамматик тарихий шакллардан холи қилинса, унинг тарихийлиги зоҳиран “сўнади”.

Биз манбаларни кузатиш натижасида умуман грамматик шаклларнинг нутқий воқеланишида жинс ижтимоий омилининг рўёбга чиқишига доир маълумотларни учратмадик. Бироқ ҳаракат тарзи шаклларининг қўлланилишида, бошқа грамматик категориялар шаклларининг воқеланишидан фарқли равишда, жинс омили ҳам равшанроқ кўзга ташланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Маҳмудов Н., Миртожиев М. Тил ва маданият. –Тошкент, 1992. – 224.
2. Маҳмудов Н. Тил. –Тошкент, 1992. – 102 б.
3. Зикриллаев Ғ. Назария – куруқ оғоч // Истиклол ва она тили қурилиши, талқини ҳамда таълими. –Тошкент, 2000. – 116 б.
4. Менглиев Б.Р. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар: филол. фан. док. дисс. ... автореф. –Тошкент, 2002. – 48.
5. Баҳриддинова Б. Фезл луғавий шакллари (Тур категорияси): филол. фан. номз. дисс. ...автореф. – Тошкент, 2002. – 24 б.
6. Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида кўшма гапларнинг формал-функционал талқини. Монография. –Тошкент.: Фан, 1994. – 392.
7. Бобожонов Ш. Семема, унинг нутқий воқеланиши ва лексикографик талқини: филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Самарқанд, 2004. – 24.
8. Шукуров О. Ҳаракат тарзи шакллари парадигмаси: Филол. фанлари номзоди. ...дисс. автореф. – Самарқанд, 2005. – Б. 17.

РЕЗЮМЕ

Грамматик маъно ифодаловчи воситаларнинг ижтимоий хосланиши лексик бирликлардан анча мавҳум, фонетик ҳодисаларга нисбатан маълум даражада устун. Ижтимоий хосланиш тушунчасини кенгроқ идрок этиш этник, худудий, маданий жиҳатларни ҳам инобатга олиш грамматик шаклларнинг ҳам ижтимоий-лисоний хусусиятлар яхлитлигидан иборат эканлигини кўришга асос бўлади. Мақолада, грамматик шаклларнинг сўзловчи ёки тингловчи субъект хусусиятларига мувофиқ равишда қўлланилиши, сўзловчининг қайси шева ёки лаҳжага мансублиги, нутқнинг қайси тарихий даврга хослиги, нутқ маданияти меъёр ва талабларига мувофиқ равишда, шунингдек, сўзловчининг тингловчига ўз муносабатини намоён қилиш мақсади билан боғланиши ҳам ижтимоий омилларнинг грамматик маъно воқеланишидаги ўрни ва ролини кўрсатиб туриши ёритилган.

РЕЗЮМЕ

Социальная спецификация средств выражения грамматических значений более абстрактна, чем лексических, и несколько превосходит фонетические явления, Более широкое понимание концепции социальной адаптации также можно рассматривать как совокупность этнических, региональных и культурных аспектов грамматики, а также целостность социально-языковых особенностей. Использование грамматических форм в соответствии с характеристиками говорящего или слушателя, принадлежности речи к определенному диалекту, исторической эпохе, нормам и требованиям речевой культуры, а также для выражения отношения говорящего к слушателю указывает на место и роль социальных факторов в выражении грамматического значения.

¹Абдулла Қодирий. Кичик асарлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1969. – Б. 134.

SUMMARY

The social specification of means of expression of grammatical meanings is more abstract, than lexical, and surpasses the phonetic phenomena a little, broader understanding of the concept of social adaptation can also be considered as set of ethnic, regional and cultural aspects of grammar and also integrity of social and language features. Use of grammatical forms according to characteristics speaking or the listener, speech belonging to a certain dialect, a historical era, norms and requirements of speech culture and also for expression of the relation speaking to the listener indicates the place and a role of social factors in expression of a grammatical meaning.

Наирига проф. Б.Менглиев тавсия этган

АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДА ҚЎЛЛАНГАН МЕТАФОРЛАРНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК ХУСУСИЯТИ

Шодмонова Д.Э. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *ўз маъно, кўчма маъно, метафорик кўчма маъно, поэтик таҳлил, лингвистик таҳлил, қофия, радиф, тазод санъати.*

Абдулла Орипов шеърляри фалсафий мазмуннинг залворлилиги, бадиий ифодаларнинг теран фалсафий моҳият билан фавқуллодда бирлик ҳосил қилиши, ўхшатишларнинг оригиналлилиги, эзуликнинг ёвузликка аёвсиз муносабати асосига қурилганлиги билан ажралиб туради. Шоирнинг фалсафий фикри ҳодисаларга теран муносабати ва фикр йўсинининг мантиқийлиги билан ўзига хослик касб этади.

Шоир шеърларининг композицион яхлитлигини таъминлашда, аввало, тафаккур тарзининг мантиқийлиги бўлса, қолаверса, адибнинг бадиий-лисоний фаросати ва дидининг туғма юксаклиги, воқеликка зукко муносабати муштарак ҳолда муҳим роль ўйнайди. Сўзларнинг ўз ва кўчма маъноларини матннинг бадиий яхлитлигини таъминлашга, ўқувчининг эстетик кайфиятига таъсир қилдиришга бўйсундириш ҳолати эътиборлидир.

Ҳар қандай бадиий ҳодиса аслида вербал асослидир. Шу маънода бадиий асарнинг поэтик таҳлилининг ибтидоси лингвистик таҳлил бўлмоғи лозим. “Поэзиянинг лингвистик тадқиқи қуйидаги икки сабабга кўра ҳам зарурдир. Бир томондан, вербал белгиларнинг ранг-баранг бирикмалари ва функцияларини ўрганиш лозим бўлган тил ҳақидаги фаннинг ҳар қандай киши нутқига болалигидан кириб келган ва дискурс қурилишда етакчи роль ўйнайдиган поэтик функцияни эътиборсиз қолдиришга ҳаққи йўқ. Поэтик функция вербал белгиларга ифодаловчи ва ифодаланмишнинг бирлиги сифатида интровертив муносабатда бўлишни тақозо этади ва поэтик тилнинг ғоят пухта бажарилган лингвистик таҳлиliga муҳтож доминанта ҳамдир. Иккинчи томондан, поэтика соҳасидаги ҳар қандай тадқиқотчидан тил ҳақидаги фан билан муайян даражада таниш бўлиш талаб қилинади, чунки поэзия – вербал санъат, бинобарин, у, биринчи навбатда, тилдан ўзига хос тарзда фойдаланиш усулига асосланади.”¹

Сўзнинг лингвистик ва бадиий хусусиятлари мажмуаси бўлган лингвопоэтик ҳосаси яхлитликда таҳлил қилингандагина унинг субстанциал қиймати объектив баҳо берилган, онтологик табиати “хира”ликдан халос этилган бўлади. Бу сўзларнинг маъно-

¹Якобсон Р. Поэтика масалалари: монография. Сўзбоши, таржима ва изоҳлар муаллифи профессор И.Мирзаев. – Самарқанд: НС, 2005; Якобсон Р. Работы по поэтике. –М.: Прогресс, 1987.

вий имкониятларининг, хоҳ тўғри, хоҳ кўчма маънода бўлсин, бадиий воқеланишида янада яққол кўзга ташланади.

Абдулла Орипов шеъриятида қўлланган сўзларнинг кўчма маънолари шоир шеърияти лингвопоэтик моҳиятини аниқлашда муҳим роль ўйнайди. У, биринчидан, шоир учун аслида иккиламчи моҳият касб этувчи бадиий санъатларни ҳосил қилишда фаол иштирок этса, иккинчидан, матн яхлитлиги, унинг изчил системавийлиги ва “пишиқ”-лигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Буни шоирнинг қуйидаги мисралари мисолида очишга ҳаракат қиламиз:

*Юлдузлар ўтига бардош берурман,
Фазолар тафтига қилурман тоқат.
Ёнингга соғ-омон қайтиб келурман,
Оташ нигоҳингда ёнгали фақат.*

*Тўлқинлар кутурсин майли, беомон,
Менинг қисматимни кўмолмагай у.
Барибир ёнингга қайтаман омон,
Мовий кўзларингга чўмгали мангу.*

(Юлдузлар ўтига...)

Аввало, шеър интим лириканинг гўзал намунаси эканлигини таъкидлаш лозим. У хар бири тўрт мисрадан иборат бўлган икки банддан иборат. Мисраларнинг ҳар бири 11 бўғинли бармоқ вазнида ёзилган бўлиб, икки туроқдан иборат: *Юлдузлар ўтига // бардош берурман, Фазолар тафтига // қилурман тоқат*. Банднинг қофияланиш тартиби *а – б – а – б* тарзида бўлиб, жуфт қофиялар мукамал ва тоқ қофиялардан бири “айбли”дир. Чунки унда қофияни вужудга келтирувчи товуш сўзнинг грамматик шаклида: *берурман – келурман*.

Биринчи бандда жами 13 та сўз иштирок этган бўлиб, ундан бештаси кўчма маъно ифодалаган бўлиб, барчаси метафорик асосдадир.

Иккинчи бандда 16 та сўз бўлиб, ундан 2 таси кўчма маъно ифодалаган.

Бу кўчма маънолар – сўзнинг зоҳирий қатламида намоён бўлган ҳодиса. *Ўт, тафт, оташ* сўзлари метафорик кўчма маъно ифодалаган. Шоир таъсирчанликни ошириш мақсадида бу даражаланувчи сўзлардан тегишли мисраларни боғловчи восита сифатида фойдаланади.

Парвона – ошиқ тимсоли. У ўзини оловга уради. Лирик қаҳрамон учун ёрнинг оташ нигоҳи бадиий мўлжал. У бунга ўзини гаровга қўйган ҳолда тайёрлайди. Оташ нигоҳда ёниш нияти уни ҳар қандай кучли ўт, қуйдирувчи тафтдан соғ-омон олиб ўтади.

Шоир сўзларнинг кўчма маъносига асосланган лисоний даражаланишга қатъий риоя қилганда, уни *тафт – ўт – оташ* кўринишида берган бўлур эди. Бунинг учун *юлдуз* ва *фазо* сўзи ҳам, унга мувофиқ эса *бардош бермоқ* ва *тоқат қилмоқ* феъллари ҳам алмашган бўлар эди. Бу эса шоирнинг бадиий мақсадига мўлжалланган ифоданинг рангсизлашувига олиб келар, бадиий матн мустаҳкамлигига путур етар эди.

Мисралардаги ботиний мазмунга эътибор қилинса, шоир *юлдузлар ўти* деганда ўзга нигоҳ, *фазолар тафти* деганда ўзга оғушни назарда тутаётгандек. Чунки мантикий боғланиш шуни тақозо қилади. Демак, шоир бу сўзлар орқали бадиий образ кашф этган.

Матн, кўриниб турибдики, икки таркибий қисмдан иборат. Биринчи икки банд иккинчи бандга зиддиятда туради. Чунки унда ошиқ истагига зид ҳолат бўлса, иккинчи бандда истак ҳукмрон. Демак, “истак – ноистак” зидлиги бадиий конфликт учун хизмат қилган.

Иккинчи бандда *қутурмоқ* сўзининг метафорик маъноси асосига қурилган биринчи мисра тўртинчи мисра билан тазодий боғланиш ҳосил қилади: *Тўлқинлар қутурсин майли, беомон – Мовий кўзларингга чўмғали мангу*. Чунки *қутурмоқ* сўзининг метафорик маъноси билан *чўммоқ* сўзининг муносабатида қаршилангириш мавжуд. *Тўлқин* сўзи эса кўз сўзи билан уйғунлик касб этган. Тўлқин – рақиб, ағёр тимсоли. Демак, бунда матний тазоднинг ёрқин намунаси мавжуд. Чунки *тўлқин* ва кўз сўзлари матндан ташқарида қарама-қаршилик касб этмайди.

Бу бандда ҳам бошқа сўзлар метафорик кўчма маъноли сўз атрофида уюшиб, икки микросистемани ташкил этган. Иккинчи банднинг биринчи қўшмисрасида юқоридаги бандда бўлганидек, лирик қахрамон истагига зид ва кейинги қўшмисрада унинг истаги ўз ифодасини топган. Демак, бунда ҳам “истак – ноистак” зидлиги бадиий конфликт учун хизмат қилган. Кўринадики, ҳар бир бандда бир мантикий зидлик мавжуд бўлиб, уни умумий махраж сифатида ҳам қабул қилиш мумкин.

Мисралардаги қарама-қарши муносабат яхлитлигидан иборат микроматн фавқулдда бадиийликка эга бўлган.

Маълум бўладики, мисраларда кўчма маъноли, хусусан, метафорик кўчма маъноли сўзда қўпинча шоирнинг бадиий нияти ҳукмрон бўлиш билан бирга, улар бандларда бадиий яхлитликни ҳам таъминлашга ва, шунингдек, ўқувчининг эстетик кайфиятини белгилашга, туйғуларини бошқаришга хизмат қилади.

Куйидаги мўъжаз шеърда метафорик кўчма маънонинг бадиий-эстетик хусусияти янада яққол кўзга ташланади:

Нега мени севмадинг?

Кўзгинанг юлдуз учун.

Нега мени демадинг?

Қошгинанг қундуз учун.

Юлдузи йўққа боқай,

Юлдузим талош бўлур.

Қундузи йўққа боқай,

Қундузим талош бўлур...

Ҳар бири 4 мисрали 2 банддан иборат (икки туроқли (7 бўғинли)) шеърда 2 та сўз (*юлдуз*, *қундуз*) 6 марта метафорик маъноли кўчма сўз сифатида қўлланган.

Биринчи бандда метафорик кўчма маънода қўлланган *юлдуз* сўзи *қундуз* сўзига қофиядош қилинган. *Учун* сўзлари эса радиф вазифасида. Иккинчи банднинг ўзига хослиги ва оҳангдорлиги шундаки, бунда 5 та сўз икки мартадан такрорланиб, 10 сўзли 4 мисрани ташкил этган.

Биринчи бандда қофиядош бўлган *юлдуз* ва *қундуз* сўзлари иккинчи бандда мисралар бошида такрорланиб, анафорик восита бўлиб хизмат қилган.

Метафорик маъноли сўзлар мисралардаги сўзларни уюштириш билан бирга, оҳангдорлик марказида туради. Чунки биринчи банддаги тоқ мисралардаги оҳангдошлик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Уларда қофияланаётган сўздаги иккинчи товушлар (э) қофияни вужудга келтирмоқда. Бу мусикийликнинг юқори намунаси. Жуфт мисраларда *юлдуз* ва *қундуз* сўзларининг мусикийликка таъсири кучли. *Кўзгинанг* сўзидаги з товуши *юлдуз* сўзидаги з товуши билан ҳамоҳанглик касб этган, *юлдуздаги* икки у товуши эса *учун* сўзидаги у товушлари билан ҳамоҳанг.

Тўртинчи мисрадаги *қошгинанг* сўзидаги қ товуши *қундуз* сўзидаги қ билан уйғунлашса, *қундуз* сўзидаги икки у товуши *учун* кўмакчисидаги у товуши билан сифат ва микдор жиҳатидан мосдир.

Иккинчи бандда мусикийлик, мантикийлик ва бадиийлик юқори даражага эришди. *Й* товуши ҳар бир сўзда мавжуд. Биринчи сўз (*юлдузи*) сўзидаги у товушига иккинчи

сўз (*йўққа*) даги ў товуши эргашади, иккинчи сўз бошидаги *й* товушига охириги сўз сўнгидаги *й* товуши, иккинчи сўз марказидаги *қ* товушлари охириги сўз марказида *қ* товушини “тортади”. Банднинг иккинчи мисрасида оҳангдорликнинг бир оз пасайиши кузатилади ва бунда *юлдуз* сўзидаги у бўлур сўзидаги у билан мувофиқ, холос. Банднинг учинчи мисрасидаги *қ* товушлари – оҳангнинг авж нуқтаси учун восита. Чунки 3 та сўзда *қ* товуши 4 марта такрорланган. Уни мустаҳкамловчи восита у ва ў товушлари. Улар мисраларда 3 та. Бу унлилар уйғунлигига иккинчи сўз бошидаги ва учинчи сўз охиридаги *й* товуши кўмакчи бўлган. Оҳангдорлик ва муסיқийлик шу даражада кучлики, шеърни ўқиётган ўқувчи уни беихтиёр хиргойи қилиб юбориши табиий. Бу оҳангдорлик, мантиқийлик халқона руҳ билан омихталашиб кетганлиги билан изоҳланади.

Кўринадики, метафорик маъноли сўзлар, аввало, мисралардаги бошқа сўзларни фонетик жиҳатдан бир-бирига мослаштириб, гўзал муסיқийлик воситаси бўлиб хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан, истиора санъатини ҳосил қилиб, ўқувчининг эстетик завқини таъминлаган. Оҳангдорлик шакл сифатида мантиқийликка путур етказмай, аксинча, матннинг шаклий-мазмуний яхлитлиги учун асос бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Якобсон Р. Поэтика масалалари: монография. Сўзбоши, таржима ва изоҳлар муаллифи – проф. И.Мирзаев. – Самарқанд: НС, 2005.
2. Якобсон Р. Работы по поэтике. –М.: Прогресс, 1987.
3. Орипов А. Танланган асарлар. 1-жилд. –Тошкент, 2000.
4. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? –Т.: Шарқ, НМК, 1999.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бадий метафоралар, уларнинг бадий санъатлар ҳосил қилиши ҳақида фикр юритилган ҳамда шоир Абдулла Ориповнинг бадий метафоралардан фойдаланиш маҳорати очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье идет речь о художественных метафорах, их роли в искусстве, а также о мастерстве использования метафор поэта Абдуллы Орипова.

SUMMARY

The article deals with artistic metaphors, their role in art, and the skill of using the metaphors of the poet Abdullah Oripov.

Наишга проф. Б.Менглиев тавсия этган

ҲИКОЯ ЖАНРИДА ХРОНОТОП

Имомова Г. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *ҳикоя, хронотоп, нафс, образ, синтез, гоя, Ахурамазда, Ахриман, бозор, давр.*

Сўз санъатида жуда қадим замонлардан буён нафс маънавий – ахлоқий категория сифатида гоҳ ўша мавҳумлигича, гоҳ реал нарса ёки жонзотга кўчирилган образ сифатида тасвирланиб келинади. Жуда кўп адибу шоирлар нафснинг касратлари ҳақида асарлар ёзганлар. Хорут ва Морут ҳақидаги машҳур афсона, Навоий ижодида ”кўнгул иши“, ундан кейинги даврлар оғзаки ва ёзма адабий асарларда нафс балоси ҳақида ибратли фикрлар баён этилган.

Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида ҳам нафс ҳақида талайгина асарлар яратилган. Лекин уларнинг бирортасида ҳам нафс аниқ шаклу шамойилга эга образ сифатида акс эттирилмаган. Бу нарса Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Жажман” ҳикоясида юз кўрсатди.

Ҳикояда узок ўтмиш, яъни зардуштийлик дини ҳукмрон бўлган давр билан ҳозирги тарихий давр Зардушт бобо, Жажман ва бозор образлари воситасида синтезлашди. Ҳикоя мазмунини Жажман деб аталувчи сичқонга ҳам, тулкига ҳам, одамга ҳам ўхшамайдиган ебтўймас махлуқнинг бозор аҳли бошига солган турфа ташвишлари ташкил этади. Асар эрта тонгда бева аёлнинг фарёди билан бошланади. Мана шундан кейин бозордагиларнинг ўй-фикрлари Жажманни тутиб олиш ва жазолаш бўлиб қолади.

Бозордаги ҳар хил қуритилган мева-чеваларни сотувчилар Жажманнинг нималигини, унинг қайси бир жонивордан урчиганлигини аниқ билмайдилар. Шу боис улардан айримлари уни тутиб олиб ўлдиришга, бошқалари эса у билан тил топиб, мурсою мадора қилиб яшашни маъқул кўрадилар.

Жажманнинг нималиги, унинг қаердан, қандай пайдо бўлганлигини фақат Зардушт бобогина аниқ билади. Жажман дуалистик эътиқодий қарашларни ифодаловчи оташпарастликда эзгулик ҳомийси Ахурамаздага қарши қурашувчи ёвуз дев Ахриман томонидан яратилган махлуқ эди. Демак, нафс балосининг илдишлари ёвузлик дунёсига бориб боғланади. Шунинг учун қокифурушларнинг Жажманни тутиб ўлдириш ҳақидаги қарорлари қай даражада қатъий ва шиддатли бўлмасин, уни ўлдириб бўлмаслигини танҳо Зардушт бобогина билади, холос. Бу эса инсон бор экан, нафс ҳеч қачон ўлмаслиги ҳақидаги азалий ва абадий фалсафанинг ўзига хос бадиий инъикосидан иборат эди.

Ҳикояда ифодаланган ғояга кўра ҳаётдаги барча салбий воқеа – ҳодисаларнинг моҳиятини англаб етиш учун инсонда покиза қалб ҳамда юксак эътиқод бўлиши зарур. Бозор аҳли орасида эса бундай хусусият фақат Зардушт бобода мужассам эди, холос. Ҳикояда Зардушт бобо инсон вужудидан жой олган нафснинг ёвуз Ахриман томонидан яратилган махлуқ эканлигини биладиган зот сифатида тасвирланган. Ҳикоянинг ўзига хослиги шундаки, унда илк бор нафснинг образи, унинг ташқи кифоаси чизилади. Бозор аҳли ва Зардушт бобо образларининг тасвирини эса адиб ўқувчиларнинг тасаввурига ҳавола қилади. Фақат жуда зарур бўлиб қолган ўринлардагина у бобонинг ўсиқ қошлари, ёник кўзлари ва оппоқ соқолига ишора қилади.

Жажманда барча жонзотлар хислати мужассамлашган. Бу эса тирик мавжудот, жумладан, энг олий хилқат инсон ҳам нафсга эга, шу учун инсон биринчи галда ўз нафсини тия олиши керак, ана шунда у эмин – эркин яшайди, деган улуғвор фалсафа ифодаланган. Мазкур фалсафани Зардушт бобо яхши билса ҳам, лекин кўрган заҳоти Жажманни яхши эслай олмайди. Адиб буни Зардушт бобонинг руҳий ҳолати, кексаларга хос хотира заифлиги билан асослайди.

Маълумки, нафснинг эҳтиёжи чегара билмайди, унга қанча эркинлик берилса, шунча кучаяверади. Зардушт бобо буни яхши билади. Шу муносабат билан ҳикоядаги макон ва замоннинг (хронотоп) чегаралари бадиий шартлилик туфайли ниҳоятда кенг қамровга эгаллиги масаласига эътибор қаратиш лозимдек туюлади. Чунки адиб ҳикояга Зардушт бобонинг болалиги ҳақидаги туш эпизодини киритади. У тушида Оташ момосини кўккўз дев ҳовучида олиб кетганлигини кўради. Фольклорга хос ушбу мотив аждодлар сабоғини унутиш, ўз нафсига қул бўлиб қолишдан иборат, деган ғояга ишора вазифасини ўтайди.

Бозордаги сотувчилар Жажманни тутиб олиб, чалажон ҳолига келгунча калтаклашади. Шу пайт тим адоғидаги девор ортида гурсиллаган овоз янада кучайганлигини Зардушт бобо сезади. Бозор аҳли Жажман ўлди, деб ҳукм ўқигач, қутилмаганда у инсонга хос овоз билан “Ло-кила! Ло-кила!..” деб қичқиради. Шу пайтдагина оломон Зардушт бобога мурожаат қилади. Бироқ вақт ўтган эди. Тим адоғидаги деворнинг бир қисми ўпирилиб, ана шу тешиқдан Ахриманнинг кўш ҳовучи чиқади. Унинг ҳовучидан эса

олдинги Жажманга қараганда дуркунроқ Жажман сакраб тушади. Бу эса нафсни ўлдириб бўлмайди, деган қадимий ғоянинг ўзига хос ифодаси эди.

Мазкур ҳикоя ҳақида бир қанча фикр – мулоҳазалар билдирилди. Масалан, дастлаб Н. Довурбоева ҳикояга муносабат билдириб, ”Жажман сўзи жажжи маъносини англатиб, у жамиятдаги нафсга берилиш оқибатида рўй берган салбий нуқсонлар қораланган”лигини айтади.¹

Б.Рўзимухаммад бу асар ҳақида тўхталиб, адибнинг мақсади Жажманни қоралаш эмас, балки бозор аҳлининг зикналигини фош этишдан иборат деган каби фикрни билдиради. Унингча, танқидчи ва адабиётшуносларнинг энг муҳим камчилиги “экзистенциализм” фалсафасини яхши билмасликларидадир. Чунки Жажман калтаклангач, унинг охири айтган “Ло-кила!... Ло-кила!...” сўзлари “алик ол” маъносини англатиб, ушбу сўзлар орқали у издиҳомга салом берган эмиш.²

Тадқиқотчи Г.Сатторова эса асарнинг фалсафий моҳиятини тўғри тушунмаслик оқибатида ҳар хил фикрлар айтилганлигини тўғри таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам Жажман синтезлашган рамзий образ бўлиб, у инсондаги нафс балосининг жонлантирилган рамзидан иборат. Зардушт бобо эса иймон ва эзгулик тимсоли. Агар ҳикоя диққат билан синчиклаб ўқилса, Зардушт бобонинг Ахурамаздага қилган илтижоларини, олдиндаги фалокатдан огоҳлантиришларини бозор аҳли эшитмайди. Оломон Жажманни зўрлик билан, жоҳиллик билан маҳв этмоқчи бўлади. Аслида эса нафсни фақат маърифат, иймон ва эътиқодни тарбиялаш билан енгиш мумкин, холос. Зардушт бобо эса бозор аҳлининг бирорта ҳам мурожаатига жавоб қайтармайди. У ҳамма вақт эзгулик ҳомийси Ахурамаздадан нажот сўрайди. Маълум бўладики, Х. Дўстмухаммад ушбу ҳикояси билан маърифатсиз, иймони заиф кишиларгина жаҳолатга юз бурадилар ва доим жажманлар ҳамласига дуч келадилар, демоқчи. Адиб мазкур ҳикояси билан миллат менталитетидаги нафс ортидан қувиш, турли бало – қазоларга дучор бўлишдан кишиларни, замондошлари-мизни огоҳлантиришни назарда тутган.³

Уқоридаги уч хил муносабатдан Г.Сатторова ҳамда Н.Довурбоеваларнинг фикрлари ҳақиқатга яқин. Б.Рўзимухаммад эса ҳикояни ўринсиз “экзистенциализм” фалсафасига олиб бориб тақайди.

Бизнингча, “Жажман” узоқ ўтмиш билан барча замон ва маконлар (хронотоп) қатори бугунги кишилардаги маънавий – ахлоқий қарашларни бадиий синтез қилиш йўли орқали яратилган фалсафий асар. Адабий – бадиий синтезнинг бу тури ўта даражада мураккаб бўлиб, унда ижодкор ўз билими ва истеъдоди, дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда турлича йўлдан боради, турли – туман восита ҳамда усуллардан фойдаланади.

Х.Дўстмухаммад бу ҳикоясида бадиий шартлиликка амал қилиб, узоқ ўтмишда яшаган ва бирорта ҳам инсон мулоқотда бўлмаган образ билан нафс балосига муккасидан кетган замондошларимизни хронотопда мулоқотга киритишга эришади. Гарчи Зардушт бобо сотувчилар билан бирор марта жонли мулоқотга киришмаса ҳам, сотувчилар унга бир неча бор мурожаат киладилар. У тимнинг кираверишидан ўрин олган, унинг нарсаларига Жажман бирор марта ҳам чанг солмайди. Чунки у иймон ёғдуси билан яшайдиган, эътиқоди баланд инсон сифатида ҳикоя воқеалари ривожида медитатив (ҳаракатга келтирувчи)лик вазифасини ўтайди. У поклик, иймонлилик намунасини кўрсатувчи рамзий образ.

¹ Довурбоева Н. Жажманнинг жилвалари . Ёшлик. 1991 йил, 5 сон.

² Рўзимухаммад Б. Назарияга бефарқ қараяпмизми? // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2001 йил 7 декабрь сони.

³ Сатторова Г. 90-йиллар ўзбек ҳикоячилигида миллий характер муаммоси. Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 75.

Адибнинг яна бир ютуғи шундаки, у 90 – йиллар ўзбек ҳикоячилигида илк бор нафси еб тўймас, жажжи махлуқ сифатида жонлантирди ва бутун ҳикоя воқеаларини ҳаракатга келтирувчи, асар конфликтини доим таранг тутиб турувчи, бозордаги драматик вазиятни бир хил қалтисликда ушлаб турувчи рамзий образ сифатида яратди.

Демак, узоқ ўтмишдаги аждодларимиз тасаввуридаги ярим мифик, ярим реал инсон қиёфасидаги Зардушт бобо образини ҳозирги замон кишилари билан биргаликда тасвирлаш ҳамда уларни мулоқотга киритиш, бадий шартлиликнинг ниҳоят кенг қамровли мезони асосида ёритиш бадий синтезнинг муваффақиятли чиқишини таъминлаган. Чунки ҳикояни ўқиган ҳар бир шахс бозор аҳли билан Зардушт бобонинг реаллигига шубҳа қилмайди. Бу нарса образларнинг рамзийлик асосига қурилишидан далолат беради.

Адабий – бадий синтезнинг ушбу турида ҳикоя воқеалари бўлиб ўтадиган макон шартли характерга эга. Бозор рамзий маънода дунёни англатса, тор маънода реал воқеликдаги бозорни билдиради. Аниқроқ қилиб айтилса, бозор ва унда ҳаракат қилувчи кишилар биргаликда олиб қаралса, бу эпик макон мамлакатимиздаги бозорлардан бирини, персонажлар эса халқимиз вакилларини ташкил этади.

Ҳикоядаги замон ҳам шартли бўлиб, аниқ маънода у XX асрнинг охириги ўн йилликларига тўғри келади. Шу билан бирга макон ва замонни (хронотоп) бош образ Жажман фаолияти билан боғлиқ ҳолда талқин этилса, макон башар аҳли яшайдиган барча заминни ифодаласа, замон оташпарастлик эътиқодлари вужудга келган даврлардан ҳозирга қадар бўлган қамровни ташкил этади. Буни ҳикоядаги бир нечта ўринлар ҳам тасдиқлайди: “– Тўғри, илгари кўзимизга кўринмаган, у бир сиқим – икки сиқим майиз – туршак егани билан камайиб қолмасдик, “еса – ебди-да” дедик. Индамадик. Кейин, сезиб – сезмай эркатойимизга айлантирдик... Зардушт бобонинг юзига майин табассум югурди. Жажман секин – аста тимдагилар билан апоқ – чапоқ бўлиб кетган даврларини эслади”¹.

Келтирилган парчанинг ўзи англатиб турибдики, ҳикояда аниқ замон билан кенг миқёсдаги макон (хронотоп) синтез қилинган. Чунки инсоният нафс балоси билан гоҳ келишиб, гоҳ унга исён кўтариб яшайди. Асардаги хронотопни етакчи рамзий образ – Жажман бирлаштириб туради. Шундай экан, истаган вазиятда хронотоп ё кенг, ё тор, аниқ миқёсда воқе бўлади.

Шу нуқтаи назардан қаралса, ҳикоядаги Жажман жонлантирилган махлуқ қиёфасида тасвирланса ҳам, моҳият жиҳатидан у умумбашариятга алоқадор хусусиятдир. Адиб бадий синтез орқали нафснинг рамзий образини ягона ва алоҳидаликдан умуман тирик, жонли мавжудотга хос хусусият миқёсига кўтара олган. Бинобарин, ҳикоянинг ғоявий мазмуни ягона олинган бир давр учун эмас, балки умуман инсоният тарихи, ҳозирги ва келажаги учун долзарблик касб этади.

Хуллас, Х. Дўстмуҳаммад қўллаган ўтмиш билан замонавий синтез ҳосиласи, яъни хронотоп муаммоси ҳикояга ўзига хос фалсафий руҳ ва фалсафий талқин бағишлаган. Бизнингча, “Жажман” адибга “Бозор” романини ёзиш учун алоҳида тайёргарлик босқичи, бошқача айтганда, ғоявий – бадий дастурлик вазифасини ўтаган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Довурбоева Н. Жажманнинг жилвалари. Ёшлик, 199, 5-сон. – Б. 32.
2. Рўзимухаммад Б. Назарияга бефарқ қараяпмизми? // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2001 йил 7 декабрь сони.
3. Сатторова Г. 90-йиллар ўзбек ҳикоячилигида миллий характер муаммоси. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2008. – Б. 75.
4. Дўстмуҳаммад Х. Жажман. – Т.: Шарқ. 1995. – Б. 210.

¹ Дўстмуҳаммад Х. Жажман. Т: Шарқ, 1995. – Б. 210.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбек ҳикоячилигидаги хронотоп муаммоси Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Жажман” ҳикояси мисолида таҳлил қилинган. Таҳлилда ҳикоя жанрининг ўзига хос қирралари хронотоп узвийлигида асосланган.

РЕЗЮМЕ

В статье проанализирована проблема хронотопа в узбекском рассказе на примере произведения Хуршида Дустмухаммада “Жажман”. Анализ основан на последовательности своеобразных особенностей жанра рассказа.

RESUME

The problems of Uzbek story telling chronotop are discussed by the example by the example of the story “Jajman” by Hurshid Dustmuhammedov. The style of story telling and its particular features are analysed according to chronotop.

Наиurga ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия этган

АВТОГРАФ МАТНДА МУАЛЛИФ ИЗОХИНИНГ АҲАМИЯТИ

Файзуллаева Р.А. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *автограф матн, котиб, таржимон, қўлёзма, изоҳ, таржима, баёз, матншунос.*

Мирзо тахаллуси билан ижод қилган Муҳаммадрасул (1840–1922) машҳур шоир Комил Хоразмийнинг тўнғич ўғли бўлиб, замонасининг пешқадам вакиллари билан саналади. Замон подшоси Феруз Мирзони, аввало, хаттот, таржимон ва муסיқашунос олим сифатида ниҳоятда кадрлаган.

Мирзо адабий мероси бошқа хаттотларнинг оққа кўчирган нусхалари билан бир қаторда ўзи оққа кўчирган қўлёзма нусхалар, шунингдек, бир қанча нусхада тошбосма шаклида бизга қадар етиб келган. Бу нусхалар орасидаги фарқ ва тафовутлар текширилаётганда муаллифнинг ўзи оққа кўчирган ёки таҳрир қилган нусхалар асос қилиб олиниши мақсадга мувофиқдир. Матншунослик фанида матннинг муаллиф нусхаси энг мўътабар манба саналади [1].

Автограф матнларда матндан ташқарида (масалан, китоб ҳошиясида) учрайдиган қўшимча изоҳларнинг аҳамияти фанда жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, истаимизми-йўқми, у муаллифнинг ўзиники бўлгани учун ҳам матншуноснинг эътиборида бўлиши зарур.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган 1500-, 6947-қўлёзмалар Мирзонинг бевосита ўзи иштирокида юзага келган ва муаллифнинг турли изоҳлари учрайдиган муҳим манбалардан саналади.

1500-гартиб рақамли қўлёзма [2] Аҳмад Табибий тазкираси асосида тузилган бўлиб, ҳижрий 1327 – милодий 1909-1910 йилларда кўчирилган. Ҳажми 95 варақ. Ўлчами 18x30 см. Рус фабрика қоғозига ёзилган. Котиб – муаллифнинг ўзи. Қўлёзманинг дастлабки варағида муаллиф томонидан қуйидаги маълумот келтирилган: “*Муҳаммад Раҳимхон марҳумининг амрлари била ҳақирнинг порсидин турки тилига таржима қилгон китобларининг адади будур: бирланжи, Бархурдор Туркман ал-мутахаллис бил-Мумтознинг “Раъно ва Зебо” отлиг китоби; иккиланжи, “Тиб” китобидин “Тухфату-л-мўъминин”нинг бир дафтари; учланжи, ҳадис китобидин Мавлавий Абдулҳақнинг “Фазойилу-л-Қуръон”и; тўртланжи, “Шамсу-л-маориф” китобининг икки бўлағиким, иккави ҳам асмоъи ҳуснонинг шарҳидурлар, арабийдин туркий тилига таржима қилилди; бешланжи, “Дақойиқу-л-ахбор” китобининг таржимасиким, араб тилидин туркий тилига ўткарил-*

ди; олтиланжи, ушбу “Марғубу-н-нозирин” дур; еттиланжи, Фузулийнинг порсий “Соқийномаси” ким, ани ўз назмидин чиқормай туркий маснавий этиб “Марғубу-н-нозирин” девонимга ҳазрат Муҳаммад Раҳимхон илҳоқ эттурдилар.

Ҳозо китобу-л-мажмуъи би “Марғубу-н-нозирин” маъа “Маснавиёти Табибий”.

Кўриниб турибдики, ушбу изоҳ Мирзонинг форс-тожик ва араб тилларидан қилган таржималари ҳақида маълумот беради. Изоҳдаги “Муҳаммад Раҳимхон марҳумининг амрлари била ҳақирнинг порсидин турки тилига таржима қилгон китобларининг адади будур...” деган гапни 2 та гап – “Муҳаммад Раҳимхон марҳумининг амрлари била. Ҳақирнинг порсидин турки тилига таржима қилгон китобларининг адади будур” кўринишида ҳам ифодалаш мумкин. Биринчи ҳолатда Мирзонинг барча таржималари бевосита Муҳаммад Раҳимхон (Феруз)нинг топшириғи билан адо қилингани англашилади. Иккинчи ҳолатда эса ҳозирда 1500-рақами билан маълум бўлган қўлёзманинг бунёд бўлиши айнан Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) топшириғи билан бўлгани аён бўлади. Бизнингча, ушбу матнни битта гап шаклида ифолаш мақсадга мувофиқдир. Шунда диққат таржима қилинган барча асарларга қаратилади ва маълумотнинг кадр-қиммати ортади.

Изоҳдаги маълумотларга диққат қиламиз. Муаллифнинг эслатишича, у тиббиётга оид китоблардан бири бўлмиш “Тухфату-л-мўъминин”нинг бир дафтари (ҳаммасини эмас) ва “Шамсу-л-маориф” китобининг икки қисми (бўлаги)ни (ҳаммасини эмас) араб тилидан таржима қилган. Демак, илмда “Мирзо тиббиётга оид “Тухфату-л-мўъминин” ва ислом илмига оид “Шамсу-л-маориф” китобини араб тилидан таржима қилган” деган фикр мантиқан тўғри бўлмайди. Аксинча, “Мирзо тиббиётга оид китоблардан бири бўлмиш “Тухфату-л-мўъминин”нинг бир дафтари ва “Шамсу-л-маориф” китобининг икки қисми (бўлаги)ни араб тилидан таржима қилган” дейиш ҳақиқат бўлади.

Лекин “олтиланжи, ушбу “Марғуб-у-н-нозирин” дур” дегани хато. “Марғуб-у-н-нозирин” таржима асар эмас, балки Мирзонинг девони, яна ҳам тўғрироғи, Аҳмад Табибийнинг икки тазкирасига киритилган Мирзо ижоди намуналаридан тузилган мажмуа ҳисобланади. Қўлёзмадаги “Ҳозо китобу-л-мажмуъи би “Марғуб-у-н-нозирин” маъа “Маснавиёти Табибий” деган изоҳ бунинг исботидир.

Уқорида зикр қилинган изоҳда кўрсатилган таржима-қўлёзмалар устидаги излашишлар натижасида қуйидагиларни аниқлашга муваффақ бўлдик.

Шарқшунослик институтидаги 883-тартиб рақамли қўлёзма “Раъно ва Зебо” дoston таржимасидир. Ҳижрий 1297 (милодий 1879-1980) йилда таржима қилинган бу асар Мирзонинг ўз дастхати билан ҳижрий 1302 (милодий 1884-1985) йилда оққа кўчирилган. Ҳажми 132 varaқ. Ўлчами 15x25,5.

Ушбу асар таржимасининг яна бир неча нусхалари бўлиб, улардан бири 884-рақам билан сақланади. Бу нусха Паҳлавонниёз Мирзобоши (Комил) таржимаси бўлиб, таржимон вафотидан анча кейин ҳижрий 1320 (милодий 1902-1903) йилда кўчирилган. Ҳижрий 1319 (милодий 1901-1902) йилда кўчирилган 886-тартиб рақамли, шунингдек, 891/IV-тартиб рақамли нусхаларнинг таржимони ва котиби номаълумдир. 4406-тартиб рақамли қўлёзмада ҳижрий 1254 (милодий 1838-1839) йил санаси кўрсатилган. Бу Мирзонинг таржимаси эмаслиги ушбу санадан аниқ маълумдир.

“Шамсу-л-маориф” Аҳмад ибн Али ибн Юсуф ал-Қурайший ал-Буний (вафоти 1226 йил) қаламига мансуб китоб бўлиб, Мирзо бу китобнинг икки қисмини араб тилидан таржима қилган. Мирзонинг изоҳига кўра, бу асар асмоъи ҳусно – Оллоҳнинг 99 исми шарҳига бағишланган.

“Шамсу-л-маориф” таржимаси қўлёзмаси ҳам бир неча нусхада бизга қадар етиб келган. 9591-тартиб рақамли қўлёзмада асарнинг 1-қисми (14 боб) берилган. Шу қўлёзманинг 5-^б varaғида “Мулла Паҳлавонниёз марҳумининг ўғлидурманким, мулақаби “чаффа навис” деган ёзув бор. Бу изоҳдан Мирзо чап қўлда ҳам хушхат хатот бўлгани ҳақида

билиб оламиз ва буни шоирнинг ҳаёти ҳақидаги маълумотларда учрайдиган “*Муҳаммад Расул ёшлигида Хива қозиси Иноятуллоҳ охунд қўлида таҳсил олади. Хаттотликда ниҳоятда хушхат бўлган ... Муҳаммад Раҳимхон ва Исфандиёрнинг амри билан бир неча китобларни оққа кўчирган. Янгидан ташиқил этилган босмаҳонада ношир, хаттот ва муҳаррир сифатида фаолият юритган*” [3] деган фикрларнинг исботи учун далил сифатида келтириш мумкин.

Қўлёзма ҳижрий 1309 йил рабиъул аввал (милодий 1891 йил октябрь-ноябрь) ойида кўчирилган. Котиби – таржимоннинг ўзи (Мирзо)дир. Таржиманинг кейинги қисмлари 6896-тартиб рақамли қўлёзма (асарнинг 15–21 боблари), 7341-тартиб рақамли қўлёзма (асарнинг 21–30 боблари), 7342-тартиб рақамли қўлёзма (асарнинг 39 боби), 7288-тартиб рақамли қўлёзма (асарнинг 21–40 боблари) лар орқали етиб келган.

Мирзонинг яна бир муҳим изоҳи 6947-рақамли қўлёзма баёз [3] матнида учрайди. Шоирнинг “*Лақа-л-ҳамду ё қодири зулжалол, Хирад кунжи зотинга етмоқ малол*” байти билан бошланувчи қасида матнида “*Разм майдониға киргон чоғда чобуксувор, Шоҳи одил шукри бошиға қалқон бўлди гул*” байти келтирилган. Байт сўнгида “*бошиға*” деган изоҳ берилган. Мазкур изоҳ ушбу байтнинг аслида “*Ҳамд ул холиқға лутфидин намоён бўлди гул*” мисраси билан бошланувчи ғазалнинг 4-байти эканига ишора қилади.

Қайд қилинган баёзнинг “*Бу оқиом келди дилдорим қамар янглиг шитоб айлаб*” мисраси билан бошланувчи ғазал саҳифаси ҳошиясида “*Навоийдек ётар маҳшарға текру тарки хоб айлаб*” деб ёзиб қўйилган. Мирзо ғазали:

Бу янглиг кеча, Мирзо, васл ила кимга насиб ўлса

Ётар албатта ул маҳшарға текру маст хоб айлаб, – байти билан тугалланади. Изоҳ ва ғазалнинг сўнги мисраси бир-бирига ўхшаш. Бу ерда изоҳ ғазалнинг сўнги мисраси аслида Алишер Навоийники эканига, бу ерда адабий ўғрилиқ эмас, аксинча, ижодий таъсирланиш борлигини кўрсатади.

Умуман олганда, Мирзонинг автограф матнларида шу сингари яна бир қанча изоҳлар мавжуд бўлиб, улар ҳажман катта ёки кичик эканидан қатъи назар, алоҳида ва жиддий ўрганишни талаб қилади. Кўринишидан унча аҳамиятли эмасдай кўринадиган изоҳларда ҳам қандайдир муҳим маълумот яширинган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу ҳолатлар моҳиятан алоҳида тадқиқотни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Лихачёв Д.С. Текстология. – М.– Л.: Наука, 1964. – 102 с.
2. Лихачёв Д.С. Текстология: краткий очерк. – М.: Наука, 2006. – 177 с.
3. Рейсер С.А. Основы текстологии. – Л.: Просвещение, 1978. – 176 с.
4. Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. – Тошкент: Фан, 2007. – 294 б.
5. Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик. – Тошкент: ТошДШИ, 2000. – 172 б.
6. Эркинов А. Матншуносликка кириш. Тошкент, 1997. – 50 б.
7. Қуроноф Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Тошкент: Akadem-nashr, 2013. – 408 б.
8. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, инв. № 1500. محمد رسول ميرزا. ديوان ميرزا.
9. Лаффасий. Тазкираи шуаро. – Урганч, 1992. – 118 б.
10. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, инв. № 6974. بياض ميرزا

РЕЗЮМЕ

Мақолада автограф матнларда матндан ташқарида (масалан, китоб ҳошиясида) учрайдиган кўшимча изоҳларнинг фанда жуда катта аҳамиятга эга эканлиги ва у муаллифнинг ўзиники бўлгани учун ҳам матншуноснинг эътиборида бўлиши зарурлиги мисоллар асосида далиллаб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье идет речь о большой научной ценности примечаний, встречающихся в автографических текстах вне самого текста (например, на полях книги), и на конкретных примерах доказывается необходимость изучения их текстологами, так как они принадлежат самим авторам.

RESUME

In article are affirmed examples which located besides of avtograph texts which are shown in additional conclusion on the given subject with the main way and the conclusion must always be on the attention of textologue.

Наишра ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия этган

ТАСАВВУФДА ШАРИАТ ТАЛҚИНИ

Қаххорова Ш. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *шариат, дин, тасаввуф, тариқат, тавба, зуҳд, Оллоҳга таваккул, қаноат, узлат, доимий зикр, таважжух, сабр, ризо, мувоқабат.*

Тасаввуф инсоният тараққиётининг муайян босқичида маънавий, руҳий зарурият натижасида пайдо бўлди ва фалсафий, ахлоқий, маънавий-маърифий, адабий-бадий – ҳаётнинг деярли барча соҳаларини қамраб олди.

Тасаввуф том маънода, ҳақиқий инсонпарвар таълимот сифатида инсон камолоти, руҳий-маънавий юксалиши учун хизмат қилиб келди. Бироқ унинг туб моҳияти хусусида турлича қарашлар мавжуд бўлиб, баъзи манбаларда ислом динидан келиб чиққан, дейилса, баъзиларида исломни инкор этиши ҳақидаги муносабатларни учратамиз.

Х аср бошларига келиб тасаввуфнинг назарий асослари ишлаб чиқилганлиги ва сўфийларнинг амалий, руҳий-психологик томондан ўз-ўзини тарбиялаш, чиниқтириш тадбирлари сифатида намоён бўлганлиги ҳамда унинг алоҳида таълимот сифатида кўзга ташланганлигини Бертельс таъкидлаб ўтар экан, шариат унинг таркибий қисми эканини эътироф этади (3;37).

Бизнингча, тасаввуф таълимоти ислом динининг ботиний қисми сифатида талқин қилиниши асослидир. Негаки, ушбу таълимот аввалдан мавжуд бўлган плутонизм ва неоплутонизмдан илдиз олиб, ислом дини негизда тараққий этди ва унинг манбаларидан озикланди. Инсониятнинг тўхтовсиз ижодий фаолияти натижасида тасаввуф тарихи тадрижий ривожланиб борди.

Шу билан биргаликда, тасаввуф ақлий ва бадий фаолият тарзига ҳам таъсир этди. Тасаввуф таълимотининг кўзга кўринган вакиллари исломий манбаларга суянган ҳолда ўз қарашларини махсус китоб шаклида тартиб бердилар. Бундай манбаларни 2 турга ажратиш мумкин: 1) назарий асослари; 2) бадий талқини.

Тасаввуф назариясига оид: Абунаср Саррож (вафоти 988)нинг “Китобал лумаъ”, Ал Калабозий (вафоти 990)нинг “Китобат таъарруф”, Абу Толиб Маккий (вафоти 998)нинг “Кутал қулуб”, Саулабий (вафоти 1021)нинг “Рисолатал маломатия”, Қушайрий (вафоти 1072)нинг “Рисола фит тасаввуф”, Абулхасан Али бин Усмон ал-Жуллобий (вафоти 1076)нинг “Кашф ул маҳжуб”, Фаридиддин Аттор (1119–1222)нинг “Тазкиратул авлиё” каби асарлар яратилди. Булардан ташқари, Румий, Ҳофиз Шерозий, Шабистарий асарларига ёзилган шарҳлар ҳам сўфиёна маслак, ишора ва тамсилларни аниқлашда муҳим ўрин эгаллади. Шунингдек, солиқ руҳий-маънавий камолоти босқичлари, мақомат тушунчалари хусусида Саид Нафисий, Саид Жаъфар Сажжодий, Қосим Ғаний Абдулхусайн Заррин-

кўб, Э.Е.Бертельс, Аҳмад Абдуллаев, Нажмиддин Комилов, Ёқубжон Ишоқов, Иброҳим Ҳаққул кабиларнинг монография ва рисолаларида ҳам илмий таҳлил этилди.

Бу адабиётларда тасаввуф таълимотининг моҳияти, зоҳирий, ботиний амаллари, тариқат даражалари фалсафий категория сифатида талқин этилди ва унинг вазифалари ёритиб берилди.

Ислом динининг ҳуқуқий-ахлоқий мезонларини ифодаловчи шариат тушунчаси тасаввуф таълимотида асосий 4 таркиб: шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқатнинг биринчи босқичи сифатида қабул қилинган бўлиб, тасаввуф босқичи ҳисобланган шариат ислом динидаги ахлоқий мезонларнинг зоҳирий шакли бўлиб қолмасдан, ботиний талқини сифатида тартиб топди. Буни таълимот тарғибига бағишланган адабий ва бадий асарларда яққол кўриш мумкин.

Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний ўзининг “Мақомати Юсуф Ҳамадоний” асарида ҳам зоҳирий ва ботиний амаллар хусусида шундай ёзади: “Сўнгра менга дедиларки: “*Эй Абдулҳолиқ! Билгинки, Ҳақ йўлининг йўлчилиги, яъни сулуқ икки қисмдир: сулуқи зоҳир ва сулуқи ботин. Биринчиси, сулуқи зоҳир бўлиб, у ҳар ҳолу корда илоҳий амр ва таъқиқларга риоят этиши, имкон доирасида диний мезонларни сақлаш ва нафс орзуларидан қочишидир. Ўз аъзоларини ҳавою нафсдан сақлаб, шариат ҳудудида муҳофаза қилишидир. Иккинчи қисм бўлган сулуқи ботин эса қалбни поклашга ҳаракат қилиши ва нафсоний ёмон сифатларни йўқотиши учун ғайрат сарфлашидир. Ботиний таҳорат – қалбнинг Ҳақ зикри билан гўё бўлишлиги учун зикрда беҳад жидду жаҳд қилиши. Бу зикр талқини дастлаб ҳазрати Абу Бакр разийаллоҳу анҳунинг қалбига, ундан Салмон Форсийга, ундан Жаъфар Содиққа, ундан Султон Боязид (Бастомий)га, ундан Шайх Абул Ҳасан Харақонийга, ундан буюк шайх Абу Али Формадий Тусийга ва ундан эса бизга қадар етиб келган*”. (9:7)

Шариат зоҳирий илмгина эмас, балки инсон ички оламига ҳам доҳилий илм бўлиб, шариатнинг зоҳири – илми фикҳ (илми қол), унинг ботини тасаввуф (илми ҳол)дир. Шу билан бирга шариат сўфий учун ҳам зарурият бўлиб, мазкур босқични босиб ўтмасдан кейинги босқичга ўта олмайди. Қачонки шариат талабларини, яъни исломнинг асосий ақидалари(қонун-қоидалари)ни ўзлаштиргандан кейингина солиқ учун кейинги босқич – тариқатга йўл очилади.

Аҳмад Яссавий ҳикматларидан бирида шундай дейди:

Тариқатга шариатсиз кирганларни,

Шайтон келиб имонини олур эрмиш.[8;166]

Нажмиддин Кубро ўзининг “Усули ашара” асарида “Оллоҳга элтувчи йўлларнинг адади махлуқотнинг нафаслари қадар беҳисоб” (2-бет) деб, уларни уч асосий гуруҳга бирлаштиради:

1. *Тариқи ахёр*: ибодат ва амали солиҳ соҳибларининг йўли. Бу йўлга кирувчи солиқлар рўза, намоз, Қуръон қироати, ҳаж қилиш ва шунга ўхшаш зоҳирий ибодатлар билан кўпроқ машғул бўладилар.

2. *Тариқи аброр*: мужоҳада ва риёзат соҳибларининг йўли. Бу йўл солиқлари эса гўзал феъл-атворга эга бўлиш, кўнглини тазкия, қалбни тасфия, яъни кўнглини мусаффолаштириш ва ботинини обод қилиш, маъмур этиш учун ғайрат кўрсатувчи кишилардир.

3. *Тариқи шуттор*: бу ишқ, жазба ва муҳаббат соҳибларининг йўли. Ва у улуг Мавлога сайру саёҳат қилувчиларнинг тариқатидир. Бу мумтоз йўл иродага боғлиқ бир ўлимга асослангандир. *Зеро, Ҳазрати Пайгамбар: «Ўлмасдан аввал ўлинг» дея марҳамат қилган эдилар*”. Бу -- ишқ, муҳаббат ва жазба билан мақсадга эришиладиган йўл. Бу йўлга юз бурган ёки кирган киши ишқ ва жазба мақомига юксалгунига қадар жуда кўп мақомлар: тавба, зуҳд, Оллоҳга таваккул, қаноат, узлат, доимий зикр, таважжух, сабр, мурақба, ризодан ўтмоғи шарт бўлган. Чунки ушбу йўлда сайри сулуқ -- асосдир. Хуллас, тариқат--инсонларни махсус таълим-тарбия билан гўзал ахлоқ, покиза қалб ва

латиф руҳ соҳиби этадиган, охир-оқибатда эса Аллоҳга яқинлашишни таъминлайдиган ўзига хос маслак ва мафкура йўлидир.

Алишер Навоий ўзининг “Ҳайрат-ул-аброр” достонининг XXII Аввалги мақолати сарлавҳасини “Имон шарҳидаким, «Ал-имону ан туъмину биллаҳи ва малоикатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳи ва бил-явмил-охири ва бил-қадари хайриҳи ва шарриҳи» демакдин мақсуд бу калимот эмас ва агар аҳли зоҳир муни имон деса, аҳли маъни демас”, – деб номлайди. Шоир маъни аҳли имон сифатида руҳнинг асл моҳиятига қараб парвоз қилиши “... улухият дарёсига шиолиг ажзин зоҳир қилмоқ ва малоика ҳавосида бир неча қанот урмоқ ва кутуб авроқида бир неча ҳарф сурмак ва русул жодасида неча қадам югурмак ва қиёмат қойим бўлурида қиём кўргузмак ва қадар бобида алоқадри ҳол тараннум тузмак”, – дея тасаввуф таълимот сифатида ислом дини ғояларининг ботиний талқини, амалиёти сифатида сўфийларнинг амалий, руҳий томондан тарбиялаш, чиниқтириш амалларидан иборат эканлигини эътироф этади.

XXIV бобнинг Иккинчи мақолати “Ислом хусусидаким,..” деб номланиб, унда му-сулмончиликнинг бешта фарзи: калимаи шаҳодат, намоз, закот, рўза, Каъба зиёратларига шарҳ берилган. Масалан, рўза тутишни у турлидир, дейди. Биринчисида фақат ейиш-ичишдан тийилиш, иккинчисида шариатга хилоф ишларга кўл урмаслик, учинчиси эса кўнгилни пок сақламоқ даркордир, негаки, унда дўст (Оллоҳ) нақши акс этади ва бу турдаги рўза тун-кун давомлидир, дейди¹(7:85). Ёки Каъба зиёрати ҳақида гапириб, зиёрат этувчиларни 2 турга ажратади:

*Бири буким, улки бўлиб мустафид,
Ёки ўлуб жоҳу тамавул мумид.*

*Бўлса йўл амнияти воқиб анга,
Оризае бўлмаса мони анга...*

*Фарзлигин ўзига жазм айлағай,
Фарз адосин қила азм айлағай.*

*Лек иккинчу буки, аҳли фано
Ким ўзига фақрни билгай гино.*

*Дўст тушуб хотири вайронига,
Шавқу талаб ўт солибон жонига.*

*Ҳўй чекиб йўлга тушуб пил киби,
Ишиқ ўтидинг телбарагон эл киби...*

*Токи ани еткурубон ул далил,
Уйгачаким, қўйди биносин Халил...*

*Мунча саодатқа этиб сарфароз,
Кимсани бу йўлда фанову ниёз...*

Парчадан кўриниб турибдики, иккинчи тоифа – фақрни, ишқни ўзига бойлик деб билгани учун унинг мартабасини Оллоҳ таоло юксак қилди, яъни Каъбани унинг қошига келтирди. Бу тоифа – тасаввуф йўлига кирган, исломий шариатни зоҳирийгина эмас, бо-тиний эгаллаган кишилар бўлиб, мутасаввуф барча исломий фарзларни зоҳирий ва боти-

¹ Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Т.: 2006. – Б. 85.

ний эгаллаш ҳамда уларнинг мақомлари Оллоҳ олдида қай даражада экани хусусида мулоҳаза юритади.

Ёки Ҳусайн Воиз Кошифий «Футувватномаи султоний» асарида тасаввуфнинг тариқат одобига алоҳида аҳамият бериб, унинг хусусиятлари, сифатлари ва амалий йўналишини ҳар томонлама қайд этиб ўтади. Жумладан, у ёзади: *Тариқатнинг асли учта: дам (нафас), қадам ва карам. Яъни айтиши лозим бўлмаган нарсалардан дам урмаслик, қилиниши манъ этилган ишларга қадам қўймаслик, керакли ишларга интилиш-карам. Тариқат мақомлари тўрт нарсада мужассамдир: тавба, хавф (гуноҳ ва ғайри шаръий ишлардан), жиҳод (нафс билан жанг), сабр (мақсадни кутмоқ). Тариқат аҳкоми олтига: маърифат, саховат, таваккул, тафаккур, сидқ, яқин (ишонч). Тариқатнинг манъ қилинган ишлари олтига: нафсни, бойликни, ёлгонни, зинони, шаробни, хиёнатни тарк этиши* (5;24). Бу ерда Ҳусайн Воиз Кошифий тариқат даражалари учун белгиланган махсус шарт ва талабларни санаб ўтади; уларнинг бажарилишини буюради, уларга аҳамият беришни айтади. Шу тариқа, сўфий шариат талабларидан тамоман озод бўлганидан кейин тариқат зинасида мазкур мақомларга дуч келади ва уларни сўзсиз бажариши керак бўлади. Яъни у энг аввало, ўзининг сўзига, юриш-туришига, муомаласига, одоб-ахлоқига аҳамият беради ва гуноҳлардан буткул фориг бўлиб, уларни бартараф этиб, ҳалолликка интилади.

Ахлоқнинг ўзи илм эмас, балки ахлоқ барча илмларнинг махсули, мағзидир. У жуда жиддий масала бўлиб, илмлар асосида туғилади ва ҳамма илмларнинг самараси сифатида юксалади. Ахлоқ, бу – қонуният, яъни ижтимоий муҳитнинг маданий савиясини белгилаб берувчи мезонлар ишланмаси. Бунга ҳамма фан аҳамият қаратади. Шу каби тасаввуф ҳам ахлоқий масалаларни биринчи ўринга олиб чиқади.

Демак, тасаввуф таълимотида шариат шаръий мезонларнинг ботиний шакли бўлиб, руҳий поклик мезонлари ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев А. Тасаввуф ва унинг намояндалари. –Термиз, 2007. –198 б.
2. Агтор Фаридиддин. Тазкират ул-авлиё. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1997. – 175 б.
3. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. Избранные труды. – Москва: Наука, 1965. – С. 528.
4. Комилов Н. Тасаввуф. –Тошкент: Ёзувчи, 1996. – 272 б.
5. Кошифий Ҳусайн Воиз. Футувватномаи султоний. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. – 376 б.
6. Навоий Алишер. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. ТАТ, 20 томлик. 6-том. – Тошкент: Фан, 1990. – 520 б.
7. Навоий А. Ҳайрат ул-аброр. – Т.: 2006.
8. Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. ТАТ, 20 томлик. –Т. 17. – Тошкент: Фан, 2001. – 315 б.
9. Ясавий Аҳмад. Фақрнома // Ислом тасаввуфи манбалари. –Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – 400 б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада шариатнинг диний ва тасаввуфий талқини қиёсий таҳлилга тортилади.

РЕЗЮМЕ

В статье приводится сравнительный анализ религиозного и суфийского толкования шариата.

RESUME

This article compares the religious and Sufic interpretation of Sharia.

Наишра ф.ф.д.. Н.Шодмонов тавсия этган

**ЭЛЕКТРОННЫЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ РЕСУРСЫ ПРИ
ОБУЧЕНИИ НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ В ПЕДВУЗАХ**

Алимова Ф. А. (ТГПУ)

Ключевые слова: педагогика, профессиональная компетентность, информатизация образования, программные средства, электронные обучающие средства, методика обучения, подготовка преподавателей.

Информатизация образования предъявляет новые требования к профессиональным качествам и уровню подготовки учителей. Интегральным показателем качества подготовки будущего учителя, в том числе и преподавателя химии, в контексте модернизации образования следует рассматривать профессиональную компетентность, которая, характеризует умение человека мобилизовать в конкретной ситуации полученные знания и опыт. Новые условия требуют обеспечения высокого уровня профессиональной подготовки выпускников педвузов, формирования у них целостной системы универсальных знаний, умений, навыков, а также опыта самостоятельной деятельности и личной ответственности. В новых образовательных программах одним из ключевых ориентиров профессиональной подготовки специалистов становится формирование у них ИКТ-компетенции.

В связи с этим одним из основных направлений формирования перспективной и мобильной системы высшего образования в нашей республике, наряду с повышением уровня его качества, обеспечением большей доступности для всех групп населения, повышением творческого начала, является и обеспечение нацеленности обучения на новые дидактические средства, в частности, электронные образовательные ресурсы [1].

Ведущее место при переводе вуза в новое качественное состояние отводится внедрению новых информационно-коммуникационных технологий в учебный процесс, поскольку судьба всех инновационных процессов зависит, как отмечают многие исследователи, от творческой активности педагогических коллективов.

В настоящее время все большее внимание уделяется проблеме обеспечения сферы образования методологией и практикой разработки и оптимального использования современных средств информационных и коммуникационных технологий, ориентированных на реализацию психолого-педагогических целей обучения и воспитания. Особое значение приобретает вопрос повышения профессионализма учителей химии в овладении методикой использования их в своей предметной области, в результате которого формируются новые профессионально-значимые качества личности учителя, повышается его интеллектуальный потенциал и конкурентоспособность. В новых информационных условиях неотъемлемой частью профессиональной компетентности будущего учителя химии должна стать информационно-коммуникационная компетентность, под которой понимается системное качество личности, представляющее собой упорядоченную совокупность компетенций в области химии, информационных и коммуникационных технологий, методик обучения химии [2].

Результаты проводимой нами экспериментальной и аналитической работы по изучению уровня сформированности информационной и коммуникационной подготовки учителя химии, теоретический анализ разнообразных литературных источников (монографий, диссертаций, статей, учебников, нормативных документов) позволили выявить, что значительная часть учителей химии недостаточно готова к использованию новых информационных и коммуникационных технологий в учебно-воспитательном процессе. На наш взгляд, это обусловлено: отсутствием в педагогических вузах специально организо-

ванной системы подготовки будущих учителей к использованию электронных образовательных средств обучения химии, незнанием дидактических возможностей программных средств и слабым владением методикой их использования в учебном процессе.

Все сказанное подтверждает наличие объективных противоречий между актуальными требованиями к уровню подготовки преподавателей в сфере использования информационных технологий в учебном процессе и реальностью, между необходимостью содержательной и технологической целостности системы профессиональной подготовки в вузах и фрагментарностью содержания образовательных программ. Поэтому одной из приоритетных целей является формирование профессиональной готовности будущих учителей к овладению средствами информационно-методического обеспечения учебного процесса и технологиями информатизации образования в своей предметной области, в частности при обучении неорганической химии. Более того, педагогические вузы должны обеспечить опережающую подготовку студентов в области использования информационных и коммуникационных технологий, адекватную динамично нарастающему процессу информатизации общества в целом.

Студенты приобретают умения и навыки использования программных средств персонального компьютера для осуществления различных информационных процессов. Однако отсутствие специальной подготовки студентов к использованию новых электронных дидактических средств в обучении приводит к неспособности будущих учителей применять данные средства в учебно-воспитательном процессе общеобразовательной школы в целях повышения эффективности обучения. Таким образом, встает проблема формирования у будущего учителя химии умений грамотно использовать новые электронные дидактические средства в своей профессиональной деятельности [3].

Одним из возможных путей решения этой проблемы является обеспечение функционирования в вузе дидактической системы формирования информационно-коммуникативной компетентности будущего учителя химии, которая интегрирует в себе специальную, информационную, психолого-педагогическую и предметно-методическую подготовку выпускника и является компонентом более сложной системы формирования целостной профессионально-педагогической компетентности.

Среди универсальных (ключевых) компетентностей мы в первую очередь выделяем информационную и коммуникационную потому, что они служат естественным результатом широкого распространения и использования информационных технологий. При этом формирование вышеназванных компетентностей у будущих учителей химии имеет два аспекта: общеобразовательный и профессиональный. Общеобразовательный аспект связан с готовностью использовать информационно-коммуникационные технологии в различных видах деятельности. Профессиональный аспект информационной коммуникативной компетентности мы связываем с готовностью применения этих технологий в учебном процессе. Исходя из этого, вытекает проблема всестороннего анализа и прогнозирования изменений в профессиональной деятельности учителя в условиях информатизации образования [4].

В частности, при обучении неорганической химии реализацию возможностей ИТ можно использовать в следующих направлениях:

- направление, связанное с использованием компьютерных технологий для выполнения различных вычислительных операций (квантово-химические расчеты), обработки результатов рентгеноструктурного анализа, кинетического описания сложных химических реакций и т.д. Идея использования компьютеров при обучении решению химических задач – направление, связанное с реализацией принципа наглядности в обучении химии (построение графиков, диаграмм, трехмерное изображение молекул, изображение механизмов реакций). Например, на дисплее компьютера можно изобразить сложные

трехмерные диаграммы, такие, как орбитальные или энергетические функции переходных состояний.

- в процессе организации и проведении химического эксперимента в условиях реализации возможностей компьютерной визуализации изучаемых объектов и процессов, автоматизации вычислительной деятельности и процессов сбора, обработки, передачи информации об объектах, процессах в соответствии с требованиями к химической подготовке учащихся [5].

В процессе познания окружающей действительности и самопознания, использования информации для получения новых знаний, что в свою очередь повышает мотивацию освоения ИТ, решения задач, формирования целостного представления о процессах и явлениях в окружающем мире, усиление интеллектуальных возможностей, формирование умения анализировать, наблюдать, сравнивать, умения компьютерная визуализация объектов и процессов

Применяя компьютер на занятии, следует реально отдавать себе отчет в том, какая преследуется цель, и какие средства для ее реализации необходимо привлечь. Применение современных образовательных технологий в учебном процессе позволяет смотреть с уверенностью в будущее. Ведь все это подчинено единой цели – чтобы качество подготовки учащихся отвечало потребностям общества не только сегодняшнего, но и завтрашнего дня. Понятно, что педагогическая эффективность информационных технологий во многом зависит от методики их включения в учебный процесс. В целом, ожидаемый эффект от внедрения компьютерных технологий огромен: повышение мотивации обучения, формирование у учащихся информационной картины мира, понимание взаимосвязи между изучаемыми дисциплинами, повышение успеваемости, выработка умений правильно оценивать свои возможности и не пасовать перед трудностями, умение доводить любое дело до конца, развитие самостоятельности и умение принимать неординарные решения. Использование данной технологии позволяет сэкономить время на уроке, организовать активную деятельность, разнообразить учебные приемы, переключать учащихся с одного вида деятельности на другой, повысить уровень наглядности в ходе обучения, внести элементы занимательности, оживить учебный процесс, провести его при повышенном эмоциональном состоянии.

Формирование ИКТ-компетентности при обучении неорганической химии является элементом общей системы профессиональной подготовки будущих учителей химии и осуществляется в учебной деятельности студентов, основными формами организации которой являются лекции, семинары, практические и лабораторные занятия, выполнение учебных экспериментов и самостоятельной работы студентов в развитой ИКТ-насыщенной среде педагогического вуза.

Хотелось бы отметить, что включение электронных образовательных ресурсов в сферу предметной подготовки будущих учителей химии заставляет расширить и профессионально ориентировать ее содержание. Специальная подготовка в области преподавания химии в педагогическом университете должна быть профессионально ориентирована, как в плане отбора предметного содержания, так и в отношении используемых в обучении образовательных технологий.

Использованная литература

1. Щелканова Г.В. Использование информационных технологий на уроках химии / Г.В. Щелканова // Химия: методика преподавания в школе. – 2004. – №8. – С. 68–71.
2. Траптуева С.А. Компьютеры в школе: программное обеспечение и методическая поддержка // Информатика и образование. 1998. – № 4. – С. 77–82.

3. Шухман А.Е. Совершенствование содержания подготовки педагогических кадров к применению информационных и коммуникационных технологий в профессиональной деятельности / Дисс. канд. пед. наук. – Москва, 2000. – 48 с.

4. Гузеев В.В. Образовательная технология как научная дисциплина / В.В. Гузеев // Химия в школе. – 2002. №4. – С. 51–56.

5. Алимова Ф.А., Шомуротова Ш. Применение педагогических программных средств при изучении темы гибридизация электронных орбиталей в комплексных соединениях // Вопросы гуманитарных наук. – Москва, 2017. – №3. – С. 95–98.

РЕЗЮМЕ

В статье исследуются вопросы формирования информационной компетенции будущих преподавателей химии. Рассмотрены возможности использования электронных образовательных ресурсов в процессе обучения курса неорганической химии. На примерах использования возможностей информационных технологий на разных видах занятий демонстрируются приемы формирования профессиональной компетентности студентов химических специальностей.

SUMMARY

The article explores the formation of the information competence of future teachers of chemistry. The possibilities of using electronic educational resources in the course of studying of inorganic chemistry are considered. Examples of using the possibilities of information technologies in different types of employment demonstrate the methods of forming professional competence of students in chemical specialties.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бўлажак кимё ўқитувчиларининг информации салоҳиятини шакллантириш масалалари тадқиқот қилинади. Электрон таълим ресурсларини аорганик кимё курсини ўқитиш жараёнида қўллаш имкониятлари кўриб чиқилган. Ахборот технологияларининг имкониятлари турли шаклларида тадқиқот қилиш мисолида кимё мутахассислиги бўйича талабаларнинг профессионал салоҳиятини шаклланиш усуллари намоён қилинади.

Рекомендовано к печати д. пед. н. Р. Шодиевым

MATERIALSHUNOSLIK FANINI O`QITISHDA INTEGRATIV YONDASHUVLARDAN FOYDALANISH

Ishmuradova G.I. (QarMII), Mirzaeva G.M. (TDTU)

Tayanch so`z va iboralar: *metall, po`lat va cho`yan, termik ishlov berish, bo`shatish, yumshatish, normallashtirish, toblash.*

O`zbekiston Respublikasining iqtisodiy taraqqiyoti texnik, iqtisodiy va innovatsiyon bilimiga ega bo`lgan malakali mutaxassis kadrlar tayyorlash sifatini yanada yaxshilash bilan bog`liq. Bugungi kunda ta`lim tizimi sohasida olib borilayotgan yangilanishlar yangi ta`lim tizimi, kadrlarni tayyorlashdagi o`zgarishlar va yangicha yondashuvlar, zamonaviy kasb sohalarining paydo bo`lgani hamda uning mamlakatimiz sharoiti bilan bog`liqligi, umumiy o`rta ta`lim sifatini oshirish, fanlarni chuqurlashtirilgan tarzda o`rganishga yangicha yondashuvlarni ishlab chiqish – barkamol avlodni tarbiyalashning garovi ekanligi hammamizga ma`lum.

2017-yil 14-yanvarda bo`lib o`tgan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisida davlatimiz rahbari ta`lim-tarbiya tizimida o`quv reja va dasturlarini tubdan qayta ko`rib chiqish zarurligini qayd etdilar. Ta`lim muassasalarida darslarni samarali tashkil etishda, yetuk kadrlar bilan bir qatorda ta`limga doir me`yoriy hujjatlar, o`quv-uslubiy ta`minotning o`rni katta. Prezidentimiz tomonidan o`qitishning zamonaviy metodologiyasini yaratish va amaliyotga joriy etish, o`quvchilarning ongli ravishda kasb-hunar tanlash ishtiyoqini kuchaytirish, darsliklarni

yaratishga butunlay yangicha yondashish kabi dolzarb vazifalar aynan shu maqsaddan kelib chiqqan holda qo'yilmoqda. Haqiqatdan ham, globallashtirish jarayonining jadallashtirish o'quv dasturlarini tubdan qayta ko'rib chiqishni, keng bilimga ega bo'lgan, mantiqiy fikrlay oladigan yoshlarni voyaga yetkazishga xizmat qiladigan, takomillashgan me'yoriy hujjatlar, o'quv-metodik majmualarni yaratishni taqozo etmoqda.

Metodik ta'minotni yaxshilashning bir nechta yo'llari mavjud bo'lib, shulardan biri-umumiy o'rta ta'lim muassasalari uchun yaratilayotgan o'quv rejalarini predmetli (chiziqli) tuzish, o'quvchilar ongida ayrim tasavvur, tushuncha, qonuniyatlarning uzuq-yuluq, ya'ni lavhalar shaklida shakllanishiga yo'l qo'yimaslik, mazmunan aloqador o'quv predmetlarini integratsiyalashtirib o'rganilishi ta'lim-tarbiya ishining samarali bo'lishiga olib keladi.

Ta'limda integrativ yondashuv—bu predmetlararo aloqadorlikni nazarda tutadi. Integratsiya so'zi lotincha bo'lib, tiklash, to'ldirish, qismlarni bir butun qilib birlashtirish degan ma'noni anglatadi. Integrativ ta'lim mazmunan bir-birini kengaytiruvchi, to'ldiruvchi va chuqurlashtiruvchi, o'zaro aloqador ixtisoslik o'quv predmetlarini mantiqan tugal yaxlit holga keltirib, ya'ni integratsiyalashtirib o'rganish hisoblanadi.

Ma'lumki, umumiy o'rta ta'lim tizimida ta'lim mazmunini tanlab olishda integrativ yondashuvdan foydalanish va uning asosiy vazifasini hisobga olish, insonni har tomonlama rivojlantirish, hayot va mehnat, kasb tanlashga va kelgusida kasb-hunar sir-sanoatlarini o'rganishga tayyorlashdan iborat.

Umumiy o'rta ta'lim va o'rta maxsus ta'lim tizimida aniq kasb (ixtisoslik) bo'yicha ta'lim mazmunini integrativ yondashuv asosida tanlab olishda uning qaysi soha bo'yicha ishlab chiqarishga mansubligi hisobga olinadi. Bugungi kunda integrativ yondashuvni tashkil etishda turlicha nazariyalar mavjud bo'lib, bizningcha, ta'limda bu yo'nalishni quydagicha olib borish maqsadga muvofiq.

1. Fan ichidagi integratsiya. Bunda bitta predmet ichidagi nazariy bilimlar va amaliy ko'nikmalar asosida amalga oshiriladi.

2. Fanlararo integratsiya. Bunda bir necha predmetlar doirasidagi nazariy bilimlar va amaliy ko'nikmalar asosida amalga oshiriladi (1-jadval).

3. Predmet fanlari integratsiyasi va uni o'qitish metodikasi. Bunda ilgari o'rganilgan bilimlar asosida yangi nazariyalar shakllantiriladi.

Texnika yo'nalishidagi kasb-hunar ta'lim tizimida kasbiy ta'lim fanlari, xususan, materialshunoslik fani va umumta'lim fani bo'lgan fizika fanini o'qitishdagi fanlararo aloqadorlik masalalari o'rganilganda quyidagicha bog'lanishlar mavjudligi aniqlandi.

Bizga ma'lumki, materialshunoslik fani materiallarning tarkibi, tuzilishi, strukturasi, xossasi, markalanishi va ularga termik, kimyoviy-termik ishlov berish usullari hamda qo'llanilishi bilan bog'liq masalalarni o'rganadi. Materialshunoslik fanida o'quvchilar texnikaning turli sohalarida fan-texnika taraqqiyoti bilan bog'liq ko'pgina amaliy masalalarni ijobiy hal etish uchun materiallar ishlab chiqish va ularga ishlov berishning zamonaviy usullari hamda ularni ratsional qo'llash sohalarida bilim, ko'nikma va malakalarga ega bo'ladi.

Materialshunoslik fanining o'rganish vaqtida o'quvchilar materiallarning tarkibi, tuzilishi va xossalarning o'zaro bog'liqligi, zarur xossalarga ega bo'lgan yangidan-yangi materiallar yaratish hamda mavjud materiallarning xossalari kerakli yo'nalishda o'zgartirish nazariyasi asoslarini ham o'rganadilar. Materialshunoslik yutuqlari tufayli texnikaning turli sohalarida yangidan-yangi materiallar yaratiladi. Bu esa murakkab sharoitlarda ishlay oladigan zamonaviy mashinalar yaratish imkonini berishi haqidagi tasavvurlar amaliy jihatdan o'z isbotini topadi.

Materialshunoslik fani va fizika fanini o'qitishdagi fanlararo aloqadorlik

№	Materialshunoslik fani	Fizika fani
1	Metallarning ichki tuzilishi. Metallarning kristallik tuzilishidagi nuqsonlar.	Qattiq jismlar. Mono- va polikristallar. Kristallarning turlari. Polimerlar. Kristallarning anizotropiysi. Monokristallar. Kristallarning turlari. Ionli, atomli, metalli, molekulari defektlar.
2	Diffuziya.	Suyuqlik, gaz va qattiq jismlarda diffuziya hodisasi
3	Metallning qattiq holatida sodir bo'ladigan o'zgarishlar. Allotropiya.	Qattiq jismning erishi va qotishi. Faza. Fazaviy o'tishlar. Uchlanma nuqta
4	Metall va qotishmalarining mexanik xossalari hamda ularni o'rganish metodlari. Mustahkamlik, qattqlik, plastiklik, toliqish, yoyiluvchanlik, qovushqoqlik.	Qattiq jismlarning mexanik xossalari. Qattiq jismning deformatsiyasi. Nisbiy deformatsiya. Qattiq jismning deformatsiyasi uchun Guk qonuni. Materialning mustahkamligi. Cho'zilish diagrammasi. Moddaning plastikligi, mo'rtligi, qattqligi.
5	Qattiq eritmalar. Tartibga solingan eritmalar. Ximiyaviy birikmalar. Elektron birikmalar.	Elektrolitlarda elektr toki. Elektrolitik dissotsiatsiya. Elektroliz.
6	Maxsus fizik xususiyatli qotishmalar. Elektr o'tkazuvchanligi turlicha bo'lgan materiallar. Yuqori elektr qarshilikka ega bo'lgan materiallar.	Turli muhitlarda elektr toki. Metallarda elektr toki. Elektrolitlarda elektr toki. Yarim o'tkazgichlarning tuzilishi, Yarim o'tkazgichlarning o'tkazuvchanligi va uning temperaturaga, yoritilganlikka bog'liqligi. Yarim o'tkazgichli asboblari.
7	Magnitli o'zgarishlar.	Magnit maydoni. Magnit zaryadi. Tokli kontur. Konturning magnit momenti. Dia-, para- va ferromagnitliklarning tabiati.
8	Temir qotishmalaridagi fazaviy o'zgarishlar. Qizdirishda fazaviy o'zgarishlar. Ortiqcha sovutilgan austenitning izotermik bo'linish diagrammasi.	Termodinamika birinchi qonunining izojarayonlarda qo'llanilishi. Izotermik, izobarik, izoxorik, adiabatik jaroayonlar.

Materialshunoslik fanining mehnat ta'limi bilan aloqadorligi. Umumiy o'rta va o'rta maxsus kasb-hunar ta'lim tizimida materialshunoslik fanini o'rganishda o'quvchilarning ilgari mehnat ta'limi(yog'och va metall materiallariga oid bilimlar beriladi)dan olgan bilimlariga tayanish va shuning hisobiga yangi o'quv materiallarni bayon qilishga ketadigan vaqtini qisqartirish kerak. O'quvchilarni materiallar va ularni xalq xo'jaligining turli tarmoqlarida tutgan o'rni hamda qo'llanilishini aytish zarur. O'qituvchi yog'och materialini tushuntirayotganida yog'ochlarning o'ziga xos xususiyatlarini taqqoslash va xalq xo'jaligida qo'llaniladigan yog'ochlarning boshqa turlari orasida ular qanday o'rinni egallashini tushuntirishi zarur.

O'quvchilarni materiallarning xossalari (birinchi galda mexanik xossalari) bilan tanishtirayotganda o'qituvchi o'quvchilarning fizikadan olgan bilimlari (plastiklik, elastiklik, qovushqoqlik, qattqlik, issiqlik va tok o'tkazuvchanligi va h.k)ga tayanadi bu xossalari ishlov berila-

digan materialning vazifasiga qarab tanovor tanlashda hal qiluvchi ahamiyatga ega ekanligini ta'kidlaydi. Masalan, agar slesarlik asboblari tayyorlash uchun o'ta qattiqligi bilan ajralib turuvchi uglerodli asbobsoz po'latdan foydalanilsa, parchin mixlar tayyorlash uchun esa kam uglerodli yumshoq po'lat kerak bo'lishi tushuntiriladi. Materiallarning xossalari haqidagi ma'lumotlarni o'quvchilar tanovorga ishlov berish vaqtida va laboratoriya mashg'ulotlari davomida namunalarni texnologik jihatdan sinash paytida bilib oladi.

O'qituvchi materialshunoslik fanini o'qitishda po'lat va cho'yanning asosiy xossalarini (qattiqlik, plastiklik egiluvchanlik va hakoza) ta'riflayotganda, o'quvchilar "egiluvchanlik" va "plastiklik" tushunchalari bilan tanish ekanliklarini esdan chiqarmaslik kerak, yangi materialarni tushuntirishda ham shu bilimlardan foydalanish lozim. Po'lat va cho'yanning asosiy xossalarini tushuntirayotganda o'quvchilarga ma'lum bo'lgan boshqa materiallar bilan solishtirish kerak. Shunda o'quvchilar ushbu metallar xalq xo'jaligining qaysi sohalarida nima uchun keng qo'llanilishini tushunib oladilar.

Materialshunoslik fanini o'qitishda o'quvchilarni po'latning asosiy klassifikatsiyalari va markalarini tushuntirishda po'latning xossalari, undagi uglerodning va legirlovchi elementlarning miqdoriga bog'liqligini aytish kerak. Uglerod metallga qattiqlik va egiluvchanlik berish haqida gapirilganda o'qituvchi buni aniq misollarda namoyish qilishi mumkin. Buning uchun oddiy po'lat va uglerodli po'lat namunalari kerak bo'ladi. O'quvchilar bu namunani bolg'a bilan urib ko'rib, zarb kuchi bir xil bo'lgani holda po'lat yumshoq bo'lgani uchun ko'proq pachaqlanishiga ishonch hosil qilishadi. Keyin o'qituvchi po'lat tarkibiga ugleroddan tashqari, boshqa elementlar ham kirishini aytadi. O'qituvchi talabalarga otashbardosh, asbobsozlik, tezkesar, legirlangan po'latlar va boshqa markadagi ayrim po'latlar bilan umumiy tarzda tanishtiradi. Har xil markadagi po'latlarni shartli belgilanishlari haqida gapirib beradi. Albatta, po'latni hamma markalari bilan tanishtirishning iloji yo'q. Biroq politexnika ta'limi vazifasi nuqtai nazaridan, po'lat markalarini belgilashda amal qilinadigan umumiy qoidalarni tushuntirish va bir nechta markadagi po'latning tarkibining yozilishini va o'qilishini hamda lug'atdan qanday bilib olish mumkinligini ko'rsatib berish zarur.

Materialshunoslik fanining chilangarlik ishlari fani bilan aloqadorligi. Texnika yo'nalishidagi kasb-hunar kollejarida o'quvchilarga Chilangarlik ishlari darslarida materiallarning mexanik xossalarini tushuntirishda termik ishlov berish haqida ma'lumotlar beriladi. Buning uchun bir bo'lak sim kuydirib yumshatiladi, boshqa bir bo'lak sim esa toblanadi. Keyin o'quvchilarga oddiy yumshatilgan va toblangan simlardan parchin mixlar tayyorlash topshiriladi, aynan bir xil materiallardan ishlangan sim bo'laklarining xossalari har-xil bo'lishiga o'quvchilar amalda ishonch hosil qilganlar. Materialshunoslik fanini o'qitish jarayonida esa o'quvchilarga termik ishlov berishning boshqa turlari: bo'shatish, yumshatish, normallashtirish, toblash haqida ma'lumot beriladi.

Ma'lumki, materiallarga termik ishlov berish jarayoni uch bosqichdan iborat, buyumlarni muayyan temperaturada tutib qizdirish shu temperaturada tutib turish va sovitish. Qizdirish va sovitish jarayonlari issiqlik uzatish (fizikaning termodinamika bo'limida: issiqlik o'tkazuvchanlik, konveksiya va nurlanish o'rganiladi) natijasida sodir bo'ladi, shu sababli o'qituvchi materialni bayon etar ekan, talabalar kuzatayotgan jarayonlarni ilmiy jihatdan asoslab berish imkoniga ega bo'ladi. Zagatovkalarini qizdirish uchun ishlatiladigan har xil uskunalar misolida issiqlik uzatishning uch turi haqidagi bilimlar eslatiladi: issiqlik o'tkazuvchanlik, konveksiya va nurlanish. Zagatovkalar xuddi shu jarayonlar natijasida soviydi. O'quvchilarni materiallarga termik ishlov berishning mohiyati bilan tanishtirishda ularning amaliy tajribasiga tayanish mumkin bo'lgani uchun yangi materialni suhbat metodi bilan bayon etish maqsadga muvofiq. Talabalarga shunday savollar berish mumkinki, ular bu savollarga javob berar ekanlar, termik ishlovning mohiyatini va hozirgi zamon mashinasozligidagi ahamiyatini tushuntirib beradilar. O'quv dasturiga o'quvchilarni toblash va bo'shatish operatsiyalari bilan amalda tanishtirish

koʻzda tutilgan. Bolgʻa, zubilo, otvyorka va shu kabilar termik ishlov berish uchun ish obyektlari boʻlishi mumkin.

Oʻquvchilarning termik ishlovga doir amaliy ishini frontal tarzda tashkil etishning imkoni yoʻq, chunki kasb-hunar kollejlari ustaxonalarida odatda, bir-ikkita mufelli pech boʻladi, xolos. Materiallarga termik ishlov berishga doir amaliy ishlar vaqtida mehnat xavfsizligi talablariga qatʼiy amal qilish zarur. Metall soviyotganda yarqiroqligi yoʻqoladi, lekin maʼlum vaqtgacha qaynoq holda turadi. Shu sababli termik ishlovdan oʻtgan detallar toʻbatamom sovimaguncha ularga tegish mumkin emas. Detaillarning sovigani uchun ishonch hosil qilish uchun qoʻlga detailga yaqinlashtirish va issiqligining nurlanishiga qarab uning sovigani, sovimaguncha bilish mumkin. Mufelli pech yoki boshqa qizdirish qurilmasining yoniga xavfsiz ishlash qoidalari yozilgan instruksiyani osib qoʻyish, shuningdek, qizdirish moslamasidan foydalanishga doir instruksiyani oʻquvchilar yaxshi bilishlari kerak.

Materialshunoslik fani oʻquv laboratoriyalarida metallarga ishlov berishning hozirgi holati zamonaviy talablariga toʻliq javob bermasligi mumkin. Bunday holda **ishlab chiqarish amaliyotlari** vaqtida oʻqituvchi oʻquvchilarni metallarni toblash va boʻshatish, termik sexlarda yoki termik uchastkalarda qanday amalga oshirilishi bilan tanishtirish, ishchilar mehnatini osonlashtirish, mehnat unumdorligini oshirish va mahsulot sifatini yaxshilash (**Iqtisodiy bilim asoslari** fanida oʻrganiladi) uchun ish jarayonlarini avtomatlashtirishning ahamiyatini alohida taʼkidlab oʻtishi lozim.

Ishlov beriladigan materiallarning xossalari oʻquv dasturi (Materialshunoslik fani va Chilingarlik ishlari) ning deyarli barcha boʻlimlarini amalga oshirish jarayonida oʻrganiladi. Bunda dasturining bir boʻlimidan boshqasiga oʻtishda oʻqituvchi ular orasidagi didaktik aloqani saqlab turishi kerak, shunda oʻquvchilarda nazariy va amaliy mashgʻulotlar jarayonida ishlatiladigan materiallarning xossalari toʻgʻrisida toʻgʻri tasavvur paydo boʻladi.

Shunday qilib, integratsiyalab oʻqitish faqatgina taʼlim mazmunini muvofiqlashtirishni emas, balki oʻquvchilarda oʻzlashtirilgan bilimlarni chuqur va mustahkam, uzoq vaqt esda saqlanishiga sabab boʻladigan amaliy koʻnikmalarni shakllantirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. 2017–2021-yillarda Oʻzbekiston Respublikasining rivojlantirishning beshta ustuvor yoʻnalishi boʻyicha Harakatlar strategiyasini «Xalq bilan muloqat va inson manfaatlari yili»da amalga oshirishga oid davlat dasturini oʻrganish boʻyicha ilmiy-uslubiy risola. – T.: Maʼnaviyat, 2017. – 243 b.
2. Nosirov I. Materialshunoslik. – T.: Oʻqituvchi, 1993. – 230 b.
3. Yakubov S.X., Umarov U.T., Xayriddinov B.E. Materialshunoslik va konstruksion materiallar texnologiyasi. – T.: Fan, 2007. – 204 b.
4. Nyrmurodov S.D., Nabiyev A.N., Norqulov A.A. Materialshunoslik. – T.: Fan., 2004. – 247 b.
5. Gʻaniev A.G., Avliyoqulov A.K., Almardonova G.A. Fizika. I qism. – T.: Oʻqituvchi, 2011. – 397 b.
6. Ramizov J. Oʻquv ustaxonalarida amaliy mashgʻulot. – T.: Oʻqituvchi, 1990. – 285 b.
7. Ominov Q.T. va boshq. Maxsus fanlarni oʻqitish metodikasi. – T.:Fan, 2004. – 354 b.

REZYUME

Usbu maqolada umumiy oʻrta va oʻrta maxsus taʼlim tizimida kasbiy taʼlim fanlarini oʻqitishda integrativ yondashuvdan foydalanishning yoʻllari bayon etilgan.

REZYUME

В данной статье рассматриваются пути использования интегративных подходов к преподаванию профессиональных дисциплин в системе среднего и среднего специального образования..

SUMMARY

This article describes vocational training at the professional colleges by the use of integrative approach in teaching.

Nashrga ped.f.d. R.Shodiyev tavsiya etgan

O'ZBEK FOLKLOR QO'SHIQLARI VOSITASIDA O'QUVCHILARNING ESTETIK MADANIYATINI SHAKLLANTIRISH

Hoshimova S.A. (QarDU)

Tayanch soʻz va iboralar: musiqa oʻqituvchisi, musiqa darsi, musiqa tinglash, musiqani idrok qilish, koʻnikma, malaka, folklor, estetik madaniyat, oʻquvchilarning estetik madaniyatini shakllantirish.

Har qanday davlatning kuch-qudrati oʻsib kelayotgan avlodning intellektual salohiyati, maʼnaviy barqarorligi, aqlan komilligi, mustaqil fikrlay olishi va estetik madaniyatning rivoj topganligiga bevosita bogʻliqdir. Respublikamizda fan va madaniyat tez surʼatlar bilan rivojlanib borayotgan bir davrda uzluksiz taʼlim tizimiga amal qilish qatʼiy talab etilmoqda. Uzluksiz taʼlimning muhim qismi bu – umumiy taʼlim tizimi boʻlib, unda oʻquvchilarga boshlangʻich sinflardan boshlab puxta bilim berib borish, ularning axloqan barkamolligi va estetik didiga alohida eʼtibor berilmoqda. Yuksak did esa oʻquvchining mustaqil fikr yurita olishiga bevosita bogʻliqdir. Oʻzbekiston Respublikasining “Yoshlarga oid davlat siyosati toʻgʻrisida”gi Qonuni bugungi davr talabiga mos ravishda har tomonlama barkamol, mustaqil fikrlaydigan, mamlakatimiz istiqboli uchun masʼuliyatni oʻz zimmasiga olishga qodir, tashabbuskor, xalq manfaati yoʻlida bor salohiyatini safarbar qiladigan shijoatli yoshlarni tarbiyalash, ularning intellektual va ijodiy salohiyatini roʻyobga chiqarish uchun mustahkam huquqiy asos desak, mubolagʻa boʻlmaydi.

2017–2021-yillarda Oʻzbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yoʻnishi boʻyicha Harakatlar strategiyasi demokratik davlat qurish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish borasidagi islohotlarda yoshlar faolligini oshirish bilan bogʻliq bir qator yangi va muhim vazifalarni belgilab berganini alohida qayt etish joiz.¹ [1.]

Oʻzbek folklor qoʻshiqlari vositasida oʻquvchilarning estetik madaniyatini shakllantirish uchun mustaqil fikrlashning ham ahamiyati kattadir.

Hozirgi kunda erkin fikrlaydigan shaxsni tarbiyalash masalasi taʼlim tizimi oldida turgan dolzarb masalalardan biri boʻlib, “Mustaqil fikrlash ham katta boylikdir” [4;9].

Odatda, muntazamlikka erishish qiyin boʻlsa ham, bunday mashgʻulotlar asta-sekin odat tusiga kirib boradi va koʻzlangan maqsadga erishiladi. Fikrimizni mashhur polyak pianinochisi Ignatsiy Paderevskiyning “Bir foiz talant, toʻqqiz foiz omad va 90 foiz mehnat” [6;12] va P.I.Chaykovskiyning “Eng keragi, avvalo, mehnat, mehnat va yana mehnat... Men har kuni ertalab ijodga oʻtirib, to biror narsa chiqmaguncha ishlayveraman” [6;43] – deya bildirgan fikrlari isbotlaydi.

Hozirgi kunda “Umumiy madaniyat” deb nomlangan milliylikdan uzoq musiqa asarlarining kundan-kunga koʻpayib borayotganligi ota-bobolarimizdan qolgan nodir asarlarni oʻrganishga oʻz salbiy taʼsirini oʻtkazayotgan bir davrda yosh avlodni bu xavfli yoʻnalishlardan qaytarish va oʻz milliy musiqiy merosimizni asrab-avaylash musiqa oʻqituvchilari oldiga ham muhim vazifalarni amalga oshirish zaruratini qoʻyadi. Oʻquvchilik davrining dastlabki kunidanoq xalqimizning boy musiqiy merosini oʻrganishga oʻquvchilarni boshlangʻich sinfdanoq yoʻnaltira olish, pala-partish soʻz birikmalaridan tashkil topgan, oʻzbek milliy musiqasiga mutlaqo yot boʻlgan qoʻshiqlardan oʻquvchilarni asrash, ulardagi estetik did va estetik madaniyatni rivojlantirib borish hozirgi kunda, ayniqsa, oʻz zaruratini koʻrsatmoqda.

Bolalarni yoshlikdan mustaqil fikrlashga oʻrgatib borish, ularning estetik madaniyatini rivojlantirib borish zarurligi haqida antik davr olimlari, mashhur yunon olimlari Arestotel, Suq-

¹ LexUZ sharhi Ushbu Farmon «Xalq soʻzi» gazetasining 2017-yil 6-iyuldagi 132 (6826)-sonida eʼlon qilingan. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. MIRZIYOYEV 2017-yil 5-iyul 5106-sonli farmonida Toshkent sh, 2017-yil 5-iyul, PF-5106-son.

rot va boshqalar o'z fikrlarini aytib ketganlar. Ularning izdoshlari, uyg'onish davri allomalari al-Xorazmiy, Abu Nasr Forobiy, Abu Ali Ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy va boshqalar bolalarda mustaqil fikr yuritishni imkon boricha ertaroq boshlash zarurligini ta'kidlashgan.

“Folklor” atamasi ingliz tilidan olingan bo'lib, ikki so'zdan tashkil topgan. “Folk” - “Xalq” va “lore” - “donolik” so'zlarining birikmasidan iborat bo'lib, “Xalq donishmandligi” degan ma'noni bildiradi. U birinchi marta Vil'yam Toms tomonidan 1846-yilda ishlatilgan va shundan boshlab iste'molga kiritilgan. Folklor – xalq ijodiyotining barcha sohalarini o'z ichiga oladi va shu qatori xalq musiqasi ham ayrim hollarda “Musiqah ahli” deb ham yuritiladi. Xalq qo'shiqlari og'izdan – og'izga, avloddan-avlodga o'tib to'ldiriladi va sayqal topadi. Xalq og'zaki ijodiyoti – xususan folklor qo'shiqlarining o'ziga xos muhim xususiyatlaridan biri ilg'or g'oyaviylikdir. Xalq har bir sohada o'z istaklarini tezroq amalga oshirishni orzu qilib yashaydi va shu orzularni amalga oshirish yo'lida qilayotgan sa'y-harakatlarni turli tarzda ifodalashga intiladi. Shu tufayli u folklorga murojaat qiladi, o'zining butun dardu-hasratini to'kib soladi. [2;21-22]

Folklor musiqasini milliy urf-odatlarimiz. marosimlarimizning ohanglardagi ko'rinishi desak bo'ladi. Bu namunalar xalqimizning kundalik hayoti, mashg'uloti va milliy qadriyatlarini bilan chambarchas bog'liqdir.

Musiqah merosi tarkibidan joy olgan folklor namunalari orasida o'zbek xalqining urf-odatlariga asoslangan marosim qo'shiqlari alohida ahamiyat kasb etadi. Odatda ular o'z xususiyati doirasida quyidagi turlarga bo'linadi:

Bolalar folklori: “Boychechak”, “Oq terakmi – ko'k terak”, “Chamanda gul”;

Mehnat bilan bog'liq qo'shiqlar: “Mayda-mayda” “Yozi”, “Xo'sh-xo'sh” “Charxim”;

To'y marosimlari qo'shiqlari bilan bog'liq qo'shiqlar: “Yor-yor”, “Kelin salom”, “To'ylar muborak”.

Diniy qo'shiqlar: “Sadr”, Zikr”, “Marsiya”

Afsuniy qo'shiqlar: yomg'ir chaqirish maqsadida ijro etilgan: “Sust xotin” va oy-quyosh tutilganida aytiladigan qo'shiqlar.

Shu bilan birga, alla, lapar, terma qo'shiq janrlariga musiqiy namunalar ham o'zbek folklor musiqasining asosiy janrlaridan hisoblanadi. O'zbek dostonchilik san'ati yirik janrlar qatoriga kirib, nasriy, she'riy va musiqiy xususiyatlarini o'zida jamlagan adabiy musiqiy kompozitsiya demakdir.

Xalq ijodiyotida bahodirlik, qahramonlik, tarixiy va lirik dostonlar mavjud. Bahodirlik dostonlariga xalq orasidan chiqqan va bahodirlik bilan dong taratgan alplar hayotiga asoslangan «Alpomish»; qahramonlik dostoniga «Yusuf va Ahmad», «Alibek va Bolibek», «Sohibqiron»; tarixiy dostonlarga «Iskandarnoma», «Shayboniyxon», «Kunbotir va Oysuluv»; lirik-romantik xarakterdagi dostonlarga «Oshiq G'arib va Shohsanam», «Ravshan va Zulxumor», «Rustam», «Go'ro'g'li», «Balogardon», «Bo'tako'z» misol bo'la oladi.

Dostonlar janriga bir qator o'tmish shoirlari ham murojaat etganlar. Firdavsiyning «Shohnoma», Nizomiy Ganjaviyning «Haft paykar» turkumi (7 ta dostonidan iborat), Alisher Navoiyning «Xamsa» va boshqalar shular jumlasidandir.

O'zbek musiqah san'atida dostonning ikki ijrochilik uslubi mavjud: Xorazm doston ijrochiligi va Surxondaryo – Qashqadaryo ijrochilik uslublari. Xorazm doston ijrochiligida dostonning ma'lum qismi so'z bilan ifodalanib, ma'lum qismi, muayyan bo'laklari qo'shiq ko'rinishida kuyga solib aytiladi [5 ;58-59-60].

I sinfda o'tiladigan «Choriy chamber» qo'shig'ini o'rganishda ham aynan shu an'anani davom ettirish tavsiya etiladi. O'quvchilar yuragida ota-onalarga mehribonlik, ularning orzu-o'ylari va istaklariga har doim ko'makdosh bo'lib turishga intilish tuyg'ularini shakllantirish muhim ma'naviy-axloqiy ahamiyat kasb etadi.

Bunday axloqiy xislatlarni shakllantirishda II sinf o'quvchilari bilan o'rganiladigan «Olatoy» qo'shig'ining ahamiyati kattadir. Unda bolaning kambag'al va nochor onasining orzu-istaklariga ko'makdosh bo'lishga bo'lgan intilishini tasvirlab beriladi. Bu qo'shiqni kuylatish orqali shunday orzu-istaklarga say'i-harakatlarini bo'lgan bolalarni rag'batlantirish oliy axloqiy tuyg'ularini shakllantirishga yordam berishi mumkin.

II sinfda o'rganiladigan «Yomg'ir-yog'aloq», «Boychechak» va «Laylak keldi» qo'shiqlarini o'rganishda bolalarning tabiiy go'zallik bilan bevosita bog'lanish, bolalarga xos o'yinlarni o'rganish bilan bir qatorda bahor va yoz fasllarida xalqimizning qiladigan mehnati, urf-odatlarini bilan tanishishga ham erishiladi. Bu esa yosh yuraklarda xalqning umumiy qiladigan fidokorona mehnatiga qiziqish, halol mehnatga intilish, mehnat kishilariga hurmat hislarini tarbiyalashga ham imkon beradi.

Har bir qo'shiqni o'rganib bo'lgandan so'ng o'quvchilarga beriladigan savollar orqali bu his-tuyg'ular yanada aniqlashtirilib, mustahkamlanib boriladi.

Bayram tantanalarida, shodiyonalarda, kattalar bilan bir qatorda ishtirok etish o'quvchilarning ma'naviy qadriyatlarimiz, urf-odat va bayramlarimiz haqidagi tasavvurini boyitib borish barobarida o'quvchilarning shaxs sifatida shakllanib borishiga, axloqan kamol topib, ma'naviy jihatdan boyib borishiga katta imkon beradi.

III sinfda o'rganiladigan o'zbek xalq qo'shig'i «Lola» bunday xislatlarni o'quvchilarga batafsil singdirib borishga qo'l keladi.

Bolalar o'yini xarakteridagi bu asar orqali ona Vatanga, uning bepoyon qirlari, lola-gullarga burkangan quchog'i, yigit va qizlarning lola sayillarini birga o'tkazishlari, ya'ni yoshlik zavqini surish kabi olijanob hislar, ma'naviy-axloqiy fazilatlarini shakllantirish mumkin bo'ladi.

Milliy istiqloq g'oyasining tub mazmuniga etish va hozirgi mustaqil farovon turmushimizning qadriga etish hislarini o'quvchilarda tarbiyalash ma'naviy-axloqiy tarbiyaning hozirgi kundagi eng muhim, dolzarb vazifalaridan biri hisoblanadi.

IV sinfning IV choragida kuylash uchun berilgan «Poyezingni yurg'izgan» o'zbek xalq qo'shig'i xalqimizning o'tmish turmush tarzini hozirgi kun bilan taqqoslab ko'rishga va tegishli xulosalar chiqarib olishga imkon beradi.

Xususan, Chor Rossiyasi davrida haq-huquqsiz xalqning erkaklarini majburan Rossiyaga mardikorlikka olib ketilganligi va og'ir mehnati evaziga hech narsa bermasdan kamsitish hollari bo'lganligi haqida o'quvchilar tushunchaga ega bo'ladilar. Bu ham o'z navbatida ularning ma'naviy kamolotga erishuvida muhim rol o'ynaydi. Asrlab haq-huquqi cheklangan xalqning sobiq imperiya davrida ham o'z an'analari va diniy marosimlarini o'tkaza olmay kelganligi, buning sobiq kommunistik mafkuraga zid bo'lganligi tufayli xalq o'z e'tiqodi va diniga amal qila olmaganligi haqida tushuncha berish hozirgi kun mafkurasining naqadar olijanob ekanligini, demokratik qudrati haqida o'quvchilarni milliy istiqloq g'oyalari ruhida tarbiyalab borish muhim siyosiy ahamiyatga molik vazifadir.

IV sinfning II choragida berilgan «Ramazon» qo'shig'ini o'rganish jarayonida o'z erkiga ega bo'lgan xalqning quvonchini o'quvchilarga singdirish imkonini beradi. Shunday xalq an'analariidan yana biri haqida o'zbek xalq qo'shig'i «Sust xotin» asarini o'rganish jarayonida bolalarga keng ma'lumot berib boriladi.

Xalq qo'shiqlari faqat folklor asarlari sifatida mavjud bo'lmay undan kompozitorlar yirik shakldagi musiqa asarlarini yaratishda ham unumli foydalanganligi haqida o'quvchilarga ma'lumot berib borish o'quvchilar saviyasini ko'tarib, dunyoqarashini shakllantirib borishda ham unumli foydalaniladi.

Xalq sayillarida, tantanalarida kuylanadigan «Daryo toshqin», «Hakkalabon», «Halinchak» kabi asarlarni kuylash o'quvchilarning musiqiy dunyoqarashini yanada yuqorilatish va xalq qo'shiqlaridan xabardor qilib borish o'ziga xos muhim ahamiyatli vazifalardan biri hisoblanadi. Yuqori madaniyatli, ma'naviyatli, ma'rifatli insonlarni tarbiyalashda ularning badiiy didini

yuqori saviyaga ko'tarish va axloqan-estetik barkamolligini ta'minlashda bu ishlar ayniqsa katta ahamiyat kasb etadi [2;120-121-122].

I sinf darsligida berilgan «Chittigul» xalq qo'shig'i yuqorida bayon qilingan nusxa asosida olingan bo'lib she'r matni I sinf bolalarining saviyasi va hayotiga mos qilib tanlangan. Shuning uchun biz bu qo'shiqning II variantidan foydalandik [2;52-53-54].

Demak, yosh avlodni yetuk qilib tarbiyalashda «Musiq madaniyati» darslarining ahamiyati katta. Musiqiy madaniyat darslari o'quvchilarni axloqiy –estetik tarbiyasiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Ulardagi go'zallikka bo'lgan his – tuyg'ularini o'stiradi, musiqa san'atiga mehr – muhabbat, qiziqish uyg'otadi, ona-Vatanni sevishtga, bir-birini, kattalarni hurmat qilishga, qadrlashga o'rgatadi va hayotda o'z o'rnini topa olishiga madad beradi. Bunda o'quvchilar musiqa san'atini butun nafasoti bilan o'rganishlari, musiqani idrok etish yakka va jamoa bo'lib qo'shiq ko'ylash va raqs tushish, ijodkorlik malakalarini shakllantirish musiqa tarbiyasining asosiy maqsadi hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ismoilova M. Xalq qo'shiqlari vositasida o'quvchilarning ma'naviy axloqiy fazilatlarini shakllantirish. – Toshkent: Istiqlol nashriyoti. – B. 136.
3. Sharipova G.M. Musiqa o'qitish metodikasi. – Toshkent, 2008. – B. 95.
4. Alimova G. Maktabgacha ta'lim muassasasi va maktab o'rtasidagi uzviylik va uzluksizlikni ta'minlash // Uzluksiz ta'lim. – Toshkent, 2013. – №2. –B. 128.
5. Begmatov S., Karimova D., Karimova Q., Mamurov Q. Musiqa 6-sinf uchun darslik. Тошкент: G'. G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2008. – B. 95.
6. Qodirov R.G'. Musiqa psixologiyasi (ma'ruzalar kursi): O'quv qo'llanma. – Toshkent: Musiqa, 2005. – 80 b.

REZYUME

Ushbu maqolada o'zbek folklor qo'shiqlari vositasida o'quvchilarning estetik madaniyatini shakllantirish borasidagi fikr yuritilgan..

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена роли узбекских фольклорных песен в формировании эстетической культуры учащихся.

SUMMARY

The article focuses on the role of education in the formation of an independent professional skills of future teachers of music in the system of uninterrupted education.

Nashrga prof. A. Jabborov tavsiya etgan

**QISHLOQ XO`JALIGIDA YER RESURLARIDAN FOYDALANISHNING
EKOLOGIK JIHATLARI**

Yaqubov T.B. (QarMII), Abdullayev S.I. (QarDU)

Tayanch so`z va iboralar: yer resurslari, tuproq resurslari, yer jamg`armasi, yer resurslarining tuzilmasi, yerdan foydalanish, degradatsiya jarayonlari,

Yer – tabiat ne`matlari orasida tabiiy va iqtisodiy xususiyatlari, shuningdek foydalanilishiga ko`ra alohida o`rin tutadigan resurslardir. Ishlab chiqarishning muayyan darajada yer resurslaridan foydalanish bilan bog`liq. Yer resurslari ishlab chiqarishning barcha tarmoqlarining birinchi shart-sharoiti, tabiiy asosi va inson hayotiy faoliyatining eng muhim sharoitidir. Yer resurslari tabiiy resurslar orasida alohida o`rin tutgan holda barcha xo`jalik tarmoqlarini rivojlantirish va ishlab chiqarish kuchlarini joylashtirish uchun asosiy manba bo`lib xizmat qiladi. Yer resurslarining asosiy iqtisodiy funksiyalari ikki tomonlama qaraladi. Birinchidan, yer har qanday ishlab chiqarish uchun, insonning har qanday faoliyati uchun zarur bo`lgan maydon (hudud)dir. Ikkinchidan, yer resurslari insoniyatga oziq-ovqat yetishtirib beradigan manbadir.

Yer resurslari tabiiy jism, tabiat komponentlari bo`lib, sayyoramiz yuzasining ma`lum bir qismini ishg`ol etadi va geografik hamda tabiiy–tarixiy xususiyatlar va sharoitlarning xilma–xilligi bilan ifodalanadi. Yer resurslarining yaxlit integral resurslar sifatidagi universal ahamiyatini e`tiborga olgan holda ko`pgina tadqiqotchilar yerni inson faoliyatining birorta turi ham usiz mavjud bo`lmaydigan alohida, o`ziga xos resurslar, deb hisoblaydilar. Boshqacharoq qilib aytganda, yer resurslari muayyan tabiat komplekslarni o`z ichiga oladigan hududdir. Shu nuqtai nazardan qaralganda “tabiiy resurslar” va “yer resurslari” tushunchalari juz`iy va umumiy tushunchalardir. Yer resurslarining har bir ayrim xossasiga tabiiy resurslarning muayyan bir turi to`g`ri keladi, tabiiy resurslarning kompleksi esa yer resurslarni hosil qiladi. Yer resurslaridan ko`p maqsadlarda foydalanish xususiyatlarini e`tiborga olgan holda yer ko`p maqsadli xo`jalik funksiyalari amalga oshiriladigan hudud deb qarash mumkin. Tabiiy–geografik nuqtai nazardan qaralganda “yer” va “landshaft” tushunchalari o`xshash yoki bir–biriga juda yaqin turadi. Landshaftlar kabi yer resurslari ham tabiiy–zonal sharoitlarning xilma–xilligi bilan ifodalanadi. Barcha tabiat komponentlarining o`zaro bog`liqligidagi ta`siri makonda ham, zamonda ham namoyon bo`ladi. Tabiiy hududiy komplekslar shakllanishining qonuniyatlari belgilab beradigan yer resurslari geografik jihatdan qishloq xo`jalik ishlab chiqarishning joylashuvi va ixtisoslashuviga, uning iqtisodiy samaradorligiga muhim ta`sir ko`rsatadi.

Iqtisodiyotning aholini oziq-ovqat bilan ta`minlashga va sanoatning bir qator tarmoqlarini xomashyo bilan ta`minlashga yo`naltirilgan tarmog`i, barcha mamlakatlarda mavjud bo`lgan eng muhim tarmoqlardan biri bo`lgan qishloq xo`jalik ishlab chiqarishida yer resurslari alohida ahamiyat kasb etadi va mehnat predmeti va quroli, ishlab chiqarishning asosiy vositasidir.

Qishloq xo`jaligi fani va amaliyotida ko`pgina hollarda “yer resurslari” tushunchasi turli mazmunda qo`llaniladi: ba`zan tuproq resurslari, ba`zan ekinzorlarning turli xillari ham yer resurslari sifatida qaraladi. “Yer” tushunchasi “tuproq” tushunchasining, “yer resurslari” tushunchasi “tuproq resurslari” tushunchasining sinonimi sifatida qaraladi. Ammo yer va tuproq resurslarini aynan o`xshash resurslar deb hisoblash mumkin emas. Aniqrog`i, yer resurslarining qishloq xo`jaligida foydalaniladigan xossasidir. Qishloq xo`jaligida yer resurslarining faqat haydaladigan yuqori hosildor qatlami – tuproqlar foydalaniladi. Yer resurslarining tarkibiy unsurlari bo`lgan tuproqlar tirik organizmlarning mineral substratga ta`siri va organizmlarning parchalanishi, suv va atmosfera havosining iqlim va relyefning turli xil sharoitlarda tog`

jinslarining yuza qatlamlariga ta'siri natijasida alohida organik-mineral tabiiy-tarixiy hosiladir. Ma'lumki, qishloq xo'jaligida yer resurslarining asosan faqat yuqori haydaladigan qismi – tuproq qoplami foydalaniladi. Tuproq unda sodir bo'ladigan biologik, kimyoviy, fizikaviy jarayonlar hamda iqlim sharoitlarning o'simliklarga zarur bo'lgan miqdorda oziqa moddalarini yetkazib berishi natijasidagi tabiiy qobiliyatiga – hosildorlik xususiyatiga ega. Tabiiy hosildorlik tuproqlar o'zlashtirilganiga qadar belgilanadi. Sun'iy hosildorlik tuproq foydalanish jarayonida madaniylashuv, o'g'itlarning ishlatilishi va meliorativ tadbirlarning qo'llanilishi natijasida tuproqlarning qo'shimcha xossalari ega bo'lishidir. Tuproqlar orqali tabiiy muhitning barcha komponentlarining o'zaro ta'siri integral holda namoyon bo'ladi. Shu sababli qishloq xo'jaligida yer resurslari tuproq resurslari sifatida foydalaniladi. Ammo iqtisodiy geografik nuqtai nazardan “Yer” ishlab chiqarishning asosiy vositasi sifatida “tuproq” tushunchasiga nisbatan ancha kengroq qaralishi lozim, chunki yer resurslarining mahsuldorligiga nafaqat tabiiy muhitning barcha komponentlari (relief, iqlim va b.), balki meliorativ tizimlar, sun'iy o'rmon ihotazorlari ham katta ta'sir ko'rsatadi. Shu boisdan yuqorida ta'kidlanganidek, “tuproq” tushunchasi “Yer” tushunchasiga uning tabiiy unsuri sifatida kirish mumkin.

Qishloq xo'jalik ishlab chiqarishida esa yer resurslari ham ishlab chiqarish vositasi, ham mehnat predmeti bo'lib xizmat qiladi. Shu sababli mehnatning so'nggi natijasi: oziq-ovqat, tola ishlab chiqarishning hajmi hamda sifati yer resurslaridan xo'jalikda qay tartibda foydalanishga bevosita bog'liq.

Shunday qilib, yer (landshaft) resurslaridan qishloq xo'jaligida foydalanish uchta o'zaro bog'liq vazifani: resurslik, tabiiy muhitni muhofaza qilish va xo'jalik vazifalarini bajarmog'i lozim [1: 64-65].

Yerning resurs sifatidagi vazifasini amalga oshirilishi turli xil kattalikdagi tabiiy-hududiy komplekslarning tabiiy potensialini, tabiiy muhitni muhofaza qilishda yerdan foydalanish mumkin bo'lgan intensivlik darajasini va, nihoyat, xo'jalik vazifasining bajarilishida yerdan foydalanish muayyan turining iqtisodiy jihatdan maqsadga muvofiq ekanligini aniqlash va belgilash bilan bog'liq.

Yer jamg'armasi (fondi) to'g'risidagi tushuncha yer resurslari to'g'risida umumiy tasavvur bera oladi. Yer jamg'armasi deb xo'jalik foydalanishiga ko'ra turlarga ajratiladigan muayyan (maydoniga ko'ra kichik joydan butun quruqlik yuzasigacha bo'lgan) hudud doirasidagi barcha yerlarning majmuasi tushuniladi. Unga intensiv ravishda foydalanilayotgan sanoat va qishloq xo'jaligi yerlari ham, foydalanish uchun yaroqsiz bo'lgan cho'llar va muzliklar band bo'lgan yerlar ham kiradi. Kengroq yondashuvda sayyoramizning barcha yer jamg'armasi 149 mln km² yoki 14,9 mlrd. ga deb baholanadi. Ba'zi hollarda esa Antarktida va Grenlandiya hisobga olinmagan holda yer fondi 130–135 mln km² (13–13,5 mlrd ga) miqdorida baholanadi [2:97].

Jahonning yer jamg'armasida muzliklarga 16,3 mln km², qutbiy va baland tog' cho'llariga 5,0 mln km², tundra va o'rmon – tundraga 7,0 mln. km², tundradan tashqaridagi botqoqlarga 4,0 mln km², ko'llar, daryolar suv omborlariga 3,2 mln km², o'rmonlarga (o'tqazilgan o'rmonlar bilan birgalikda) 40,3 mln km² ni, o'zlashtirilmagan quruq cho'llar, ochiq qoyalar, sohilbo'yi qumloqlariga 18,2 mln km² ni, o'tloqlar va yaylovlarga 28,5 mln. km², dehqonchilik qilinadigan yerlarga 19,0 mln km², sanoat ob'ektlari va shaharlar bilan band bo'lgan yerlarga 3,0 mln km², kam mahsuldor yerlarga 4,5 mln km² to'g'ri kladi [2,3,4].

Yer jamg'arnarining atigi 1/3 qismini ekinzorlarni, ko'p yillik ekinlar band qilgan yerlarni (bog'lar, plantatsiyalar) hamda tabiiy o'tloqlar va yaylovlarni o'z ichiga oladigan qishloq xo'jalik yerlari tashkil etadi. Dehqonchilik qilinadigan (haydaladigan) yerlar tarkibiga ekinzorlar (13,5 mln. km²) va ko'p yillik ekinlar band qilgan yerlar (10,5 mln. km²) kiradi. Sug'oriladigan yerlar maydoni dunyoda 270 mln. ga dan ko'proq. Ekinzorlar va ko'p yillik ekinlar band qilgan yerlar (bog'lar, plantatsiyalar) qishloq xo'jalik erlarining 11 foizni tashkil etsada kishilarga zarur bo'lgan oziq-ovqat mahsulotlarining 88 foizni ta'minlaydi.

Qishloq xo'jalik ekinlarini yetishtirish uchun yaroqsiz bo'lgan yerlar yaylovlar sifatida foydalanadi. Barcha yaylovlarning maydoni qariyb 40,0 mln. km² bo'lib, ularda 3 mlrd. boshga yaqin yirik va mayda mollar boqiladi. Yaylovlar jahon qishloq xo'jalik mahsulotining atigi 10 foizini beradi. Taxminiy hisoblarga ko'ra, yana 13,0 mln km² yer o'zlashtirilishi mumkin, shundan 8,0 mln. km² cho'llarga, 3 mln. km² ga tub o'rmonlarga, 2,0 mln km² botqoqlarga to'g'ri keladi tashkil qiladi. Ayni paytda haydaladigan yerlar hisobiga shaharlar, sanoat korxonolari, shaxtalar, yo'llar va qurilishlarning amalga oshirilishi ularning maydonining qisqarishiga sabab bo'lmoqda. Yerdan foydalanish dinamikasining tahlili keyingi o'n yilliklarda qurilishlar, yer usti kommunikatsiyalari va boshqa muhandislik inshootlari bilan band bo'lgan maydonlarning uzluksiz kengayib borayotganligidan dalolat beradi. Bu esa aholi manzilgohlari, birinchi navbatda shaharlar bilan band bo'lgan yerlar maydonining qishloq xo'jaligi yerlari hisobiga kengayib borayotganligini ko'rsatadi. Shu maqsadlari uchun yer maydonlari ajratilayotganligi tufayli jahon qishloq xo'jaligi har yili 50 – 70 ming km² qimmatbaho yerlarni yo'qotmoqda [3].

Qishloq xo'jaligida foydalanilayotgan yerlarning mahsuldorligini oshirish va muhofaza qilish tizimida asosiy amaliy tadbirlar umumiy nom bilan *degradatsiya jarayonlari* deb nom olgan qayta sho'rlanish, zax bosishi (botqoqlashuv), shuningdek irrigatsiya eroziyasi, desruktur-lashuv, degumifikatsiya (chirindisizlashuv), cho'kish va zichlashuv (petrifikatsiya), suffoziya jarayonlarining oldini olish, susaytirish va bartaraf qilish uchun belgilanadigan turli agromelio-rativ tadbirlarni amalga oshirishga qaratilmog'i lozim. Chunki, bu jarayonlar boshqa bir qator omillar bilan birgalikda tuproqlarning degradatsiyasiga – yonlashuviga va buzilishiga sabab bo'ladi. Buning oqibatida bu tuproqlardan qishloq xo'jalik ishlab chiqarishida foydalanish im-koniyati bo'lmay qoladi, ularni tiklash uchun ancha uzoq muddat va sarf-xarajat talab qilinadi.

Yer resurslaridan foydalanishda yuzaga kelgan hozirgi vaziyat ulardan foydalanish va muhofazalashni qat'iy nazorat qilishni taqozo etadi. Bugungi kunda katta maydonlarda yer re-surslaridan foydalanish ilmiy asosda tashkil etilmagan. Yerlarning degradatsiyasi tufayli inso-niyat sivilizatsiyasining tarixi davomida 20 mln. km² maydondagi hosildor tuproqlar foydalanish uchun yaroqsiz bo'lib qolgan. Hozirgi paytda yerlarning degradatsiyasi tufayli har yili o'rtacha 8-10 mln ga, ba'zi bir baholarga ko'ra esa, 15–20 mln ga mahsuldor yerlar jahon qishloq xo'jalik oborotidan chiqib qolmoqda. Hozirgi paytda 4 mlrd ga maydon yer degradatsiyasi xavfi ostida [2: 4].

V.A.Kovdaning tahlilicha, hozirgi paytda jahonda quruqlikning 31 foizi suv va 34 foizi shamol eroziyasiga duchor bo'lgan. Har yili 7 mln ga maydon eroziya va deflyatsiya tufayli shi-kastlanadi, Yer yuzasidan 60 mlrd. t tuproq materiali yuviladi, deyarli barcha joylardagi qish-loq xo'jaligi yerlarida tuproqlarning bioenergetik zaxiralari kamayib borayotgani, tuproq faunasi va mikroorganizmlarning qirilib ketayotganligi kuzatilmoqda [5:159].

Jahon qishloq xo'jaligiga eroziya, sug'oriladigan yerlarga esa qayta sho'rlanish jarayon-lari ayniqsa katta talofot yetkazmoqda. Har yili dalalar va yaylovlarning 60 foiz iga qadar maydoni eroziya va deflyatsiyaga duchor bo'lmoqda, Qishloq xo'jalik yerlarining yaroqsiz hol-ga kelishida eroziyaning "ulishi" 90 foiz ni tashkil etadi. Ishlov beriladigan yerlarda eroziya tabiiy sharoitlardagiga nisbatan 100 dan 1000 martagacha yuqori. Eroziya natijasida so'ngi 125 yil davomida 2 mlrd ga hosildor yer yoki faol foydalaniladigan qishloq xo'jalik yerlarining 27 foizi nest-nobud qilingan. Har yili haydaladigan yerlarda 26 mlrd t tuproq yo'qotiladi. Eroziya-dan har yili 30 mln. kishini boqishga qodir bo'lgan tuproqlar maydoni yemiriladi.

Sug'oriladigan yerlar maydonining kengayishi katta maydonlarda tuproqlarning sho'rla-nishiga va zax bosishiga, malyariya va ayrim boshqa tabiiy-manbali kasalliklarning tarqalishiga sabab bo'ladi va, ehtimol, Yer albedosini o'zgartiradi. Sug'oriladigan yerlar sho'rlanish va yer osti suvlarining ko'tarilishi natijasida foydalanishdan chiqib ketadi, xuddi shu sababli yiliga 2 mln ga yer ekin ekishdan bebahra bo'ladi. FAO va YUNESKO ma'lumotlariga ko'ra, jahondagi su-g'oriladigan yerlarning 50 foizdan ziyodi qayta sho'rlangan va melioratsiyaga muhtoj.

Hozirgi paytda tuproqlarining antropogen chirindisizlashuvi muammosi ham o'ta muhim muammodir. Tuproqlar buzilishining asosiy turlari orasida chirindisizlashuv jarayoni (degumifikatsiya) ham hosildorlikka katta zarar yetkazgan holda yerlarning yaroqsiz holga kelib qolishiga sabab bo'lmoqda. Ma'lumotlarga ko'ra, dunyoda qishloq xo'jaligida foydalanilayotgan yerlardagi tuproqlarning chirindi miqdori tabiiy holdagi tuproqdagi chirindi miqdorining atiga 1/3 qismini tashkil etadi.

Tuproqlarning ifloslanishi ham hozirgi paytda juda muhim muammo bo'lib turibdi. Har yili sayyoramiz tuproqlariga 4 mln. t pestisid, 300 mln. t kimyoviy o'g'itlar sepiladi; azot o'g'itlarini qo'llash har 10 yilda deyarli 2 baravar ko'paymoqda. Jahonning ko'pgina hududlarida nitratlar bilan ifloslanish REM dan yuqori.

Sayyoramizning qurg'oqchil hududlarida qishloq xo'jalik ishlab chiqarishiga cho'llanish jarayonlari ayniqsa katta talofot yetkazmoqda. Qurg'oqchil hududlarda antropogen va tabiiy omillarning ta'siri natijasida yerlarning biologik salohiyatining pasayishiga, hayotiy sharoitlarning yomonlashuviga va cho'l landshaftlari maydonlarining ko'payishiga olib keladigan landshaft komponentlari orasida mujassamlashgan muvozanatning buzilishi *cho'llanish* deyiladi [7]. Hozirgi paytda cho'llashishga qarshi kurash atrof tabiiy muhitni muhofaza qilishning global ahamiyatga ega bo'lgan jiddiy muammalaridan biri bo'lib qolgan.

Cho'llanish jarayonlariga o'simlik qoplaminin degradatsiyasi, suv eroziyasi, sho'r bosishi, tuproqlarda organik modda miqdorining kamayishi, tuproq yuzasining qatqaloqlashuvi, o'simlik va hayvonlarda zaharli moddalarning to'planishi mansub. Haydaladigan, ayniqsa sug'oriladigan yerlar, cho'llashish jarayoni natijasida foydalanish muomalasidan chiqib ketmoqda. Inson dehqonchilik va chorvachilik bilan shug'ullana boshlagandan bunyod 900 mlrd.ga yer cho'llashishga uchradi. Hozirgi paytda cho'llanish jarayonlari tufayli har yili jahonda 50–70 ming km² maydondagi mahsuldor yerlar yaroqsiz bo'lib qolmoqda. Sayyoramizning qurg'oqchil hududlarda 1 mlrd. kishi (jahon aholisining 10 foizi) cho'llanish oqibatlarining tarqalish ehtimoli bo'lgan joylarda istiqomat qiladi, 250 mln.ga yaqin kishi esa cho'llanish jarayonlari oqibatlari mavjud hududlarda yashaydi. Cho'llanish tufayli hozirgi paytda antropogen cho'llarning maydoni 9 mln. km² ortiq.

Mavjud ma'lumotlarni tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, yaqin 15–20 yil davomida jahon yer jamg'armasi degradatsiyasining mavjud sur'atlari saqlanib qolsa kerak. Bu davrda 0,2–0,3 mlrd ga yer yo'qotiladi va yo'qotilgan yerlar o'rinni to'ldirish uchun yangi yerlar o'zlashtiriladi. Aholi nufusining ko'payishi va boshqa omillar ekinzorlar maydonlarining eng avvalo tropik o'rmonlarni qirqish hisobiga 20–30 foiz ga ko'payishiga va buning natijasida 1 mlrd ga maydonda jonli qoplam mavjud bo'lgan yuzaning buzilishiga olib keladi.

Yerlarni muhofaza qilish muammosidagi yechimda birinchi va muhim bosqich tuproq monitoringi xizmatini (ekspeditsiya, laboratoriya, kosmik, kompleks va b.) tashkil etish bo'lishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abdullayev S.I., Аминов F.B., Калонов В.Х. Ер ресурсларининг табиий ва иқтисодий самардорлиги // Янги иқтисодий тизим шароитида халқ хўжалик тармоқларининг иқтисодий самардорлигини ошириш муаммолари. – Қарши, 2003. – Б. 64–67.
2. Максаковский В. П. Географическая картина мира. 4-изд. Книга I. Общая характеристика мира. – М.: Дрофа, 2008. – 495 с.
3. Stchlik Jiři. Ekumena – uzemně ekonomiski prostědi sveta // Sb. Čs. geogr. Společ, 1986. – №3. – P. 91.
4. Социально-экономическая география зарубежного мира / Под ред. В.В. Вольского. – М.: Дрофа, 2001. – 564 с.
5. Ер // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. – Т., 2002. – Б. 433-434.
6. Ковда В.А. Проблемы защиты почвенного покрова и биосферы планеты. Пушино: Изд. Научн. центра биолог. исслед. АН СССР в Пушино, 1989. – 156 с.
7. Provisional methodology for assessment and mapping of desertification. FAO/UNEP, 1983.

РЕЗЮМЕ

Maqolada “yer resurslari” tushunchasi hamda uning “tuproq resurslari” va “yer fondi” tishunchalari bilan nisbati qarab chiqilgan. Unda jahon yer fondining hozirgi tuzilmasi, qishloq xo`jaligida foydalaniladigan yerlarda degradatsiya jarayonlari, shuningdek, yerdan oqilona foydalanishning ayrim jihatlari bayon qilingan.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается понятие “земельные ресурсы” и его соотношение с понятиями “почвенные ресурсы” и “земельный фонд”. В ней идет речь о современной структуре мирового земельного фонда, процессах деградации земель, используемых в сельскохозяйственном производстве, а также о некоторых аспектах рационального землепользования.

SUMMARY

The notion “land resources” and its correlation with the notions “soil resources” and “land fund” are considered in the article. Modern structures of world land fund, land degradation processes used in agricultural production and some aspects of rational land using are given an account in it.

САНЗОР ҲАВЗАСИДА ТАРҚАЛГАН ТУПРОҚЛАР КАРБОНАТЛАР МИҚДОРИ ВА ТАРКИБИ

Тошқўзиев М.М., Шадиева Н.И. (Давергеодезкадастр кўмитаси, ТАИТИ)

Таянч сўз ва иборалар: карбонатлар таркиби, карбонатлар миқдори, тупроқдаги кальций ва магний элементлари, бирламчи минераллар, иккиламчи минераллар, кальцит, магнезит, доломит.

Кириш

Тупроқда кальций ва магний элементлари бир қатор бирламчи ва иккиламчи минераллар, яъни: плагиоклазлар, шох алдамчиси, слюдалар, монтмориллонит, гидрослюдалар, кальцит, магнезит, фосфатлар, сульфатлар кабилар таркибида бўлади. Аксарият тупроқларнинг сингдириш комплексида кальций магнийдан устунлик қилади. Кальций тупроқ структурасининг шаклланишида иштирок этиб, физикавий, физик-механик ва биологик хоссаларини яхшилашда муҳим роль ўйнайди [1, 5, 6, 7].

Республика асосий тупроқларида умумий карбонатлар миқдори катта ораликда фарқланади ва 2–4 фоиздан 8–10 фоиз ни ташкил этади. Умумий карбонатлар миқдори асосида одатда кальций карбонатларга ҳисобланиб, бу кўрсаткичлар 6–10 фоиз дан 20–25 фоиз гача карбонат кальций ва магнийни ташкил этади. Лекин тупроқ хоссаларини билишда карбонатлар таркибидаги уларни алоҳида кальций ва магний билан бирикканлигини аниқлаш муҳимдир.

Маълумки, Марказий Осиёнинг гидроморф шароитида шаклланган айрим тупроқларида кальций карбонати 25–30 ва ҳатто 50–80 фоизгача бўлиб, қаттиқ шўхли қатламни ҳосил қилади, $MgCO_3$ эса кўп тўпланиши натижасида магнийли шўрхоқлар юзага келади ҳамда тупроқ унумдорлигинининг пасайиб кетишига олиб келади [3, 4].

Қуруқ иқлимли шароитда бирламчи минералларнинг нураши ва тупроқ пайдо қилувчи жараёнлар натижасида *оддий тузларнинг минераллари* ҳосил бўлади. Тузлар гилли минераллар билан аралашган ҳолда учрайди. Оддий тузларнинг минералларига кальцит $CaCO_3$, магнезит $MgCO_3$, доломит $CaMg(CO_3)_2$ каби минералларни киритиш мумкин.

$CaCO_3$, $MgCO_3$ сувда қийин эрийдиган бирикма бўлиб, тупроқларда кенг тарқалган, улар кальций ва магнийнинг асосий манбаи ҳисобланади. Карбонатлар сувда эриган карбонат ангидриди таъсирида бикарбонатлар $Ca(HCO_3)_2$, $Mg(HCO_3)_2$ га ўтади.

Кимёвий ва органик тоғ жинсларидан тупроқ она жинси пайдо бўлишида карбонатли (оҳақтош, доломитли) жинсларлар муҳим аҳамият касб этади. Юқоридаги маълум

мотлар асосида айтиш мумкинки, тупроқдаги карбонатлар миқдори ва таркибини ўрганиш тупроқ хоссаларига доир кўпгина масалаларга оидлик киритади. Шу сабабли биз вертикал минтақавийлик бўйича, эрозияланганликни ҳисобга олган ҳолда Сангзор ҳавзасида шаклланган типик, тўқ тусли бўз ва кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқларининг карбонатлар таркиби ва миқдорини ўргандик.

Тадқиқот объекти ва услублари

Изланишлар Сангзор ҳавзасида тарқалган лалми типик ва тўқ тусли бўз ҳамда кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқларда олиб борилди. Тупроқдаги карбонатлар умумий миқдори ва таркиби Кудриннинг ацидиметрик усулида аниқланди [2].

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси

Лалми типик бўз тупроқлар Туркистон тоғ тизмаси тоғ олди текисликларида асосан лёссли, камдан-кам ҳолларда, пролювиал ётқиқли она жинсларда шаклланган. Ушбу тупроқлар лалмикор деҳқончиликда энг кўп фойдаланилади.

Лалми типик бўз тупроқларнинг морфологик белгилари, хосса ва хусусиятлари тўқ тусли бўз тупроқларникига анча яқин бўлиб, карбонатлар юқори қатламларда ҳам сезиларли кўринишда, пастки қатламларда айниқса яққол кўринади. Улар асосан оқ доғлар, псевдомицелий ва конкрецияли кўринишда намоён бўлади. Карбонатли қатламнинг энг юқори қисми гумуснинг таъсирида кучсиз ва нотеkis рангланади, тупроқ жониворлари фаолияти яхши бўлиб, уларнинг таъсирида тупроқ қатламлари тешикчали тузилишга эга, карбонатлар мавжуд, пастроқда эса, тупроқ ҳосил қилувчи омилларга кам таъсирланган, кучли зичлашган қумоқ-лёсслар жойлашган. Бу тупроқларнинг юқори қатламларидан карбонатларнинг тўла ювилмаганлиги сабабли, карбонатлилик даражаси анча юқори қатламлардан бошланади.

Лалми тўқ тусли бўз тупроқлар тоғ олди адирлари ва паст тоғларда шаклланган бўлиб, кучли бурмаланмаган рельефда, делювий-пролювий ва элювий туб жинсларида, айрим ҳолларда лёсс ва лёссимон қумоқ ётқиқли она жинсларда ҳосил бўлади. Тўқ тусли бўз тупроқлар ўзига хос хосса ва хусусиятлари билан лалмикор деҳқончиликда фойдаланилаётган бўз тупроқлар минтақаси тупроқларидан ажралиб туради. Карбонатлар юқори қатламларда ҳам сезиларли миқдорда учраб, пастки қатламларда яхши акс этади, асосан оқ доғлар, оқ кўзлар, псевдомицелий ва конкрецияли кўринишда намоён бўлади.

Лалми кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқларда карбонатлар миқдори бўз тупроқларга нисбатан бироз кескин фарқланади. Бу тупроқлар одатда карбонатли нуралиш билан боғлиқ бўлган шароитда вужудга келади ва карбонатлар миқдори тупроқларнинг ҳосил бўлиш ва иқлим шароитига боғланган ҳолда юқоридан пастки қатламларга томон ювилиб туради. Карбонатларнинг ювилиш чуқурлиги карбонатли -иллювиал қатламнинг шаклланиши ёғин-сочин миқдори ва тупроқ қатламларидан ювилиш тезлигига, тупроқ ҳосил қилувчи она жинсларнинг карбонатлилик даражасига, рельеф шароитига ҳамда қиялик экспозициясига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам бу тупроқларда карбонатлар миқдори унинг қайси рельеф шароити ва қиялик экспозициясида ривожланганлигига кўпроқ боғлиқ бўлади.

Тадқиқот ҳудудидан олинган кесмаларидаги CO_2 кабонатлар миқдори лалми типик бўз тупроқларда бутун тупроқ кесмаси бўйлаб бир текисда тарқалган 8,16–8,34 фоиз, тўқ тусли бўз тупроқларни юқори қатламларида 7,10–8,18 фоиз дан қуйи қатламларда 8,26–9,18 фоиз га ортган, кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқларининг юқори қатламларида бу миқдор 8,32–8,77 фоиз га, қуйи қатламларда 9,68–9,73 фоиз га етади. Ўрганилган тупроқ типларида бир хил қонуният сақланган, яъни юқори қатламлардан пастга томон CO_2 миқдори ошиб бориши кузатилади (жадвал).

Карбонатларнинг умумий суммасидан CaCO_3 ни миқдори тадқиқ этилган тупроқларнинг юқори қатламларида 86,6–94,6 фоиз атрофида бўлиб, лалми типик бўз тупроқ-

лардан кучсиз ишқорсизланган жигарранг тупроқларга томон ортиб борган. CaCO_3 ни улуши типик ва тўқ тусли бўз ҳамда кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқларнинг сув айирғичида ва шимолий экспозициясида тупроқнинг барча генетик қатламлари бўйлаб бир текис тарқалган. Жанубий экспозиция тупроқларида юқори қатламлардан қуйи қатламларига томон унинг миқдори ортиб борган. MgCO_3 миқдори типик ва тўқ тусли бўз тупроқларда 0,97–2,54 фоиз атрофида бўлиб, асосан тупроқнинг қуйи қатламларида юқори қатламларга нисбатан ортишини кўришимиз мумкин. Кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқларида MgCO_3 миқдори 1,07 фоиз дан 3,60 фоиз гача ўзгариб туради.

Карбонатлар таркибида MgCO_3 ни улушининг ортиши бу тупроқларда ишқорийлик миқдорининг ортишидан далолат бергани ҳолда, тупроқларнинг барча генетик қатламларида лалми типик бўз тупроқларда 7,44–14,29 фоиз, тўқ тусли бўз тупроқларда 4,79–8,17 фоиз бўлиб, кучсиз ишқорсизланган жигарранг тупроқларга томон камайиб борган 5,36–13,08 фоиз. MgCO_3 нинг улуши барча тупроқларнинг профили бўйича қуйи қатламларига томон 14,29 дан 4,79 фоиз гача камайиб борган.

Жадв.

Ўрганилган лалми тупроқларда карбонатлар миқдори ва таркиби
(фоиз ҳисобида)

Кесма №	Тупроқ номи	Қатлам чуқурлиги см	CO_2	CaCO_3	MgCO_3	Сумма $\text{CaCO}_3 + \text{MgCO}_3$	Суммадан улуши	
							CaCO_3	MgCO_3
3	Типик бўз тупроқ, (сув айирғич)	0-25	8,38	16,48	2,54	19,02	86,65	13,35
		25-64	8,52	17,98	1,50	19,48	92,30	7,70
		64-80	8,29	15,98	1,91	17,89	89,32	10,68
		80-115	8,34	16,78	1,91	18,69	89,78	10,22
		115-150	8,12	15,98	2,11	18,09	88,34	11,66
4	Типик бўз тупроқ, жанубий-шарқий экспозиция 7 ⁰ ўртача эрозияланган (буғдойзор)	0-21	8,16	18,55	1,49	20,04	92,56	7,44
		21-48	8,25	18,76	1,25	20,01	93,75	6,25
		48-70	8,16	18,55	1,69	20,24	91,65	8,35
		70-105	8,52	19,37	1,50	20,87	92,81	7,19
		105-140	8,34	18,96	1,25	20,21	93,81	6,19
5	Типик бўз тупроқ, шимолий экспозиция. 7 ⁰ (лалми буғдой) ўртача ювилган.	0-24	8,43	19,17	1,25	20,42	93,88	6,12
		24-55	8,25	17,76	1,69	19,45	91,31	8,69
		55-77	7,72	17,55	1,50	19,05	92,13	7,87
		77-110	6,70	15,24	2,54	17,78	85,71	14,29
		110-145	7,12	16,19	2,11	18,3	88,47	11,53
6	Тўқ тусли бўз тупроқ сув айирғич (лалми буғдой)	0-25	6,60	15,01	1,02	16,03	93,64	6,36
		25-64	7,92	18,01	1,25	19,26	93,51	6,49
		64-75	7,92	18,01	1,17	19,18	93,90	6,10
		75-95	7,04	16,01	1,18	17,19	93,14	6,86
		95-160	5,72	13,01	1,01	14,02	92,80	7,20
7	Тўқ тусли бўз тупроқ, шимолий экспозиция 7 ⁰ ўртача эрозияланган	0-25	7,10	16,15	0,97	17,12	94,33	5,67
		25-55	8,18	18,60	1,33	19,93	93,33	6,67
		55-83	8,24	18,74	1,40	20,14	93,05	6,95
		83-120	9,18	20,87	1,05	21,92	95,21	4,79

	(буғдойзор)	120-155	8,26	18,78	1,67	20,45	91,83	8,17
8	Тўқ тусли бўз тупроқ, жанубий экспозиция 7 ⁰ ўрғача эрозияланган (буғдойзор)	0-24	7,28	16,55	1,02	17,57	94,19	5,81
		24-50	8,86	20,15	1,25	21,4	94,16	5,84
		50-75	8,86	20,15	1,17	21,32	94,51	5,49
		75-100	8,16	18,55	1,18	19,73	94,02	5,98
		100-150	8,32	18,91	1,60	20,51	92,20	7,80
22	Кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқ, сув айирғич (лалми буғдой)	0-24	8,07	16,23	1,49	17,72	91,59	8,41
		24-46	8,86	16,48	2,32	18,8	87,66	12,34
		46-73	8,86	16,98	2,32	19,3	87,98	12,02
		73-110	8,99	17,13	2,54	19,67	87,09	12,91
		110-150	8,81	16,88	2,54	19,42	86,92	13,08
23	Кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқ, жанубий экспозиция 7 ⁰ ўрғача эрозияланган (буғдойзор)	0-20	8,32	18,91	1,07	19,98	94,64	5,36
		20-45	8,77	19,94	1,49	21,43	93,05	6,95
		45-75	9,68	22,01	3,17	25,18	87,41	12,59
		75-96	9,73	22,12	3,38	25,5	86,75	13,25
		96-140	9,73	22,12	3,60	25,72	86,00	14,00
24	Кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқ, шимолий экспозиция 7 ⁰ ўрғача эрозияланган (буғдойзор)	0-24	8,32	17,37	1,07	18,44	94,20	5,80
		24-45	8,77	17,78	1,49	19,27	92,27	7,73
		45-75	9,68	19,32	1,17	20,49	94,29	5,71
		75-115	9,73	20,24	1,98	22,22	91,08	8,91
		115-150	9,73	20,44	1,60	22,04	92,74	7,26

Тадқиқ этилган тупроқларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири карбонатлар таркибида CaCO_3 миқдорини кўплиги бўлиб, лалми типик бўз тупроқларнинг юқори қатламларида 18,5–18,7 фоиз, қуйи қатламларда 19,3–18,9 фоиз, тўқ тусли бўз тупроқларнинг юқори қатламларида 16,55–18,6 фоиз, қуйи қатламларида 18,7–20,8 фоиз атрофида, кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқларининг юқори қатламларида 18,91–19,94 фоиз атрофида, қуйи қатламларда 22 фоиз атрофида ўзгариб туради.

Бўз тупроқлар минтақаси тупроқларида илювиал карбонатли горизонтлар яққол кўзга ташланади. Буни тупроқларнинг морфологиясида ҳам кўриш мумкин. Бунда карбонатлар конкрециялар, псевдомицелий, оқ доғлар кўринишида, типик бўз тупроқларда карбонатлар оқ кўзанақлар (конкрециялар) кўринишида намоён бўлади.

Карбонатли горизонтлар типик ва тўқ тусли бўз тупроқларда 15–20 смли қатламларда бошланади. Қуйи 90–120 смли қатламларда карбонатлар миқдори кескин камайишини кўриш мумкин. Эрозия таъсирида бўлган тупроқларда карбонатли қатламлар юзага кўтарилишини кўриш мумкин. Буни шундай изохлаш мумкинки, эрозия жараёнлари натижасида тупроқларнинг устки унумдор қатламининг ювилиб кетиши натижасида карбонатли қатламларнинг юзага чиқиб қолади.

ХУЛОСА

Демак, тадқиқ этилган лалмикор деҳқончиликда кенг фойдаланилаётган типик, тўқ тусли бўз ва кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқларининг карбонатлар миқдори ва таркибига оид маълумотлар шундан далолат берадики, карбонатларнинг умумий миқдори типик бўз тупроқлардан кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқларига томон ортиб боради. Шунингдек, карбонатлар миқдори тупроқ типи, она жинси ва эрозияланганлик даражасига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради.

MgCO_3 миқдори типик ва тўқ тусли бўз тупроқларида 0,60–1,68 фоиз атрофида. Кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқларида унинг миқдори сезиларли ортади,

яъни 2,32–3,60 фоиз. Барча тупроқларда умумий карбонатлар улушида CaCO_3 миқдори MgCO_3 миқдоридан 6–20 баробар устунлик қилади.

Ўрганилган тупроқларда магний карбонати миқдори оз бўлишининг асосий сабаби, кальций карбонатага нисбатан унинг кам ҳаракатчанлигидир. CaCO_3 карбонатининг миқдори куйи, яъни карбонатли иллювиал қатламларда энг кўп (19,7–22,12 фоиз)лиги билан характерланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аранбаев М.П. Сероземы и светло-коричневые сухостепные почвы Центрального Копет-Дага. – Ашхабад, 1969, – С. 111–113.
2. Кудрин С.А. О методике определения в почвах карбонатов кальция и магния. Почвоведение. – №9, 1938. – С. 1191–1194.
3. Кугучков Д.М. О карбонатном соленакоплении в почвах Узбекистана Изв. АН УзССР, 1953, – № 2.
4. Узаков П.У. Карбонатное засоление (CaCO_3 и MgCO_3) и его распространение в почвах Зарафшанской долины. //Почвоведение. – №12, 1961.
5. Почвы Узбекской ССР. Т. I, – Москва, 1949, – С.145–149.
6. Розанов А.Н. Сероземы Средней Азии 1951, – С. 351–358.
7. Рыжов С.Н., Ташкузиев М.М. Состав и миграционный ряд основных химических элементов типичного серозема. – Ташкент, 1976. – С. 54–60.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Сангзор ҳавзасида вертикал минтақавийликда тарқалган лалми типик, тўқ тусли бўз ва кучсиз ишқорсизланган тоғ жигаранг тупроқларида карбонатларнинг тарқалиши, уларнинг миқдори ва таркибига оид янги маълумотлар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приведены новые сведения, полученные в результате исследований распространения, содержания и состава карбонатов в богарных типичных, темных сероземах и горно-коричневых слабовыщелоченных почвах, расположенных по вертикальной зональности бассейна реки Санзар.

SUMMARY

In this article now data on distribution of carbonates, their quantity and content in rainfed typical, dark serozem and slightly alkaline mountain brown soils of vertical zoning of Sanzar basin are given.

Нашрга доц. М.Ҳакимова тавсия этган

ТИЛНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ЖИХАТДАН АҲАМИЯТИ

Ахмедов А.Б. (ҚарДУ)

Тил ва маданият муносабати масаласи ҳозирги замон тилшунослигида катта қизиқиш уйғотмоқда. Самарқанд давлат чет тиллар институти профессори Т.А.Бушуйнинг “Тил ва маданият” [Тошкент: Фан, 2017. – 184 б.] номли монографияси айнан ушбу мавзуга бағишланганлиги билан эътиборга молик.

Монографияда тил ва тафаккур, оламни акс эттиришда маданиятнинг ўрни, тилнинг миллий-маданий жиҳатдан аҳамияти, этнолингвистика ва лингвокультурология, тил меъёри, тилнинг лексик ва фразеологик қатлами билан маданият ўртасидаги муносабат каби масалалар илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Тил маданиятни акс эттириш, эгаллаш, англаш ва ривожлантириш, шунингдек, унинг турли соҳаларида мулоқот қилишда муҳим восита ҳисобланади. Бу жараёнда тиллар ва маданиятлар типологияси ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд эмас.

Тил – жамиятнинг маънавий маданияти компонентларидан бири. У тафаккурга маълум даражада таъсир кўрсатса-да, жамиятнинг моддий ва маънавий маданияти характерини тубдан ўзгартира олмайди. Шунингдек, у инсон тафаккури билан ҳам бевосита боғлиқ. Инсон тафаккури тил каби ижтимоий тараққиёт маҳсули.

Ҳар қандай тилнинг ўзига хослиги жамият моддий ва маънавий маданиятининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Бу ҳолат аккумуляция (маданий жиҳатдан мослашув жараёни)да тил аспектидаги социоллингвистика доирасида ўрганиш орқали турли маданиятларнинг ўзаро таъсири ва алоқасининг долзарблигини белгилайди.

Маҳаллий ва Ғарбий Европа тилларининг бир вақтда қўлланиши билан боғлиқ тилга хос хусусият жаҳоннинг ривожланаётган аксарият мамлакатлари учун хос. Улардан биринчиси маҳаллий аҳолининг анъанавий маданияти билан боғлиқ бўлса, иккинчиси хориж давлатлардан кириб келган маданий қатламлар билан боғлиқ.

Монографияда тил ва маданият соҳаларининг ўзаро муносабати ўрганилган.

Шуни эътиборга олиш керакки, айрим маданий ҳодисалар табиий тилга эҳтиёж сезмайди (тасвирий санъат, мусиқа, хореография). Бошқалари бутун тил тизимидан эмас, балки унинг махсус микротизмларидан фойдаланади. Масалан, бадий адабиёт ва илмий асарлар тили. Улар ўзига хос тил услубларига эга.

Юқоридаги фикрлардан аёнки, тил ва маданият муносабати қисм ва бутун муносабатидан фарқ қилади.

“Сўз воқеликдаги предмет ва ҳодисаларнинг фақат ўзинигина ифода этмайди, балки уларни инсон каби олам манзараси таъсири остида кўради. Зеро, инсон онги индивидуал тажриба таъсири орқали, шунингдек, инкультурация натижасида, яъни ўзидан олдинги авлодлар тажрибаси орқали ҳам шаклланади. Шунинг учун ҳам тил воқеликни автоматик тарзда акс эттирувчи ойна эмас, балки инсон у орқали оламни кўрадиган ва ҳар бир маданиятда ўзига хос бўлган призма ҳисобланади. Тил, тафаккур ва маданият ўзаро шунчалик боғлиқки, улар амалда бир бутунликни ташкил этади”.

Умумий тилшунослик тил маданиятлари ўртасида фарқларнинг юзага келишини улар орқали ифода этилган фикрга кўра ўрганади. Бунинг асосий сабаби тилда қўлланилган нутқ услубларидир.

Ҳар бир нутқ услуби миллий ижод турларининг мажмуига асосланади. Тил ижодиётнинг нутқ услуби турларига қанчалик бой бўлса, матнда ифода этилган фикр ва ҳис-туйғулар шунчалик ранг-баранг бўлади.

Нутқ услуби тарихий бўлиб, бу ўринда тарихийлик нутқ услуби маданияти таркибига изчиллик билан, яъни оғзаки ва ёзма шаклдан тортиб босма оммавий мулоқот шаклигача киритилганида намоён бўлади.

Умумий тилшунослик фанида услубий шакл назарияси ишлаб чиқилмоқда. Монография муаллифининг таъкидлашича, бу назариянинг вазифаси турли маданиятларда нутқ маданиятининг келиб чиқиши ва тараққиётини тарихий нуқтаи назардан ўрганиш ва ижтимоий тараққиётда тутган ўрнини белгилашдан иборат.

Муаллиф фикрича, тилдан мақсадли фойдаланиш идеали бу ахборотнинг аниқлиги, тўлиқлиги ва бойлигидир. Нутқ маданияти ва назариясининг асоси тилдаги ўзгаришларга баҳо беришдан иборат. Кенг маънода эса уни тил тараққиётининг барча мураккаб масалалари ташкил этади.

Тилда содир бўладиган янги ҳодисаларга тил маданияти нуқтаи назаридан баҳо беришда проф. Т.А.Бушуй қуйидаги принципларга таянган: янги сўзга бўлган эҳтиёжни асослаш; маъно ва аниқликнинг ўзаро мослиги; шаклларнинг тўғрилиги; услубий хослашнишга баҳо бериш; ифода бойлиги; фикрни лўнда ифодалаш; оҳангдорлик; бадийлик.

Тил материални ўрганиш асосини тараққиётнинг умумий назарияси қонуни ташкил этади. Бу қонун нутқ маданияти масалаларини ўрганишнинг методологик базаси сифатида тилнинг мазмун ва моҳиятига тўла мос келади. Шу ўринда, янгидан киритилган ифода воситалари тилни қай тарзда “бойитиши”га алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Тил маданиятини ўрганиш, аввало ижтимоий амалиёт жараёнида шаклланган ва жамият томонидан эътироф этилган тил меъёрлари ва луғат бойлигини аниқлашдан иборат. Уларнинг вазифаси тил воситасида фикрлашнинг мантиқий раволигини, мазмунан аниқлигини таъминлашдир. Тил меъёрини сақлаш ва барқарорлаштиришда орфография, орфоэпия, морфология, синтаксис, семантика каби соҳаларнинг ўрни алоҳида. Нутқ узуси адабий тил қўлланиш доирасининг кенгайиши, миллий тил вариантларининг интеграцияси, адабий тил ва диалект (шевэллар) орасидаги фарқнинг камайиб бориши, тилнинг “касбийлашуви”, яъни маълум фаолият соҳаси талабларига мослашуви каби социолингвистик омилларнинг ҳаракатчанлигига боғлиқ.

Тил меъёрини аниқлаш ва фарқлашда муаллиф қуйидаги фикрларни илгари суради: 1) тил кўп қатламли ва кўп тармоқли қурилма. Бу қурилма яхлит воқелик сифатида доимий ривожланишда. У ҳар доим мулоқот жараёни осон кечишини таъминлаш имкониятига эга; 2) тил меъёри тил тизимида мавжуд бўлган имкониятлар ичидан саралаб олинган бирликлар мажмуидир; 3) тил меъёри муайян узусга асосланади; 4) тил меъёридаги ўзгаришлар мазкур тилда сўзловчи жамият аъзоларининг коммуникатив эҳтиёжлари ўзгариши сабабли юзага келиши мумкин; 5) тил воқелигида мулоқот муҳитига мос ҳолда фарқланадиган меъёр бир қатор ўзига хос белгиларга эга бўлган катталиқдир; 6) тил меъёрларини фарқлаш ва уларнинг хусусиятларини тушуниш учун фарқловчи белгилар икки турда бўлишини эътиборга олиш лозим: а) турли соҳалар бўйича фарқлаш (диалект меъёри, сўзлашув нутқи меъёри, адабий тил меъёри ва ҳ.к.); б) хусусиятига кўра фарқлаш (вариантли ва вариантсиз меъёрлар, зарурий ва факультатив меъёрлар ва ҳ.к.)

Лингвокультурологик муносабатларни объектив қонунлар асосида ўрганишда миллий тиллар тизимининг семантик хусусиятидан келиб чиқиш зарур. Тилнинг миллий-маданий жиҳатдан ўзига хослиги, аввало ижтимоий лексиканинг мавзуй гуруҳларида қузатилади.

Дарҳақиқат, ҳозирги инглиз тили сўз семантик таркибида мавжуд баҳо тил коллективининг сўзга мос келувчи тушунчага муносабатини ўзига хос тарзда ифода этганига гувоҳ бўламиз. Тил коллективининг барча аъзолари учун зарур бўлган баҳо ижтимоийдир, чунки у тил коллективи ёки унинг бир қисмининг баҳо объектига нисбатан баҳо муносабатини ифодалайди.

Бундай ижтимоий хосланган лексика тил коллективининг ўтмиш ва бугунги кун нуқтаи назаридан берган баҳосининг ифодасидир. Баҳо потенциални эгаллаш ва ўзгартириш билан боғлиқ сабаб ва воситалар турли хил. Бош омил – бу тил коллективининг ижтимоий шароити. Шу билан бирга, бу жараёнда инсоннинг ўзи ҳам баҳоланади.

Баҳо бериладиган ҳодисалар орасида умуминсоний ахлоқ нормалари алоҳида аҳамиятга эга. Бу нормалар ҳар қандай жамиятга хос бўлиб, миллий тараққиётнинг хусусиятларига боғлиқ. Масалан, инглиз жамияти сиёсий ҳаётининг салбий жиҳатлари қуйидаги баҳо лексикасида ўз аксини топган: *backstairs politics* (нафратланиш билан берилган баҳо “махфий сиёсат”), *wag-jittery* (илтифотсизлик билан берилган баҳо “ҳарбий психоз (руҳий касаллик)дан қийналаётган киши”), *politicking* (салбий баҳо “сайловчилар овозини олиш учун, асосан погон таққан ҳолда сиёсий фаоллик кўрсатиш”).

Муайян тилнинг семантик жиҳатдан ўзига хос томонлари конфронтация (қарама-қаршилик) усулини қўллаш орқали намоён бўлади.

Дарҳақиқат, рус ва инглиз тилларини қиёслашда индивидуал тил хусусиятлари яққол намоён бўлади, масалан, шахс отлари намунасида қиёслаймиз: “друг”, “товарищ”, “приятель”, “коллега”, “компаньон”, “партнёр” // *associate, companion, comrade, crony, pal, buddy, chum, colleague, partner, friend, accomplice* гуруҳлари; шунингдек, қариндошлик атамалари, ижтимоий мансублик билан боғлиқ номлар ва шу кабилар орқали.

Бундай маълумотлар таржимашуносликда улкан амалий аҳамият касб этади.

Концептуал майдон чегараси анъанавий мантикий-индуктив усул орқали аниқланади. Бу аниқ тушунча билан ўзаро боғланган лексик бирликни бирлаштирувчи тузилма ҳисобланади. Масалан, фойдали маҳсулотни (тўғри ва кўчма маънода) ишлаб чиқариш билан боғлиқ зўр бериш маъносидаги меҳнат тушунчаси. Бу ҳолда “алоҳида фразеосемантик қисмлар таҳлили дастлабки доминанталар келтириб чиқарадиган имкониятларга асосланади. Доминанталар ва уларнинг ҳосилалари ўзаро алоқага киришган тиллардаги семантик эквивалентлар билан қиёсланади, яъни тизимли равишда тартибланган лексик-фразеологик материалнинг тарихий нуқтаи назардан таҳлили муайян умумий семантик қолип бирликлари типологиясини қидириб топишни тақозо этади” (Бушуй А.М. Разработка исторической лексикологии и фразеологии восточнославянских языков // Актуальные проблемы исторической лексикологии и лексикографии восточнославянских языков. Часть 1. – Днепропетровск: ДГУ, 1988. – С.92).

Шундай қилиб, монографияда тил ва маданият муносабати масаласи маданиятнинг кўп қиррали ва кўп аспекти ҳодиса эканлигини ҳисобга олган ҳолда ўрганилган. Шу сабабли тилнинг мураккаб тизим сифатида маданиятнинг турли қисмларига турлича муносабатда бўлиши аниқланган. Лекин тилнинг маданият соҳаларига таъсири (ижтимоий структурага таъсири каби) ҳал қилувчи характерга эга эмас.

Маданиятнинг ахборотга оид тавсифига баҳо беришда маданиятни ижтимоий ахборот, уни сақлаш, узатиш ва қайта ишлаш усуллари билан айнан бир деб ҳисобламаслик керак. Бундай тавсиф маданиятнинг ижтимоий фаолиятни амалга ошириш ва моддий жиҳатдан таъминлаш каби вазифаларини акс эттирмайди, шунингдек, инсонга хос хусусиятлар ва соф биологик тизимни чегаралаш имконини ҳам бермайди. Бу жиҳатдан инсоннинг ўзига хос хусусияти унда нафақат жамоага хос ижтимоий хотиранинг борлиги, балки жамоавий ахборотни (яъни тилни) тўплаш, сақлаш ва узатиш воситаларининг махсус тизими мавжуддигидир.

**“ҚарДУ хабарлари” илмий-назарий, услубий журналида
мақола чоп этиш учун қўйиладиган
ТАЛАБЛАР**

1. Мақола сарлавҳаси бош ҳарфлар билан ўртада ёзилади.
2. Муаллиф фамилияси тўлиқ, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари, ундан кейин у ишлайдиган ОТМнинг номи қавс ичида берилади.
3. Таянч сўз ва иборалар келтирилади.
4. Мақола матни Times New Roman ёзувида, 14 шрифтда, 1,5 интервалда 6–10 саҳифа ҳажмида, чапдан 3, ўнгдан 1,5, юқори ва пастдан 2 см қолдирилиб ёзилади.
5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати рақамланган ҳолда мақола сўнггида берилади. Унда адабиётдан олинган саҳифалар ёки шу манбанинг умумий ҳажми кўрсатилиши шарт. Матн ичида керакли ўринларда талаб этилаётган адабиётнинг рақами, ундан кейин икки нуқта қўйилиб, фойдаланилган бетлар ёзилади ва катта қавс ичига олинади ([1:176] тарзида).
6. Ҳавола (сноска)лар ҳар бир бетнинг пастида, рақамланган ҳолда берилиши керак.
7. Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзилиши мумкин.
8. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида резюме бўлиши шарт.
9. Муаллиф фаолият кўрсатадиган илмий муассасанинг услубий семинари ёки кафедра йиғилишининг мақолани нашрга тавсия этганлиги ҳақидаги қароридан кўчирма талаб қилинади.
10. Муаллиф фаолият кўрсатадиган илмий муассасанинг тўлиқ манзили, шахсий телефон рақами ҳамда электрон почтаси кўрсатилиши лозим.
11. Мақола qarduxj@qarshidu.uz ёки qarduxj@umail.uz электрон почталари орқали жўнатилади.
12. Қўлёзма ҳуқуқидаги мақолалар муаллифларга қайтарилмайди.
13. Қўшимча ахборотларни +998904413373 телефон рақами орқали олиш мумкин.

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА

- Миқимов А.Н** Ikkinchi tartibli tenglamalar uchun chegaraviy masalaning umumlashgan va kuchsiz yechimlari..... 3
- Маллаев А.С.** О дефектах структуры и процессах слицидообразования в тонкопленочных многокомпонентных системах имплантированных слоев..... 6
- Вардияшвили А.А., Абдурахмонов А.** Массоотдача в параболоцилиндрическом гелиоопреснителе с испарительно-конденсационным контуром..... 13
- Норов А. М., Каримов Қ.М., Муродов Ш.А.** Ўзбек тили транскрипция белгиларини компьютерли моделлаштириш..... 18

КИМЁ

- Кодиров А.А., Элмуродов А.А., Абдуғаффоров А., Муродов М.** α -аминонитриллар тузилишини рентген анализ усулида ўрганиш..... 23
- Жавлиев Ф.Б., Камолов Л.С.** Изучение процессов применения и регенерации абсорбента метилдиэтанолamina при очистке природного газа..... 26
- Qarshiyev M.T., Dilmurodova F.G.** Epixlorgidrinni kremniy saqlovchi moddalar bilan reaksiyasini o'rganish..... 31

БИОЛОГИЯ

- Шеркулова Ж.П., Бойсунов Б.Х., Полвонов Ф.И.** Қашқадарё воҳаси шароитида интродукция қилинган манзарали дарахт ва буталарда учрайдиган Ascomycota бўлими Dothideomycetes синфи микромицетлари..... 34
- Шакиров З.С., Сафаров И.В.** *Chlorella*, *Chlorococcum* ва *Scenedesmus* авлоди микросувўтларининг морфологик-физиологик тузилиши ва айрим хусусиятлари..... 41
- Хўжаназаров Ў.Э., Мирхамидова П., Валиханова А.К.** Жануби-ғарбий Зарафшон тизмаси Қашқадарё хавзасидаги доривор ўсимликлар таркибидаги флавоноидларни аниқлаш..... 44
- Аликулов Б.С., Исмаилов З.Ф.** Гидролиз биомассы галофитных растений Центральных Кызылкумов разбавленной серной кислотой..... 48

ТАРИХ

- Бўриев О.Б., Нарзуллаев Ў.М.** Термиз шаҳри ва вилоятининг тарихий географик шарҳи..... 53
- Акматамов О.** Қашқадарё воҳасида жамоалаштириш сиёсати ва унинг оқибатлари..... 56
- Аҳмедов Б.** Ўзбекистонда қорақўлчилик соҳаси тарихи..... 59
- Полвонов К. Н.** XX асрнинг 70–80-йилларида Қашқадарё вилояти шаҳарлари аҳолисининг уй-жой билан таъминланиш муаммолари..... 63
- Тўхтамишева Ф.** Ўзбекистонда мустақиллик йилларида миллий хунармандчиликнинг ривожланиши (қаштачилик мисолида)..... 67
- Рашидова Ф.Ш.** Отношения Узбекистана с Италией в сфере малого бизнеса и частного предпринимательства..... 70
- Худойқулов Т.Д.** Муҳаммадҳакимхоннинг «Мунтахаб ут-таворих» асари ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишда муҳим манба..... 74

ФАЛСАФА

- Очиллов Ж.А.** Техноген цивилизация жамиятдаги маънавий-маданий ўзгаришларга таъсири..... 81
- Чориев С. И.** Каримов асарларида ҳозирги замондаги геополитик мақсад-муддаолар талқини..... 84
- Айматов А.** Табиатга маънавий-эстетик муносабатни ривожлантиришда экологик

маданиятнинг роли.....	86
Эркаев А. Ислом Каримов – Ўзбекистонда туб ислохотларни амалга ошириш назарияси асосчиси.....	91
Жабборова А. Ғ. Миллий ғоя ва маънавиятнинг ўзаро боғлиқлиги.....	95
ФИЛОЛОГИЯ	
Раҳматуллаева Ш. Грамматик маъно воқеланишида ижтимоий-лисоний омиллар яхлитлиги.....	99
Шодмонова Д. Абдулла Орипов шеъриятида қўлланган метафораларнинг бадиий-эстетик хусусияти.....	103
Имомова Г. Ҳикоя жанрида хронотоп.....	106
Файзуллаева Р. А. Автограф матнда муаллиф изоҳининг аҳамияти.....	110
Қаҳҳорова Ш. Тасаввуфда шариат талқини.....	113
ПЕДАГОГИКА-ПСИХОЛОГИЯ	
Алимова Ф. А. Электронные образовательные ресурсы при обучении неорганической химии в педвузах.....	117
Ishmuradova G.I., Mirzaeva G.M. Materialshunoslik fanini o`qitishda integrativ yondashuvlardan foydalanish.....	120
Hoshimova S.A. O`zbek folklor qo`shiqlari vositasida o`quvchilarning estetik madaniyatini shakllantirish.....	125
ГЕОГРАФИЯ. ЭКОЛОГИЯ	
Ҳақубов Т.В., Абдуллаев С.И. Қишлоқ хо`жалигида yer resurslaridan foydalanishning ekologik jihatlari.....	129
Тошқўзиев М.М., Шадиева Н.И. Сангзор ҳавзасида тарқалган тупроқлар карбонатлар микдори ва таркиби.....	133
ТАҚРИЗ	
Ахмедов А.Б. Тилнинг миллий-маданий жиҳатдан аҳамияти.....	138

Илмий-назарий, услубий журнал

Мусахҳиҳлар: Д.Шодмонова
А.Убоженко
Саҳифаловчи Я.Жумаев
Навбатчи Т.Жумаев
Техник муҳаррир М.Раҳматов

Муассис: Қарши давлат университети

**Журнал Қашқадарё вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 17.09.2010
йилда № 14-061 рақамли гувоҳнома билан
қайта рўйхатдан ўтган.**

Теришга 09.12.2017 йилда берилди.
Босишга 28.12.2017 йилда рухсат этилди.
10.01.2018 йилда босилди.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84x108/16.
Times New Roman гарнитураси.
Нашриёт ҳисоб табағи 11,92.
Буюртма рақами: № 03.
Адади 100 нусха. Эркин нарҳда.

**Қарши давлат университети кичик босмахонасида чоп этилди.
Манзил: 180003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17.**

Индекс: 4071